

Т. Н. Өмүрбеков  
Т. К. Чоротегин

# ҚИРҒИЗИСТОН

## ТАРИХИ



# 8



*Ормонхон*



*Қуравонхон доҳоқ*



*Каликул Бой ўғли*



*Арстанбек Буулдуз ўғли*



*Нурмолдо Наркул ўғли*



*Тайлак ботир*



Т. Н. ӨМҮРБЕКОВ, Т. К. ЧОРОТЕГИН

# ҚИРҒИЗИСТОН ТАРИХИ (XIX аср)

*Ўрта умамтаълим мактабининг 8-синфи учун дарслик*

*Қирғизистон Республикасининг Таълим ва  
фан вазирлиги томонидан тасдиқланган*

Қайта ишланиб, тўлдирилган иккинчи нашридан таржима

ЎШ — БИШКЕК  
2009

УДК 373.167.1  
ББК 63.3(2Ки)Я721  
Ө — 99

### Масъул муҳаррирлар:

тарих фанлари доктори, профессор, Қирғизистон Республикасининг Давлат мукофоти лауреати, Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби

*Қушбек Усенбаев,*

тарих фанлари доктори, профессор *Өскөн Осмонов,*

тарих фанлари доктори, профессор *Аблабек Асанканов.*

### Тақризчилар:

тарих фанлари доктори, профессор *Закирбек Эралиев,*

тарих фанлари номзоди *Асқар Беделбаев*

Кўлингиздаги ушбу дарслик **Қирғиз-Ўзбек университети** тасарруфидаги Қирғизистон Республикасидиги ўзбек мактаблари учун “**Дарсликлар яратиш маркази**” томонидан тайёрланди. Дарслик қисқа муддатда тайёрланганлиги учун имло хатоларидан холи эмас. Шу боис дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни университет раҳбариятига ёки “**Марказ**” маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

*Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтиев  
кўчаси, 27-уй.*

Ўзбек тилига *т.ф.н., доц., Равшанбек Акбаров* таржима қилган.

Муҳаррирлар: *М. Т. Мамасаидов,* **О. Х. Худайбердиев.**

Өмүрбеков Т. Н., Чоротегин Т. К.

Ө — 99 Қирғизистон тарихи (XIX аср): Урта мактабининг – 8-синфи учун дарслик. — Б.: 2009 - 176 б.

УДК 373.167.1  
ББК 63.3(2Ки)Я721

ISBN 978-9967-442-23-8  
Ө 4306020600-10  
ISBN 978-9967-442-23-8

© Т. Н. Өмүрбеков, Т. К. Чоротегин, 2009  
© КР Билим берүү жана илим министрлиги, 2009  
© «Азур» НУ, 2009

# МУНДАРИЖА

## **I боб. Қирғизлар ва Қирғизистон Қўқон хонлиги таркибида**

- 1-§. Қўқон хонлиги ва Жанубий Қирғизистоннинг хонликка қўшиб олиниши.....5
- 2-§. Шимоллий Қирғизистоннинг Қўқон хонлигига қўшиб олиниши. Қирғиз-рус элчилик алоқалари..... 9
- 3-§. Қирғизларнинг Қўқон хонлиги давридаги сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳволи.....16

## **II боб. Жанубий Тангритоғ халқларининг цинь-манчжур ҳукмронлигига қарши озодлик кураши**

- 4-§. Шарқий туркистонлик маҳаллий халқ устидан цинь ҳокимлари миллий зулмининг кучайиши.....26
- 5-§. Жаҳонгирхўжанинг ҳаракати ва қирғизлар. Суранчи.....30

## **III боб. Қирғизларнинг XIX аср ўрталаридаги мустақиллик учун кураши. Ҳазорат феодал низолар**

- 6-§. Қирғиз халқининг Қўқон хонлигига қарши кураши .....37
- 7-§. Шимолий Қирғизистондаги қабилалараро низоларнинг кучайиши. Боронбой. Ормонхон.....43
- 8-§. Кенесари Қосимовнинг (хан-Кене) босқинига қарши Шимолий Қирғизистондаги озодлик ҳаракати.....49
- 9-§. Қирғизларнинг қўқонлик мансабдорларга қарши 40 — 50-йиллардаги к кураши.....56
- 10-§. Қўқон хонлигида ички феодал низоларнинг авж олиши.....59

- 11-§. Қирғизларнинг бир қисмининг Россия билан яқинлашуви.....63

## **IV боб. Қирғиз халқининг XIX аср биринчи ярмидаги маданияти**

- 12-§. Оғзаки ва ёзма маданият. Мусиқа.....68
- 13-§. Халқ билимлари. Диний эътиқодлар. Халқ ўйинлари. Моддий маданият.....75

## **V боб. Қирғизистон — Россия империясининг мустамлакаси**

- 14-§. Шимолий қирғиз қабилаларининг Россияга бўйсундирилиши .....83
- 15-§. Чуй ва Талас водийларидаги қирғиз уруғларининг Россия империяси тасарруфида қолиши.....87
- 16-§. Марказий Тангритоғ қирғизларининг бўйсундирилиши.....97
- 17-§. XIX асрнинг 60-йилларидаги жанубий қирғизларнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи ..... 103

## **VI боб. Шарқий Туркистон халқларининг Цинь империясига қарши миллий-озодлик ҳаракати**

- 18-§. Ганьсу, Шэньси, Синьцзян худудларидаги дунганлар кўзғолони. Ёқуббек ва унинг “Етти шаҳар” давлати.....115
- 19-§. Дунган, қалмоқ ва уйғур халқларининг Еттисувга кўчиши. Бий Янху.....119

## **VII боб. Жанубий Қирғизистоннинг Россия таркибига киритилиши**

- 20-§. Қўқон кўзғолони (1873 — 1876) ..... 124

21-§. Халқ ҳаракатининг иккинчи босқичи .....131

22-§. Жанубий Қирғизистон бўйсундирилишининг тўла тугалланиши.....135

### **VIII боб. Қирғизистон XIX асрнинг охири чораги - XX аср бошида**

23-§. Подшо Россиясининг маъмурий, аграр ва солиқ сиёсати.....143

24-§. Қирғизистоннинг Россияга қаратилгандан кейинги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти.....148

25-§. Андижон кўзғолони .....154

### **IX боб. Қирғизистон халқининг XIX**

### **аср иккинчи ярми - XX аср бошидаги маданияти**

26-§. Мустамлака (колония) давридаги қирғиз халқининг меросий маданияти.....159

27-§. Маданиятдаги янги кўринишлар.....166

Хотима.....172

Хронолик жадвал.....173

Синфдан ташқари ўқиш учун адабиётлар.....176

# И. БОБ. ҚИРҒИЗЛАР ВА ҚИРҒИЗИСТОН ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРКИБИДА

## 1-§. Қўқон хонлиги ва Жанубий Қирғизистоннинг хонликка қўшиб олинishi


Жанубий Қирғизистоннинг хонликка қўшиб олиш жараёнининг бориши. Қўқон ҳукмдорлари ҳар доим қирғизлар ерига кўз олайтириб, улар устидан ҳукмронлик қилишга интилиб келишган. Бундай мақсадларини амалга оширишни улар дастлаб Қўқонга қўшни жойлашган ажойиб, гўзал водийларда яшаётган қирғизларга хавф солиб, кетма-кет ҳужумлар уюштириш билан бошлашади. Бироқ қирғизларни тобе қилиш осонликча амалга ошмади. Жанубий Қирғизистонни бўйсундириш учун бўлган кураш узокка чўзилиб, деярли 60 йил вақтни ўз ичига олади (1762 — 1821).

XVIII асрнинг 60-йилларида Қўқон ҳукмдорларидан бири **Эрдонабийнинг** Фарғонадаги муваффақиятли ҳарбий ҳаракатлари ва истилочилик сиёсати натижасида Қўқон давлатининг ҳудудлари кенгайиб, таъсири кучайди, қудрати ортди. Шундай вазиятда Қўқон ҳукмдори қирғиз қабилалари билан аввалги иттифоқни бузиб, уларни зўрлик билан бўйсундириш ва қирғиз ерлари ҳисобига ўз ҳудудини кенгайтиришга бор кучини сарфлайди. Қўқон ҳукмдорлари билан қирғиз бийлари ўртасидаги муносабатлар йилдан-йилга кескинлашаверди.

**Қўқон лашкарларининг дастлабки юришлари. Ажи бий.** 1762-

йилда адигине қабиласининг бийлари **Маматқулбий** билан **Арзиматбий** Қўқон ҳукмдорига қарши кескин кураш бошлашга бел боғлаб, сарибағиш бийлари Черикчи билан Темиржонга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилишади. Бироқ уларнинг ўй-мақсадлари амалга ошмади, чунки сарибағиш бийлари иттифоққа келиша олмадилар. Қўқонга ҳужум қилиш у ёқда турсин, қирғиз бийларининг боши қовушмасдан, ўзаро ички низо-лар кучайиб кетди. Мана шундай вазиятдан фойдаланиб, Эрдонабий 1762 йилда Ўзган ва Ўш шаҳарларига ҳужум уюштиради. Жанг пайтида Қўқон аскарларига ичкилик, мўғул қабилаларининг оқсоқоли, машхур **Ажибийнинг** қўшини қаттиқ қаршилик кўрсатди. Бир неча марта бўлган жанглардан кейин кўп талафотларга учраган қирғизлар қўшини тоғ томонга чекинади. Уша йиллик қушчи қабиласидан бўлган Норбўтабий Эрдонага бўйсундиришни хоҳламай, у билан очиқ курашишга кучи етмаслигини англагач, ўз қабиласини эргаштириб, Шарқий Туркистонга кўчиб кетади. У томонларда Норбўтабий қўқонликлардан қолишмайдиган ёв — манҷурларга дуч келиб, ордан уч йил ўтгач, элини бошлаб Фарғонадаги ўз она юртига қайтиб келишга мажбур бўлади.

<sup>1</sup> Маматқул бий – XVIII асрнинг 20-30-йилларда калмак хонларининг босқинчилиги кучайганда Фарғона, Ҳиссар, Қулобга кўчган шимолий қирғизларнинг патташ бу вақтда (50-йиллар охири – 60-йиллар боши қирғизларнинг патташ) унинг ёши 90 ўтган эди.



*XIX аср бошида Кўқон хонлигининг қучайиши*



1764 йилда Қўқон ҳукмдори Хўжандга юриш қилганда, ҳимоясиз қолган Қўқон худудига Ажибий тўсатдан ҳужум қилади. Ўшанда Қўқон аскарлари ярим йўлдан қайтиб, қирғизлар билан жанг қила бошлашади. Жанг натижасида қирғиз кўшини мағлубиятга учраб, Ажибий асирга тушади. Аммо у кўп ўтмай асирликдан қутулиб, аскар йиғади ҳамда Қўқон хонлигига қаршилик кўрсатиб, ғалабага эришади. Натижада Ўш худуди қайта қирғизлар тасарруфига ўтади.

Қўқон ҳукмдорлари баъзан қирғизларни тинчлик йўли билан ўз томонига оғдириш учун уларга турли мансаблар, унвону – даражалар берар, солиқларни енгиллатиб, яхши яйловларни ваъда қилишарди. Натижада айрим қирғиз қабилалари ўз ихтиёри билан хонлик тасарруфига ўтган. Аммо Жанубий Қирғизистоннинг кўпплаб худудлари куч билан бўйсундирилгани шак-шубҳасиз. Аммо хон ҳокимиятини хоҳламаган, лекин унга қаршилик кўрсатишга қурби етмаган қирғиз қабилалари Қирғизистоннинг шимолига кўчиб кетишган.

80-йилларга келиб Қўқон хонлиги фарғоналик қирғизларнинг анча қисмини, Чирчиқ дарёсининг орқа томонидаги қирғизларни бўйсундиришга улгуради. Аммо Фарғонадаги тоғ этакларини эгаллаган қирғиз қабилалари билан олайлик қирғизлар хали ўз мустақиллигини сақлаб туришар эди. Уларни Қўқон хонлари XVIII аср охири — XIX аср бошларида турли хийла-найранглар ҳамда куч ишлатиш орқали аранг ўз таъсири доирасига оғдира олди.

Ўш дастлаб бўйсундирилганда Андижон вилоятига кирган. Кейинчарок

Ўш худуди мустақил вилоят бўлиб ажралиб чиқади. Ўш билан Олайда ўз таъсирини мустақкамлагандан кейин, Қўқон ҳукмдорлари Жанубий Қирғизистоннинг бошқа худудларига, Кетмонтепа ва орқалик қирғизлар томонга босқинчилик ҳаракатларини давом эттиришган.

**Кетмонтепалик қирғизларнинг бўйсундирилиши. Сатике.** Қўқон хонлиги Норбўтабий (1770 — 1800), Олимхон (1800 — 1809) ҳукмронлик қилган йилларда Кетмонтепа водийсига тез-тез ҳужум уюштириб, бу худудда яшаётган қирғизларни анча вақтгача бўйсундира олмади. Кетмонтепага **Умархон (1809 — 1822)** ҳам кўз олайтирган. Кетмонтепалик қирғизларнинг қўқонлик босқинчиларига қарши курашига **Сатике** деган серғайрат ва қатоиятли киши бошчилик қилди.

1821 йилнинг кишида, кўчманчилар учун ўта ноқулай пайтда Умархон Кетмонтепага ҳарбий юриш қилади. Қўқон лашкарлари бунгача қирғизларга талайгина талафот етказиб, кўчманчилар билан жанг қилишнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштирган таниқли аскарбоши, Наманган ҳокими Сайидқулбек кўмондонлик қилди. Босқинчилар Кетмонтепадаги қирғиз истехкоми (кўргони)га тўсатдан ҳужум қилиб, ғалабага эришадилар.

Қўқон хонларининг Қирғизистонни босиб олишини қирғиз феодалларининг ўзаро низолари ҳамда улар ўртасидаги бирликнинг йўқлиги анча осонлаштирди. Қўқонликлар уларни гиж-гижлаб, бирини иккинчисига қарши қилиб турганлар. 1821 йил кузида Умархон қирғизларнинг қутлуғсаид қабиласининг бошлиғи, бир вақтнинг ўзида Косон шаҳрининг

хокими сифатида хонга хизмат ўтаб турган Бекназарбийни Ўш-Қашқар оралиғида кўчиб-кўниб юрувчи қирғиз қабилаларига қарши гиж-гижлайди. У хоннинг ишончини рисоладагидек оқлаб, қавм-қариндошларини аёвсиз қиради ва талайди. Ногируну, қариялар, хотин-халаж ва болачақаларни ўлжага олади. Хуллас, бу ҳолат хоннинг кўнглини хушнуд этади. Кўкон хони айрим ўзбошимча, тушунчаси тор феодалларга таяниб, қирғиз ерларини бир чеккадан босиб ола бошлаган. **Асосан, XIX асрнинг биринчи чорағида Жанубий Қирғизистон Қўкон хонлари тарафидан тўла бўйсундирилди.**

**Қирғизларнинг хонлиги сиёсий ҳаётидаги иштироки.** Қўкон хонлиги қирғизлар билан ўзбеклар каби илдизи бир халқлар ёнма-ён яшаган Фарғона худудида ташкил этилган эди. Албатта, Фарғонанинг бир бурчагини эгаллаган қирғиз қабилалари хонлигининг сиёсий ҳаётидан четда қолиши мумкин эмас эди. Ўрдадаги муҳим воқеаларга, тахт учун бўлган қурашларга, хонликни ички, ташқи сиёсатининг йўналишларини аниқлашга қирғизларнинг машхур кишиларининг аралашуви шубҳасиз эди.

Қўкон хонлари бўйсундириб бўлгач, маҳаллий феодал зодагонлар янги шароитга тезда мослашиб кетди, хусусан, уддабурунлари ўрдадан ўрин олишга, хон ўлжаларидан ўзига улуш тақсимлашга интилишган. Ўрдага яқин худудларда яшаган айрим қирғиз зодагонлари ўрда аҳлининг сафларини тўлдириб, жойларда хон ҳукмларининг ижросини назорат қилиб ҳамда жон-дили билан унинг сиёсатини юритиб туришди. Бу етмаганидек, улар қўқонлик ҳукмдорлар-

нинг босқинчилик ҳаракатларида бевосита иштирок этиб, ҳали бўйсундирилмаган қирғиз қабилаларини бўйсундиришда кўмаклашганлар.

Шу билан бирга халқ орасида хурмат-обрўга эга бўлган кишилар — қирғиз аслзодалари хонликка жиддий ҳавф туғдириб, ўрдадаги воқеаларда фаол қатнашар эдилар. Хон авлодларининг ўзаро келишмовчиликлари пайтида қирғиз феодаллари кўпинча қипчоқлар билан бирга бўлар эди. Қипчоқлар асосан ўзбек қабилалари таркибига қираб, қирғизлар ичида ҳам қирғиз қипчоқлари бор эди. Қирғиз ва қипчоқ қabila бошлиқлари 1842 йилдан бошлаб хонлик тож-тахт тақдирини ўзлари хоҳлагандек ҳал қилар эдилар.

Қўкон хонлари ўзбекларнинг минг уруғидан бўлган бироқ кейинчалик қирғиз қизларига уйланиб, қирғизлар билан қариндош-уруғлашиб кетишган. Масалан, Шералихоннинг онаси-қирғиз қизи, отаси Ҳожибек эса Норбўтанинг укаси эди.

Норбўтабий хукмронлигининг охириги йилларида Ҳожибек қирғиз қариндошлари ва козок ҳукмдорларига таяниб, Қўкон ҳукмдорига қаршилиқ кўрсата бошлайди. Бироқ ўлка аҳолисининг салмоқли қисми бўлган ўзбеклар қўллаб-қувватламаганликларидан, у акаси билан ярашишга мажбур бўлади. 1800 йилда Норбўтабий ўлгандан сўнг Қўконда хонзодалар ўртасида тахт учун қураш бошланиб, охир-оқибат Олимхон ғолиб чиқади ва ракибларини ўлимга маҳкум этади. Шафқатсиз хондан Ҳожибекнинг ўсмир болалари Шерали билан Улуғбек эплаб қочиб қутулиб, қирғизлар орасида

жон саклашган. Қувғиндан кўп ўтмай Улуғбек вафот этади. Шерали кейинчароқ Таласдаги қариндошлариникига бориб туриб қолади ва қирғиз қизига уйланади. Ундан бола-чақали бўлиб, мол-давлатга эга бўлади. Кези келганда қирғизлар **Шералини** хон қилиб кўтариб, ўрдадаги ҳокимиятни тортиб олиш учун уни Олимхондан яшириб, қулай фурсатни сабрсизлик билан кутиб юришди. Шерали Таласда Куён-Тўқай деган ердаги Жонбўлатбийнинг мулкида (ҳозирги Бақай ота туманида) бир неча йил яшаган.

Олимхон ўта золим бўлиб, халқ бошига кўп кулфатлар ёғдиради. Тинимсиз хужумлар уюштириб, минглаб бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан. У ҳукмронлик қилган йилларда Қўқон хонлигининг ҳудуди қўшни (қирғиз, қозоқ, тожик) халқлар ҳисобига анча кенгайиб, Фарғона бутунлай Қўқон хонлари ихтиёрига ўтган. Қирғизлар унга отлик аскар бериб турди. Бирок

қўқонликлар қирғизларнинг ички ишларига аралашшига ботина олмаганлар. Хон ҳокимияти солиқ олиш, баъзида кўшинга йигит тўплаш билангина чекланарди. Албатта, Қўқон хони ўз таъсирини мустаҳкамлаш мақсадида қирғиз феодалларидан аскарбошилар ва ўрда ходимларини тайинлаб, уларга **хокам, понсод, додхоҳ, парвоначи, бек** ва бошқа турли унвонларини бериб турган.

Қирғиз бийлари Умархон (1809 — 1822) билан Мадалихон (1822 — 1842) даврида ҳам вазиятга яраша ўрдадаги воқеаларда фаол иштирок этишган.

Айниқса, хон саройида тахт учун кураш кучайган серташвиш XIX асрнинг 40-йилларда Қўқон сиёсий ҳаётида қирғизларнинг тажрибаси анча ортиб, ҳокимият вақтинча қирғиз бийларининг қўлига ўтади.

Демак, қирғизлар Қўқон хонлигида муҳим куч ҳисобланиб, ҳокимиятнинг бир томонини эгаллаб турганлар.

?

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Қўқонлик ҳукмдорлар нима учун қирғизларининг ерларига қизикишган?
2. Маматқул бий, Ажи бийлар тўғрисида нималар эсингларда қолди?
3. Қўқон хонлари жанубий қирғизларни қачон, қай аҳволда ва қандай усулларни қўллаб бўйсундиришган?
4. Қирғизлар хонликнинг сиёсий ҳаётида иштирок этишганми?
5. Шахзода Шерали қирғизлар орасида нима учун яшириниб юрди?

## **2-§. Шимолий Қирғизистоннинг Қўқон хонлигига қўшиб олинishi.**

### **Қирғиз-рус элчилик алоқалари**

**Қўқон лашкарларининг XIX аср 20 — 30-йилларидаги босқинчилик юришлари.** Қўқон хонлиги XIX аср биринчи чорагининг охирларида Жанубий Қирғизистонда ўз таъсирини ўрнатгач, энди орқалик қирғизларни бўйсундиришга ҳаракат қила бошлашди. Гўзал водийлари, кенг

яйловлари, ажойиб Олатоғ ҳудуди, маҳаллий аҳолининг минглаб бош чорва моллари қўқонлик ҳукмдорларнинг ҳавасини келтирар эди. Улар қирғизларга турли солиқлар солиб, пода-пода мол, ғалла ва ҳарбийлар учун транспорт воситаси сифатида от олиб турмоқчи эдилар.

Қўқон хонлиги Шимолий Қирғизистонни бўйсундиришни Чуй водийсидаги қирғиз овулларига ҳужум қилиш билан бошлайди. Хонликнинг Тошкентни ишғол этиш мақсадига олиб борган урушлари деярли ўн йилга чўзилиб, XIX аср бошида (1799—1809) ғалаба билан яқунланганидан сўнг кўп ўтмай, **1822 йилда Авлиёота қалъа-кўрғони (Тароз)** курилади. Бу келажақда Чуй ва Таласга ҳужум уюштиришга олдиндан кўрилган тайёргарлик эди. У вақтда Чуй худудида яшаган солто ва сарибағиш қабилаларининг ўзаро можаролари, талаш-тортишишлари кучайиб, қирғизлар билан Катта жуз қозоқларининг низолари тўхтамаган эди. Тоғликларнинг ўзаро можароларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга одатланган, бундай вазиятни қулайлик билан қўлдан чиқармаган, ўта эпчил қўқонликлар **1825 йилда** Чуйга юриш қиладилар. 4 минг аскардан иборат бўлган бу қўшинга Лашкар қушбеги қўмондонлик қилган. Ўзаро бирликнинг йўқлигидан Чуйлик қирғизлар ёвнинг ҳамласига дош бера олмадилар. Душман билан бўлган бир неча жангларда мағлубиятга учраб, уларга тарқоқ қаршилиқ кўрсатиб таҳдид солишдан ҳеч фойда йўқлигига кўзи етган сарибағиш, солто қабилаларининг бир қисми хон ҳукмронлигини тан олиш ва унга солиқ тўлашга розилик билдиради. Сарибағишларнинг иккинчи бир қисми эса босқинчиларга бўйсунганини хохламай, **Атакебий** ўғилларининг раҳбарлиги остида Иссиқкўл томонларга кўчиб кетишади. Чуй водийсида ўз таъсирини мустаҳкамлаш учун қўқонлик ҳокимлар ўша йили Бишкек истехкомини куришган. Орадан кўп ўтмай улар иссиқкўллик қирғизларга элчи юбориб тобе бўлишни таклиф қилишади. Бирок иссиқкўллик қирғиз қабилалари

хонликнинг бу таклиф-ғалабига кўнмайди. Қabila оқсоқолларининг Жирғалон дарёси бўйида ўтган йиғини элчиларнинг таклифини рад этиш қарорига келади.

**Қирғизларнинг осонликча бўйсунмаслигига кўзи етган Қўқон хони 1831 йилнинг баҳорида Иссиқкўл ва Норинга икки томондан ҳужум уюштиради.** Қўқон қўшинининг Тошкент ҳокими Лашкар қушбеги бош бўлган бир қаноти Тошкентдан чиқиб Чимкент, Авлиёота, Чуй водийси орқали Иссиқкўлга юриш қилади. Мингбоши, хоннинг мохир саркардаларидан бири Ҳаққулининг сипоҳилари Фарғона водийси орқали Кўгарт доводидан ошиб, Оқдала, Отбоши, Норин, Жумғол ва Қўчқорга ҳужум қилиб, сўнг Иссиқкўлдаги қирғиз овулларини талон-торож қилди. Қўқон аскарлари нафақат Или худудига, балки Шарқий Туркистонгача кириб бориб Хитой ҳукмронлигига ҳам хавф туғдирган. Қирғизистон шимолига қилинган юриш пайтида Катта жуз қозоқларининг бир қисми ҳам Қўқон хонлигининг ҳукмронлигини тан олади.

Юқорида таъкидланганидек, қўқонлик босқинчиларнинг қисқа вақт ичида Тангритоғ бўйлаб ғалабага эришишига қирғизларнинг тарқоқлиги, қабилалараро низолар, ўзаро аҳилликни йўқлиги қулай шароит яратиб берган. Булар етмаганидек, айрим тушунчаси тор, ўзбошимча қирғиз зодагонлари ўз қабиласи билан совуқ муносабатда бўлган қабилаларни бўйсундиришда қўқонликларга ёрдам беришган. У вақтда сарибағишлар билан саёқларнинг, саёқлар билан буғуларнинг, сарибағишлар билан буғуларнинг ўзаро рақобати ўта кескинлашган эди. Уларнинг низоларини душман баттар авж олдириб, бир чеккадан яккама-якка бўйсундираверган. Кенг худудни эгаллаган қирғиз қабилалари-

нинг ўзаро алоқаларига, ёвга қарши етарли миқдорда бирлашган қўшин тўплашга баланд доvonли тоғлар ҳам халакит берган (айниқса қиш даврида). Қўқонликлар қўшини ҳарбий интизоми, тайёргарлиги, қурол-ярок жиҳатидан анча устунлик қилган. Улар милтиқ, замбарак билан қуролланиб, ягона саркардага бўйсуннишган. Қўқонлик босқинчиларнинг, айниқса, қиш давридаги ҳужумлари қирғизларни анча саросимага соларди. Қишда қирғизлар қишлоғга тушиб, ёздагидек ҳар томонга тарқала олмас эди.

**Шундай бўлсада, қирғизлар дуч келган қийинчиликларга дош бериб, қўлга қурол олиб Қўқон қўшинига қаршилик қўрсатиб турдилар. Мард йигитлар “сув келса симириб, тош келса кемириб” юришди.**


**Қўқон истехкомларининг қурилиши.** XIX асрнинг 20 — 30-йиллари Қўқон хонлигининг қудрати ортиб, худуди анча кенгайди. 1832 — 1834 йиллари помирлик қирғизлар, Қоратегин, Дарвоз, Кўлоб худудлари бўйсундирилади. Шимолий-шарқда хонликнинг таъсири Балхаш кўли, Или водийсигача етиб, шарқда Қашқардаги сиёсий воқеаларга ҳам аралаша олган. Ғарбда Қўқон худуди Жиззах, Туркистонгача чўзилган. Зўр худудни бўйсундириб олган Қўқон хонлиги янги маконларда ҳукмронлигини ўрнатиш, чегара, савдо қарвонларини муҳофаза қилиш мақсадида ва қирғизларни ўз қўл остида ушлаб туриш учун Қирғизистоннинг шимолида қатор истехкомлар қуради. Масалан, Чуй водийсида Бишкек, Тўқмоқ, Оксув, Чолдевор, Қораболта, Мерке истехкомлари қад ростлайди. Тангритоғда эса Отбоши, Қуртқа, Тўққизтўра, Қўчқор, Жумғол, Сусамир истехкомлари, қўл бўйида Тўнг, Жарғилчок, Тамға, Барсхон, Қоракўл истехком-қўрғонлари пайдо бўл-

ган. Қуртқа билан Бишкек истехкомлари қўқонлик бекларнинг турар жойи вазифасини ўтар эди. Уларда сарбозлардан ташқари кўплаб қўқонлик савдогарлар ҳам яшардилар. Истехкомларнинг беклари бу томонга кўчиб келишга интизор ўзбекларга сидкидилдан кўмаклашган. Натижада Шимолий Қирғизистонга ўзбек хунармандлари ва савдогарлари оқиб кела бошлайди. Улар дастлаб истехкомларда яшаб туришади ва кейинчароқ янги қишлоқларга асос солиб, деҳқончилик ҳамда боғдорчилик билан шуғулланадилар. XIX аср ўрталарида Тўғизтўра, Жумғол, Оксув ва Қораболта истехкомларининг атрофидаги ўзбек қишлоқларининг ҳар бирида 100 га яқин оила истиқомат қилган. Тўқмоқда 200, Қуртқада 400, Бишкекда эса 1000 га яқин ўзбек оиласи яшар эди.

Номлари аталган истехкомларнинг энг йириклари **Бишкек, Тўқмоқ ва Қуртқа** эди.

**Бишкек истехкоми 1825 йилда қурилган эди.** Ривоят қилишларича, истехком қурилган ердаги қарвонлар ва йўловчилар узилмайдиган йўл бўйидаги тепаликка XVIII аср 70-йиллар солто қабиласидан бўлган **Бишкек** ботирнинг жасади кўмилиб, унга гумбазли макбара ўрнатилган эди. Дастлаб у Бишкекнинг макбараси, қабри деб аталарди, кейинчароқ эса Бишкек деб аталиб қолган. Шу боисдан қўқонликларнинг янги истехкоми Бишкек деб аталиб қолган. Чуй водийси кейин Россия тасаруфига ўтганда, рус маъмурлари Бишкекни ўз тилига мослаштириб Пишпек деб ўзгартиб олишган.

Бишкек истехкомининг бошлиғи **бек ёки додхоҳ** унвонига эга бўлган. Унга Оксув ҳамда Тўқмоқ истехкомлари ҳам бўйсунар эди. Одатда истехкомда 150 — 170 сарбоз турарди. Уруш пайти-



Қирғизистоннинг Қўжон хонлиги томонидан бўйсундирилиши

да эса улар сони 700 га етарди. Истехком Оламудун дарёсининг чап соҳилида тўрт бурчакли кўш-кават кўрғон каби қурилиб, ташқи девори бир томонининг узунлиги 150 саржинга<sup>1</sup>, баландлиги 2,5 саржинга, қалинлиги 4 саржинга тенг бўлган. Унинг айланасига эни 2 саржинга тенг чуқур хандак қазилган. Бишкек истехкоми кўконлик ҳукмдорларнинг Қирғизистон шимолидаги бош таянч нуқтаси эди. Нафақат бутун Шимолий Қирғизистонни, балки Или худудини ҳам шу истехкомдаги ҳарбийлар назорат қилиб турар эди. Сарбозлардан ташқари Бишкекда кўконлик ҳоким, беклар, солиқ-закот йиғувчилар, тошкентлик, наманганлик, марғилонлик, андижонлик савдогарлар яшардилар. Улар қирғиз овулларида савдо-сотик қилиб, маҳаллий халқ билан ўзаро алоқада бўлардилар.

**Тўқмоқ истехкоми** XIX асрнинг 30-йиллари бошида қурилган. Бу қалъа ҳам тўрт бурчакли бўлиб, жанубдан шимолга томон узунлиги 75 саржин, ғарбдан шарққа эни 30 саржин, баландлиги 3,5 аршин эди. Тўқмоқ истехкомидаги сарбозлар (70 киши) Чуй дарёсининг юқори қисмидаги қирғизлар билан қозоқларни назорат қилган.

Чуй бағридаги Оксув, Ашмара, Мерке, Иткечув истехкомларида 50—80 нафардан сарбозлар турган.

Норин тарафдаги истехкомларнинг энг каттаси **Қуртқа истехкоми 1832** йили Айғирёл деган ерда Норин дарёсининг ўнг соҳилидаги тепаликка қурилган. Истехкомнинг узунлиги 200 саржинга етиб, уч тарафи девор билан ўралиб, бир томони дарёга тақалар эди. Қуртқа истехкоми кўконликларнинг



*Бишкек калъаси*

Тангритоғдаги асосий таянч нуқтаси эди. Унинг бегига шу худуддаги бошқа истехкомлар тўла бўйсунмаган. Истехкомнинг савдо шохобчаси сифатида ҳам аҳамияти катта бўлган. Қуртқанинг бозорида кўконлик, кашқарлик савдогарлар, тангритоғлик қирғизлар билан савдо-сотик қилардилар.

**Шимолий Қирғизистоннинг Россия билан элчилик алоқалари.** XIX асрнинг биринчи чорагида Кўкон хонлиги томонидан хужум қилиш хавфи кучайган вазиятда айрим орқалик қирғиз қабилаларининг улуғлари ёвга дош бера олмасликларига кўзи етиб, Россия каби катта мамлакатдан ёрдам олиш, ҳимоя топиш умиди билан у томонга элчи жўната бошлайди. Бунга Цинь империясининг душманлик ҳаракатлари ҳам турт-

<sup>1</sup> Саржин — (сажень) русларнинг узунлик ўлчов бирлиги, 1 саржин 2,13 метрга тенгдир.

<sup>2</sup> Аршин — русларнинг узунлик ўлчов бирлиги, 1 аршин 0,71 метрга тенгдир.

ки бўлган. Қирғизлар билан мулоқот қилишга ҳарбий Сибирдаги рус маъмурлари ҳам мушток эдилар. Чунки Қирғизистоннинг шимоли, Тангритоғ орқали Шарқий Туркистонга ва бошқа мамлакатларга ўтувчи савдо йўлининг бехатарлиги, рус карвонларининг хавфсизлигини қирғизларгина таъминлай олар эдилар.

Рус савдогарларининг Олатоғ худудини оралаб ўтиши учун қирғизларнинг розилигини олиш мақсадида рус амалдорлари Исикқўлга бир неча (3) карвон юбориб, буғу қабиласининг бийларига махсус хат билан мурожаат қилишган. Масалан, ана шундай карвонлар 1811, 1812, 1813 йилларда жўнатилгани маълум. Карвонлардан бирини Шералибий ва Ниёзбекбий меҳмондўстлик билан илик кутиб олиб, уларга хурматизат кўрсатиб, хурсанд қилишган. Бийлар рус карвонларининг хавфсизлигини таъминлашга, Хитой чегарасигача ўз йигитларини қўшиб беришга ваъда қилишади.

**1813 йил кеч куз (21-ноябрь)** да исикқўллик қирғизларнинг **Шералибий ўғли Қачибек, Ниёзбекбий ўғли Жақипбек** бош бўлган элчилари йўл олишади. Элчилар **1814 йил, 5-январда Семей** истехкомига келиб, ҳарбий Сибирь генерал-губернатори Г. И. Глазенап билан музокаралар олиб боришади. Қирғиз элчилари ўз халқи Россия билан савдо-сотик қилишни хошлашларини, уларнинг юрти орқали қўшни мамлакатларга рус йўловчиларининг бехатар ўтишини таъминлашга кўмаклашишга тайёр эканлигини билдиришиб, ўзларини Петербургга қўйиб юборишларини илтимос қилишади. Бироқ уларнинг бу илтимосини Г. И. Глазенап қабул қилмайди. У подшоҳнинг ўша кезде пойтахтда йўқ эканлигини

баҳона қилади. Рус маъмури Россия давлати қирғизлар билан иктисодий ва сиёсий алоқаларни бундан кейин давом эттиришни ва ривожлантиришни кўзлашини билдирди. Қирғиз элчиларига подшо номидан илтифот кўрсатилиб, Қачибекка олтин медаль, Жақипбекка гавҳар кўзли кимматбаҳо узук совға қилинади. Шунингдек, Г. И. Глазенап элчиларга капитан унвони, улар учун махсус қиличлар тортиқ қилишга ваъда беради. Элчилар Омск ва бошқа истехкомларда, Барнаулдаги заводларда бўлишади. Исикқўлга қайтишда улар ҳарбий Сибирдаги рус ҳокимиятидан хат олиб келишади.

XIX асрнинг 20-йилларида исикқўллик қирғизларнинг рус маъмурлари билан сиёсий алоқалари қайта жонлана бошлайди. Бунга қирғиз овулларига келган рус савдогарларининг тадбиркорлиги ҳам маълум миқдорда туртки бўлган. Масалан, Семейдаги рус савдогари С. Поповнинг хизматчиси қозонлик татар Файзулла Сайфуллин, Семейда яшовчи ишимлик мешчан Б.А.Пиленков ва қозоқ султони Ганий Адиловнинг хизматкори Уйсунбой Шукуров буғу қабиласининг уч уруғи бийлари (**Желденг, Ариқ авлоди, Белек**)ни Россияга элчи этиб юборишга кўндиришган. Россияга янги элчилар юборишга Қўқон хонлигининг босқинчилик ҳаракатларининг кучайиши, Хитой бўғдихонининг золимлиги, буғуларнинг, саёк, сарибағиш ва бошқа қабилалар билан низолари ҳам сабаб бўлган. **1821 ва 1824** йилларда исикқўллик қирғизлар Омскка элчиларини юборган. **Ақилбекбий Ўлжабой ўғли, Алғозибий Шерали ўғли, Алимбекбий Жапалоқ ўғли** бош бўлган қирғиз элчилари (12 мингча оила номидан) **1824 йил декабрда Семейга,**



**1825 йил бошларида Омскка** етиб келишади. Омскда элчилар 25-майгача бўлиб, Омск вилоятининг ҳокими С.Б. Броневский билан учрашиб, унга буғу қабиласи уч уруғи бийларининг хатини топширган. Кейинчарок қирғиз элчиларини ғарбий Сибирнинг янги генерал-губернатори П. М. Капцевич қабул қилади. Элчилар рус маъмурларидан қўшни қабилалар билан низоларда буғу қабиласига қалқон бўлиб, ҳимоя қилишларини илтимос қилишган ва рус карвонларини Қашқарга ва Оқсувгача кузатиб боришга халқи (буғулар) тайёр эканлигини билдиришган. Омскдаги рус ҳокимияти элчиларга қирғизлар билан бундан кейин алоқаларни яхшилашга ваода беришган. Илтифот кўрсатиш мақсадида элчибоши уч бийга олтин медаль топшириб, элчилар юртига қайтаётганда 50 казакдан ташкил

этилган кичик қўшин билан кузатиб, қирғизлар юрти томон сафарга отланган. Қўшинга дастлаб подполковник Ф. К. Шубин, кейин хорунжий (казак зобити) Т. В. Нюхалев бошчилик қилади. Қўшин билан ҳарбий шифокор, поляк миллатига мансуб Ф.К. Зибберштейн бирга чиқиб, сафар таассуротлари, буғулар қабиласи хусусида кенг баённома ёзиб борган. У қўлёмаларида қирғизларнинг хўжалиги, ижтимоий тузилиши, маиший ҳаёти, сиёсий аҳволи ва табиатига тўхталган. Россияликлар қирғиз бийларига Омскдаги рус маомурларининг хатини етказишган.

1825 йилнинг августида элчилар Исикқўлга қайтиб келишади. Элчилик алоқаларининг анча чуқур илдиз отган даври 40-йилларга тўғри келади.



### *Савол ва топшириқлар:*

1. Қўқон хонлиги Қирғизистоннинг шимолини қачон ва қай тарзда бўйсундириб олган?
2. Қирғиз қабилаларининг ўзаро муносабатлари қандай эди?
3. Шимолий Қирғизистонда қўқонликлар ўз истехкомларини қандай мақсадда ва қачон қуришган?
4. Бишкек истехкоми қурилган ер тўғрисида қандай ривоят бор?
5. XIX аср биринчи чорагидаги қирғиз-рус элчилик алоқалари хусусида нималарни биласиз?

### *Ҳужжатли материаллар*

**1824 йил, 6-декабрда Омск вилоятининг ҳокими С. Б. Броневскийга элчи Ақилбекбий Ўлжабой ўғли олиб борган хатдан:**

“Ўтган йилларда сизларнинг савдогарларингиз илтимос қилганларидек, биз Сизларга ўзимизнинг вакилларимизни юбора олмадик, чунки Сизлар билан ҳеч қандай борди-келдимиз йўқ эди. Бундан уч йил аввал Қашқарга са-

фарга отланган савдогар Файзулла Сайфуллин орқали Сизлар бериб юборган хатни олдик, бироқ у вақтда Сизларга вакилларни жўнатгани фурсат бўлмади. Бу йил бизга келган султон Ганий Адилоннинг хизматкори Уйсунбой Шукуровнинг, шунингдек, Файзулла Сайфуллиннинг ва Пётр Андреевич (Пиленков-семеилик савдогар)нинг таклифи бўйича биз ўз вакилларимиз-

ни подшо саройига юборади, деган умид билан жўнатдик.

Биз таъзим бажо келтириб илтимос қиламизки, Қашқар билан Оқсувга сизларнинг карвонларингизни кузатиб боришни хоҳлаймиз. Бироқ бизнинг Ўрда (худуд)да шўх қирғизлар борки, уларни назорат қилишнинг иложи йўқ, шу сабабли уларни тинчлантиришга ҳокимият кучидан фойдаланишдан бош тортмангизлар...

Ўз қарамоғимиздагиларга эса биз кафил бўламиз, бошқа қирғиз уруғлари бизга қулоқ солмайди, чунки уларнинг султонлари йўқ. Биз эса, хукмдор императорнинг қирғиз (қозок) фуқаролари, унинг химоясига таяниб, тинч, осуда яшаётганидан воқиф бўлдик. Шу боисдан биз хукмдорнинг бизга химоя бўлишини хоҳлашимизни билдирамиз...”

**Ҳарбий Сибирь генерал-губернаторининг қирғиз бийларига жавоб хати:**

### **3-§. Қирғизларнинг Қўқон хонлиги тасарруфидаги сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳволи**

**Истибоднинг турлари. Солиқ тизими.** Қўқон хонлиги хукмронлик қилган даврда қирғизлар зулмнинг кўплаб янги турларига дуч келиб, анча азоб чекди. Айниқса, Қўқонга яқинроқ худудлар Қирғизистон жанубидаги қирғизларнинг аҳволи ўта оғир эди. Шимолий Қирғизистонда эса, хусусан, олис тоғли туманларда қўқонликларнинг ҳокимияти унча мустаҳкам бўлмаган. Шу боисдан қўқонлик ҳокимлар бу томонларда кўплаб махсус истехкомлар қуриб, доим ҳарбийларга таяниб иш юриштишган.

“Хурматли (ардоқли) бийлар, сизларнинг Қашқар билан Оқсувга савдогарларнинг карвонларини кузатиб бориш хусусидаги мақтовга лойиқ таклифларингиз олий мартабали рус ҳукуматида билдирилди ва зўр қизиқиш, мамнуният билан қабул қилинди. Сизлар билан бизнинг ўртамиздаги иттифокни абадий мустаҳкамлаш учун Россия сизларга ўз мадад ва химоясини таклиф қилади, бизнинг савдо-сотигимизга пухта ва оғишмай ёрдам кўрсатади, савдо карвонларини кузатади ва муҳофаза қилади, қароқчи гуруҳларини бартараф этади ва талон-торожликни тўхтатади, деб Сизларга ишонч билдиради. Шу муқаддас иттифоқ тинчлик ва хотиржамликка сабабчи бўлсин ва бахт-толе, осуда ҳаёт қарор топсин, шуларни Сизларга асрлар бўйи тилайман. Агар Сизларга Россиядан мадад зарур бўлса, унда бизга ўз кишиларингизни юборинглар (халқингизнинг мухтожлигини очиқ айтинглар, талабинглар қаноатлантирилади)”.

Маҳаллий аҳолини бошқариш ва солиқларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш учун хоннинг ҳоким ва беклари ҳар доим истехкомларда қирғиз аслзодаларининг авлодларидан гаровга вакиллар ушлаб туришган.

Қўқон хонлиги даврида **қирғизларни эзишнинг асосий тури-ер рентаси (хақи)** солиғини ундиришдан иборат эди. Одатда хонликка тобе худудда яйловга мол ҳайдаганлиги учун кўчманчилар тўлайдиган **энг оғир солиқ қўй закоти** деб аталарди. Асрлар давомида шаклланган урф-одатлар бўйича унинг миқдори

мол бошининг қирқдан бир бўлагига баробар бўлиши керак. Аммо, амалда уни ҳеч ким назорат қилмаганлиги учун закотнинг миқдори ўсиб кетаверарди. Дастлабки йилларда қирғизлар Қўқон хонлигига асосан **солиқнинг уч тури-шимолий закот-ҳар оиладан бир бошдан қўй, халол-закот - 50 жонлик молдан биттадан жонлик, дехқонлар эса хирож-ҳар хирмондан учтадан қўй** тўлаб туришган. Хирож маҳсулотдан олинса, ҳосилнинг ўндан бир, баъзида иккидан бир қисмига тенг бўлган. Ҳосилнинг ўндан бир улушига баробар ер солиғи баъзида **ушр** деб ҳам аталарди. Мевали боғи бор боғбонлар билан сабзавот эккан дехқонларга солинадиган солиқ **таноб пули** (танабона) деб аталарди. Қирғизлардан

**аскар солиғини** баҳона қилиб вақти-вақти билан ҳар оиладан **бир тилла** (олтин танга)дан ёки **учтадан қўй** олишар эди. Бундан ташқари, Қўқон хонлигида меҳнатқаш халқ хисобидан солиқнинг кўплаб бошқа турлари йиғилиб турган. Масалан, солто ва сарибағиш қабилалари қалъалардаги қўқонлик аскарларни йилига 5 минг пуд атрофида буғдой, тарик билан таъминлар, шунингдек, улар солиқ тўпловчи **закотчиларни** ҳам боқиб туришган. Солиқлар миқдори вазиятга яраша ўзгариб, йилдан-йил-га тобора ортиб борган. Дастлаб солиқлар натурал тарзда олинган бўлса, кейинчароқ XIX аср ўрталаридан тортиб кўпинча **пулли солиқ** солина бошлайди. Зарур пайтларда оддий халқ қалъа-қўрғонлар,



*Қирғизлар яйловда*

йўллар ва бошқа курилишларда текин ишлаб беришга ҳам мажбур эди (**хашар, мардикор**). Жойларда кўконлик ҳокимлар билан беклар ўзларига даромад тўплашга ҳуқуқли бўлганликларидан, солиқларни ўзлари хоҳлагандек солаверардилар. Кўкон маъмурлари ҳатто камиш ва шунга ўхшаш мол-қўйга тайёрланган хашак учун ҳам солиқ ундиришган. Айниқса, 50 – 60-йиллари Худоёрхон даврида олиқ-солиқлар сони кўпайиб (20 дан ортик), меҳнаткаш халқ аҳволи баттар оғирлашган эди. Кўкон хонлигининг ер сиёсати қирғизлар ҳаёти, маиший турмушини баттар қийин аҳволга солиб қўйди. Кўконлик феодаллар, аскар-бошилар, уламолар хонлик тартиби жорий қилингандан бошлабоқ жанубдаги қирғизларнинг деҳқончиликка қулай ерларини эгаллай бошлаганлар. Масалан, Умархон хазинасини бойитиш, мол-дунёга эришиш мақсадида Наманган худудида яшган қирғизларнинг сувга сероб текис ерларини улар билан келишмасданок ўзбек харидорларга сотиб юборишган. Пасттекисликдаги она юртидан ажраган минглаб қирғизлар тоғларга сурилиб чиқиб кетишади. Фарғона водийсидаги яхши ерларидан ажраш қирғизлар орасида қашшоқликни кучайтириб, уларнинг хон ҳокимиятига норозилигини оширди. Шу боисдан қирғизлар ўта фаол кучга айланиб, кўконлик маъмурларга қарши тинимсиз кураш олиб боришган.

Оддий меҳнаткаш халқни маҳаллий феодал зодагонлар ҳам турли баҳона ва сабабларни рўқач қилиб талаб туришган. Патриархал-феодал муноса-

батлар, қабила-уруғчилик алоқалари негизда шаклланган урф-одатлар истибдоднинг моҳиятини хаспўшлаб, оддий фуқаронинг кўзини шамғалат қилиш учун бой-манапларга қулай шароит яратган. Қирғиз феодалларининг сарф-харажати ва эҳтиёжлари учун оддий фуқаролардан юртчилик, кўшимча, солиқ, сўйиш, чиким ва бошқалар тўпланар эди.

Камбағаллар бойдан олган соғин (мол, қўй-эчки), куч (транспорт, ми-ниладиган -от, хўкиз) учун унинг кўра-қўра қўй-эчкиси, пода-пода йилқисини боқиб берарди. Ҳурмат-эътиборли кишиларнинг ош-тўйига сарфланган харажатларни ҳам бир-галикда кўтаришган. Бундай одатни бузганларга тўккиз жарима (тўккиз бош мол) солинган. Деҳқонлар уруғ, асбоб-ускуна, транспорт учун бой-манапларнинг даласини хайдаб берган. Жанубий Қирғизистонда феодал зулмининг турлари сифатида чоракорлик, шериклик ва ўртоқчилик (ҳосилнинг бир улуши учун, хашарга ўхшаш) кенг ёйилган. Қирғиз феодаллари баъзида хизматчиларни ёллаб ҳам ишлатишар эди. Бой-манаплар бева-бечора, етим-есирнинг меҳнатидан фойдаланишдан ҳам ор қилмаганлар.

Одам чидаб бўлмас даражадаги оғир турмуш, кундан-кунга кучайган истибдод қирғизларни Кўкон хонлигига қарши курашга даъват қилди.

**Қирғизистон аҳолиси.** Кўкон хонлиги даврида қирғиз халқи боларидан қолган юртини тўла эгаллаб турди. У вақтда қирғизлар ғаллага бой Чўйни, чорвачиликка қулай Тангритоғ худудини, Иссиқкўл

атрофларини, бепоен Олай, Акси, Талас, Чотқолни эгаллаб турганлар. Қирғизларнинг талайгина қисми Фарғона водийсидаги Ўш, Андижон, Наманган вилоятларида яшардилар. Хўжанд вилоятида, Помирда, Бухоро амирлиги худудларида ва Шарқий Туркистонда ҳам талайгина қирғизлар истикомат қилардилар. XIX аср ўрталарида қирғизларнинг сони тахминан 400 минг кишидан ошган (айрим маълумотлар бўйича 800 мингдан ортиқ).

Қирғизлар кўп сонли қабила ва уруғлардан иборат эди. Буғу, сарибағиш, саёк, солто, саруу, қушчу, басиз, мундуз, чўнгбағиш, қорабағиш, қипчоқ, мўнғуш, адигине, кидирша, дўўлўс, бўстон, тейит, кесек, қангли қабилалари қирғиз қабила бирлашмаларининг энг йириклари эди. Уларнинг ҳар бирини ичидан чиққан оксоқоллари бўлган.

Ўша даврда Чуйнинг марказий қисми билан ғарбий томони солто қабиласи (12 — 15 минг оила)нинг манзилгоҳи эди. Улардан шарқ томон-Чуйнинг юқори қисми ва Кеминда сарибағишлар (10 минг оила) яшаганлар. XVIII аср охири — XIX аср бошларида сарибағишларнинг бир қаноти иссиққўлнинг ғарб томони-га, Қўчқор, Норин, Отбошига кўчиб ўтган (Эсенгул уруғи-темир, бўлўт, нодирбек, черикчи). Саруу, қушчу ва хитой, бағиш қабиласи Талас билан Чотқолни эгаллаган. Саёқлар Сусамир, Кетмонтепа, Тўғизтўрада яшашган. Улар Жумғол, Қўчқор, Норин, Отбоши, Иссиққўлда ҳам бор эди. Чериклар Отбошининг жанубида ва Қашқарга чегарадош худудларда

чўнгбағишларга қўшни бўлиб яшаганлар. Иссиққўлнинг шарқ томонида буғу қабиласи (15 минг оила) истикомат қилар эди.

Қирғизларнинг адигине, мунгуш, ичкилик, қипчоқ каби йирик қабила бирлашмалари Жанубий Қирғизистонни эгаллаб турган. Адигине, мунгушлар Олай водийсида, ичкилик, қипчоқлар Фарғонада яшардилар. Бу катта қабилалардан ташқари Ўш худудида найман, хитой, басиз, мундуз, тўбўй, жедигер, жетиген, дўўлўс, мўнғуллар, азик ва бошқа қабила-уруғлар ҳам яшаганлар.

**Сиёсий аҳвол.** Афсуски, қирғиз қабилаларининг ўртасида доимий, тиғиз иқтисодий ўзаро алоқалар ва мустаҳкам бирлик бўлмаган. Ички феодал низолари қирғиз халқининг тинқасини қуритиб, ягона давлат барпо этилишига салбий таъсир кўрсатган ва қўшни мамлакатларнинг ҳужум қилиб туриши учун қулай шароит яратган. Қирғизистонни осонгина бўйсундириб олиш мақсадида қўқонлик, хитойлик маъмурлар, кейинчарок рус маъмурлари қабилалар ва уларнинг оксоқолларини гиж-гижлаб, бирини иккинчисига қарши қайриб турганлар.

Қўқон хонлиги Қирғизистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатган билан барибир, қабилаларнинг ички ишларига аралаша олмас эди. Амалда жойларда қирғиз бийлари, манаплари ҳукмронлик қилишган. Улар хон ҳокимиятига расмангина тобе бўлишган. Қўқонликларнинг Қирғизистондаги ҳукмронлиги асосан солиқ олиш билангина чеклан-

ган. Айниқса, табиати, йўллари мураккаб, олис тоғли худудлардаги қирғизларнинг ҳукмдорлари Қўкон истехкомларининг ҳоким, бекларини менсимай, халқини ўзлари хоҳлагандек бошқарардилар. Маҳаллий зодагонларни (“яхшилар”)ни қўлдан чиқармай, ўз томонига оғдириш учун Қўкон хони уларга турли унвонлар (додох, понсод, тўксабо) бериб, турли совға-саломлар ҳадя қилиб турарди.



*Бой қирғиз кўш овчиси.  
В. В. Верешчагин чизган расм*

Қирғизистон шимолидаги Чуй водийси Иссиқкўл пасттекислиги асосан Тошкент бекларбегининг тасарруфида эди. Чуй водийсидаги савдо йўллари ва шу худуднинг қоқ марказида жойлашган Бишкек истехкомини хон тайинлаган бек бошқарар эди. Истехкомдаги бекнинг аскарлари Чуй билан Иссиқкўлдаги қирғиз овуллари оралиб, солиқлар йиғишарди.

Олай билан Ўш худуди Андижон вилоятига қарар эди. Кетмонтепалик ва таласлик қирғизлар Наманган вилоятининг тасарруфида бўлган. Фарғонанинг жанубий-ғарбидаги қирғиз ерлари эса Қўкон вилоятининг тасарруфида эди.

Марказий Тангри тоғдаги Окдала, Жумғолда яшаган саёқ қабиласи, отбошилик черик, мўғуллар, Норин водийсидаги тинимсейит қабиласи ва бошқалар Қўртқа истехкомининг бегига бўйсуниб, Андижон вилоятининг тасарруфига кирган.

**Чорвачилик.** XIX асрнинг биринчи ярмида қирғизларнинг **натурал тарздаги хўжалигини бош тармоғи кўчманчи чорвачилик** эди. Ўша вақтда қўқонлик босқинчиларнинг ҳужумлари, зўравонликлари, ўзаро феодал можаролар, ички алоқаларнинг заифлиги, тарқоқ қирғиз қабилалари ўртасидаги ноахиллик ишлаб чиқариш кучларининг тезроқ ривожланишига халакит берди. Ўшандай бўлсада, кўчманчи ҳаёт бир жойда тўхтаб туриб қолмади. Албатта, қирғизларнинг касбкори, тирикчилиги ва маданий турмушида хийла силжишлар ва ривожланиш пайдо бўлди.

Қирғизларда чорванинг энг кўп тарқалгани йилқи билан кўй эди.

Йилкидан транспорт сифатида фойдаланишган, гўшtidан эса севимли таомлар-кази, карта, чучук ва бошқалар, терисидан турли идиш-оёқлар тайёрланган. Байтал биянинг сутидан пиширилган қимиз кўплаган дардга даво бўлиб, кишининг кучкувати ва дармонини оширган. Ёл, қўйруғидан арқон, чилвир эшилган. Қўйнинг гўшти ўта ёқимли таомлардан бўлган. Унинг жуни кўчманчилар турмушида кенг қўлланилган. Ундан ширдоқ, кигизлар ва кийим-кечаклар тайёрланган. Сутидан эса қатиқ, қаймоқ, сузма, қурут ва бошқа озиқ-овқатлар ҳозирланган. Қирғизлар йилки билан қўйдан ташқари мол ва эчки ҳам боқишган. Туядан асосан кўчиб-юриш даврида транспорт сифатида фойдаланилган. Жунидан ясалган буюмлар ва кийимлар юқори баҳоланган. Терисидан чарм тайёрланиб эгарларга копланган. Гўшти ва ўрқачининг ёғи тансиқ таом сифатида эъзозланган.

Олай билан Помирнинг баланд тоғли яйловларида қирғизлар гўшти ва ёғи юқори сифатли бўлган, бақувват тўпослар боқишган.

Ҳар бир оиланинг шахсий чорваси бўлиб, ҳар доим молига ўз таъғаси — белгисини қўйган.

**Дехқончилик. Ўтроқлашув.** Қирғиз қабила уруғлари, айниқса, Фарғона водийсидаги қирғиз қабилалари ғалла етиштириш, дехқончиликнинг сир-асрорларини ўрганиб, яхши ўзлаштириб олган эдилар. Ўш ва унинг атрофида яшаган қирғизлар XVIII асрнинг иккинчи ярмида ғалла экинлари дан ташқари шоли ҳам ўстиришган. Қирғизистон жанубида дехқончи-

ликка қулай, сувга сероб ерларда, жилғаларда ўтроқлаша бошлаган қирғизларнинг кичик қишлоқлари пайдо бўлади.

Бағиш қабиласининг анчагина қисми XVIII аср охирларидаёқ ўтроқлаша бошлаб, пасттекисликларда бир неча ариқ-зовур очиб, сув чиқаришган эди. Кейинчароқ, XIX аср ўрталарида Жалолободга қўшни (Хонобод) Сузук (Жийдали Мўғул)да қирғиз қишлоқларига асос солинади. Уларни қорабағиш, тейит, мўғул, найман қабилаларидан чиққан дехқонлар барпо қилишган.

Қирғизларнинг бироз қисмини ўтроқлаша бошлашига, дехқончиликни ўрганишига қўшни яшаган ўзбек, тожик халқлари билан ўрнатилган алоқалар ҳам туртки берган. Қўқон хонлиги тасарруфидаги бу қўшни халқлар бир-биридан дехқончилик, чорвачилик сирларини ўрганишган, уруғ, асбоб-ускуналар (кетмон, курак, болта, ўроқ, чалғи ва бошқалар) мол-хол ва от-уловдан кўмаклашиб турганлар. Баъзан ёзларда ўзбек ва тожикларнинг чорвалари қирғиз яйловларида боқиларди. Кузда эса ҳосил ўрим-йиғими тамом бўлгач, уларнинг чорва моллари бирга ўтлар эди.

XIX аср ўрталарида Шимолий Қирғизистонда ҳам дехқончиликка кўпроқ аҳамият бера бошланади. Қишлоқ аҳолисининг, кўпинча камбағалларнинг дехқончиликни касб қилишига кўчманчилик турмушининг машаққатлари ва қашшоқлик туртки берган. Шунингдек, бунга истехкомлардаги қўқонлик сарбозларни ғалла, ун билан таъминлаш, ем-хашак ва озиқ-овқат маҳсулотларига

бўлган эҳтиёжини кондириш ҳам сабаб бўлди. Дехқонларнинг сафи, асосан, молсиз ёки моли оз, яйловга чиқа олмаган камбағаллар ва гадойларнинг ҳисобига тўлдирилиб турган.

**Хунармандчилик.** Қирғизларни кўчманчи турмушига зарур буюмлар, жиҳозлар ва кийим-кечак билан турли хунармандлар-қўли гул заргарлар, темир, ёғоч усталари, эгарчилар, ўримчилар (чармдан юган, нўхта, камчи, қуюшқон, тизгин ва бошқа нарсалар тайёрловчилар) таъминлашган.

Халқ орасида бўз уйнинг жиҳозларини тайёрлайдиган усталарнинг обрўси жуда баланд эди. От жабдуғларини ясайдиган усталар ҳам катта ҳурматга эга эдилар. Қирғизларгагина хос хунармандчиликнинг айрим турларини равақ топишида, айниқса, жун билан теридан турли буюмлар тикишда чевар хотин-қизларнинг ҳиссаси катта бўлган. Чевар аёллар турли ширдоқлар, кигизлар босишган, хотин-халажлар учун турли нафис тақинчоқлар ясашган, кўзни қамаштирувчи чўғдек чиройли гиламлар тўқишни ўзлаштиришган.

**Кончилик.** Қирғизлар Олатоғнинг кон бойликларидан фойдаланишнинг оддий усулларини билишган. Исиккўлнинг ғарбий томонидаги (Балиқчиға яқин) темир конида қумдан темирни ажратиб эритувчи устахона ва тажрибали усталар бўлгани маълум. Тошқўмир билан Сулуктанинг кўмири ўша вақтлардаёқ Қўконда ёқилғи сифатида қўлланилган. Қирғизистон худуди

конларга бой бўлиб, она юртимизнинг ҳар қайси бурчагидан кўрғошин, қалай, мис, қумуш, симоб олиниб, олтин сараланган. Айниқса қимматбаҳо тошлар ҳам сероб бўлган. Қирғизлар тузни ҳам ўз юртида ишлаб чиқариб, уни ташқарига-қўшни мамлакатларга сотиш учун жўнатган.

**Савдо-сотиқ.** Қўқонлик ва қашқарлик савдогарлар қирғиз овуллари оралиб савдо қилиб туришган. Улар қирғизларга газламалар, чопонлар, бўз, турли жиҳозлар, заргарлик буюмлари ва мева-чева сотиб, ўзлари мол ва бошқа ҳайвон териларини олишар эди. Баъзида қирғиз бойлари Қўқоннинг ички шаҳарларига мол хайдатиб бориб сотишарди. Савдо-сотиқда пул бирлиги сифатида кўпинча Қўқон ва Бухоронинг олтин, қумуш тангалари ишлатилган, мис тангалар ва хитой ёмбиси (қумуш қуймаси, хитойча “юаньбао”)дан ҳам фойдаланилган.

**Феодал муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари.** XIX асрнинг биринчи ярмида Қирғизистонда асосан патриархал-феодал муносабатлар ҳукм сурган. Ижтимоий муносабатларнинг ўзагини ишлаб чиқаришнинг феодал усули ташкил этгани билан ҳали патриархал-қабилачилик тартиби тўла тугатилмаган эди. Бу кўчманчиларнинг ижтимоий тузилишининг асосий ўзига хослигидир.

Қирғизистон худудида Қўқон хонлигининг ҳукмронлиги ўрнатилгач, бу ерларда ҳам хонликнинг ички худудларига хос ер эгаллигининг турлари (амлок-давлат ер эгали-



ги, мулк-хусусий ер, вақф-мадраса, масжид эгалиги) ёйила бошлайди. Бироқ кишлоқ аҳолиси ўртасида ерсувдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш одатлари кўконликларнинг йўл-йўрикларидан кескин фарқланар эди.

Сиртдан караган кишига қирғизларда ерга хусусий мулкчилик бўлмаганидек, улар молни асосий бойлик ва ҳал қилувчи ишлаб чиқариш воситаси сифатида ҳисоблагандек туюлади. Агар қирғизларнинг ишлаб чиқариш муносабатларини чуқур ўрганадиган бўлсак, **қирғизларда ҳам ерга эгалик қилиш ҳисси шаклланганлигини кўриш мумкин.** Ернинг юқори хўжайини Кўқон хонлиги бўлгани билан, амалда у маҳаллий аҳолининг ихтиёрида қолаверган. Айниқса, молхоли сероб қирғиз феодаллари кенг яйловларга, яхши қишлоқларга эгалик қилишар эди. Чунки кенг ва бепоён яйловларсиз сон-саноксиз молни боқиш сира мумкин эмас эди. Одатда у ёки бу овулга, қабилага ва феодалга тааллуқли манзил ёки яйловга бошқа бировнинг мол ҳайдаши, манзилгоҳ қилишга ҳақи йўқ эди. Дехқончилик билан банд бўлган қирғизларда эса бундай муносабатлар ва ерга эгалик қилиш яққолроқ кўринар эди. **Демак, асосий ишлаб чиқариш воситаси ер ҳисобланган. Шу билан бирга кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликда муҳим ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган чорва асосий бойлик эди. Чорвани муҳим ишлаб чиқариш воситаси сифатида парваришlash-қирғизлар ижтимоий тузилишининг яна бир ўзига**

**хослиги.** Жанубий Қирғизистонда, Фарғонада ер-сув масаласи анча мураккаблашган эди. Хонликнинг пойтахтига қўшни жойлашган қирғиз овулларининг тасарруфидаги ҳайдов ерлар ва яйловлардан фойдаланишга хон тез-тез аралашиб турар эди. Хон қирғизларнинг яхши ерларини куч билан тортиб олиб, бошқа бировларга сотиб юборган вақтлар ҳам бўлган.

Асрлар оша кўчманчилик турмушига мувофиқ шаклланган одат бўйича **умумий ер жамоанинг — уруғ, қабиланинг мулки ҳисобланган.** Бироқ яйловларни тақсимлаш, улардан фойдаланишни назорат қилиш, кўчиш-қўнишни бошқариш манапларнинг қўлида эди. **Яйлов масаласи бўйича пайдо бўлган муаммо ва тортишувлар манап ва бийларнинг гуруҳида муҳокама этиларди.** Баъзида гуруҳга хон вакиллари ҳам катнашарди. Айрим қабилалар ва феодалларга уларнинг ота-боболари азалдан эгаллаб келган кичик ҳудуд, жилға, дараларни биркитиб бериш тўғрисида давлат бошлиғи сифатида Кўқон хони буйруқ чиқарар эди.

**Қирғизларда ерга хусусий мулк шаклланганига атрофи ўралган кўрик ерларнинг мавжудлиги мисол бўла олади.** Масалан, олайлик йирик феодал Абдуллабекнинг Ўшдан Олайга элтувчи йўл бўйидаги Бешбулоқ деган жойда хусусий кўрик ери ва кишлови бор эди.

Жанубий Қирғизистонда ўтроқлашган қирғизлар ўз тасарруфидаги ерларни сотиб юборганлиги ёки ер сотиб олганлиги хусусида маълумотлар кўплаб учрайди. Айрим вақтларда



### *Етти сүвлик буйлыктар билан савдогарлар*

Кўкон хони давлат еридан фойдаланиш хукуки тўғрисида киргизларга махсус хужжат (васиқа) бериб турган.

Умуман олганда, киргизларда ерсудан фойдаланиш бўйича **феодал муносабатлар ҳукм сургани билан ҳали патриархал-қабилачилик тартибининг белгилари сақланиб қолаверган**. Киргиз юртчилигининг ижтимоий ҳаётида қариндош-уруғчилик алоқалари, борди-келдилар, урф-одат ва бошқалар муҳим роль ўйнаб, уларнинг илдизи чуқурлашаверган. Синфий моҳияти хаспўшланган бундай тузилиш оддий фуқароларнинг ҳалол меҳнатидан ўз манфаати йўлида фойдаланиш учун киргиз **феодаллари-манап, бий, бойларга жуда қулай шароит яратган эди**. Оддий фуқаро камбағаллар, қашшоқ, малай, ошлиқчи, ётоқчи, чоракор, ўртоқва бошқаларданиборат бўлган.

**Камбағаллар** ўз уруғи, овули билан бирга яйловга чиқиб, бирга қишлашган. Аммо, улар яйлов масаласида ўз уруғининг оксоқолига, манап, бийларга тобе бўлишган. Турмушдаги етишмовчилик туфайли камбағаллар феодаллардан вақтинча фойдаланиб туриш учун соғин сизир, от олишар, бойларнинг чорвасини боқишар эди. Киргиз феодалларининг қўйчилари, йилқичилари, молчилари, туячилари, уй хизматчилари кўпинча камбағал қариндош-уруғларидан бўларди. Бошқа уруғдан келиб ёлланиб ишлаб юрганлар эса **малай** деб аталган. Қўлида шахсий моли қолмаган ўта камбағаллар **қашшоқлар** сафини тўлдирган. Бой-манапларнинг экинини экиб, ёз бўйи уни парваришлаб, кузда ўриб, хирмон кўтарганларни **ошлиқчи** деб қўйишар эди. Кўчманчиликдан бутунлай воз кечиб, деҳқончиликка ўтганлар шимолда **ётоқчи**, жанубда **экинчи** деган номни олишган.



*Қирғизларнинг кўчиши. В. В. Верешчагин чизган расм. 1870-й*

Қирғизистон жанубида у вақтда **чоракорлар** сони тобора ортиб борди. Чоракорлар (чорак) бировнинг ерида унинг асбоб-ускунаси, меҳнат қуроли билан экин экиб парваришлаб, ўриб-йиғштириб, унинг бир қисмига эга бўлганлар. Орқалик қирғизлар уларни **ўртүкз** деб аташган.

Иш қизиган пайтда, ўрим-йиғим айна авжга чиққан паллада вақтинча ёки кунда ёлланиб ишлаб юрганларни **мардикорлар** деб атардилар.

Қирғизларнинг йирик манаплари қул ва чўри ишлатгани ҳам маълум. **Қуллар** асосан ички низолар ва урушлар даврида қўлга тушган

асирлардан олинар эди. Манаплар қул ва чўриларини қуда-андачиликда қалинга тўланган молга қўшиб хадя қилишар, совринга тикишар ва хоҳласа уларни озод қилардилар. Бироқ қулдорлик қирғизларда кенг ёйилмаган эди. Чунки кўчманчи хўжаликда қулнинг меҳнатига эҳтиёж унча сезилмаган. Демак, **қирғизлар ижтимоий ҳаётининг ўзагини феодал муносабатлар ташкил қилган. XIX асрда уларнинг ижтимоий муносабатларини патриархал-феодал тузилиш сифатида қарашга тўла асос бор.**

?

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Қўкон хонлиги қирғизлардан қандай солиқлар олиб турган?
2. XIX асрнинг биринчи ярмида қирғизлар қайси худудларда яшаганлар?
3. Қирғизлар хўжалигига нималар хос эди?
4. Қирғизларнинг ижтимоий муносабатларига қандай ўзига хосликлар мос ва муҳим эди?
5. Аҳолининг асосий ижтимоий қатламлари қандай аталган?

## II БОБ. ЖАНУБИЙ ТАНГРИТОҒ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЦИНЬ-МАНЧЖУР ХУКМРОНЛИГИГА ҚАРШИ ОЗОДЛИК КУРАШИ

### 4-§. Шарқий туркистонлик маҳаллий халқ устидан Цинь ҳокимлари миллий зулмининг кучайиши

Цинь империяси ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Маҳаллий халқнинг қаршилиги. XVIII асрнинг 50-йиллари Цинь босқинчилари Жунғор хонлигини тор-мор қилгач, Шарқий Туркистонни забт этишга киришади. Бунгача Жунғор хонлигига тобе бўлиб келган Шарқий Туркистон халқлари янги босқинчиларга деярли икки йил қаттиқ қаршилик кўрсатиб итоат этмай турди. Цинь аскарларининг бу томондаги уруш ҳаракатлари 1757 йил охирларидан 1760-йил бошларигача чўзилади. У вақтда Шарқий Туркистонда уйғурлардан ташқари қирғизлар, козоқлар, ўзбеклар ҳам яшардилар. Қирғизларнинг чўнгбағиш, қипчоқ, жамантейит, черик ва бошқа қабилалари Қашқар ҳудудининг шимоли-ғарбий чекка қисмини эгаллаб турган. Шарқий Туркистонга қўшни бўлган Олай, Олайкуу, Окдала, Отбоши, Норин водийларида эса адигине, тейит, саёк, черик, мўнғуллар ва бошқа қабилалар яшардилар. Келиб чиқиши бир бўлган умумтурк халқлари бир-бирлари билан борди-келди қилиб, хўжалик ва сиёсий алоқаларини мустаҳкамлашган.

XVIII аср охири-XIX аср биринчи ярмида Туркистон халқларига Цинь давлатининг босқинчилик ҳаракатларига ва ҳукмронлигига қарши биргаликда курашишга тўғри келди.

1758-йил баҳорида манчжур аскарларининг бир тумани (10 минг жангчи) Куча, Учтурфонни эгаллаб, кузда Ёрқентни ишғол эта бошлайди. Кейинги йили ёз ойларида Хўтан билан Қашқар душман қўлига ўтадида, Шарқий Туркистон ва Жунғорияни хитойлик босқинчилар “Синьцзян” (янги ер, янги чек) деб аташади.

**Маҳаллий халқни бошқариш системаси. Таранчи.** Янги ҳудудда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида Цинь империяси 1736 йилда Или дарёси соҳилларидаги илгари жунғор хонларининг ўрда гоҳи турган ерга Хойюань-чэн (хулжа) шахрини қуришган эди. Худудни бошқариш вазифаси генерал-губернатор (цзянь-цзюнь)га юкланган. Унга икки ҳарбий маслаҳатчи вице-губернатор (хебе-анбань) ёрдам берар эди. Вице-губернаторларнинг бири Тарбағатойда, иккинчиси Шарқий Туркистонда турарди. Бирок маҳаллий халқ тинимсиз қаттиқ қаршилик кўрсатганлигидан, цинь маъмурлари бу ҳудудда ҳокимиятни тўла ўз қўлларига олишга ботинолмаган. Шу боисдан ички бошқарув ўзгаришсиз қолган. Солиқни ўз вақтида тўплаш, интизом ва хавфсизликни сақлаш учун улар йирик шаҳарларда ҳарбийларни ушлаб туришган ва чегараларни кўриқлаш учун қоровуллар қўйишган. Хат-хабарларни тез етқа-

зиб туриш учун жойларда бекатлар курилган.

Аскарларни озик-овкат билан таъминлайдиган ишчи кучи сифатида Или худудига Қашқар, Ёркент, Хўтан, Оксуб ва бошқа худудлардан XVIII асрнинг 60-йилларида 6 (12) мингга яқин уйғур оиласи кўчирилган. Улар кўрик ерларни ўзлаштириб, ариқ очиб сув чиқаришган, экин экиб дехқончилик қилишган, қишлоқлар, йўллар, кўприклар ва кўрғонлар куришган. Уларни манчжурлар **таранчи** (деҳқон) деб аташарди. Таранчи деб ном олган уйғур дехқонлари аскарларни озик-овкат, ун-толқон билан таъминлашга мажбур эди. Ҳар бир оила хазинага маълум миқдорда ғалла (дон): гуруч, тарик, буғдой ва қўноқ топширарди. Улар хазинадан ўзларига зарур нарсаларни олиб туришар эди. Бироқ ҳукумат ҳар доим ҳам ваъдасида турмас эди. Или худудида таранчилар жон бошига 16 коп (1 коп-4 пуд<sup>1</sup>)дан арпа, буғдой, тарик ва қўноқ тўлар эди. Баъзида кон бойликлари (олтин, олтингурут ва бошқалар)га ҳам солиқ солинар эди. Шарқий Туркистон худуди йирик шаҳарлар маркази бўлган бир неча худудга бўлиниб, уларни маҳаллий зодагонлар-**ҳокимбеклар** ва **беклар** бошқарар эди. Хитой ҳарбий ҳокимияти уларни назорат қилган. Ҳокимбек ва бекларни-**хебе анбань** тайинлаб, **бўғдихон** (император) тасдиқлар эди. Ҳокимбеклар билан бекларнинг **эшикоғабек** (интизомни назорат қилувчи), хазиначи (солиқчи), **мутавалли** (мулклар нозири), **муфтишафу** (диндорлар раҳнамоси), **дугуан** (аскар, почта бошлиғи) **қози** (суд) ва

бошқа ёрдамчилари бўлган. Уларнинг барчаси цинь маъмурларига бўйсуниб таозим қилишга ва буйруғини бажаришга мажбур эдилар.

Туркистоннинг беклари йил охирида Пекиндаги ўрдага ўз унвонларига яраша маълум миқдорда совға-саломлар юборишарди. Албатта, бундай тортиқлардан Ёркентда яшовчи Шарқий Туркистоннинг оксоколи **хебе-анбань** ва худудларнинг амирлари бўлмиш **анбанлар** ҳам курук қолмас эдилар. (Хебе-анбань-вице-губернатор, анбань-худуд бошқарувчиси лавозимлари демакдир).

**XVIII асрнинг 50 — 60-йилларида Қирғиз-хитой муносабатлари.** Хитой маъмурлари қўшни қозоқ ва қирғизларни таъқиб қилиб, ўз томонига оғдиришга ва қўлидан келса бўйсундиришга интиларди. Цинь империяси ўзини Жунғор хонлигининг меросхўри дея эълон қилиб, қалмоқлар вақтинча эгаллаб олган қозоқ ва қирғиз ерларига кўз олайтирган. Дастлабки йиллари Хитой босқинчилари қирғизлардан аёвсиз равишда отларини олиб, халқ орасида норозиликни келтириб чиқарган. Қирғизлар билан муносабатларнинг кескинлашуvidан чўчиган император улардан от олишни тақиқлаб айирбошлашгагина руҳсат берган эди.

Хитой маъмурияти вақиллари Шарқий Туркистон шаҳарларидаги бозорларда савдо қилган савдогарлардан ҳам солиқ олиб турганлар. Масалан, Қашқарга ўрта осиеликлар, тангритоғлик қирғизлар ва бошқа чет элликлар сотиш учун ҳайдаб келган молининг ўттиздан бир қисмини

<sup>1</sup> Пуд - русларнинг оғирлик ўлчов бирлиги, 1 пуд - 16,3 кг; тенг.

**бозор ҳақи** сифатида тўлардилар. Маҳаллий халқ эса йигирмадан бир бўлагини берарди.

Цинь маъмурларининг турли ун-вонлар бериб, совға-саломлар ҳадя қилиш билан қирғиз бийларини ўз томонига оғдириб олишга уринишлари фойда бермади. Озодлик йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган юрт аҳли Цинь империясига қарам бўлиб итоат қилмади. Қирғиз бийлари озод халқнинг оқсоқоллари сифатида Пекиндаги бўғдихон ўрдасига элчи юбориб туришгани маълум. Хитой ҳукуматига қирғиз уруғларининг қандайдир бир солиқ тўлаганлиги хусусида ҳам деярли маълумот йўқ.

Шарқий Туркистондаги Хитой чегара қўриқчилари қирғиз манзилларидан анча олис турардилар. XVIII асрнинг 60-йиллари бошида Цинь ҳокимиятига маълум 20 қирғиз уруғларидан 10 тасидангина Пекинга элчилар юборилса, 1763 йилдан бошлаб бундай элчилар бутунлай қатнамай қўйган эди.

Цинь империяси билан қирғизларнинг ўзaro муносабатларининг энг назик жойи чегарадош ҳудудлар хусусидаги масала эди. Император Хун Ли 50-йиллар охири — 60 йиллар бошида Иссиқкўл, Отбоши, Норин, Чуй ва Талас водийларига қоровул қўйиб, эгаллаб олиш бўйича Синьцзяндаги ҳокимига бир неча бор кўрсатма берган. Бироқ унинг ўй-мақсадлари амалга ошмади. Цинь маъмурлари назоратчи аскарларни қирғиз ерининг чекка жойларигагина юбориш билан чекланган. Синьцзянга қўшни жойлашган қирғиз манзилларини назорат қилувчи аскарларни юбориш орқали хавф туғдириб, у ерларни ўзига бўй-сундириб, қирғизлардан солиқ йиғиб

олишга ҳаракат қилган. Назоратчи хитой аскарлари фурсат пойлаб қирғиз овулларига карокчиларча ҳужум қилиб, мол-мулкни талаб кетардилар. Тинч аҳолининг ҳаётига чанг солган хитой аскарларига қирғизлар кескин қаршилик кўрсатиб, талафот етказиб турганлар. Масалан, 1760 йили сарибағиш бийи Черникчининг қуролланган йигитлари Отбошига қириб келган хитой қўшиннинг йўлини тўсиб, қаршилик кўрсатишган. 1764 йили қирғизлар Илидан келган хитой қўшинига ҳужум қилиб, ёвнинг бир неча жангчисини нобуд қилишган.

Цинь-манчжур босқинчиларининг зўравонлиги қирғизларнинг ва умуман Шарқий Туркистон халқларининг озодлик учун курашининг кучайшига сабаб бўлди. XIX аср бошида маҳаллий халқларнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий аҳволи бениҳоят оғирлашиб, миллий истибдод кучайган. Машаққатли ҳаёт ва зўравонлар замони чет эл мустамлакачиларининг чангалида қолиб, сабр-қосаси тўлган халқни озодлик учун курашга отландирди.

**Зиёвуддин қўзғолони ва унда қирғизларнинг иштироки.** XVIII асрда кўз илғамас бепоён ҳудудни эгаллашга муваффақ бўлган Цинь империяси учун келаётган XIX аср кучсизлик, куч-қувватдан қола бошлаш, умуман, оғир давр бўлди. Мамлакатнинг иктисодий ва ички сиёсий аҳволи анча ёмонлашган эди. Капиталистик давлатлар Хитойнинг ўзига шарқий, жануби-шарқий томонлардан ҳужум қилиб турган. Хитой ҳукуматига Европа давлатларининг босқинчилик ҳаракатларига қарши кўп куч сарфлашга тўғри келди. Шу сабабли Цинь ҳукумати Синьцзян-

да илгаридек ўта фаол сиёсат юрита олмай колди. Хусусан, Шарқий Туркистонга эгалик қилиш ва уни ушлаб туриш жуда кимматга тушган. XIX аср бошида бу ердаги маҳаллий халқлар Цинь мустамлакасига қарши бири қолиб-бири тинимсиз кўзғолон кўтариб туришди. Кўзғолонларни бостиришга хитой ҳукумати, анча маблағ сарфлаб, йирик ҳарбий кучлар ташлашга мажбур бўлган.

**Шарқий Туркистон халқларининг цинь-манчжур мустамлакасига қарши ҳаракатларининг дастлабкиси Зиёвуддин бошчилигидаги кўзғолон ҳисобланади.** Қашқардан 180 чақирим ораликдаги Тошмалиқ қишлоғида 1814—1816-йиллари бўлган бу кўзғолонга “Исҳоқийя” сўфийлик оқимининг (“Қоратоғликлар”) вакили Зиёвуддин охун бошчилик қилган. Кўзғолонга уйғурлар билан бирга шарқий туркистонлик қирғизлар ҳам фаол қатнашган. Ҳатто кўзғолончиларни бошқариш маркази ҳам қирғизларнинг тоғ орасидаги манзилида жойлашган эди. Зиёвуддин қирғизларнинг орасига келиб, ҳаракатга тўла тайёргарлик кўриб бўлингандан кейингина кўзғолонни бошлайди. У қисқа вақт ичида қирғизларнинг кўллаб-қувватлашига таяниб, ўз тарафдорларининг сонини ошириш ва қурол-аслаҳа тўплашга улгурган. Кўзғолон кўтарган уйғурларга қўшилган қирғизларнинг бошида кипчоқ қабиласининг бийи Турдимамбет турган. Кўзғолонга жамантейит ва чўнгбағиш уруғлари ҳам қатнашган. Қашқарнинг ҳокимбеги Юсуфнинг очкўзлиги ва жабр-зулми исёнга баҳона бўлган.

Кўзғолончилар Қашқарни эгаллаш, хитойлик маъмурларни ва улар тайин-

лаган ҳокимбекни қувиб чиқиб, чет элликларнинг зулмидан қутулишни режалаштирган эдилар. Зиёвуддинга қўшилган уйғурлар билан қирғизлар цинь соқчиларига бир неча бор ҳужум қилиб, кўплаб аскарларини нобуд қилишади, бекатлари ва Қашқарнинг чеккасидаги йилки заводини ишғол қилишади. Қирғизларнинг кўзғолонга қатнашганлиги хусусида ўрдага хабар етганда, бўғдихоннинг ўта жаҳли чиқиб, исённи тезроқ бостириб, иштирокчиларни аёвсиз жазолашни буюрган. Кўп ўтмай Синьцзяндаги Хитой ҳокими Сун Юнь бўғдихоннинг буйруғини бажаришга астойдил қиришади. Сони, қурол-аслаҳаси ва тайёргарлиги жиҳатидан устунликка эга бўлган цинь аскарлари кўп куч тўплаб, охир оқибат кўзғолонни бостиришга эришади. Кўзғолон раҳбарлари Зиёвуддин билан Турдимамбетбий ўлим жазосига ҳукм этилиб, қийнаб ўлдирилади. Зиёвуддиннинг ўғли Ашрафбек давом эттирган кураш ҳам ғалаба қозонолмади. Кейин қўлга тушганда уни ҳам қийнаб ўлдиришади.

Кўзғолон мағлубиятга учраган бўлсада, озодлик курашининг бундан кейинги равнакига туртки берди. Маҳаллий халқларнинг чет элликлардан нафратланиш ҳисси баттар авж олиб, уларни янги кўзғолонларга илхомлантирди. Кўзғолонлар натижа-сида душман кўплаб талафотга учраб, ҳокимияти заифлаша бошлади.

Орадан кўп ўтмай қирғизлар Қашқар ҳудудида цинь-манчжур ҳокимиятини ағдариш учун олиб борилган курашга қайта фаол аралашганлар.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Шаркий Туркистонда Цинь ҳукмронлиги қачон ва қандай тарзда ўрнатилган?
2. Циньларнинг маҳаллий халқларни бошқарув системаси қандай ташкил қилинган?
3. Таранчи деган кимлар эди?
4. Қирғиз-хитой муносабатлари тўғрисида айтиб беринг.
5. Зиёвуддин қўзғолони тўғрисида нима биласиз? Унда қирғизлар иштирок этганми?

**5-§. Жаҳонгирхўжанинг ҳаракати ва қирғизлар. Суранчи**

**Жаҳонгир хўжа.** XIX асрнинг биринчи ярмида цинь-манчжур ҳукмронлигига қарши Шаркий Туркистон халқлари олиб борган курашнинг энг юкори нуқтаси **Жаҳонгирхўжа** ҳаракатидир. Бу ҳаракат 20-йиллари бўлиб ўтган. Жаҳонгирхўжа Шаркий Туркистоннинг ҳукмдорларидан бири, “Ишқийя” сўфийлик оқимининг вакили Офокхўжанинг авлоди, Бурхониддиннинг набираси эди. 1758 йили цинь-манчжур босқинчиларига қарши курашда Илидаги цзян-цзю Чжао-хойнинг аскарларидан енгилиб қолган Бурхониддин Бадахшон томонга кочади. Бироқ Бадахшон ҳокими Султоншоҳ уни ўлдириб, бошини хитой маъмурларига совға қилади. Бу қилмиши учун у бутун мусулмон дунёси олдида айбдор бўлиб, лаънат-қарғиш остида қолади. Бурхониддиннинг фарзандларидан ўсмир ўғли Саримсоқгина аранг қочиб қутулган. Саримсоқхўжа узоқ йиллар Ўрта Осиёнинг турли бурчакларини кезиб юриб, охир-оқибатда қариган чоғида Қўқонда яшаб қолади. Аста-секин Қўқонда Саримсоқхўжани пир тутган қашқарлик қочоқлар тўплана бошлайди. Хўжанинг уч ўғлидан энг

кенжаси Жаҳонгир 1783 йили дунёга келган. **Жаҳонгир** ёшлигиданоқ эпчил, зийрак бўлиб, яхши тарбия кўради. У аклининг ўткирлиги, донолиги ва кўпни кўрганлиги туфайли элга танилиб, Ватан озодлиги учун кураш бошлашга бел боғлайди.

**“Суранчи бийнинг (бурутнинг) қўзғолони”** 1820-йил баҳорида энг ишонган сафдошлари билан Жаҳонгирхўжа Қўқондан ёрдам сўраб қирғизлар хузурига келиб, кўшин йиға бошлайди. Қашқардаги хитой ҳукмронлигини ағдариш учун курашда унга саёқ қабиласининг бийлари Жанғарач, Бойбоқас, Мендилак, Тойлоқ ҳамда қипчоқ Турдимамбетнинг қариндош-уруғлари, чўнғбағишларнинг бийи Суранчи кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини билдиришган. Жаҳонгирхўжага кўп ўтмай Маматкул бош бўлган мўнғўллар қабиласи ҳам қўшилади.

Хитой босқинчилари билан бўлган жангларда, айниқса, **Суранчибий** кўшини мардлик кўрсатиб, донғи чиқади.

1820-йил кузида Жаҳонгирхўжа қирғизлардан ташкил топган бир неча юз аскарини эргаштириб чегарадан ўтиб, Қашқар томон йўл олади. Шу



вактнинг ўзида Суранчибий Устун-Ортиш кишлоғида тўплаган 300 йигити билан Қашқарга келиб, қалъага кўшни жойлашган қишлоқлардаги хитой аскарларига хужум қилади. Унинг йигитлари жанглarning бирида Қашқарнинг чеккасидаги хитой соқчиларини тор-мор этишади. Жаҳонгирхўжа ҳаракатининг дастлабки босқичи хитой манбаларида **Суранчи бурутнинг кўзғолони** деб бежиз айтилмаса керак.

Бироқ Жаҳонгирхўжа билан Суранчининг кўшини душманнинг кўп сонли аскарлари зарбасига дош бера олмай, чекинишга мажбур бўлади. Цинь маъмурлари Қашқарга кўшимча аскар жўнатишади. Улар кўп кийинчиликлар билан Қашқарни қуршовдан қутқариб қолдилар. Чекинган кўзғолончиларни бутунлай тор-мор этиш мақсадида, уларнинг ортидан изма-из тушган жазо отряди Суранчининг Кэншибай деган ердаги азалий юртига келиб, ҳали ўрилмаган ғаллазор, 30 дан ортиқ бўз уйга ўт кўйиб юборишади. Сўнг бир гуруҳ қирғизларни асирга олиб, уларнинг 20 дан ортигини ваҳшиёна ўлдиришади.

Шу билан бирга цинь маъмурлари қирғизларни ғалвадан йироқ бўлиб, тинч яшашга, тўполонга аралашидан кўра Суранчини ушлаб бериб, катта мукофотга эга бўлишга чақирганлар. Турли дўқ-пўписаларга қарамасдан, қирғизлар ўз йўлбошчиларини душманга тутиб бермади. Аксинча, Суранчибийнинг эл орасида хурмат-обрўси янада ўсаверди.

**Жаҳонгирхўжага Олайлик қирғизларнинг ёрдам бериши.** 1821 йили Жаҳонгирхўжа Қашқарга иккинчи марта хужум уюштириб, ғалабага эри-

ша олмагач, Олайга чекиниб, қирғиз овулларида 2 — 3 йилча тинч яшаб қолади. Олайлик қирғизлар унга илиқ муомала қилишиб, кўшин тўплаб беришади.

1824 йил кишида Жаҳонгирхўжанинг асосан қирғизлардан иборат кўшини Олайдан Қашқар томон йўлга тушади ва Улуғдаги хитой аскарларига хужум қилади. Аёвсиз жанглarda ҳар икки томон тенг аскарларидан жудо бўлади. Жанг пайтида таниқли Турдумамбетнинг энг яқин ёрдамчиси жамантейит қабиласининг бийи-Шерғози мардларча олишиб, ҳалок бўлади. Сон жихатидан устун бўлган хитой аскарлари охир-оқибатда Жаҳонгирнинг кўшинини Қашқар худудидан суриб чиқариб, чегарага яқин жойдаги қирғиз овуллари талон-торож қиладилар. Қашқарнинг ҳокими Юн Цинь кейинги йилларда ҳам Жаҳонгирхўжа ва унинг йигитларини ушлаб беришни илтимос қилиб, қирғиз бийларига айғокчиларни тез-тез юбориб турган. Қирғизларни бўлиб, ташлаб Жаҳонгирхўжани асосий таянчидан ажратиш учун Бўғдихон 1825 йилда ҳаракатга қатнашиб улгурмаган бир неча бийга унвонлар ҳамда қимматбаҳо мукофотлар топшириш тўғрисида махсус фармон эълон қилади.

**Норинлик қирғизларнинг кўзғолонда иштироки. Атантой. Тойлоқ ботир.** 1825-йилдан бошлаб Тангритоғнинг марказий қисмидаги оқдалалик саёқларнинг Атантой ва Тойлоқларнинг овуллари Жаҳонгирхўжанинг масканига, цинь-манчжур босқинчиларига қарши ҳаракатнинг марказига айланади. Саёқлар каби хўжага черик, басиз ва

каба қабила-уруғлари ҳам ёрдам беришади. Ўша йили кузда Жаҳонгирхўжа келиб жойлашган Тойлоқнинг овули Окдалага, Қашқардаги хитой ноиб (аньбань) Юн Цинь қулай фурсатни қўлдан чиқармай, хўжани асирга олиш мақсадида ёрдамчиси Баянба ту бошчилигидаги 500 (200) аскарни шошилич жўнатган. Хитой кўшини Тўруғарт, Чотиркўл орқали тунларигина йўл юриб, Қурткадан қуйроқда, Норин дарёсини ёқалаб жойлашган Тойлоқ билан Атантойнинг овулига тўсатдан хужум қилади. Бирок Жаҳонгирхўжа, Тойлоқ ва Атантойлар ёв хужумидан олдинроқ бошқа овулга тўйга кетишган эди. Излаганини топа олмай жаҳли чиккан Баянбатунинг кўшини ҳимоясиз қолган овулни вайрон қилиб, 100 дан ортиқ хотин-қиз ва бола-чақани кириб кетади.

Эли қирғин бўлиб, бегуноҳ жафо чекканини эшитган Тойлоқ ботир қирғиз кўшинига бош бўлиб, ёв ортидан изга тушади. Тез орада душманни бир тор дарага қамаб хужумга ўтади. Ўша жангда базис қабиласининг бийи Чибилди душманнинг кўплаган аскарини ер тишлатиб, йигитларига ўрнак бўлган. Икки томон тенг беаёв урушиб, кон дарёдек оққан бу жангда қирғиз кўшини ғолиб чиқади. Ёвнинг омон қолган ёлғиз аскарлари аранг қочиб кутулади. Хитой аскарлари деярли батамом кирилиб, хатто саркарда Баянбатунинг ўзи ҳам жангдан қайтмади. Жанг пайтида Жаҳонгирхўжа Тойлоқ ботир билан бирга жанг қилган.

Ўша ғалабадан кейин Жаҳонгирхўжа Қашқар томонга янги ҳарбий юриш уюштиришга қатъий ҳаракат қилади. У Қўқонга, Ўратепанинг ҳокимига, тожиклар, ўзбеклар, қозоқ, қирғиз қабилалари ва бошқаларга чопарлар юбориб, улардан ёрдам сўрайди.


1825 — 1826 йиллар куз, киш ойларида Жаҳонгирхўжа Окдала ва Тўғизтўрада қирғиз овуллари ораб, ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўради.

**Халқ ҳаракатининг кучайиши. Хал қилувчи жанглар.** 1826 йил баҳори (май)да Жаҳонгирхўжанинг кўшини Окбейит доvonини ошиб, Арпа, Оксой орқали чегарадаги Ислик, Тешиктош соқчиларини ёриб ўтиб, Қашқар йўналиши бўйлаб юришини давом эттиради. Жаҳонгирхўжа Шарқий Туркистонга келиши билан маҳаллий халқлар цинь-манчжур ҳокимиятига қарши янги кўзғолон бошлашади. **Бу Жаҳонгирхўжанинг раҳбарлиги остидаги халқ ҳаракатининг хал қилувчи босқичи ўта кучайган даври эди.**

Жаҳонгирхўжанинг кўшини билан хитой аскарлари ўртасидаги дастлабки йирик жанг Қашқарнинг чеккасидаги Офоқхўжа мазорига яқин ерда бўлди. Ўша вақтда у қирғиз кўшинини Учтурфонни душмандан халос этиш учун жўнатган эди. Кўп ўтмай қирғизлар у шаҳарга элтувчи йўлни эгаллаб олишади. Тойлоқ ҳамда Атантойнинг йигитлари Барчандаги хитой соқчиларини ер тишлатади.

Жаҳонгирхўжанинг асосий кучлари ўрнашган Башкирим кишлоғига Қашқар вилоятидаги бошқа кишлоқлар аҳолиси оқиб кела бошлайди. У кейинчароқ Туман дарёсининг ўнг соҳилидаги Давлатбоғ деган жойда илилик цзян-цзюн аскарларини тор-мор қилиб, уларнинг қурол-аслаҳасини ўлжа олади.

Қашқарни ишғол этишда, айниқса, тожиклар, мардлик намуналарини кўрсатишган. Узоқ давом этган жанглардан сўнг Қашқардаги хитой ас-



Қирғизистоннинг Цинь империясига қарши мустақиллик учун кураши. XVIII аср охири- XIX аср боши

карлари қалъага яшириниб, шаҳар халқи Жаҳонгирхўжанинг қўшинини қувонч билан кутиб олади. Шоншавкат билан шаҳарга кирган Хўжа<sup>1</sup>, Саид<sup>2</sup> Жаҳонгир султон унвониға эға бўлади.

Кўп ўтмай Ёркент, Хўтан ва Янисар халқи кўзғалиб, шаҳарлардағи цинь аскарларини ва қалъаларни вайрон қилиб Қашқарға жўнашган.

Жаҳонгирхўжа кўзғолони деярли 1828 йилгача чўзилиб, Шарқий Туркистондағи кўплаб шаҳарларни, кенг худудларни қамраб олган. Ч. Валихонов берган хабарларға қараганда, кўзғолонға 200 мингга яқин одам қатнашган. Кўзғолончилар сўйил, айри, чалғи, қилич, найза ва милтиқ билан қуролланишган. Улар хитой аскарларидан бир неча замбаракни (тоғ замбарағи) тортиб олишган эди. Кўзғолонда айниқса, қирғизлар мардлик кўрсатиб, муҳим роль ўйнашган. 1827-йил мартда қирғизлар билан уйғурлар Хўтанда йирик қўшин тўплашади. Қирғизлар хитой аскарларига тўсатдан зарба бериб, озиқ-овқат ва ўқ-дори олиб келаётган араваларни тортиб олишган. Уларнинг тадбиркор инсонларидан бири Атантой эса Жаҳонгирхўжанинг энг яқин маслаҳатчиси эди. Атантойға Жаҳонгирхўжа Қашқарни собиқ ҳокимбегининг қизини бежиз тортиқ қилмаган бўлса керак.

**Халқ ҳаракатининг енгилиши, бунинг сабаблари ва натижалари.** Бироқ қурол-аслаҳа, ўқ-дори билан яхши таъминланмаган, ҳарбий тайёргарлиғи ёмон машқ қилиб

чиниқмаган оддий халқ, мамлакатнинг ичкари томонидан келган йирик ҳарбий қучларға дош бера олмади. 1827 йил эрта баҳорда Жун-тань кўмондонлик қилган 70 минг аскар Қашқар, Ёркент ва Хўтанға юриш қилди. Душман яхши қуролланган эди. Улар кўзғолон кўтарган халқни ва улар жонини фидо қилиб ҳимоя қилаётган қалъаларға милтиқ, замбараклардан ўқ ёғдирди. Жаҳонгирхўжа Қашқарни эгаллагандан кейин вужудға келган қулай вазиятдан қатъият билан фойдалана олмади. У Оксув, хулжа каби цинь-манчжур ҳокимиятининг Синьцзяндағи асосий таянч марказларига ҳужум қилиш ўрниға Ўрта Осиё халқларидан янги ёрдам кутиб, маъсулиятсизликка йўл қўйиб вақтдан ютқазиб қўяди. Натижада Шарқий Туркистоннинг катта қисми хитой маъмурларининг тасарруфида қолавериб, душман тез орада хулжаға катта ҳарбий қуч тўплашға улгуради. Хўжанинг яқин ёрдамчилари орасидағи ички низо ҳамда ахилликнинг йўқлиғи ҳам ҳаракатға салбий таъсир кўрсатган.

Қашқар ёнидағи кескин жангда қалъа ҳимоячилари мағлубиятға учраб, Жаҳонгирхўжа қалъани ташлаб кетишға мажбур бўлади. Хитой ҳокимияти тайинлаган Қашқарнинг янги ҳокимбеги амалпараст Исоқван чет эллик маъмурларға вафодорлиғини исботлаш учун турли ҳийла-найранглар ишлатиб, халқ ҳаракатининг сеvimли йўлбошчисини алдаб, хитойларға ушлаб беради. Уни Пекинға олиб бориб, бир неча йилдан кейин

<sup>1</sup> Хўжа-чорёрлар авлодларининг фахрий номи

<sup>2</sup> Саид-Муҳаммад пайгамбар авлодларининг фахрий номи.

ўта хавфли кўзғолончи сифатида азоблаб ўлдиришади.

Шундай қилиб, Жаҳонгирхўжа бошчилик қилган умумхалқ ҳаракатининг охириги, ҳал килувчи босқичи 9 ойга чўзилиб, Шарқий Туркистоннинг кенг ҳудудларини қамраб олсада, охир-оқибатда мағлубият билан тугади.

**Мағлубиятга учраганига қарамасдан, бу ҳаракатнинг Шарқий Туркистон халқларини озодлик кураши тарихида аҳамияти каттадир.** Ҳаракат давомида авом халқ анча чиникди, озодлик нашидаси, унга интилиш ҳисси янада кучайди. Цинь-манчжур босқинчилари жиддий талофатларга учраб уларнинг Синьцзяндаги ҳукмронлиги ва ҳокимиятига путур етди. Озодлик ҳаракатини бутунлай бостиришга уларнинг кучи етмади. Цинь ҳукмронлигига қарши Шарқий Туркистон халқларининг истиклол учун

кураши кейинги йилларда ҳам давом этаверди. Уларнинг барчасида қирғизлар фаол иштирок этдилар. Масалан, 1839 йилда Юсуфхўжанинг кўзғолонини саёк Атантой ва Тойлоқ ботир, басиз, кипчоқ, чўнгбағиш қабилалари кўллаб-қувватлаб, Қашқарни қамал қилишда қатнашганлар.

1845 йили шарқий туркистонлик қирғизлар қайта кўзғалиб, Янги Ҳисор ҳудудидаги цинь соқчиларини тор-мор қиладилар. 1846 йилда эса улар Қашқар вилоятидаги соқчиларга хужум уюштирадилар. 1847 йили Қашқарда цинларга қарши хўжаларнинг янги ҳаракати бошланганда, Алимбий билан Қидирбий уни кўллаб-қувватлаганлар. Ҳатто 1851 йилда Қашқарга юриш қилган Валихон тўранинг қўшини кўплаб қирғизлардан иборат эканлиги маълумдир.



### *Савол ва топшириқлар:*

1. Жаҳонгирхўжа тўғрисида нималарни биласиз?
2. Суранчи бурут тўғрисида айтиб беринг.
3. Жаҳонгирхўжага қирғизлар қандай ёрдам кўрсатишган?
4. Норинлик қирғизларни кўзғолонга қатнашуви тўғрисида сўзлаб беринг.
5. Атантой, Тойлоқ ботирлар қандай қаҳрамонликларни кўрсатдилар?
6. Халқ ҳаракати қандай кучайган?
7. Халқ ҳаракати нима учун енгилиб қолди?

## Хужжатли материал

**Жаҳонгирхўжанинг ҳаракати тўғрисида Ч. Валихонов ёзган маълумот-баёндан парча. (Асарлар, 3-жилд, 140 — 145-бетлар).**

...1822 йил. Жаҳонгир Қўқондан қирғизларнинг овулларига қочиб келди ва ўша ерда Қашқарга хужум қилишга тайёргарлик кўра бошлади...

...Чўнгбағиш қабиласининг улуғи Суранчи шаҳар (Қашқар)нинг бир чеккасига кириб келиб, атрофидаги кишлоқларга хавф туғдирди... Норин дарёсининг юкори қисми, қирғиз овуллари хўжанинг доимий масканига айланди... Жаҳонгир саёқ, басиз ва қаба қабила-уруғларидан ташкил этилган ўзининг кўчманчи партизанлари билан бирга Қашқарга бир неча юриш қилган...

...Хитойлар ўзларининг халовотини олган хужумлардан батамом қутулиш учун Анбанъ саркардалик қилган 500 киши (аскар)ни Атантойнинг овулига тўсатдан ташлаб, Жаҳонгирни асирга олиш учун юбордилар...

Басиз уруғидан чикқан Чибилдибий уларга шунчалик каттиқ хужум уюштир ганидан, ёлғизгина бир хитой аранг қочиб қутулиб, қолгани ўзларининг генерали билан бирга кирилди...

...1826 йил баҳори (май)да Жаҳонгир ўз қўшини билан... Туман дарёсининг ўнг соҳилида, Давлатбоғ деган жойда хитойларни... бутунлай тор-мор қилди.

Жаҳонгирнинг қўлига нима кирса ўша нарса билан қуролланган 200 мингга яқин кишидан иборат қўшинининг хитойлардан тортиб олинган бир неча замбараги ва милтиқлари бор эди, холос...

...Қирғизлар хужумни таъминлаб туришган, улардан хитойларнинг озиқ-овқат, ем-хашак, ўқ-дори ортган араваларини талаш учун партизан отрядлари тузилган, уларнинг раҳбари Атантой Жаҳонгирхўжанинг маслаҳатчилари орасида энг обрўлиси бўлиб, у (хўжа) унга собик ҳокимбекнинг қизини берган...

...Сентябрь ойида Оксувга 770 минг хитой келди, уларга Жун-тань саркардалик қилди. Февралгача хитойлар Оксувда туриб, янгийилдан кейингина Қашқарга йўл олишди. Қашқар, Ёркент ва Хўтан шаҳарларининг қудратли қўшинлари, ўрта осиелик волонтерлар (қўнгиллилар), қирғизлар, Қундуз, Ўратепадан келган кўмакчи отрядлар билан тожиклар хитойларга қарши жўнашди...

### III боб. ҚИРҒИЗЛАРНИНГ XIX АСР ЎРТАЛАРИДАГИ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШИ. ЎЗАРО ФЕОДАЛ НИЗОЛАР

#### 6-§. Қирғиз халқининг Қўқон хонлигига қарши кураши

Қирғизистонда Қўқон ҳукмдорлари истибдоди (зулми)нинг кучайиши. Кўчманчи қирғизлар хон солиқларининг турлари кундан-кунга кўпайишидан норози бўлганлар. Дастлабки йилларда қирғизлардан асосан солиқнинг асосий тури сифатида закот (мол солиғи) олинса, кейинчароқ бошқа турлари ҳам мажбуран олина бошланди. Хоннинг хазинасига қирғизлар шарият бўйича 40 бош майда жонлиқдан бири (қирқдан бир қўй-эчки)ни, 40 йилкидан бирини, 30 бош қорамолдан бири (ўттиздан бири)ни тўлашарди. Агар закот тўлаган одамнинг йилқиси 40 дан кўп бўлса, унда у ҳар бир ортиқ бош йилқиси учун 40 тийиндан тўлашга мажбур бўлган. Туяси бор бадавлат кишидан беш туядан биттадан қўй олинар эди. Солиқнинг миқдори тез-тез ўзгариб турган. Масалан, баъзи бир йиллари қирғизларнинг молини йигирмадан бир бўлагини закот учун тўлашга мажбурлашар эди.

Чорва солиғидан ташқари кўчманчилар **шимолий закот**-ҳар ўтов (тутун, уй)дан биттадан қўй, **халол-закот** — 50 бош молдан биттасини тўлашган. Дехқончилик қилаётганлардан **хирож**-ер солиғи олинарди. Вақти-вақти билан қўқонликлар **аскар солиғи**, деган баҳонани рўқач

қилиб, ҳар оилага **бир тилла** (олтин танга)дан ёки **учтадан** йирик солиқ солишган. Солиқ йиғиш даврида закотчилар билан бекларнинг зўравонлиги туфайли солиқни ортиқча йиғиб олишар, турли совғалар беришни аҳолидан талаб қилар, осон овқатга одатланишган эди. Улар оддий фуқаронинг анча-мунча мол-мулкини талашдан ҳам ор қилмаганлар. Ўрдадан юборилган элбегилар қирғиз овуллари оралиб, аҳолини назорат қилиб турган. Қалъаларнинг беклари қирғиз манап, бийларининг гуруҳлари (йиғинлари)га қатнашиб, қарор қабул қилишга аралашар эдилар. Ана шундай йиғинларни истехкомларга яқин жойда ўтказишни талаб қилишарди. Қўқон хонлигида кейинчароқ оддий фуқародан солиқнинг 20 га яқин тури ундирилган.

Турли солиқлар тўлаш билан бирга аҳоли истехкомлардаги қўқонлик **сарбозларни** озиқ-овқат, от-улов ва бошқа воситалар билан таъминлашар эди. Жанубий Қирғизистонда Қўқон хони серсув, дехқончилик қилишга қулай ерлар ва текисликларни тортиб олиб, қирғизларни тоғ-тошга суриб чиқаришга ҳаракат қилишган. Таласлик, андижонлик, ахсилик, олайлик қирғизлар хон ихтиёрига от-улови, қурол-яроғи тахт йигитлардан (қилқуйруқ)<sup>1</sup> қўшин

<sup>1</sup> Қилқуйруқ-Қўқон хонининг буйруғига биноан қирғизлардан тузилган халқ кўшини.



*Тойлоқ ботир*

тўплаб юбориб туришга мажбур бўлишган. Қўқонликлар қирғизларнинг изларнинг гўзал қиз-жувонларини зўрлаб хон ўрдасига олиб кетишар эди.

*Инсон чидамайдиган оғир турмуш, Қўқон хонлари кўрсатган хўрликлар, зolim ҳоким ва бекларнинг зўравонликлари, қирғизларни ўз она юртида тобе қилишни ўйлаган босқинчиларга қарши мустақиллик учун курашга отлантирди.*

**Қўқон хонлигига қарши Атантой билан Тойлоқ ботирнинг қўзғолони.** Қўқон хонлиги хукмронлигига қарши қирғиз халқининг озодлик кураши XIX асрнинг 30 — 40-йиллари кучая бошлаган эди. Ўша йиллари қўқонлик босқинчиларга Нориннинг юқори қисмида истиқомат қилган саёқ қабиласи, айниқса, қаттиқ қаршилиқ кўрсатган. Саёқлар бунгача Шарқий Туркистондаги цинь-ман-

чжур ҳокимиятига қарши ҳаракатга ҳамда Жаҳонгирхўжанинг Қашқарга уюштирган юришларига қатнашиб, ҳарбий ташкилотчилик ва қуrol-аслаҳа тўплаш жиҳатидан анча тажриба ортиришган эди. Шу боисдан улар хон ҳокимиятига бўйсунмай, тез орада қуrolли кўзғолонга чиқишди. Қўзғолонга машҳур оға-ини Атантой билан Тойлоқ ботир раҳбарлик қилиб, унга Оқдала, Тўғиз-тўра, Норин ва Отбошилиқ қирғизлар қатнашган. Халқ ҳаракатининг янги тўлқинига қўқонлик аскарларнинг 1831 йилдаги хужуми даврида кучайган аёвсиз талашлари, зўрликлари ва хўрликлари сабаб бўлган.

Оға-ини Атантой билан Тойлоқнинг отаси чўрў уруғидан бўлган Ирискул бир вақтлар машҳур Жонбўлатбийнинг замони (XVIII аср)да хитойлар билан бўлган олишувларда кўшинга бошчилик қилган.

**1831 йил** баҳорида Қўқон хони Нориннинг юқори қисмидаги қирғиз овулларига хужум қилади. Кейинги йили (1832) эса Ҳаққули саркарданинг 7 минг жангчиси Оқдаладаги саёқ қабиласини тор-мор қилиб, уларнинг бийлари Атантой билан Тойлоқни асирга олиб, Қўқонга олиб кетишади ҳамда элга жуда оғир солиқ солишади. Асирликдан қутулгач, Атантой ва Тойлоқ-икки азамат, Қўқон хонига бўйсунгилари келмай, Илидаги Катта жуз козоқлари ёнига кўчиб кетишади. Бирок козоқ феодаллари мол-мулкани талаб, тинч яшашга қўйишмаганларидан, улар яна ўз Ватанига қайтиб келишиб, Қўқон ҳокимиятига қарши курашни давом эттиришади.

1832 йили Норин дарёси бўйидаги кулай ерга Қуртқа истехкоми ку-



рилган. Хон ҳокимиятининг Тангритоғдаги асосий таянчи сифатида бунёд этилган бу истехкомда, у вақтда 1000 га яқин қўқонлик сарбозлар турган. Қуртқа бегига қирғизлар турли солиқлар, хусусан, ўлпон солиғи — 10 коп буғдойдан бир коп ва яна закот — 80 кўйдан 2 тасини тўлашарди. Бундан ташқари, қирғизлар Қўқон бегига учқур тулпорларни ҳам тортиқ қилишга мажбур эдилар.

Ниҳоят хон ҳокимиятидан халққа ҳеч қандай муруват, адолат ва рўшнолик йўқлигига кўзи етган Атантой билан Тойлоқ ботирлар қўлга қурол олиб, озодлик курашини бошлайдилар.

А. Чоробаев “Тойлоқ ботир” поэмасида халқ манфаатларини ҳимоя қилган мард йигитларнинг орзу-мақсадларини қуйидагича ифодалайди:

Элнинг барчасин йиғиб,  
Барвақт хабар қилайин.  
Қўқочпон қўқонликнинг  
Йўлларини тўсайин.  
Беклар билан бойларнинг  
Бебошлигин тияйин.

Тойлоқ тез орада қўшин тўплаб, Қуртқа истехкомидаги сарбозларга ҳужум қилади. Жангда қирғизлар ёвни енгиб, истехкомдаги чуқур зиндонда озодликни зориқиб кутаётган тутқунларни бўшатиб юборишади. Аҳли қўқонлик маомурлар тортиб олган мол-мулкига қайта эга бўлиб, солиқ тўлашдан бош тартади. Кўп ўтмай Тангритоғдаги кўплаб қирғиз овуллари курашга бел боғлаганлар.

Кундан-кунга кучайиб бораётган жанжалдан чўчиган Қуртқа беги ўр-

дага шошилиш чопар юбориб, вазиятни маълум қилади. Тойлоқнинг “жинояткорона ҳаракатлари” хусусидаги хабарни эшитган Қўқон ҳукмдори Мадалихон қирғизларнинг ғалаёнини тезроқ бостириш учун Оқдалага Араб ботир бошчилигидаги 500 аскарни юборган. Тойлоқ ботирни қўлга тушириб, қирғизларни иккинчи марта қўзғолон кўтара олмайдиган қилиб жазолашни мақсад қилган Қўқон қўшини Кўгарт дово-ни орқали Тўғизтўрага келганлигини Тойлоқнинг айғоқчилари ботирга маълум қилишади.

**Бича жанги.** Қуртқанинг эгалланиши. Тўғизтўрадаги Бича деган жойга Тойлоқнинг йигитлари, Араб қўшинининг йўлини тўсиб чиқади ва икки томон жангга қирадилар. Аёвсиз жанг натижасида қирғизлар енгиб, тор-мор этилган ёвчанг-тўполон ичида чекинишга мажбур бўлади. Ўша жангда душман оғир талафотга учраб, 400 дан ортик аскардан ажралади. Ноиложликдан озгина сарбози билан қочиб қутулган саркарда Арабнинг ортидан қирғизлар кува бошлашди. Тойлоқ ботир қочиб кетаётган ёвнинг қолган қисмига довондан ошиб ўтаётганда қувиб етади ва Арабни ер тишлатди. Араб ҳалок бўлган жой кейин **Арабнинг бели деб** аталадиган бўлди.

Шу ғалабадан сўнг Тойлоқ ботир Қуртқа истехкомини эгаллаб, асирга тушган қўқонлик 60 мирзанинг учтасини хон ўрдасига юборган. Улар хонга Тойлоқнинг қуйидаги талабларини етказишлари керак эди: “Сизларнинг бекларингиз турли солиқлар солиб, қирғизларни талаб-тўнашди; биздан от, туя олишди, закот би-

лан ўлпон йиғишди. Қўқонлик амалдорлар бизнинг асл буюмларимизни ҳам қўймади, олтин, кумуш ва қимматбаҳо мўйналаримизни ҳам тортиб олишди. Бундан ташқари, келишган гўзал қизларимизни ҳам олиб кетишди. Ўша мол-мулк ва айтилган нарсаларни қайтариб беринглар. Агарда қайтариб бермасанглар, унда асирга тушган қўқонликларнинг барчасини қириб ташлаймиз”.

Талабни бажармасликнинг иложи йўқлигига ишонч ҳосил қилган Мадалихон инсофга келиб, ўрдадаги ўлжа қизларни юртига қайтарган.

**Тайлоқ ботирнинг ўлими.** Тангритоғлик қирғизларни бутунлай бўйсундириш учун қўқонлик маъмурлар турли-туман хийла найранглардан фойдаланишган. Хон пайт пойлаб халқнинг сеvimли йўлбошчисидан жудо қилиш мақсадида Нориндаги киргиз овулларига табиб қиёфасидаги айғоқчисини юборади. Айғоқчи табиб бир неча йил овуллари кезиб одамларни даволаб, уларнинг ишончини қозонади. Ниҳоят у пайт пойлаб, Тойлоққа заҳар ичириб кочиб кетади. Ботир **1838 йил 42 ёшида хаётдан кўз юмади.**

Яловбардор ботирдан айрилиб, тушкунликка тушган халқни бўйсундириш учун Қўқон хони Норинга икки марта махсус ҳарбий қисм юбориб, Тойлоқ вайрон этган Қуртқа истехкомини қайта қурдиради. Узоқ йиллар давом этган курашларда анча талафотларга учраб келиб ҳолсизланган қирғизлар бу гал вақтинча душманга итоат этади. Қўзғолон мағлубиятга учрасада, халқ ҳаракати бутунлай тўхтамади. Халқ

озодлик кураши кейинги йилларда ҳам давом эттаверди.

Тойлоқ ботирнинг раҳбарлиги остида Қўқон хонлигига қарши озодлик ҳаракати халқ ёдида абадий сақланиб қолди.

**Жойлардаги халқ ғалаёнлари.** 30-йиллар охирларида мустақиллик учун курашга Бишкек истехкомига қўшни жойлашган ҳудудда яшаган қирғизлар ғалаён кўтаришди. Уларга Катта жуз қозоқларининг бир қисми қўшилади. Қўқон хонининг 300 сарбоз ёллаган закот йиғувчи элбегининг зўравонлиги ва золимлиги халқнинг ғзабини кўзғатган. Хон ҳокимиятига қарши кўтарилган фуқаро бу қўшинни мажаклаб, солиқ йиғувчи элбегининг ўзини ҳам ўлдирди. Тошкент ҳокими ғалаённи икки марта ҳужумдан кейингина арабг бостирган.

40-йилларда қирғизларнинг истиқлол учун ҳаракати қайта кучайиб, Қирғизистоннинг шимоли ва жанубидаги кенг ҳудудни ўз ичига олади. Масалан, 1843 йили Иссиқкўл водийсидаги қирғизлар қўзғолон кўтариб, Қоракўл, Барсқон, Қўнғурўланг истехкомларидан қўқонлик сарбозларни қувиб чиқаришган.

1845 йили эса олайлик қирғизлар ва Ўш ҳудудида фарғоналик қирғизлар хон ҳокимиятига қарши курашга отланишиб, ўрданинг хавфсизлигига жиддий хавф туғдирган. Шу боисдан Ўшга Қўқондан Мусулмонқул саркардалиқ қилган қўшин шошилинч юборилган. Қирғизлар ёвнинг йўлини тўсиб, каттиқ қаршилиқ кўрсатишади. Аммо қурол-яроқ жиҳатидан анча устунлик қилган,



*Помир қирғизлари. XIX аср*

босқинчилик юришларида тажриба ортирган кўконликларнинг тажриба-ли кўшинининг зарбаларига дош бериш мумкин эмас эди. Душманнинг бир неча галги хужумини қайтариб беаёв курашгач, исёнчилар чекинишга мажбур бўлишади. Нихоят Мусулмонқул исённи куч билан бос-тириб, Ўшда туриб қолади ҳамда кўзғолонда катнашган қирғизларни аёвсиз жазолайди.

40-йиллар охирларида норинлик қирғизларнинг ҳаракати қайта жонланади. Қирғизлар кўконлик бекка бўйсунмай, Қуртқа истехкомига қайта-қайта хужум қилиб туришган. Бу йиллари черик қабиласидан чиққан **Турдуке** бош бўлган отбошилик қирғизлар Қуртқа бегига солиқ тўлашдан очик бош тортиб, озодлик

учун курашга чиқишган. Қирғизлар-ни тинчлантиришга кучи етмаслиги-ни тушунган Қуртқа беги Мамарозик уч йил мобайнида Андижон бегидан кўшимча 700 сарбоз сўраган.

Норин худудида Табилди ботир (тинимсаид) раҳбарлик қилган халқ ҳаракати ҳам икки йилга чўзилиб, кўконлик маъмурларни кўплаб талафотларга учратган.

**XIX асрнинг биринчи ярмида қирғиз халқининг Кўкон хонлигига қарши курашининг тарихий аҳамияти.** Халқ ҳаракатининг кучайиши натижасида босқинчилар маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршилигига дуч келиб, кўп аскардан айрилди, талафот кўрди, ҳокимияти заифлашди. Қирғиз халқининг озодлик учун кураши Кўкон хонлигини анча заифлаштирди. Қирғизистонда кўконлик беклар билан сарбозлар до-

имий ва мустаҳкам ҳокимиятини ўрната олишмади. Эл-юртнинг мустақилликка бўлган ҳаракати янада кучайди. Қирғизистоннинг турли худудларида яшаган айрим қирғиз қабилаларининг сиёсий

жиҳатдан бирлашиш ҳаракатининг белгилари аллақачон шакллана бошлаган эди. Атантой билан Тойлоқнинг кўзғолонидан қирғизларнинг сиёсий яхлитликка ва ахилликка даъват қилиш ташаббусини пайқаш мумкин.

?

### Савол ва топшириқлар:

1. XIX асрнинг 20-30-йиллари қирғиз халқи аҳволининг оғирлашгани тўғрисида айтиб беринг.
2. Қўқонлик маъмурлар қирғизлардан солиқнинг қандай турларини олиб туришган?
3. Атантой билан Тойлоқ ботирнинг кўзғолони қачон ва қаерда бўлган эди?
4. “Тойлоқ ботир” дostonини ўқиб, унинг мазмунини қисқача айтиб беринг.
5. Кўзғолоннинг қандай тарихий аҳамияти бор?
6. Қирғиз халқининг XIX аср 40-йилларидаги озодлик кураши тўғрисида нималарни биласиз?

### Хужжатли материал

Қўқон хонларининг қирғиз халқига кўрсатган зулми хусусида армонли халқ шеъридан парча:

Кўчик ёқни сарт олди,  
Юракларни дард чалди,  
Қирғизнинг атрофи  
Темирдан қафас бўлди.  
Тушган ери қирғизнинг  
Қирк қулоч зиндон бўлди.  
Қўқоннинг ҳукмронлиги  
Манглайдаги шўр бўлди.  
Аргумоғин ўйнатиб,  
Қўқ кавушин тўғрилаб,  
Қўқонликнинг хўрлиги  
Ўтиб тушди зўрлиги.  
Айғир от билан туя  
Олиб турар қўқонлик.

Азаматнинг бошига  
Турли-туман солиқни  
Солиб турар қўқонлик...  
Гуноҳи йўқ одамни  
Бошин ёриб оруна  
Солиб турар қўқонлик.  
Танлаб туриб қирғиздан  
Оймоқтуудан уз алди,  
Каркирасин сайдириб,  
Беш кокиллик қиз олди  
Карвиштатиб қулағин,  
Закотига қўй олди.  
Каржалдириб йигитни  
Хизматига бой алди.

## 7-§. Шимолий Қирғизистондаги қабилаларо низоларнинг кучайиши. Боронбой. Ормонхон

**Қабилаларо низоларнинг сабаблари ва оқибатлари.** XIX асрнинг биринчи ярмида қирғиз қабилалари ўртасида ҳарбий даврга хос бўлган феодал урушлари тез-тез бўлиб турди. Айниқса, буғу билан сарибағишлар низоси узоққа чўзилиб, ички, ташки шароитларга, тарихий вазиятга мос ҳолда ўзгариб турган. Одатда бундай урушлар кўпинча қўшни қабиланинг оти ва молини ҳайдаб кетиш, гаровга олиш, асир ва ўлжа олиш учун олиб борилар эди. Кейинчароқ ер ва яйлов талашган низолар кўпайиб кетди. Шу билан бирга айрим феодал зодагонларнинг ўз сиёсий ҳукмронлигини кенгайтириш ва мустақкамлаш ҳаракати билан боғлиқ сиёсий аҳамиятга молик сабаблар йирик низоларга туртки берган. Масалан, сарибағиш қабиласининг катта манапи **Ормон Ниёзбек ўғли** (1791/1792 — 1854) бутун шимолий қирғиз қабилаларининг устидан ҳокимият ўрнатиш ва қирғиз хонлигини тузишга интилиб анча ҳаракатлар қилган. Ормоннинг қирғизлар юртини сиёсий жиҳатдан марказлаштириш ва бирлаштириш ташаббусини айрим қирғиз қабилаларининг оқсуяк манаплари қўллаб-қувватламади. Шу боисдан унга қабилаларнинг мустақил бўлишини ва унинг ягона ҳокимиятидан кўра тарқоқликни афзал кўрган оқсуяклар билан ҳисоб-китоб қилишга тўғри келди. Шунингдек, Ормон кўшни Хитой билан Қўқон хонлигининг босқинчилик ҳаракатларига ва тобора яқинлашиб келаётган Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига дуч келди. Уларнинг ҳар бирини пинҳоний мақсадлари бор эди.

Ўша мамлакатлар вакиллари ва айғоқчилари қирғиз қабилаларини бир-бирига гиж-гижлаб низо чиқаришдан ва фитна уюштиришдан чарчамаганлар. Чунки ахиллиги, йўқолиб, пароканда бўлган халқни бўйсундириб олиш осон эди.

**Сарибағиш-саёқ низоси.** XIX асрнинг биринчи чорагида сарибағиш, саёқ, буғу, солто қабилалари қайта-қайта тўқнашиб турдилар. Солто билан сарибағишларнинг 20-йиллар бошидаги низолари ана шундай тўқнашувларнинг дастлабкиси эди. Бу низо Чуй худудини Мадалихон бўйсундириб ола бошлаган даврига тўғри келиб, худудда Қўқон ҳукмронлигининг ўрнатилишини анча енгиллаштирган. 30-йиллар ўрталарида сарибағиш ва саёқ қабилалари ёвлашади. Икки қабила катта манапларининг ўзаро гина-қудратлари, манмансирашлари, камситишлари ва ҳақоротомуз сўзлари бунга сабаб бўлди. Албатта, айрим тушунчаси тор, нияти бузук одамлар ўртадаги низо оловини ёққан, Ҳолвани ҳоким, калтакни етим ейди, деганларидек икки ўртада бегуноҳ халқ кўп азоб чекди.

Сарибағишларнинг катта манапи Ниёзбекнинг қариндоши Айдаке ботирни саёқнинг чўрў уруғидан чиққан Жонбўлўтбийнинг йилқичилари ҳақорат қилганда у Ниёзбекка арзланиб боради. Уринишга тоғ, урушишга ёвтопа олмай зўрға турган бошқа манаплар каби Ниёзбек ҳам ўт билан ўйнашди. У чўрў, қурмонхўжа уруғларининг катта манаплари Қачике ботир билан Медет додхоҳга йигитларини юбориб, Жонбўлўтбийга нисбатан чора кўришни



*Сартай-Сарибағиш уругининг манани.*

*Ч. Ч. Валиханов чизган расм*

*Анварель, 1856-й*

талаб қилади, агар бунга кўнишмаса, унинг овулини ишғол қиламан, деб кўрқитади. Ниҳоят низо кучайиб, жанжал кўтарилади.

Ниёзбекдан хўрлик кўриб, кўнгли совуган Қачике ботир Норин, Отбоши, Оқдала, Тўғизтўрадаги саёқлардан кўшин йиғиб, икки йил тайёргарликдан сўнг, Жумғолдан Чуйдаги сарибағишларга қарши хужумга отланади. Желарги-Тойғоқ деган ердаги Ниёзбекнинг овули Қачике ботирнинг хужумидан беҳабар яйловда мол-қўй ва йилқиларини боқиш билан овора эди. Худди ана шу пайтда кўқисдан хужум қилган қачике ботирнинг кўшини овулни ишғол этиб, мол-мулкини талаб, йилқиларини ҳайдаб кетади.

Ниёзбек шошилиш тарзда сарибағишлардан йигит йиғиб, саёқларнинг ортидан жўнайди. Бироқ “Ниёзбекнинг саккиз беги” деган ном олган унинг ўғиллари раҳбарлик қилган сарибағиш кўшини Шамши дарасининг бошидаги жангда саёқлардан мағлубиятга уч-

райди. Икки тараф ёппасига юзма-юз келишидан аввал Ниёзбекнинг Ормон ва Субонбек деган ўғиллари жангга тушиб, саёқ ботирлари Эрали билан Хўжабердидан мағлуб бўлиб қайтади. Жангда сарибағишлар кўп талафот кўриб, Ормон асирга тушади. У 8 ой мобайнида саёқларда асирликда бўлиб, зўрға қочиб кутулган.

Саёқлар билан сарибағишларнинг низоси тасодифий эмасди. Ғалванинг илдизи анча чуқур кетган эди. Унинг асосий сабаби ўша вақтда Ниёзбек Эсенгул ўғли раҳнамолигидаги сарибағиш манапларининг Кўчқор ва Жумғол водийларидаги яхши яйловларни эгаллаб олиш ва чўрў, қурмонхўжа, кулёғоч каби тарқоқ саёқ уруғлари ҳамда Иссикқўлнинг ғарбий томонидаги саёқларни ўз ҳокимиятига бўйсундириш ҳаракати билан боғлиқ бўлган.

**Буғу-саёқ низоси.** Ўша 30-йиллардаёқ саёқ билан буғу қабилалари ўртасида ички низолар кучайган. Тарқоқ бўлиб, турли худудларда яшаган саёқлардан кўра сон жиҳатидан кўпроқ бўлган буғу қабиласи устунлик қилиб, низода кўпинча ғалабага эришиб турган. Масалан, буғуларнинг ботири Нўғой бир галги жанг пайтида Медет додхоҳнинг овулини ишғол этиб, мол-мулкини талаган. Ўша жангда Медет додхоҳнинг ўғли Айтак ботир ҳалок бўлади. Аламзада бўлган додхоҳ кўқонликлардан ёрдамга ҳарбий куч сўраб, буғуларни Текесга суриб бориб, хуморидан чиққан эди. Ўлжа, тутқунларни кейин у ўғли Айтакнинг қора ошида совринга қўйган.

---

**Боромбой Бекмурод ўғли** буғу уруғининг XIX аср ўртасидаги катта манали. Тахминан 1785 — 90-йиллари туғилиб,

1858 йил вафот этган. У ёшлигида бошидан кўп кийинчиликларни ўтказган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган, оқил йўлбошчи эди. Боромбой ота-боболардан қолган урф-одатларни мустаҳкам сақлаган. Миллий урф-одатларни, мақол ва маталларни, хикматли сўзларни, шажарани жуда яхши билган.

Шунинг билан бирга, у кўшиқчи ҳам эди. У қуйлаган “Боромбойнинг керээзи” ҳозиргача халқ ёдида сақланиб қолган. Унинг замондошлари, қирғиз элининг ўша пайтдаги буюк инсонлари Жанғарач, Жонтой, Ҳожибек ботир, Ормонхон, Алимбек додхон ва бошқалар Боромбойни сўз кудратини билган инсон қатори юқори баҳолаганлар. Нотинч замон туфайли айрим пайтларда аразлашиб, қарама-қарши бўлиб туришган бўлса ҳам, уларнинг ўзаро муомаласи аҳиллик, қариндош-уруғчиликни мустаҳкамлаш, куда-анда ва дўст бўлишга интилишдан иборат бўлган. Бунга Боромбойнинг алоқалари далилдир. Бинобарин, у Ормонхоннинг кудаси эди. Боромбойга аскар Ҳожибек ботир, солто манапи Жанғарач, сарибағиш манап Жонтой ва бошқалар хайрихоҳ бўлиб, қалин муносабатда эдилар.

Кейинчалик низо чиқиб, уруғлараро жангда Ормонхон вафот этиб, аҳилликка дарз кетганда, Боромбой жуда хафа бўлиб, кеч бўлсада аҳилликни йўлга қўйишга интилан экан.

Шундай низолар уни Хитой, Рус мамлакатлари билан яқинлашувга ундаган. Кўл бўйидаги қирғизларни ўз таркибига киритишга хитойликлар ҳам, рус подшоси ҳам кўпроқ кизиққани ҳақиқатдир. Шунинг учун Хитой императори 1850 йил Қўлга элчиларини жўнатиб, Боромбойга улуғ мартаба ҳамда бундай мартабанинг белгиси ҳисобланган ва бош кийимга тақиладиган кимматбаҳо қизил тош инъом қилган. Сирт, Сар-Жаз, Текес, Музарт, Довондаги яйловларнинг тинчлигини таъминлаш учун Боромбой хулжадаги хитойлик цян-цзюн — генерал-губернатор билан муомала қилиб турар эди.



*Боромбой-Бузу қабилисининг катта манапи. П. М. Кошаров чизган расм. 1856-й*

Рус генераллари ҳам Боромбойга кўпроқ эътибор бериб, уни тезроқ ўз қўлларига олишга ҳаракат қилишган. Бунга маълум даражада Иссиқкўл худудининг стратегик аҳамияти, 20 — 40 йиллар элчилик алоқалар ҳам туртки бўлган.

Буғу уруғи Россияга қўшилганда Рус ҳукумати Боромбойга подполковник унвонини бериб, ойлик маош бера бошлаган. У Россия томонидан уч марта кимматбаҳо чопон, қилич ҳамда олтин медал билан мукофотланган. 10 минг туман буғу уруғининг расмий турдаги катта манапи ҳисобланган.

Боромбойнинг яна бир фазилати унинг бекаму кўст хўжалик юрита олишидир. Халқнинг ҳаётини яхшилаш учун у экин-тикин экиб, боғроғлар қилишга, деҳқончилик қилишга ундаган. 1843 йил Жуукуга икки кўрғон (Қизил Ункур) қурдириб, ўрда қилган. Экин эктирган, олма, ўрик, олмурут, узум, ковун-тарвуз етиштирган. Боромбой илмли одамларни жуда ардоқлар эди. 1856 йил Чўкон Валихонов узоқ вақт мобайнида қимматли маъ-



*Ормонхон*

лумотлар тўплаш учун унинг қишлоғида яшаган, Боромбойнинг суратини чизган. Хуллас, у ҳар тарафлама фазилатли инсон эди. Энг асосийси, эл учун яшаб, ғамхўрлик қилган халқ кишиси эди.

*(Ч. Валиханов маълумотларидан фойдаланилди).*

**ХІХ асрнинг 1-ярмида яшаган қирғиз халқининг машхур инсонларидан бири Медет додхох Байтугал ўғли.** У тахминан 1788 — 90 йиллари туғилиб, 1838 — 39 йиллари вафот этган. Бобоси Тугалбий, катта отаси Келдибек бий, отаси Юсуф бий қадимдан Кўчкор, Жумгалда яшаган саяк уруғининг бошчилари бўлишган. Халқ сўзига караганда, Медет додхох болалик пайтидаёқ зехнли, ўта шўх бола бўлган экан. Кейинроқ улғайганда ўзининг истеъдоди, ақллиги билан кўпчиликка танилади. Аста-секин халқнинг ишончига кириб, эл орзу-тилагини қаноатлантирувчи адолатли бий бўлиб етишади. Оз нарсага ҳам қаноат қилувчи, назари тўқ эди, ҳар бир ишни жаҳдга енгилмай,

осойшталик билан еча олган. Инсонларга юмшоқ муомалада бўлган. Кек сақламаган, кенглиги, мушкул пайтда донолик билан иш юрита олган чеварлиги бор! Унинг таникли отаси Нусупбий: “От қочирмас бўз айғир” дея фахрланиб сифат берган экан.

Шундай инсон билан алоқа қилиш Қўқон хонини кизиктирган. Негаки уни қўлга олиш халқни ўз қўлига олиш демакдир. Шунинг учун Умархон Қўқондаги ўрдасига Медет бийни бошқа қирғиз бийлари билан бирга меҳмонга чақиртириб, иззат-хурмат кўрсатади.

Ўшанда Қўқон хони Медет бийга додхох увнонини бериб, алоҳида қилинган байроқ ҳамда кўпгина ҳуқуқлар берувч ёрлик иноом этган. Унинг донолигига, маъноли сўзларига қойил бўлган Умархон Қўқондаги “оқ уйли омонат”да ушланиб юрган қирғиз бийларининг 21 фарзандига ўз ватанига кетишга рухсат беради. Медет додхох ҳар доим низо-жанжалларга йўл бермай, тинчлик йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилувчи, халқпарвар инсон бўлган. Хитой ҳукуматидан Жанболот бийни оқиллик билан кутқариб келган. Тухмат туфайли Қўқон зиндонида ётган Алдаш ботирни ўлимдан кутқаради. Бу ёрдами учун Алдаш ботирнинг қариндошлари, найман, бостон, тейиб уруғлари хурматлаб, яқиндан борди-келди қилганлар.

Медет додхох қирғиз уруғларини аҳилликка чақириб, ёвлашган уруғларни қелиштириб турган. 1820 йил сарибағиш билан солто уруғларининг ер талашиб низолашувини тўхтатишга ҳисса қўшган. У Кетмонтепалик саяклар билан таласлик қушчу уруғи ўртасидаги жанжаллашувни босишда ҳам катта роль ўйнаган. Шунинг учун халқпарвар оғир-босик, адолатпарвар додхохни қирғиз уруғларининг йўлбошчилари бой-манаплари жуда хурмат қилар эдилар. Хондан алоҳида ёрлик олган додхох баъзида зўравон қўқон беклари, закотчиларини ҳам тияр эди. Ўзаро аҳилликни мустаҳкамлаш учун кўпгина манаплар билан узвий алоқада бўлиб, қуданда, дўст тутинган Жонтойга саяк уруғидан танлаб қиз берган. Ўзининг қизи Сайқални



кетмонтепалик катта манап Рискулбекка турмушга берган. Медет додхохнинг кишлоғига қашқардан, Қўқондан ва бошқа тарафлардан савдогарлар катнаб турар эдилар...

*Ж. Кенчиев. Медет додхоҳ.  
Авлодлар тарихи Б., 1996 й.*


Бундан кўп ўтмай буғуларга саёқларнинг яна бир катта манапи Қачий хужум қилади. Қўқон қўшини қўллаб-қувватлаган саёқ аскарларининг ҳамласига дош бера олмаган буғулар Қаркира, Текесга чекинган. Бироқ Қачий буғуларнинг тўсатдан уюштирган хужумига дуч келиб, Керойт ботирнинг ўқидан ўлади. Ўшандан кейин саркардасидан айрилган саёқлар ортга қайтишга мажбур бўлади. Буғулар ҳам жимгина қараб туришмади. Буғуларнинг саёқларга қарши хужумларининг бирига машҳур **Балбай ботир** бошчилик қилган. Ҳеч нарсадан қайтмайдиган доворак Балбай ботир курмонхўжа уруғининг катта манапининг чопкир отига, Медет додхоҳнинг Оқзийнат исмли келишган, гўзал кизига кўзи тушиб, уларни қўлга кирита олмай доғда юрган эди. Ойдек гўзал Оқзийнат ўша вақтда акаси Давлат ботирнинг қўлида эди. Ўз мақсадини амалга оширишни кўзлаб, Балбай ботир Жумғолдаги курмонхўжа ва кулёғочлар овулларига хужум қилади. Бирокунингасосий мақсади мўмай ўлжага, янги яйловларга бўлиш ва буғу қабиласи манапларининг сиёсий таосир доирасини кенгайтиришдан иборат эди. Буғуларнинг катта манапи **Боромбой Бекмурод ўғлининг** бу хужумга қатнашиши бежиз бўлмаса керак.

Балбайнинг юриш бошлагани ҳақида олдиндан хабардор бўлган Давлат ботир жангга яхшилаб тайёргарлик кўришга улгуради. Буғулар Жумғолга келганда саёқларнинг каттик қаршилигига дуч келиб, Балбойнинг ўзи хужумга ўтганда қўлга тушади. Саёқлар унинг қулоғини кесиб, узоқ муддат тутқунликда сақлашган. Кейин кариндош-уруғи кўплаб мол бериб, уни зўрға кутқариб олишган. Юрагида ўчмас кек сақлаган Балбой ботир ўч олиш мақсадида саёқларга кейин ҳам хужум қилиб турган.

**Ормоннинг хон деб эълон қилиниши.** XIX асрнинг иккинчи чорагида сарибағишнинг катта манапи **Ормон Ниёзбек ўғли** отасининг ўрнини босиб, қабиласини ўз қўли остида бирлаштиради. Ормон буғуларга қарши курашда сарибағишларнинг ёрдамига мухтож бўлган саёқларнинг курмонхўжа, кулёғоч уруғлари билан иттифок тузиб, ўзига яқин кавм бўлган темир, бўлўт ва черикчи уруғларининг ҳамроҳлигида Чуйдан Қўчқорга кўчиб кетади. Аста-секин унинг таъсири Жумғол, Норин, Отбоши, Оқдалагача етади. Ормон буғуларнинг саёқларга қарши хужумларини тўхтатиб, уларни ўз тарафига жалб эта олди. Балбой ботир Ормоннинг овулини ишғол этгани келганда қўлга тушиб, қиш ва ёз бўйи қўл-оёқлари кишанланиб зиндонда ўтирди. Ҳолдан тойиб қолганда уни буғулар, Ормоннинг буғулар ичидаги содиқ дўсти орқали арғумок от инъом қилиб, ўлимдан қутқариб қолганлар.

XIX асрнинг 40-йиллар бошларида Ормон орқалик қирғиз қабилаларининг бирлашмасини тузишга эришиб, саёқлар билан буғуларнинг бир

қисмини ўз тасарруфига олади. Бу қабилаларнинг катта манаплари расман унга бўйсунган эди. Айтишларича, Ормон сарибағиш, саёқ, буғулардан ташқари солто, черик, чўнгбағиш, қушчу, саруу ва бошқа шимолдаги қирғиз қабилаларини бирлаштиришга кўп сай-харакатлар қилган. Кўзлаган мақсадига эришиш учун у 40-йиллар бошларида (Белек Солтоноевнинг ёзишича, Ормон 1830/31 йиллари Ўрта Тўқайда хон деб эълон қилинган) Балиқчида (айрим маълумотларга кўра Ўрта Тўқайда) махсус гуруҳ (йигин) чакиради. *Бузу, саёқ, сарибағиш, солто, саруу, қушчу, черик ва бошқа қабилаларнинг бийлари, тадбиркор инсонлари, оқсоқоллари, “яхшилари” йигилган ўша гуруҳда 9 оқ бўз бия сўйилиб, Ормон оқ кизизга ўтқазилиб, хон деб эълон қилинган экан.* Хон ҳокимиятининг рамзи сифатида унга кизил тебетей (тепаси қимматбаҳо кизил мато билан қопланган сувсар телпак) кийдиришади. Шундан бошлаб Ормонхон деб эълон қилиниб, ўзини қирғизлар ичида олий ҳокимият эгаси, ҳукмдор, юрт отаси сифатида ҳис эта бошлайди. У Жонтойни маслаҳатчи ва Торагелдини лашкарбоши этиб тайинлайди. Қалигул авлиё хоннинг кадрдон ва доно маслаҳатчиси эди. Одатларга таяниб интизомни мустаҳкамлаган. Унинг ёрлиғи бўйича ўғирланган мол учун ўғри маълум миқдорда жарима тўлаган. Қиз олиб қочганга 40 от, эркак кишининг хуни учун 300 от, хотин кишининг хуни учун 150 от жарима сифатида белгиланган. Хоннинг 30 — 40 милтиқли мергани, йи-



*Медет доддах*

гитлари, олтин, кумуш, кўплаб мулки 40 — 50 минг бош кўйи, 2 минг йилқиси бўлган. Келган савдогарлардан ва аҳолидан солиқ олиб турган. Кейинроқ Кененсари билан бўлган жангда эришган ғалабадан Ормонхон ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун фойдаланишга ҳаракат қилган. У Қўқон хонини менсимай, ўзи хоҳлагандек идора қилиб, шимолдаги қирғиз қабилалари орасида таъсирини анча мустаҳкамлаб олган эди. Тилакка қарши Ормонхон қанчалар жон куйдириб ҳаракат қилмасин, барибир қабилаларини сиёсий жиҳатдан тўлиқ бирлаштира олмади. У вақтларда мустақил қирғиз давлатини ташкил этиш учун муҳим бўлган ички ва ташқи сиёсий шартлар йўқ эди. Ички феодал низолари ва Қўқон хонлигининг сиёсати қирғиз

халкининг таракқиётига ғов бўлган. Хитой бўғдихони билан рус подшо-си ҳам қирғизларнинг кучайиши-ни ва ягона давлатга бирлашишини ёқтирмаган. Ушбу мамлакатларнинг барчаси Қирғизистонни бўйсундириб олиш ва қирғиз халқининг устидан ҳукмронлик қилишга интилганлар. Бунга қозок султонларининг ёвла-шуви устига-устак бўлиб, қирғиз халқини анча талафотларга учратди.

50-йиллар ўрталарида буғу билан сарибағиш қабилалари ўртасида низо бошланиб, у Шимолий Қирғизистон Россиянинг тасарруфига тўла ўтгун-га қадар (1868 йил) босилмаган. Ўрда ўйини ва мол ўғирлаш баҳона бўлган

ўшандай жангларнинг бирида Ор-монхон қўлга тушиб, кекчи душма-нинг қўлидан қўлтиққа найза еб, оғир жароҳатдан ўлади. Ормоннинг ху-нини олмоқчи бўлган сарибағишлар қайта-қайта ҳужум уюштириб, буғуларнинг тинчини бузганлар. Боронбой бош бўлган буғуларнинг бир гуруҳ овули Қарқира билан Те-кесга чекинади. Боронбой хитой маъ-мурларига, рус ҳокимияти вакилла-рига химоя излаб мурожаат қилишга мажбур бўлган. Буғу қабиласи Рос-сиянинг тасарруфига тўла ўтгандан кейингина рус маъмурларининг ара-лашуви билан низо барҳам топа бош-лайди.

?

### *Савол ва топшириқлар:*

1. Қабилалараро низоларга нималар сабаб бўлган ва улар ижтимоий ривож-ланишга қандай зарар етказган?
2. Сарибағиш-саёқ низоси қирғиз халқининг ички иттифоқиға ҳамда таракқиётиға қандай зарар етказган?
3. Буғу-саёқ низоси хусусида нималар биласиз?
4. Ормонхон қандай вазиятда хон деб эълон қилинган?
5. Ормонхонга ва унинг мустақил давлат тузиш ҳаракатиға қандай изох бера оласиз?

## **8-§. Кенесари Қосимовнинг (хан-Кене) босқиниға қарши Шимоллий Қирғизистондаги озодлик ҳаракати**

**Кенесарининг босқинчилик ҳа-ракатларининг сабаблари ва шарт-шароитлари.** XIX асрнинг 40-йиллари Кенесари Қосимов бош бўлган қозок феодаллари Қирғизистоннинг шимо-лиға талончилик ҳужумларини уюш-тирганлар. Бунга ўша даврдаги му-

рақаб тарихий вазият, Қозоғистонни тўла бўйсундиришни мақсад қилган Россия давлати билан Ўрта жуз қозок султонлари ўртасидаги муносабат-ларнинг кескинлашуви, ҳарбий давр шарт-шароит яратган. Қозок ва қир-ғиз феодалларининг узок йиллардан

бери яйловларни талашиб кўтарган жанжаллари ҳам кўшни халқларнинг қонли тўқнашувига сабаб бўлган.

Хусусан, улар ҳар доим ҳам низолашиб юрмаганлар. Кўшни яшаган қондош икки халқ ўртасидаги муносабатларга кўпинча қизғин борди-келдилар, хўжалик-маданий алоқалар ва чет эллик босқинчиларга қарши курашларда шаклланган иттифоқ аҳамиятлидир. Айниқса, XVII — XVIII асрларда ойратлар-қалмоқларнинг ҳужумлари пайтида қозоқ-қирғиз иттифоқи анча мустаҳкамланган.

Қирғизлар билан қозоқлар патриархал-феодал ижтимоий муносабатлари даражасида бўлиб, сиёсий жиҳатдан ҳали бирлаша олмай тарқоқ ҳолда қолаверганлар. Бундай шароитда тарқоқ халқларнинг ички низолари тўхтамай, айрим қозоқ хонлари билан султонлари, қирғиз манаплари ва бийлари ўртасидаги феодал урушлар икки халқни тенг заифлаштирган. Ҳокимиятга интилиб, осон ўлжа, бойликка эга бўлишни истаган феодал зодагонлар баъзида қон тўкишдан ҳам қайтишмаган.

Кўплаган бегуноҳ одамларнинг умрига замин бўлган ўшандай оғир урушлардан бири — **Кенехоннинг 1845 — 1847 йиллардаги босқинидир.** **Кенесари Қосимов** (1802 — 1847) Аблайхоннинг набираси, Қосим султоннинг ўғли, оқсуяк зодагон авлодидан эди. Унинг шахсий мулкида 6 мингча йилқиси, 2 мингдан ортиқ қўйи, сон-саноксиз мол-дунёси бўлган.

Дастлаб Кенесари Ўрта жужда XVIII асрнинг 40-йиллари бобоси Аблайхон тузган хонликни қайта тиклаш ва ўзининг чексиз шахсий ҳокимиятини ўр-

натишни орзу қилган. Шунингдек, у Қозоғистонда Россия империяси таъсирининг ёйилиши ва ҳукмронлигини ўрнатилишга йўл бермай, ғов бўлишга ҳаракат қилиб, кескин равишда подшо аскарларининг йўлини тўсган. **Деярли 10 йилга чўзилган Кенехон ҳаракати (1837 — 1847) кейинчароқ зулм, талон-торожлик, чексиз қон тўкишлар ва ноўрин талафотлар билан якунланди.**

**1841 йили қабила оқсуяклари ва султонларининг қурултойида Кенесари хон бўлиб кўтарилади.** Кенехоннинг ўрдаси у вақтда Иргиз ва Тўрғай ўзанлари ҳудудида жойлашган эди. Дастлабки йилларда Кенесарининг кўшини подшо аскарларига қарши жангларда айрим муваффақиятларга эришиб, озодлик ҳаракати кенг ҳудудга ёйилади. Аста-секин унга қатнашган қозоқларнинг сони ўсган. Чунки улар чет эллик маъмурларга тобе бўлгандан кўра, Ватан озодлиги учун курашда жонини қурбон қилишни афзал кўришган. Бироқ ўз манфаатини ўйлаган худбин султонлар билан бийларнинг бирлиги унча мустаҳкамланмай, уларнинг муросаси келишмай ҳаракат кучсизлана бошлайди. Натижада подшо аскарларининг Қозоғистон ички туманлари томон юриши осонлашди. 1845 йили Урал ва Оренбург томонларда подшо аскарларининг тайзиқи кучаяди. Ўша йили генерал-майор Вишневский қўмондонлик қилган рус аскарлари Кенесарининг изига тушди. Қўнонбой, Бароқ, Нурали каби баъзи қозоқ султонлари Вишневский кўшинига қўшилиб кетади.

**Аҳволи оғирлашиб, аскарлари камайган Кенехон Марказий Қозоғистонни қолдириб, Сари**

## **Орқадан Катта жуз қозоғининг юрти Еттисувга кўчишга мажбур бўлади.**

Янги кўчиб келган юртда у Катта жуз қозоқлари билан олатоғлик қирғизларни бўйсундиришни ва уларга таяниб подшо аскарларига ҳамда Қўқон хонлигига қарши курашни давом эттиришни ўйлаган эди. Аммо унинг ўйлагани амалга ошмади. Чунки унинг охириги йилларда кучайган талон-торожлик урушлари ва золимликлари элни ранжитиб, халқнинг анча қисмини, султон ва бийларнинг биргуруҳини ҳаракатдан четда қолишига сабаб бўлган. Масалан, 1846 йили Кенесари қирғизларга қарши ҳужум уюштириб, рахна солганда, бу ҳатти-ҳаракатлар аслида яхшиликка олиб бормаслигига кўзи етган Ўрта жузнинг Оёғуз, Қарқарали, Кўкбекти ҳудудларининг айрим султонлари қайсар хондан юз ўгиришади. 1846 йили Катта жуз қозоқларининг султонлари билан бийларининг кўпчилиги Россия тарафига ўтиб кетади. Ҳатто, Она Ватан, халқ тақдирига нисбатан шахсий манфаатини устун қўйиб, фақат ўзини ўйлайдиган, ҳокимият ва бойликка интилган ана шундай феодал зодагонлари Россия маъмурларига ялтоқланиб, уларга “оқ хизмат” қилишдан ҳам тортинмаганлар.

Аммо ўзининг аҳволи ёмонлашиб бораётганига қарамасдан, Кенесари қирғиз ерига ҳужум қилишга интилади. У қозоқларнинг Катта жуз султонлари билан қирғиз феодаллари ўртасида ҳарбий даврга хос бўлган от ўғирлаш, қишлоқларни талаш ва гаровга олиш пайтида авж олувчи ёвлашишлардан ўз мақсади йўлида фойдаланиб, баъзи бир “кекчи” султонларнинг қўллаб-қувватлашига эришди.

Қозоғистон рус аскарларига қарши жангда ҳолдан тойиб, жануб томон юрган Кенехон қирғизларни тобе қилиб, улардан солиқ ундириш ва аскар олишга умид боғлаган. Қирғизистон ёвга қарши кескин курашни давом эттириш учун тайёргарлик кўргудек энг қулай масканга айланар эди.

**Элчиларнинг фаолияти. Қирғизларнинг Кенехон талабига жавоби.** Кенесари дастлаб қирғизларни тинч йўл билан кўндириб бўйсундиришга ҳаракат қилади. Бироқ, қирғизлар унинг ўз ихтиёрингиз билан итоат қилинг деган талабига кўнишмади. Қирғизларнинг анойилардан эмаслигига кўзи етгач, Кенехон уларни куч ишлатиб бўйсундиришга бел боғлайди. У ўзини бунгача қирғизлардан “азият чеккан” қозоқларнинг ҳимоячиси сифатида кўрсатиб, қирғизларга кўплаб тухмат тошлари отади. Қирғиз овулларига ҳужум қилиш учун унга баҳонагина етишмай турганди. Ҳатто у отаси Қосим билан бобоси Аблайнинг “эски даъволари”ни рўқач қилишдан ҳам тоймади.

1845 йил кузида Кенесари қирғизлар (Ормон, Жонтой, Жанғарач)га элчи юбориб, улардан тобе бўлишни, хон ҳокимиятига итоат қилиб, закот тўлашни талаб қилади. Унинг бу талабларига қирғиз манаплари ўзаро кенгашиб, “хон ҳокимиятини муносиб манап Ормонга берганимиз маъқул, қолган ишлар Кенесарига ҳавола” деб айттириб юборишган.

Кенесари билан музокаралар олиб бориш учун Қалигулбий бошчилигидаги ўз элчиларини юборгач, сарибағишларнинг катта манаплари Ормон, Жонтой, солтонинг катта мана-

пи Жанғарач, буғу, сарибағиш, солто, саёк, саруу, кушчу ва бошқа қабилалар оқсоқолларини Кенехоннинг талабини муҳокама қилиш учун махсус йиғинга чакиришади. Ҷша гуруҳ йиғинида қирғизлар Кенесарининг талабларини бажаришдан бош тортиб, урушга тайёрланиш, қурол ўқталган ёвни ўша қуроли билан мажақлаб ташлашга қарор қилишади. Қирғиз қабилаларининг биргалашиб бундай қарорга келишига Қўқон хонлигидаги ички низонинг авж олиши қулай шароит яратган. Ўрдадаги воқеалар билан алаҳсиб, қўқонликлар бу вақтда Шимолий Қирғизистон халқининг ҳаётига аралаша олмай қолган эдилар. Амалда эса Қирғизистоннинг шимоли мустақилликка эришган эди. Қўқон истеҳкомларида кам сонли аскарлар мавжуд бўлиб, улар қирғиз халқи устидан хон ҳокимиятини тўла таъминлай олишмаган. Ана шундай вазиятда орқалик қирғизлар янги босқинчи Кенесарига қарши курашга ёппасига қўзғалишди. Қасдлашган ёв билан олишув жараёнида Чуй, Талас, Иссиққўл ва Марказий Тиёншон ҳудудларида яшаган қирғиз қабилаларининг сиёсий бирлашишига интилиши жонланиб, унинг нишонлари яққол қўзғатилди.

Ормонхон, Жонтой ва Жанғарач каби қатта манаплар Кенехоннинг хиёнаткорона, ҳужумлари қучайган вақтда қирғизларнинг душманга қарши курашини ташкил қилиш ташаббусини қўлга олиб, эл-юрт бошида туришди. Йирик феодаллар эканлиги, халқ ичида ўз ҳурмати ва обрў-эътиборини орттиришни қўзлаганига қарамай, биз уларнинг Она Ватан олдида қўрсатган хизматида тана олмай-

миз. Албатта, бу ҳаракатга тарихий баҳо беришда меҳнатқаш халқнинг ҳал қилувчи роли диққат марказида бўлиши зарур. Уси з унинг аҳамияти ва моҳияти тўла очилмай қолиши мумкин. Яна бир таъкидламоқчи бўлган фикр-ҳаракат пайтидаги қирғиз-рус муносабатлари. Подшоликнинг зўравонлиги ва зolimлигидан, Россия империясининг талай халқларни қажатган мустамлакачилик ташки сиёсатидан ҳали беҳабар, истибод азобини тортмаган маҳаллий халқ, Россияга нисбатан илиқ муносабатда бўлганлар. Шу боисдан қирғизлар Кенесарининг Россия ҳукмронлигига қарши ҳаракатини қўллаб-қувватламаганлар.

**Аксинча, Кенехон аскарларининг беғуноҳ халққа қўрсатган хўрликлари, қароқчиларча талашлари, зўравонликлари, бемехрлиги ва шафқатсизлиги оддий қирғиз халқининг ғазабини қайнатиб, мустақиллик учун курашга ундади. Эл-юрт бир ёқадан бош чиқариб ёппасига ёвга қарши отланди.**

**Кенехоннинг ҳужуми. Жангнинг бошланиши. Жаманқара ботирнинг ўлими.** Чуй водийсидаги қирғиз овулларида Кенесари 1845 йилнинг охиридаёқ ҳужум бошлаган. Ўша йилги ҳужумлар чоғида у Иткечув ва Мерке истеҳкомларидаги қўқонлик сарбозлар билан тўқнашиб, Иткечув истеҳкомини талон-торож қилади. Мерке беги совға-салом тортиқ қилиб, қирғиндан зўрға қутулган. Чуй ҳудудидаги қўқонликларнинг бошқа истеҳкомларининг сарбозлари ҳам Кенесарининг ҳужумларига дош бера олмади. Келаси 1846 йилда муваффақиятлардан руҳланган

ёв солто уруғлари: жайил, талкон, бўлўкбой, сарибағиш уруғи-тинай овуллари ишғол эта бошлайди. Солтонинг донғи чиққан ботири Жаманқора душман ўқидан ҳалок бўлди. Катта жуз қозоғининг ботири Шоорук (Шохрух бўлса керак-тарж.) Кененинг маслаҳатига биноан Жаманқора бош бўлган қирғизларнинг машҳур 13 ботирини алдов йўли билан чақиртириб келиб, юзсизларча ўлдириб юборган. Шаҳид кетган 13 ботирнинг хуни учун қирғизларнинг кичик қўшини Челақдаги қонхўр Шоорукнинг овулига хужум қилиб, унинг йигитлари ва ўзини бартараф қилиб, йилқиларини ҳайдаб кетади. Бу воқеа-ҳодисадан Кенесари қирғизларга янги хужум қилиш учун баҳона сифатида фойдаланди.

Қозоқлар яшаган ерга қўшни бўлиб, овуллариининг кўпчилиги яйлов ва жилғаларда жойлашган солто қабиласининг аҳволи ниҳоятда оғир эди. Улар ёвнинг дастлабки зарбасига дуч келарди. Буни фахмлаган солтонинг тадбиркор катта манани **Жанғарач** (1801 — 1802 — 1864) **Эшхўжа** ўғли юртини қирғиндан сақлаб қолиш мақсадида, Кенесари билан музокара олиб бориб, тинчлик шартномаси тузиш учун унинг хузурига Тинайбий бошчилигидаги элчиларни юборади. Бироқ хужумга катта тайёргарлик кўрган Кенехон тинчлик музокараларидан бош тортиб, сарибағиш овулларига хужум қилади. Қон сувдек оқиб, тупроқ кизил қонга бўялган ўша жангда, айниқса, тинайлар кўп азоб-укубат чеккан. Уларнинг Қалпоқ, Ормонбек, Сувонбек каби ботирлари ўз йигит-

ларига ўрнак кўрсатиб, ёв билан аёвсиз жанг қилиб ҳалок бўлишди.

1847 йил баҳорида Кенесари қирғиз овулларига хал қилувчи хужум бошлайди. Аммо бу вақтда қирғизлар ҳарбий Сибирдаги рус маъмурлари билан иттифоқ тузишга улгуриб, ўзларининг аҳволини анча яхшилаб олгандилар. Рус ҳокимияти вакиллари қирғизларни Кенесарига қаттиқ қаршилиқ кўрсатишга ундаб, зарур бўлганда қўллаб-қувватлаймиз, аскар ва қурол-яроқдан ёрдам берамиз, деб ваъда қилишган. Русларнинг бу сўзлари қирғизларни руҳлантириб шиддатли жангга отлантирди, ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Қирғизистонга қайта хужум қилганда, Кенехоннинг ихтиёрида 10 мингдан ортиқ аскар, 1500 милтик ва 2 замбарак бўлган. Ёв қўшини яқинлашиб қолганда, чуйлик қирғизлар Чуй дарёсининг юқори қисмига тоғ этаги бўйлаб чекиниб боради. Бишкек билан Тўқмоқдаги қўқонлик сарбозлар эса қирғизларга ёрдам бериш ўрнига душманга дош бера олмай, жон талвасасида қалъа-истехкомларига беркинишган. Фақатгина Бишкекнинг беги Алишер қирғизларга 2 замбаракни раво кўрган, холос.

**Ормонхоннинг жанг санъати.** (“**Ормон опуза**”). Кенесарининг қўшини дастлаб муваффақиятларга эришиб, кўплаб қирғиз овуллари талаб, юзлаб бегуноҳ одамларни кириб ташлайди. Қонхўр аскарлар чол-кампир ва бола-чақани аямай дуч келганнинг шўрини қуритаверди. Албатта, қирғизлар ҳам жим туришмади. Чопарлар олис овуллар оралаб чопиб, халқни қонхўр хон бошлаган

урушдан хабардор қилишди. Халқни бошқарган оқсоқоллар, эл орасида обрў орттирган ботирлар тез орада кўшин тўплаб душман билан юзма-юз мардларча жанг қилишди. Кўп ўтмай Чуй водийсининг шарқ томонига тўпланган қирғиз кўшинлари, Тўқмоқ истехкомининг шимоли-шарқий томонидаги тоғ этагидаги адирдан кулай жой танлаб, душманга зарба бермоқчи бўлади. Ушанда сарибағишнинг катта манаси **Ормонхонга** тўпланган қирғиз кўшинига кўмондонлик қилиш ва бошига зулмат ёғилган элга бош-қош бўлиш вазифаси юкланган эди. Ормон (Ормонхон Ниёзбек ўғли 1791/1792 —1854) бунгача ўзини хон деб атаб, яқин атрофдаги қирғиз қабилаларини хон ҳокимиятига бўйсундириб бирлаштиришга ҳаракат қилган.

Ҳокимиятни қўлга киритгач, Ормонхон олдинда турган ҳал қилувчи жангларга тайёргарлик кўра бошлади. У ҳарбий шароитга мувофиқ уруш санъати, бешафкат ёв билан олишиш сирлари, душманнинг заиф жойини топиб, қақшатгич зарба беришнинг чора-тадбирларини яхши билган эпчил ва жасур саркарда сифатида ўзини кўпчиликка намоён қила олди.

Жанг бошланиши олдидан Ормонхон тун қўйнида ҳар қайси қирга гулханлар ёқтириб, бамисоли сонсаноксиз аскарлар ёпирилиб келаётгандек ҳолатни гавдалантиради. Кундузи эса тол ва бошқа дарахтлар шох-шаббаларини отга боғлатиб, адирлар оралаб у ёқдан бу ёққа судратгач, чанг-

тўзон кўтарилади. Бу ҳам душман кўзига худди тумонатаскар йиғилгандек кўринади. Ормонхоннинг бундай ҳарбий хийласи халқ орасида Ормон пўписа деб аталиб, оғиздан-оғизга ўтиб юрди. Ҳақиқатан, Ормон анча аскар тўлаган бўлиши керак, чунки Кенесарига қарши курашга кўтарилган қирғиз қабилаларининг умумий сони (сарибағишлар 10 мингга яқин, буғулар 15 мингча, солтолар 15 минг, саёклар 10 минг, чериклар 6 минг, қушчу, саруу 2 минг оилалардан иборат бўлган) тахминан 50 минг оиладан кам эмаслигини ёдга олсак, ҳар оиладан биттадан йигит ёвга қарши чиққанда ҳам камида 50 мингча аскар тўпланар эди. 100 минг аскар йиғилган, деган тахминий маълумот бор.

**Мойтепа, Миқан жанги. Кенесарининг аскарлари билан Ормоннинг кўшини ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1847 йил апрель ойи охирларида бошланиб, бир неча кунга чўзилган. Мойтепа-Текеликнинг сенгирида<sup>1</sup>** бўлган бу жангда дастлаб ҳар икки томон бўш келмади. Бирок, юрагида ўти бор, элим деб, юртим деб, ёниб яшаган асрондек хайбатли йигитлардан иборат қирғиз кўшини қаҳрамонларча жанг қилиб, мардлик намуналарини кўрсатди. Агар ички бирликни мустаҳкамлаб, яхшилаб уюшиб, кескин ҳаракатлар қилинса бошқа бировларнинг кўмагисиз ҳам ёвни енгилар қирғизларнинг кўзи етиб, ишончи ортди. Аксинча, урушда хийла аскарларидан ажраган Кенесари

<sup>1</sup> Мойтепа-Текеликнинг сенгири-Тўқмоқнинг шимоли-шарқий томонида. Сенгир-қоя, чўкки.



ортдан янги кучлар келмагач, шашти сусайиб, ўта зарур пайтдагина жангга олиб кириш учун захирага қолдирган кўшинини ҳам майдонга тушуришга ботина олмади. Аскарларини қанчалик қийнаб-қистовга солмасин, барибир энди у кўзлаган муддаосига ета олмади. Кўп ўтмай қирғиз кўшини мудофаадан хужумга ўтиб, ёвга ўнгу-сўл канотлардан дамба-дам зарба бериб, холини танг қилди. Душман аскарлари озиқ-овқатдан қийналиб, қолдан тойди, руҳи тушиб, шижоати сўнди, ем-хашак тамом бўлиб, отуловлари ҳам қийнала бошлади. Уч кечаю уч кундуз давом этган кучли бўрон ҳам бунга кўшимча бўлиб, Кенесари аскарларининг аҳволини баттар қийинлаштирди. Қирғизлар эса овулларига яқин жойда турганлигидан эҳтиёжини ўз вақтида таъминлай олардилар. Ичкаридаги аҳоли жанггоҳдаги йигитларга от-улов, кийим-кечак ва озиқ-овқатдан узмай ёрдам бериб турди. Қирғизлар ўша ернинг паст-баландини яхши билганликларидан жанг услубларини тез-тез ўзгартира олардилар. Уруш ҳаракатлари ўта авж олган кезде, ҳарбий Сибирь генерал-губернатори юборган рус аскарлари Кенесарига ордан келаётган кўшимча кучнинг йўлини тўсган. Чунки Кенесарининг тезроқ мағлубиятга учраши рус аскарларининг Ўрта Осиёга кириб келишига имкон яратар эди.

Навбатдаги жангларнинг бирида қирғиз кўшини ғалабага эришиб, хоннинг амакиси Худойбанд кўмондонлик қилган 5 минг аскарни тоғ орасидаги дарада тор-мор қилди. Жангда кўмондон Худойбанд асирга тушиб, ўлимга маҳкум этилади. Шу жангдан

сўнг Кенесари қирғизларнинг устунлигига кўзи етиб, хужум қилишга ботина олмади. У аскарларини йиғиб, бир неча кун кўшимча куч келишини сабрсизлик билан кутди. Бироқ у орзиқиб кутган янги куч келмади.

Кенесарининг аҳволи оғирлаша бошлаганини кўриб, Катта жузнинг унга кўшилган султонлари хонни қолдириб кета бошлашади. Илилик қозоқларнинг бир гуруҳи ўз юртига кетди. Рустам султон ва Супатойбий олдиндан қирғиз манаплари билан яширин равишда келишиб олиб, хонга сездирмай қочиб қолишади. Қирғизлар уларнинг кўшинига қаршилиқ қилмай ўтказиб юборишга ваъда беришган эди.

Яқин маслаҳатчилари ва шериклари тумтаракай қочиб қолгач, Кенехон эртаси жангни давом эттиришга ботина олмай чекинишга мажбур бўлди. Душман аскарлари тобора сийраклашиб бораётганидан яхши хабардор бўлган (айғоқчи орқали) Ормонхон ёв устига хужум қилишга қирғиз кўшинларини ҳозирлаб турган эди. Ортга чекинаётган Кенесари аскарларини бошқара олмай қолади, улар жон талвасасида дуч келган томонга тумтаракай бўлиб қочишади.

Қирғиз кўшини бетартиб қочаётган ёвнинг ортидан қувиб **Миқан** деган жойда учрашади. **Ўша ерда икки томон охириги марта юзмаюз келади. Беаёв жангда Кенесарининг кўшини бутунлай тор-мор қилиниб, ўзи навкарлари билан асирга тушди.**

Кўплаб бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан, шафқатсизлиги ва қонхўрлиги билан халқ душманига айланган Кенехон ҳамда унинг қал-

лакесарлари ўз қилмишларига яраша жазосини олиб қатл этиладилар.

Шундай қилиб, Кенесарининг қирғиз ерига қилган ҳужумлари унинг мағлубияти ҳамда ҳалокати билан якунланди. Она Ватан мустақиллиги учун курашда жуда кўп довурак йигитлар жонини фидо қилдилар. Қирғиз халқининг ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги ва тажовуз қилган душман билан мурасасиз курашиши ғалабага олиб келди. Кенесарининг талон-торожлик ҳужумлари даври-

да орқалик қирғиз қабилаларининг сиёсий бирлашиш ҳаракати сезилди. Бироқ кейинги ички ва ташқи муносабатларнинг чигаллашуви, ўзаро мансаб учун курашлар, кўшни давлатларнинг ғаразғўй ўй-мақсадлари, муттаҳам ва ҳийлакор сиёсати ҳамда мураккаб тарихий вазият бунга йўл бермади. Қирғиз халқи навбатдаги яна бир имкониятдан, сиёсий жиҳатдан бирлашиб, ўз давлатини ташкил этиш имконидан маҳрум бўлди.

?

### *Савол ва топшириқлар:*

1. Кенесари хоннинг босқинчилик юришларининг сабаблари тўғрисида нималарни биласизлар?
2. Элчиларнинг ҳаракатлари тўғрисида айтиб беринг.
3. Кенесари хоннинг босқини қандай бошланди?
4. Ормон хоннинг жанг санъати тўғрисида айтиб беринг.
5. Мойтепа-Текеликнинг сенгеридаги, Микон жанглари қандай натижаланди?
6. Душман нима учун енгилиб қолди?
7. Ғалабанинг аҳамиятини очиб бера оласизми?

## **9-§. Қирғизларнинг қўқонлик мансабдорларга қарши 40 — 50-йиллардаги кураши**

**Иссиқкўлдаги Қўқон истеҳкомларини ишғол этиш ҳаракатлари.** XIX асрнинг 40-йилларда қирғизларнинг Қўқон хонлигига қарши мустақиллик учун ҳаракати кучайиб, Қирғизистоннинг шимолий-жанубидаги кенг ҳудудни қамраб олган. Бунга 1842 йили ўрдадаги қўзғолон ва Мадалихоннинг ўлими қулай шароит яратган. Чунки қўзғолонга сабаб бўлган феодал гуруҳларининг низолари, ҳокимият талашган ички курашлар

хонликни холсизлатиб, куч-қувватини олган. Ўрдадаги воқеаларга аралашган қўқонлик маъмурлар қирғиз халқининг озодлик ҳаракатини тез бостиришга қудрати етмади. Айрим жойларда ўша йиллари қирғизлар қўқонликларнинг истеҳкомларини ишғол этишга ҳаракат қилишди. Айниқса, иссиқкўллик қирғизларнинг ҳаракати босқинчиларни анча қийинчиликларга ва катта талафотларга учратди. Иссиқкўл ҳудудидаги қўзғолон 1842



*Эски Ош калъаси (XIX а.)*

йили бошланиб, унда кўплаб овулларнинг аҳолиси иштирок этди. Халқ кўзғолонларининг олдини олишга истехкомларда етарлича кўқонлик сарбозлар йўқ эди. У вақтда Қоракўл, Барсқон ва Қўнғурўлўнг истехкомларида 40 — 60 нафардан иборатгина сарбозларнинг кичик бўлинмалари бўлган. Сарбозлар савдо карвонларини кузатишар ва солиқ йиғиш пайтида закотчиларга кўмаклашар эдилар. Улар қирғизларнинг тайзикага дош бериша олмади. **1842 йили қирғизлар кўқонликларнинг кўшинлари ва закотчиларини Иссиқкўл водийсидан қувиб чиқиб, уларнинг истехкомларини ишғол қиладилар. Натижада Иссиқкўл худудида Кўқон хонлигининг хукмронлиги тугатилиб, қирғизлар вақтинча хон ҳокимиятидан халос бўлишди.**

Ўша йиллари Чуй худудидаги қирғиз аҳолиси ҳам вақтинча мустақилликка эришган.

**Олай, Ўш худудларида халқ ҳаракатлари. 1845 йили эса жанубда**

олайлик қирғизлар хон ҳокимиятига қарши курашга кўтарилади. Кўп ўтмай халқ ҳаракати Ўш худудигача қулоқ ёйиб, ўрданинг хавфсизлигига жиддий хавф туғдиради. Шу боисдан Ўшга ўша кезде хон саройида катта мавқега эга бўлган **Мусулмонқул мингбоши** кўплаб аскарлар билан шошилишч жўнайди. Олай билан Ўш худудининг кўзғолонга чиққан маҳаллий аҳолиси кўқонлик аскарлар йўлини тўсиб, қаттиқ қаршилиқ кўрсатади. Амма қурол-ярғоғ жиҳатидан анча устунлик қилган, кўплаган жангларда тобланган хон аскарларининг ҳамласига дош бериш мумкин эмас эди. Душманнинг бир неча бор ҳужумини қайтариб беаёв курашгач, кўзғолончилар чекинишга мажбур бўлишди. Ниҳоят, Мусулмонқул кўзғолонни қуч билан бостириб, Ўшда туриб қолади ва ҳаракатда иштирок этган қирғизларни аёвсиз жазолайди.

**Норинлик қирғизлар ҳаракатлари.** 40-йиллар охирларида норинлик қирғизларнинг Кўқон хонлигига қар-

ши харакати қайта жонланади. Маҳаллий халқ кўқонлик бекка итоат қилмай, Қуртқа қалъасига тез-тез хужум қилиб турдилар. Пайт пойлаб аҳолини тинчлантириш мақсадида, Қуртқа беги Мамарозиқ маҳаллий маннапларга амал-мансаблар бериб, уларни ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилади. Масалан, унинг таклифига биноан, Тойлоқ ботирнинг ўғли Ўсмонга додхон унвони берилган. Аммо бекнинг чора-тадбири самара бермади. Эл-юрт, бий, тадбиркор инсонларнинг кўпчилиги “қўйинни пуч ёнғоққа тўлдирадиган” амалдорнинг “ширин” сўзларига учмади, ваъдаларига қўнмади. Айниқса, отбошилик 6 минг чериклар оиласи Қуртқадаги сарбозларга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, итоат қилмади. Черикларнинг овуллари нazorат қилиб ғалва, жанжал ва низоларни бартараф этиш, айбдорлардан хазинага жарималарни ундириш вазифаси юкланган Асанбой элбеги кўрқиб, уларнинг овулларига боришга юраги бетламаган, дейишади. **Турдуке Турдумамбет** ўғли бош бўлган черикларнинг бир қисми эса Қўқон хонига закот тўлашдан бош тортган. Қирғизларни тинчлантиришга ўзининг кучи етмаслигини сезган Қуртқа беги Мамарозиқ икки йил мобайнида Андижон бегидан ёрдам сифатида қўшимча 700 сарбоз сўраб турган.

50-йиллари Норин водийсида **Табилди ботир** (Тинимсаид) раҳбарлик қилган халқ ҳаракати ҳам икки йилга чўзилиб, кўқонлик маъмурларни кўплаб талафотларга гирифтор қилган.

**Чуй, Талас водийларида халқ ҳаракатлари.** 40-йиллар охири — 50-йилларда **Чуй, Талас водийларида** кўқонликлар маҳаллий аҳолининг қаттиқ

қаршилигига учрайди. Кенесари билан бўлган олишувда анча талафотга учраган қирғизларни бутунлай ва узил-кесил бўйсундириш мақсадида, Қўқон хони 1848 йили Чуйга кўплаб аскарлар юборди. Ўшанда **Ормонхон** билан **Жонтойнинг** кўшини қайта йиғилиб душман хужумини қайтариш билангина чекланмасдан, ёвни анча олисга суриб чиқарган. Ўша йили кўзда кўқонликлар яна бир марта қирғиз овулларига хужум қилади. Бирок, бу галги хужумда ҳам боскинчилар ғалабага эриша олмади. Қаттиқ олишувлардан кейингина қирғизлар ёвнинг яхши қуролланган аскарлари билан узоқ курашишга кучи етмаслигига ишониб, қайтадан Қўқон хонига бўйсунди. Аслида бу вақтинчалик бўйсунуш эди. Қўқон бекларининг Чуйдаги ҳукмронлиги заифлигича қолаверган. Ҳатто 1850 йилнинг ёзида қирғизлар Бишкек истеҳкомига хужум қилиб, бир неча кун уни қамал қилиб турган. Орадан кўп ўтмай, Ормонхон бошчилигида қирғизлар **Балиқчи** истеҳкомидаги сарбозларни тор-мор этиб, истеҳкомни ишғол этади.

Қўқон хони ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Чуй, Иссиқкўл, Тангритоғ ва Таласга дамба-дам сарбозлар юбориб турди. Масалан, 1851 йил баҳорида қирғизларни назорат остида ушаб туриш учун Бишкекка 7 минг сипохи (отлиқ аскар) келган. Сипоҳилар билан жангда солто қабиласига сарибағишлар ёрдам беришгани учун хон бу ёққа янги жазоловчи қўшинларни жўнатади. Тумандек қоплаган кўқонликлар кўшини “қўзғолончи” овулларни аёвсиз жазолаб, мол-мулкни талон-торож қилди.

**Қирғиз-қозоқ ҳаракатлари.** 50-йиллардаги озодлик ҳаракатининг

энг йириги, 1857 йили қозоқлар билан қирғизларнинг биргаликдаги қўзғолони бўлиб ҳисобланади. Бу гал Қўқон хонлигининг хукмронлигига қарши дастлаб Катта жуз қозоқлари кураш бошлади. Кўп ўтмай уларга Талас билан Чуйнинг қирғизлари қўшилди. Тошкент ҳокими Аҳмад Мирзонинг золимлиги, зўравонлиги ва солиқларнинг ҳаддан зиёд кўпайиши қўзғолонга сабаб бўлган. Бундан бироз олдинроқ қўқонлик маъмурлар қирғиз ва қозоқлардан хон солиғи учун ҳар 100 кўйдан 3 кўй талаб қилганлар.

Зулм жон-жонидан ўтиб, зулмга чидамаган қондош икки халқ кескин курашга отланиб, анча-мунча бўлса-да муваффақиятларга эришади. Худойберди девонбеги саркардалик қилган қўзғолончилар Чуйга етиб

келган қўқонликлар қўшинини бутунлай қириб ташладилар. Қўзғолон кейинги 1858 йили ҳам давом этиб, кенг ҳудудни қамраб олган. Қирғизлар билан қозоқлар душман сарбозлари-га кетма-кет зарба бериб, Бишкек, Авлиёота истехкомларини қуршаб олиб, қўқонликларни қимирлатмай бир мунча вақт камал қилиб туришган. Худойберган бош бўлган қозоқлар Аҳмад Мирзога ёрдамга келган сарбозларнинг йўлини тўсиб, Авлиёотага ўтказмай қўйишади. Кейин Қўқон хони Авлиёотага кўплаб аскар юбориб, Аҳмад Мирзони зўрға қутқариб олади.

Қўқон хонлигига қарши халқ ҳаракати кейинги йиллари ҳам тўхтамади. 60-йиллар бошида Қирғизистоннинг шимоли ва жанубида озодлик кураши янада кучайди.

?

### *Савол ва топшириқлар:*

1. Иссиққўлдаги Қўқон истехкомларини ишғол қилиш учун қирғизларнинг ҳаракатлари хусусида нималарни биласиз?
2. Олай, Ўш ҳудудларидаги халқ ҳаракатлари тўғрисида айтиб беринг.
3. Норинлик қирғизларнинг ҳаракатлари тўғрисида айтиб беринг.
4. Чуй, Таласдаги халқ ҳаракатлари тўғрисида нималарни биласиз?
5. 50-йиллар қирғиз-қозоқ ҳаракатлари тўғрисида айтиб беринг.

### **10-§. Қўқон хонлигида ички феодал низоларнинг авж олиши**

**Хонликдаги ички низоларнинг сабаблари ва асослари.** Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг анча ҳудудини қамраган Қўқон хонлиги кўп миллатли феодал давлати эди. Бироқ хонликда мустаҳкам ички сиёсий бирлик бўлмаган. XIX аср ўрталарида у 15 бекликка бўлиниб, уларни одатда йирик феодаллардан тайинланган беклар бошқарган. Қўқон шаҳри ат-

рофидаги ҳудуд Марғилон, Шадихон, (Шаҳрихон бўлса керак-тарж), Андижон, Наманган, Суг (Сўх бўлиши мумкин-тарж.), Маҳрам, Булоқбоши, Балиқчи, Чортоқ, Новқат, Косон бекликларнинг кўзга кўринганларидан эди. Хон саройида ва чекка мулкларни назорат қилиб бошқаришда хон томонидан тайинланган Тошкентнинг **бекларбеги** муҳим аҳа-

мият касб этган. Беклар, айникса, Тошкентнинг бекларбеги катта ҳокимиятга эга бўлиб, ўзларига бир-китилган ҳудудларни хоҳлагандек бошқаришган. Ҳатто, баъзида улар хоннинг юзига оёқ қўйиб, ўрдага қарши фитналар уюштирдилар. Қўқон хонлиги мустаҳкам давлат бўлгани билан амалда феодал тарқоқликдан ҳалигача ҳалос бўла олмаган эди. Ҳокимият учун тинимсиз кураш олиб борган йирик феодаллар хонни тез-тез алмаштириб, тахтга ўзларига ёққан хонзодани ўтқазар эдилар. Хонлик тасарруфидаги ҳудудларда турли халқлар: ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қипчоқлар, Катта жуз қозоқларининг бир қисми яшар эди. Ҳар бир халқнинг феодал зодагонлари ички низоларга ҳар доим араллашиб, ўрдадаги нуфузли мансабларни эгаллаб олишга ҳаракат қилишган.

Тинимсиз феодал низоларидан, ер эгаларининг зўравонлигидан биринчи навбатда меҳнатқаш халқ жабр кўрарди.

**Хон саройидаги тахт учун курашларнинг 40-йилларда кучайиши.** 40-йиллардан бошлаб қирғиз ва қипчоқ феодаллари ўрдада ҳал қилувчи роль ўйнаганлар.

1842 йилда Мадалихоннинг золимлигига норозилик ўта кучайган вазиятда, унинг атрофидагилар билан диндорлар хонга қарши қўзғолон уюштиришди. Золим хоннинг урф-одатлар ва шариатга зид ҳатти-ҳаракатлари қўзғолонга баҳона бўлади. Чунки Мадалихон опа-сингилларига никоҳлангани етмаганидек, ўғай онаси, отаси Умархоннинг ёш беваси, ойдек гўзал хотинига яширинча уйланиб олган эди. Бундай исломга ёт, эсли-хушли киши журъат эта олмайдиган бузуқ ишга хонзоданинг бориши ўрда аҳлини ва эл-юртни ранжитди. Қўзғолончилар ўша вақтда Ўрта Осиё мусулмонларининг диний хомийси ҳисобланган Бухоро амири Насруллога мурожаат қилишади. Кўп ўтмай Мадалихон Бухоро амирига қарши уруш бошлайди. Бирок, у урушда мағлубиятга учраб, амирга



*Қўқон хонлигининг ўрдаси (Хон саройи)*

бўйсуннишга мажбур бўлади. Натижада халқ норозилиги баттар кучайиб, 1842 йили **Қўконда кўзғолон кўтарилади**. Ўшанда кулай вазиятни қўлдан бой бермаслик учун амир Насрулло кўп куч билан келиб Қўконни эгаллайди ва Мадалихон ҳамда укасини, хотини, тўнғич ўғлини ўлим жазосига тортади. Бухоро амирлигига тобе бўлган Қўконни бундан кейин амир тайинлаган киши бошқарадиган бўлиб, шаҳарларга бухоролик маъмурлар юборилди. Бирок, Бухоро амирининг Қўкондаги ҳукмронлиги узокка чўзилмади. Уч ой ўтиб-ўтмай Қўконда бухоролик ноибнинг зулмига қарши кўзғолон бошланиб, Бухоронинг ҳукмронлиги қулатилади. Кўзғолон кўтарган аҳолини қипчоқлар билан қирғизлар қўллаб-қувватлаган.

**Шералихоннинг ҳокимиятга келиши. Юсуф мингбоши Ҳожибек додхоҳ.** Бухоро ҳукмронлиги қулатилгач, феодал гуруҳлари орасида Қўкон хони тахти учун кураш бошланади. Ҳокимият учун бўлган бу курашда қирғиз феодаллари ғалаба қозонишган эди. Қирғиз ва қипчоқ феодаллари ўзаро кенгашиб, Олимхоннинг укаси **Шералини** (1792 — 1845) хонликка кўтариш тўғрисида бир қарорга келишади. У машхур Норбўтабийнинг укаси Ҳожибекнинг чотқоллик қирғиз рафиқасидан туғилган ўғли эди. Бир вақтлар Шерали Олимхонга қарши кўзғолондан сўнг дастлаб Чотқолдаги қирғиз қариндош-уруғлариникида яшириниб, кейин Таласда яшаб турган. Таласда у қирғиз қизига уйланиб, оилали бўлади. 1842 йили **қирғиз зодагонлари уни эллик ёшида оқ кигизга ўтказиб хон қилиб кўтаришади**. Шералининг хонликка кўта-



*Ўзганининг болиси. XIX аср охири*

рилишида қирғиз феодаллари **Юсуф мингбоши билан Ҳожи додхоҳ** муҳим роль ўйнашган. Улар Талас водийсида халқ лашқари тузишган ва Бухоро амирининг аскарларини тор-мор қилишда фаол қатнашган. Қирғиз ва қипчоқларга қўмондонлик қилган Юсуф, Наманган вилоятидаги қирғиз феодалларининг орасида тадбиркорлиги билан ажралиб турарди. Мадалихон даврида у мингбошилиқкача кўтарилиб, кейин қайта Марғилоннинг ҳокими бўлиб тайинланиб, лавозимидан пастлатилган.

1842 йил ёзида Таласлик ва чотқоллик қирғизлар ва қипчоқлардан иборат кўшин ҳамроҳлигида Шералихон Қўконга келиб тахтга ўтиради. Болалигидан қирғизлар орасида ўсиб, кўп яхшилиқлар кўрган, ҳатто уларнинг ёрдамида хон, ўрдасини эгаллаган янги хон энди қирғиз феодалларини ўрдада ўзига яқин тутиб,

нуфузли лавозимлар ином қилади. Масалан, Юсуфга мингбошилик, Таласлик ҳарбий ишни яхши билган **Сайдалибекка** лашкарбошилик лавозими берилган. Дастлаб Шералихон кирғиз ва қипчоқ феодалларининг айтганига кўниб, уларнинг чизган чизиғидан чиқмай юрди. Бирок, Талас билан Олайдан ва бошқа олис овуллардан келган қирғиз кўшинлари пойтахтдан чиқиб кетиши билан кирғиз феодалларининг ўрдадаги таъсири сусая бошлади. Ўрдадаги низолар пайтида Юсуфни қипчоқ зодағони Мусулмонкул бартараф этади. Хон саройида бироз муддат тожик Шоди ҳокимиятни қўлга олади. Умуман олганда эса, хонликда бу вақтда қипчоқлар ҳал қилувчи кучга айланган эди. Нисбатан кўпайиб, пойтахтга яқин ҳудудда бақамти бўлиб яшаган қипчоқлар, Қўқондаги хон ҳокимиятига ҳар доим таҳдид солиб, таъсирини ўтказар эди.

**Мусулмонкулнинг оталиқ номи ни олиши. Худоёрхоннинг тахтга ўтқазилиши.** Бухоро амирига қарши курашда тажрибаси ортиб, ҳурмат-обрўга эга бўлган қипчоқ зодағонларининг йўлбошчиси **Мусулмонкул (1794—1852)** ўрдадаги энг нуфузли кишиларнинг бири эди. Қўқон хони қипчоқларни саройдан четлата бошлаганда у хонга қарши ҳаракатнинг бошида турган. У ўзининг яхши уюшган ва пухта тайёрланган қипчоқ кўшини билан, Шоди мингбоши бош бўлган қўқонлик аскарларга қарши отланиб, уларни тор-мор қилади, ҳамда 1844 йил охирларида пойтахтни босиб олади. Жангда ҳалок бўлган Шоди мингбошининг ўрнига, Мусулмонкул ўзини мингбоши деб эълон қилиб, амал-

да ҳокимиятни қўлга киритади. Шералихон тахтни сақлаб қолгани билан аниқ ҳокимиятни қўлдан бой берган ва мингбошининг чизган чизиғидан чиқмайдиган бўлиб қолганди. Кўп ўтмай ҳокимиятдан четлатилган ўзбек ва кирғиз зодагонлари, 1845 йили Мусулмонкул, Ўш тарафда бошланган кирғизларнинг ғалаёнини бос-тиришга кетганда, кўзғолон кўтариб Шералихонни тахтдан оғдаришади ва Олимхоннинг ўғилларидан бири Муродни хон деб эълон қилишади. Бирок, у мамлакатни атига 11 кунгина бошқарди. Мусулмонкул Қўқонга ишончли аскарлари билан келиб, Муродхонни ўлдириб, Шералининг 13 яшар ўғли Худоёрни тахтга ўтқзади. Шундан кейин у ўзини оталиқ атаб, хонликни яқка ўзи бошқара бошлаган. Қипчоқ феодаллари ҳокимиятни эгаллагандан сўнг ўрдадан ўзбек ва қирғиз феодаллари қувғин қилинди. Ёш хонни бутунлай ўз таъсирида ушлаб туриш мақсадида, Мусулмонкул қизини **Худоёрга** бериб, ўзига куёв бола қилиб олади. Худоёрхоннинг онаси Таласлик қирғиз кизи бўлган. Шу боисдан у қариндош-уруғлари, қирғиз феодаллари билан алоқани узмаган. Ҳатто, Мусулмонкулнинг хотини ҳам Кетмонтепалик катта ма-напнинг кизи бўлгани маълум.

**Худоёрхон ва унинг оталиғи орасидаги муносабатларнинг кескинлашуви.** Аста секин ёш хонда, унинг ҳокимиятга эга бўлишига тўсқинлик қилаётган оталиққа қарши норозилиги ортаверди. Ниҳоят, у балоғат ёшига етгач, 1850 йилда қайнотасига қарши курашга бел боғлаб, куч тўплашга киришади. Дастлаб, у Тошкент беги Нормухаммадга ёрдам сўраб мактуб



юборади. Нормухаммад хоннинг илтимосини бажариб, Қўконга аскар юборади. Мусулмонкулнинг қўшини билан бўлган жангда Тошкент бегининг аскарлари мағлубиятга учрайди, Худоёрхон асирга тушади. Бирок, оталик қочоқ хоннинг гуноҳидан кечиб, уни қўйиб юборади.

1852 йил октябрда Худоёрхон яна кайнотаси Мусулмонкул билан ёвлашиб, ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўради.

Қипчоқ аскарлари билан хон аскарлари 8-октябрда Билқиллама деган жойда юзма-юз келиб жангга киради. Бу қирғинда хон аскарлари ғолиб чиқади. Енгилган ёвга ва қўлга тушган асирларга раҳм-шафқат бўлмайди. Қонхўр Худоёрхоннинг буйруғига биноан Қўкон қўшини учраган қипчоқни ушлаб, ҳаммасини қирғинбарот қилди. Қон дарё бўлиб оқади. Мусулмонкул Наманган ҳудудидаги Уйчи қишлоғида қўлга тушиб, Қўконда дорга осилди.

Шундай қилиб, оғир урушлар натижасида ўрдадаги қипчоқ феодалларининг таъсири бартараф этилди. Энди Қўкон хонлигида сиёсий ҳокимият вақтинча ўзбек зодагонларининг қўлига ўтади. Бирок ўзбек, қипчоқ ва қирғиз феодал гуруҳларининг ички ўзаро ҳокимият талашган низолари бундан кейин ҳам тўхтамади. Масалан, 1858 йили Худоёрхоннинг акаси Маллабек қирғиз ва қипчоқ феодалларининг қўллаб-қувватлашига таяниб, янги низо чиқаради. Олайлик қирғизлар орасида обрў-хурмат топган Асанбий ва Қорасув ҳамда Андижон ҳудудларидаги қирғиз зодагонлари ундан ёрдамини аяшмаганлар. Сомончидаги жангда Худоёрхоннинг аскарлари мағлубиятга учраб, хон Бухоро ҳудудига қочгач, қирғиз ва қипчоқ феодаллари хонзода **Маллабекни (1858 — 1862)** хон деб эълон қиладилар. Янги хоннинг қошида олайлик **Алимбек додхоҳ** бирмунча вақт вазирлик қилган.




### *Савол ва топшириқлар:*

1. Қўкон хонлигидаги ички низоларга нималар сабаб бўлган?
2. Ўрдадаги ҳокимият учун курашларда қирғиз зодагонлари қандай роль ўйнаган?
3. Юсуф мингбоши тўғрисида нималарни биласиз, айтиб беринг.
4. Шералихон қандай қилиб ҳокимиятга келган?
5. Мусулмонкул қандай қилиб оталик деб аталган?
6. Худоёрхоннинг тахтга ўтириши тўғрисида нималарни айтиб бера оласиз?

## **11-§. Қирғизларнинг бир қисмининг Россия билан яқинлашуви. Буғу қабиласининг Россия билан яқинлашувининг сабаблари**

XIX асрнинг биринчи чорагида буғу қабиласи Россия империясининг ҳарбий Сибирдаги маъмурлари билан элчилик алоқаси ўрнатган. 40 — 50-йилларда бундай алоқалар янада давом этган.

Россиялик савдогарлар қирғизлар юртида бемалол, эркин савдо-сотик ишларини юритиб, улар орқали Шарқий Туркистонга қатнаб туришар эди. Қашқарга қатнайдиغان савдо қарвонларининг



Россия империяси аскарларининг Марказий Осиёга босиб кириши

хавфсизлигини таъминлаш вазифасини киргизлар ўз зиммасига олишган. Ўша вақтдаги энг мураккаб тарихий вазият, қўшни қабилалар билан ички низоларнинг кучайиши, Қўкон хонлиги ва қозоқ султонларининг тайзиклари ҳамда Хитой бўғдихонининг салбий ҳаракатлари, буғуларни Россия давлатига химоя сўраб мурожаат этишга мажбур қилди. Ғулжадаги хитой ҳокимияти вакиллари ҳам қўконликлар каби иссиққўллик киргизлардан ҳар йили солиқ ундиришга ҳаракат қилишарди. Айниқса, сарибағиш ва саёқ феодалларининг хужумлари буғулар хўжалигига зарар етказиб, оғир талафотларга дучор қилган.

Қўшни қозоқ халқининг азалий юртлири бўлмиш Қапал, Или худудларини рус аскарларининг эгаллаши ва Верний (Алмати) каби истехком ва қалъаларга асос солиниши, ҳамда у жойларда подшо аскарларининг йилдан-йилга кўпайиши ҳам шимолдаги киргизларнинг бир қисмини Россия билан яқинлашувига баҳона бўлди. Қозоғистон орқали Ўрта Осиёни бўйсундириб олишга интилган Россия империясининг яхши курулланган қўшинлари, бу вақтда Қирғизистоннинг ёнгинасида, яъни, иссиққўллик киргизларнинг бўсағасида турган эди. Қирғизистоннинг шимолига ва Иссиққўлга келган татар савдогарлари киргиз овулларини оралаб бий ва манаплар билан яхши муносабат ўрнатгандан сўнг, уларни ўзларига оғдириб олиб Россияга қўшилишга даъват этишган.

**Буғу қабиласининг ҳарбий Сибирдаги рус ҳокимияти билан элчилик алоқалари.** 1844 йили қўконликлар билан Хитой маъмурларнинг тайзикларидан безган ва қабилалараро низолардан азоб чеккан буғуларнинг катта манапи Боронбой Бекмурод ўғли

ҳарбий Сибирь генерал-губернаторига махсус хат билан мурожаат қилади. Мактубда Боронбой қўшинларнинг хужумларидан буғуларни химоялаш ҳамда рус подшоси билан музокаралар олиб бориш учун киргиз элчиларини пойтахтга юборишни илтимос қилган ва Россия билан иттифоқ тузиб, келажакда унинг тасарруфига ўтиш ниятини билдирган. Бироқ рус маъмурлари масофанинг жуда узоклиги туфайли киргиз элчиларини пойтахтга юборишга рози бўлишмаган.

1847 йили Кенесарининг хужуми ҳаддан ташқари кучайган вақтда сарибағишларнинг катта манапи Ормонхон билан Жонтой ҳамда Солтолларнинг катта манапи Жанғарач ўзлари ҳукмронлик қилган, 40 мингга яқин киргизлар оилалари номидан рус ҳокимиятига ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Ушанда Кенесарининг ҳаракатини батамом тор-мор қилиб, Қозоғистонни тўла бўйсундиришга интилган подшо маъмурлари киргизларга аскарлардан ёрдам беришни афзал кўришган.

1848 йили буғуларнинг катта манапи Боронбой такрор ҳарбий Сибирь генерал-губернаторига хат билан мурожаат қилиб, Иссиққўл худудида махсус рус истехкоми қуриб, вилоят таъсис этиш, буғу, саёқ ва сарибағишларнинг ички низоларига ҳамда қабилалараро урушларга чек қўйиб аҳолини тинчлантиришга аралашини илтимос қилган. Генерал-губернатор П. Д. Горчаков Боронбойга юборган жавоб хатида унинг илтимосини вақти келганда бажаришини маълум қилган ва қимматбаҳо совғалар жўнатган.

Ҳарбий Сибирдаги рус маъмурлари подшо ҳукуматининг ўша вақтдаги Ўрта Осиёга нисбатан юритаётган

сиёсатига, асл максадларига мувофиқ ҳаракат қилиб, қирғиз тadbиркор инсонлари, хурмат-обрўли манаплари ва хожатбарор оксоқолларини Россия билан яқинлаштиришга ҳаракат қилдилар. Шу сабабли подшо маъмурлари улардан ҳар хил солиқлар ва турли совға-саломларни аямаганлар. Феодал тарқоклик, тинимсиз ички низолар шароитида қирғизлар учун ташқи сиёсий аҳвол беқарор бўлиб, қўшни мамлакатлар тайзиқидан қутула олмай турган кийин даврда, айрим йирик феодаллар ва кабила бошлиқлари рус маъмурлари билан иттифоқ тузишга бел боғлашди. Улар Россиядек улкан мамлакатдан таянч, паноҳ топиш ва унинг қўллаб-қувватлашига эга бўлишга умидвор эди. Феодал зодагонларининг бундай ҳаракати ўша вақтдаги мураккаб шароитда оддий фуқароларнинг орзу-умидлари билан мос тушади. Подшо ҳукуматининг Ўрта Осиёга нисбатан сиёсатининг асл максадидан беҳабар халқ унинг кейинги зулм ва мустамлакачилик ҳаракатларидан шубҳаланмади.

50-йиллар бошида, айниқса, буғу қабиласи ички низолардан жабр тортиб, жуда ҳолсизланган эди. Уларга Қўқон хонлиги ҳам ҳар доим хавф туғдириб турган эди. Шу боисдан, буғулар Россия билан яқинлашишга шошилиб, қайта-қайта ҳарбий Сибирдаги рус маъмурларига элчи юборишади. 1853 йилининг кузи (сентябрь) да Боромбой Бекмурод ўғли бош бўлган буғуларнинг катта манаплари ҳарбий Сибирь генерал-губернаторига хат жўнатишади. Мактубда қўшни қабилаларнинг ҳужумларидан азоб чеккан ва қўқонликларнинг зolimлигидан безган буғулар, Россия фуқаролигига ўтишни хоҳлаганликларини ёзишган, чунки Ормон билан Боромбойнинг ўзаро муносабатлари

сабаб бўлган буғу-саробағиш низо-си буғуларни анча ташвишга солган. Қўқонликлар қирғиз манапларини бири-бирига қарши гиж-гижлаб турганлар. Ормонхон дастлаб кўплаб аскар йиғиб келиб, Исиккўлнинг орқа томонидаги буғуларнинг масканларини тортиб олади. Исиккўлнинг шарқий томонига сурилган буғуларга қўшни қозок ҳукмдорлари ҳам тез-тез ҳужум қилиб, тинчлик бермаган. Ана шундай оғир тақдирга дучор бўлган буғу қабиласи рус маъмурларига юқоридагидек хатлар билан мурожаат этишга мажбур бўлади.

Подшо ҳукумати буғуларнинг бу хати билан танишиб чиққач, уларнинг илтимосига рози бўлади ва Россия империясига содиклик ҳақида қасамёд қилиш учун элчи юборишни қирғизларга таклиф қилади.

**Буғу қабиласининг Россия ҳокимиятига бўйсунishi. 1854 йил 26-сентябрда буғуларнинг элчиси манап Қачибек Шерали ўғли 12 манапнинг муҳри билан тамғаси босилган ишонч хати (грамота)ни олиб, Қурьон ушлаб қасамёд қилиш учун Омскка келади.** Олдинданок икки томоннинг вазифалари ва иттифоқ шартлари аниқланиб, келишиб олингач, **1855 йил 17-январда қасамёд қилиш тантанаси бўлиб ўтади.** Унга ҳарбий Сибирнинг кўплаган ҳукмрон доиралари, генераллар ва Омскга хурматли меҳмонлар сифатида келган қозок султонлари иштирок этадилар. Тантанада манап Қачибек Шерали ўғли буғу қабиласи Россиянинг фуқаролигига ўтиши тўғрисида қафолат сифатида Қурьон ушлаб қасамёд қилади.

Рус маъмурлари Боромбойнинг меҳнатини муносиб тақдирлаб, унга буғуларнинг **бош манапи** лавозими ва **подполковник** унвонини беришади.



*Сандиқ XIX а.*

Россия империясининг тасарруфига ўтиш буғуларни кўшни қабилалар билан мамлакатларнинг хужумларидан химоя қилар эди. Буғуларни кўшиб олиш Россия учун жуда фойдали бўлди. Россиянинг Шимолий Қирғизистонда ўз хукмронлигини ўрнатиш ҳаракати осонлашди. **1856 йили** пойтахти **Верний** (1854 йилда асос солинган) бўлган Олатоғ **округи** ташкил қилиниб, Иссиқкўл атрофидаги буғуларнинг овуллари унга тобе бўлди. Аммо, Қўқон хонлиги ҳам жим ётгани йўқ. Қўқонлик

беклар Ормон билан Боромбойни қайта гиж-гижлаб, сарибағиш-буғу низосини ундан баттар авж олдиришган. Чунки Боромбой рус маъмурларини аъло кўриб, Ормонхонни менсимай кўйган эди. Бунгача буғуларнинг катта манаплари маълум миқдорда баъзида Ормонхоннинг айтганига рози бўлиб, хон ҳокимиятини тан олганликлари маълум. Боромбой эса рус аскарларининг ёрдами билан Иссиқкўл атрофидаги азалий ерларини қайтариб олишга интилган.



### *Савол ва топшириқлар:*

1. Буғу қабиласи нима учун Россия билан иттифок тузишга ҳаракат қилган?
2. Буғуларнинг ҳарбий Сибирдаги рус ҳокимияти билан элчилик алоқалари хусусида нималар айта оласиз?
3. Буғу қабиласи Россия ҳокимиятига қай аҳволда бўйсунган?
4. Буғу-сарибағиш низоси қандай оғир талафотлар билан яқунланган?
5. Боромбой бийнинг фаолияти, Качибек Шерали ўғлининг элчилиги ва унинг қасамеди тўғрисида нималар эсингизда қолди?

## IV БОБ. ҚИРҒИЗ ХАЛҚИНИНГ XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ МАДАНИЯТИ

### § 12. Оғзаки ва ёзма маданият. Мусиқа

**Достонлар. “Манас” эпоси.** XIX аср қирғиз халқининг маънавий юксалишида оғзаки ижод катта роль ўйнаган. Айниқса, “Манас” эпоси асос бўлган катта ва кичик эпослар халқнинг дилидан ўрин олган сеvimли асарлар эди.

Қадимда бўлганидек, халқ достонлари, оғзаки турда айтилиб, кейинги авлодга мерос қолган. “Манас” эпоси асосан уч бўлимдан иборат. Булар “Манас”, “Семетей”, “Сейтек” достонлари. Бу достонларда қирғиз халқининг мустақиллик учун курашлари, алоҳида давлат тузиш, уни кўз қорачиғидай асраш мотивлари тасвирланган. Шу билан бирга қирғизларнинг кундалик ҳаёти, яшаш шароити, касб-хунари, хўжалиги, жамият тузилиши кенг ҳикоя қилинади.

Халқ урф-одати, удумлари, дунё қараши, диний тасаввур ва ирим-сиримлари берилади. Бош образ алп Манаснинг ота-боболари, ботирнинг туғилиши, болалик пайти ҳамда улғайгандан сўнг ҳайратомуз қахрамонлиги, сирли хусусиятлари, Олтойдан Олатоққа кўчиши, хон кўтарилиши достонда тарихий ҳақиқатга яқин тасвирланган. Озод халқни бошқарган доно Манаснинг катта юриши қирғизларнинг қадим замондаги ҳамда ўрта асрлардаги оғзаки тарихи эканлиги шубҳасиз.

Эпосда қирғиз халқининг қўшни давлатларнинг халқлари хитой, манчжур, ойрот-қалмоқ ва бошқалар билан алоқалари ҳикоя қилинади. “Семетей”, “Сейтек” бобларида тарихий воқеалар янада мураккабланиб, ўзаро низолар тасвирига кўпроқ эътибор берилган. Бироқ, Она Ватанни ёвдан асраш ғояси ботирларнинг бош мақсади бўлиб қолади. Эпоснинг 60 дан зиёд варианты бор. Шарқий Туркистонлик қирғизлар Манаснинг 18 авлодигача бўлган воқеаларни достон қилишгани маълум. Манасчи Саяқбой Қоралаев вариантнинг ўзи 500 минг сўздан иборат. “Манас” эпоси кўлами, мазмунининг кенглиги бўйича “Шоҳнома”, “Махабхорат” “Рамаяна”, “Иллиада”, “Одиссея” достонларидан бир неча баробар кўпдир.

**Кенжа (кичик) эпослар.** XIX аср “Манас” эпоси сингари бошқа достонлар ҳам ижод қилинган. Булар қаторига “Жаниш-Байиш”, “Қурманбек”, “Эр Табилди”, “Жангил Мирза” ва бошқа достонлар киради. Ватанга бўлган мухаббат, халқ, ер эркинлиги учун қахрамонлик курашлари достонларнинг асосий ғоясидир. Уларда XVI—XVIII асрларда Қалмоқ, Жунгар хонлигининг қирғизларга хужуми, душман билан жангу жадаллар тасвирланган. Халқ бирлиги, ўзаро аҳилликкина ҳар вақт ғалабага олиб келишини юкоридаги достон-

лар англатади. Достонларда оила, ота-бола муносабатлари, ботирлар билан уларнинг турмуш ўртоқлари ўртасидаги нозик ҳис-туйғу, соф муҳаббат, катта ва кичикка бўлган иззат-хурмат, қадимги урф-одатлар бадий ифодаланган.

Она Ватан тоғлари, ажойиб табиати, кўл ва дарёлари қизиқарли тасвирланган. Қирғиз қизлари меҳрибон, саришта бекаларгина эмас, вақти келганда ор-номусини ёвдан асрай оладиган эр юрак ботир жангчи бўла олганлигига “Жангил Мирза” достони далилдир. “Кожожаш” достони эса табиатни, ёввойи ҳайвонларни ҳар бир инсон асрашига ундайди. “Олжобой билан Кишимжон”, “Кедейхон”, “Эр Тоштук” достонлари ҳам халқ орасида кенг тарқалган. “Олжобой билан Кишимжон” да киз-йигитнинг ёшларга намуна бўла оладиган соф муҳаббати тасвирланса, “Кедейканда” адолатли хон, ҳақиқат, ёркин келажак маҳорат билан тасвирланади. “Эр Тоштук” да эса қирғизларнинг олам тузилиши, ер тагидаги ҳаёт, мифологик тушунчалари ҳикоя қилинади.

**Терма шоирлик санъати.** Барча кўчманчи халқлар каби қирғизларда ҳам терма шоирлик ҳунари яхши ривожланган. Табиатан истеъдодли, шоирликка мойил инсонлар атроф-муҳит, одамларнинг хулқ-атвори, яратилиши, ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ҳеч қандай тайёргарлик кўрмай, қуйма сатрлар тўкиб, куйлашар эди. Бундай шоирлар тўй-томошаларни бойитар эди. Доно одамлар, ботирларга шеърий тарзда жуда мос, аини сифатларни



### *Қирғиз халқининг музыка асбоблари*

баён қилишар эди. Арғумоқ отлар, олғир қушлар, чавандоз ва овчиларни, мерганларни, эл ор-номусини асраган эр йигитларни, оқила киз-жувонларни эшитган одам тан бергудай даражада қойилмақом қилиб куйлашган. Қирғиз тили шеър ва куйга яқин тил эканлиги, қирғизлар эса шоир табиат инсонлар бўлишини XIX асрнинг иккинчи ярмида В. В. Радлов ҳам таъкидлайди.

Қирғиз тўкма оқинлари, айниқса, тўй томошаларда ва халқ тўпланган бошқа давраларда **айтишув** (шеърий мушоирага ўхшаш) орқали ўз маҳоратини синашган. Асли қирғиз **Қоржабой ўғли Жожо (Шоже)** (1808 — 1895) оқин худди ўша санъати билан қозоқ биродарлари орасида кўзга ташланган.

Муסיкий кўшиқлар яратиш борасида эса қирғизлар ёш хусусиятлари, каби, яшаш шароитлари, ижтимоий аҳволига мос турли жанрларда ижод қилишган. Севгига оид кўшиқлар, армон кўшиқлари ва бошқа турли кўшиқлар кўпинча ўзининг ҳақиқий муаллифига эмас, балки халққа тааллуқли бўлиб, кенг тарқалар эди. Яйловларда мол боқаётган ёшларнинг кўшиқлари (қирғизларнинг



*Киргиз оркестри*

“Бекбекейи” йилкичи йигитларнинг “Ширилданғи”), хирмондаги “Хўп хайда” каби ашулалари ишлаб чиқариш соҳасига хос тавсифи билан ажралиб турган.

Кирғизларнинг **мусликий санъати** кўмуз, киёк, (қилкиёк), темир (ва ёғоч) кўмуз, чўёр, карнай-сурнай, сибизғи ва бошқа асбобларда ўйнаб, куй чиқариш билан шуҳрат қозонган санъаткорлар орқали ҳам бойиди. Улар шўх, мотамсаро, чуқур рухий кечинмаларни тараннум этган ва бошқа куйларни авлоддан-авлодга мерос қилиб етказиб боряпти. Хужумга қақариш пайтида довулбаслар ва карнай-сурнайлардан фойдаланилган.

Мумтоз кирғиз куйлари ичида “Қамбархон”, “Кет Бука”, “Ботой”, “Кербез”, “Шинғирама” каби асрлардан-асрларга ўтган куйлар бугунги нотага тушириш давригача етиб

келди. **Музооке Жаманқараўгли, Арстанбек, Бурулча, Белек ва унинг ўғли Қуронкой, Балдисан** каби Қўқон хонлиги даврида ўзининг чуқур изини қолдирган муслика санъати усталарининг мероси авайлаб асралмоқда. Тоқтака ўйини, қизиқчилик, бахши ракси (қалмоқ ракси) ва бошқа театрлаштирилган бадий сахна кўринишлари ҳам мавжуд бўлган.

Кирғизларнинг оғзаки фалсафий ўй-мероси эртаклар, мақол, латифалар ва дostonлардагина ўз ифодасини топмасдан, балки нотиклик истездодида ҳам намоён бўлган. Нотиклар ва башоратчилар (ижтимоий ва сиёсий ходисаларни олдиндан айтиб бера оладиган авлиёлар)нинг фаолияти хусусидаги ривоятлар ва эртаклар **Толубой синчи, Асанқайғу, Жээренче чечен** каби **афсонавий инсонлар хаётидан** олинган бўлса ажаб эмас.



Хусусан XIX асрнинг биринчи ярмида қирғиз фалсафаси ва нотиклик санъатида чуқур из қолдирган машҳур инсонлар бўлган. Улар орасида **Қалигул Бой ўғли** (1785 — 1855) исм-ли сарибағишқабиласидан чиққан доно инсон алоҳида ўрин эгаллайди. Манап наслидан бўлганлигидан у ҳеч қачон қўмуз чертиб оқинлик айтишувларида қатнашмаган, тўқмалик ҳам қилмаган. Оксуяк аслзодалардан бўлишига қарамадан уни Қалигул оқин деб аташарди, чунки унинг ҳар бир сўзи жўяли, вазмин ҳамда кофиядошлигидан одамлар қалбидан мустаҳкам ўрин олган.

Қалигул Бой ўғлини қирғиз адабиётидаги замончилар аънанасини бошлаган оқин сифатида улуғлашади. Замончилар бу дунёнинг вафосизлиги, вақтинчалиги, тобора торайиб бораётганлигини чуқур диний ва фалсафий мазмундаги асарлари орқали ифодалашган. Хусусан, худди ўша аънана Қорахонийлар давридаги ва ундан кейинги **Юсуф Боласоғуний (XI аср)**, **Хўжа Аҳмад Яссавий (XII аср)** ҳамда бошқа фалсафий сўфийлик оқимига йўл очган маҳаллий донишмандлар ижодининг янги чақоғи давоми сифатида ривожланган.

Қалигул фалсафий ўй-фикрларини турли йиғинлар ва аҳоли тўпланган жойларда ёки ўз овулида ўғит-насихат сифатида қисқа, аммо лўнда ижро этган. Унинг ҳатти-ҳаракатларидан ҳам ўткир нотиклиги ва башоратчи (авлиё)лиги шундоқ кўриниб турарди.

Қалигул жамият келажаги тўғрисида бутунлай тушқунлик қайфиятидаги шеърларни айтиш билангина чекланмаган. Унинг инсонпар-



*Қалигул Бой ўғли — Қалигул Олия  
(1785 — 1855)*

варлик ва ташаббускорлик руҳидаги хикматли фикрлари ҳам талайгина.

Аргумокнинг озгани-  
Аранг оёқ босгани.

Азамат эрнинг озгани-  
Кўчганда яёв босгани.

Аргумокда ёл йўқ деб,  
Йўлда ташлаб кетмангиз.

Азаматда мол йўқ деб,  
Ёвга ташлаб кетмангиз, —

— деб Қалигул юртдошларини инсонни қадрлашга даъват этади.

У шунчаки насихатгўйлик билангина чекланмасдан, ўз даврининг сиёсий ҳаётидаги зўравонликка қарши ўткир сўзини ишга солади, одамларни дўстлик ва ҳамжихатликка чор-



*Арстанбек Буйлаш ўгли*

лайди. Масалан, 1854 йили буғулар билан сарибағишларнинг ўзаро низосининг олдини олиш учун Ормонхон ташкил қилган машхур ўрда ўйинини тўхтатишга даъват қилган. Худди ўша ўйиндаги мағлубиятдан Ормонхон баҳона сифатида фойдаланиб, низони бошлаган эди.

Ҳоз, ўрдаги бўлмаса,  
Ойнадек кўл ҳам ғариб.  
Раҳбар одил бўлмаса,  
Сарсон бўлар эл хориб,

— деган Қалигулнинг сўзлари ички ижтимоий ҳаёт тажрибасини акс эттирган. Ўша даврда Қирғизистон карвон йўлининг бўйида жойлаш-

ганлигидан ташқи дунё тўғрисидаги маълумотлар ҳам савдогарлар орқали қирғиз овуллариغا етиб турган.

Қалигул Бой ўғлининг бевосита таъсири остида ижод қилган донишмандлардан бири **Арстанбек Буйлаш (Боолош) ўғли (1824—1878)** бўлган. У ҳам сўфий-фалсафий оқимни қирғиз оқинлик санъатида давом эттириб:

“Айни хозир тор замон,  
Қорни тўққа бор замон,  
Бечорага зор замон”,

— деб куйлаган.

XIX асрда Фарғона водийсида саводхонлик ўчоғи сифатида тан олинган ўқув даргоҳларидан бири Намангандаги **Мулла Қирғиз мадрасаси** бўлган. **Алимқул эса** Қорасувда мадраса қурдирган. **Алимбек додхоҳ** ҳам Ўш шаҳрида катта мадраса қурдириб, унинг ихтиёрига Чинобод кишлоғидан ер ажратиб бергани маълум. **Ҳасан ўғли Мулла Исҳоқ<sup>1</sup> (1844—1876)** саводхон қирғиз оиласидан чиққан. Унинг отаси Марғилондаги “Оқ мадраса”да мударрислик қилган. **Пўлатхон** сифатида кейинчароқ танилган **Мулла Исҳоқ (1873—1876)** Тошкент, Жиззах ва Фарғона водийсидаги саводхон қирғизларнинг вакили эди. Олабуқалик **Нурмулла Норкул ўғли (1838—1920)** қирғизча шеърлар ёзибгина қолмай юқорида аталган Мулла Қирғиз мадрасасида мударрислик ҳам қилган.

<sup>1</sup> 1873—1876 йиллардаги Кўқон кўзғолонининг йўлбошчиси машхур Пўлатхоннинг асл исми.



*Нурмолдо Наркул ўгли*

Қўқон ҳукмронлиги давридаёқ соф қирғиз тилида ўз асарларини ёзган оқинлардан бири **Мулла Ниёз (1823 — 1896)** бўлган. У Ўшнинг Қадамжой туманидаги Қизилбулок қишлоғида туғилган. У нафақат Фарғонада, балки Қашқардаги мадрасада ҳам билим олган. Отбоши, Норин, Жумғол, Қўчқор, Сусамир, Чуй



*Молдо Нияз*

ва Жанубий Қирғизистон, Фарғона, Қашқар воҳаларини у яхши билган. Нафақат қирғизча, балки умумтуркча, яъни эски ўзбекча, арабча ва форсча ўқий олган Мулла Ниёз ҳаёт, ўлим, олам, эзгулик ва ёвузлик мавзуларини фалсафий-сўфийлик мазмундаги шеърларида тараннум этган. Унинг асарларидан ўз давридаги то-



*Ўш. Алимбек мадрасаси*

понимик маълумотлар, шунингдек, айрим тарихий шахсларнинг фаолиятига, қирғизларнинг Қўқондаги нуфузли Алимқул каби аслзодаларига, қашқарлик Яқуббек, рус мустамлакачиларининг Туркистонга тобора кириб келаётганига нисбатан билдирган муносабатларини билиб олиш мумкин. Асосий ижодий фаолияти XIX асрнинг иккинчи ярмига тааллуқли бўлсада, Мулла Ниёз XIX асрнинг иккинчи чорагида ёзма оқинлик санъати ғунча очган қирғиз янгиликпарвар оқини сифатида кўзга ташланади. Унинг етти китобдан иборат қўлёзмаларидан тўрттаси йўқолиб, учтаси бизгача етиб келган.

“Эркин таҳлил қилсин деб,  
Кўнгилдаги гапларни,  
Тамомладим дафтарни.  
Сайёд боқар каптарни,  
Саноат қилдим дафтарни”,

— деб ўзи ёзганидек, Мулла Ниёз ўз асарларини китобхонларга етказиш умидида тўпламларга жамлаган.

Қирғизистондаги сўнгги археографик экспедициялар орқали топилган кўпгина асарлар араб, форс ва умумтуркий тилларида ёзилган. Бу китоблар саводхон қирғизларнинг билим доираси диний асарлар билангина чекланмаганлигини кўрсатади. Аксинча, улар тарих, шажара, шеърят, ҳисоб-китоб ва бошқа соҳаларни қамраган адабиётлар ҳамдир.



### *Савол ва топшириқлар:*

1. Янги даврдаги қирғиз маданиятининг муқаддимаси тўғрисида нималарни биласиз?
2. Халқ оғзаки ижодининг қандай турлари мавжуд?
3. Достончилик ва қирғиз достонлари тўғрисида айтиб беринг. Қайси достонларни тўлиқ ўқиб чиққансиз?
4. Оқинлик санъати, айтишув, мусиқий кўшиқлар ва мусиқа мероси тўғрисида қандай маълумотлар бор?
5. Қалигул Бой ўғли, Арстанбек Бўўлўш ўғлининг ижодий хусусиятлари қайсилар?
6. Ёзма маданиятнинг қандай меросларини биласизлар?
7. Мулла Ниёзнинг оқинлик санъати нимаси билан ажралиб туради?
8. Қирғиз халқи орасида қайси тиллардаги адабиётлар ёйилган?

## § 13. Халқ билимлари. Диний эътиқодлар. Халқ ўйинлари. Моддий маданият

**Халқ таълими.** Қирғиз халқи умуман Марказий Осиёдаги кўчманчи ва ўтроқлашган халқларнинг умумий билим манбаи билан ўхшаш бўлиб, табиатшунослик бўйича эмпирик (тажриба туфайли келиб чиққан) билимлар мажмуасига эгаллик қилган. Албатта, ўрта асрлардаги мусулмон ёзма манбаларининг таъсири фалакиёт, тиббиёт каби соҳаларда аниқ сезилади.

**Фалакиёт билимлари** жиҳатидан қирғизлар авлоддан-авлодга ўтган бой тажрибага эга. Белек Солтоноевнинг маълумотида қирғизлар Хулқар, Ўқ-ёй, Оққуш, Катта Етти Оғайни, Кичик Етти Оғайни, Олтинқозик, Зухро, Қуёш каби юлдуз ва сайёраларнинг номларидан фойдаланишгани баён қилинади. Уларнинг фикрича, Олтинқозикдан бошқа барча юлдузлар силжиб туради, шу боисдан ўз йўналишини аниқлашда улар худди ўша бир қолипдаги қозикқа қараб аниқ қарорга келишган. Сомон йўли ҳам вақт ва йўналишни аниқлашда ёрдам берган.

Қирғизлар **йил ҳисобини** барча туркмўғул халқларидек **мучал** тартиби (ўн икки ҳайвон номи билан боғлиқ)да кўйиш тақвимига асосланиб юритишган (мусулмонларнинг ой тақвимига асосланган ҳижрий йил санасидан диний ишлар, расмий ҳужжатлар ва хат ёзишдагина фойдаланилган). Ўн икки йилдан сўнг бир мучал такрорланиб кишининг ёши йил билангина эмас, мучал билан ҳам аниқланган (жадвалга қаранг). Нима учун йил ҳисоби сичкон номи билан бошланганлиги хусусида ХІ асрда **Махмуд Қошғарий**, яқин

давр (ХХ аср боши)да эса Белек Солтоноев ёзиб қолдиришган.

Йил тақвимига мувофиқ ҳар йили қирғизлар ўн икки ойга бўлганлар (жадвалга қаранг). **Ойларнинг номи**ни жониворлар номлари ва тўққиздан биргача бўлган тоқ сонлар билан белгилашиб, табиатни қадимги овчилик орқали ўрганишнинг таъсири сифатида тушунтиришади. Янги йил жалган қуран-хамал (март) ойдан бошланган.

Мусулмончиликка мувофиқ **ҳар ҳафтани** қирғизлар Ўрта Осиё туркий халқлари ва тожикларнинг анъанаси бўйича **шанба, якшанба, душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума** деб аташган. Дафн маросимлари, ҳар ҳафталик жума ва кундалик беш вақт намозлар ўқиш, шунингдек, рўза тутиш каби мусулмонлик фарзларини бажариш учун диний тақвимдан фойдаланиш катта амалий аҳамиятга эга бўлган.

Марказий Осиёнинг **географияси** хусусида ҳам қирғизлар кўпгина маълумотга эга бўлган. “Манас” ва бошқа дostonларда Марказий Осиёнинг Қанғай, Ўркун (Ўрхун), Иртиш, Олтой (бу тушунчага Энасойнинг бошланиши бўлган Саён тоғлари ҳам кирди), Лоп (Лобнор), Кўкўнор, Хўтан, Тибет, Афғон (Афғонистон), Помир, Бадахшон, Хўжанд, Самарқанд, Бухоро каби энг йирик турли ҳудудлари ва жуғрофик воқеликлари ақс этирилган. ХІХ асрда қатор европалик тадқиқочиларга қирғизлар йўл кўрсатиб, уларни олис ҳудудларгача кузатиб боришар эди.

№ 1 эсабвал. Киргизча мучал йилининг ҳозирги тақвим (календарь)га мувофиқ эсабвали

1	1828	1840	1852	1864	1876	1888	1900	1912	1924	1936	1948	1960	1972	1984	1996	2008	Сичқон
2	1829	1841	1853	1865	1877	1889	1901	1913	1925	1937	1949	1961	1973	1985	1997	2009	Сигир
3	1830	1842	1854	1866	1878	1890	1902	1914	1926	1938	1950	1962	1974	1986	1998	2010	Иўлбарс
4	1831	1843	1855	1867	1879	1891	1903	1915	1927	1939	1951	1963	1975	1987	1999	2011	Куён
5	1832	1844	1856	1868	1880	1892	1904	1916	1928	1940	1952	1964	1976	1988	2000	2012	Балиқ
6	1833	1845	1857	1869	1881	1893	1905	1917	1929	1941	1953	1965	1977	1989	2001	2013	Илон
7	1834	1846	1858	1870	1882	1894	1906	1918	1930	1942	1954	1966	1978	1990	2002	2014	От
8	1835	1847	1859	1871	1883	1895	1907	1919	1931	1943	1955	1967	1979	1991	2003	2015	Кўй
9	1836	1848	1860	1872	1884	1896	1908	1920	1932	1944	1956	1968	1980	1992	2004	2016	Маймун
10	1837	1849	1861	1873	1885	1897	1909	1921	1933	1945	1957	1969	1981	1993	2005	2017	Товуқ
11	1838	1850	1862	1874	1886	1898	1910	1922	1934	1946	1958	1970	1982	1994	2006	2018	Ит
12	1839	1851	1863	1875	1887	1899	1911	1923	1935	1947	1959	1971	1983	1995	2007	2019	Тўнғиз

Топшириқ: Ҳоҳлаган бир сана (ота-онангиз ва бошқалар туғилган йили)ни мучалга мувофиқ аниқланг.

**№ 2-жадвал. Қирғизча мучал йилнинг ҳозирги таквим (календарь)га мувофиқ жадвали**

- |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>1. Жалған куран (март) — Хамал (Кўй)<br/>(21 март — 20 апрель)</p> <p>2. Чин куран (апрель) — Савр (Сигир)<br/>(21 апрель — 20 май)</p> <p>3. Буғу (май) — Жавзо (Эгизаклар)<br/>(21 май — 21 июнь)</p> <p>4. хулжа (июнь) — Саратон (Қискичбақа)<br/>(22 июнь — 22 июль)</p> <p>5. Така ёки така қоқшиқ (июль) — Асад (Арслон)<br/>(23 июль — 23 август)</p> <p>6. Баш оона (август) — Сунбула (Бошок)<br/>(24 август — 23 сентябрь)</p> | <p>7. Оёк оона (сентябрь) — Мезон (Тарозу)<br/>(24 сентябрь — 23 октябрь)</p> <p>8. Тўккизнинг оий (октябрь) — Ақраб (Чаён)<br/>(24 октябрь — 22 ноябрь)</p> <p>9. Еттининг оий (ноябрь) — Қавс (Ўқчи)<br/>(23 ноябрь — 21 декабрь)</p> <p>10. Бешнинг оий (декабрь) — Жадй (Тоғ эчкиси)<br/>(22 декабрь-20 январь)</p> <p>11. Учнинг оий (январь) — Далв (Сувчи)<br/>(21 январь — 20 февраль)</p> <p>12. Бирнинг оий (февраль) — Хут (Балиқ)<br/>(21 февраль — 20 март)</p> |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

*<sup>1</sup> Эслатма. Европача ва қирғизча ойлар номларини мувофиқлаштириш академик Х. Карасаев ва бошқа олимларнинг фикрларига биноан амалга оширилди. Григориан ва юлиан календарларидаги фарқ каби ойлар номларини қирғизчага мувофиқлаштиришда Наврўзнинг 21-22 мартда нишонланиши, йилнинг шу кундан бошланиши билан боғлиқ бошқа таклифлар ҳам айтилган.*



**Василий Владимирович Бартольд**  
1869 йилда туғилган, 1930 йили дунёдан кўз юмган. Шарқ ўлкаларини тадқиқ қилган олим, академик (1913). Ўрта Осиё халқларининг тарихига бағишланган ишлари катта илмий маънога эга. Уларнинг энг каттаси “Қырғизы”.



**Чокан Чингизович Валиханов** (Мухаммед Ханифия) 1835 йили Омон-Козагай худудидagi Қуш-Мурун ҳарбий истеҳкомидa (ҳозирги Қўстанай шаҳри яқинида) туғилган. 1865 йили Олтин Эмел овулида дунёдан кўз юмган. Ўрта Осиё во Козогистонда яшовчи халқларнинг моддий ва маънавий маданиятини тадқиқ қилган дастлабки олим, демократ маънавий маърифатчи, этнограф, фольклорчи, тарихчи.

Ўзлари яшаган тарихий ҳудуднинг флора ва фаунаси (хайвонот ва ўсимлик дунёси)ни қирғизлар яхши ўзлаштириб, ҳар бирини алоҳида номлаб, кундалик турмушда улардан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Табиат ҳодисаларини **авлиёлар, ҳисобчилар** олдиндан ҳисоблаб айтиб беришган. Албатта, уларнинг сўзи рост чиққанда “қор ёғдириб юборди”, “жалани тўхта-тиб қўйди” деб ғайритабий кучларга уларни тенглаштирган ҳоллар ҳам кўп бўларди. Амалда эса улар амалий билимларга таянишган.

**Халқ табиблари** доривор гиёҳларнинг сир-асрорларини авлоддан-авлодга ўтказиб келишган. Беморларни илон гўшти, жониворлар ва бошқа ёввойи ҳайвонлар танасининг турли аъзолари билан даволашга ҳаракат қилишган. Турли мевали моддалардан фойдаланишни ҳам билган. Дориворлар ичида қора қўчқор ва тойнинг териси ҳамда кигизнинг ҳам алоҳида ўрни бўлган. Юрак-қон томири, қўтир касалликлари ва бошқа хасталиклар, моллар оғришининг сабабларини аниқлаб, дори-дармонлар билан даволай олишган. Уруш пайтларида ва бошқа ҳолларда ярадор бўлганларга жарроҳлик йўли билан ёрдам кўрсатишган. Мол ва одам анатомиясини билган табиблар қўл чиққанда уни ўрнига солган, пайлар тортилган, суяклар синганда даволай олишган. Танадаги ўқни тинтур деган махсус асбоб билан олиб тозалаган. Кимдир бундай асбобни қўйнинг илик суягини юпқалаб йўниб, учли қилиб (ишга қулай ва ярадор тезроқ соғайиши учун) тайёрлаб фойдаланган. Арчанинг тутуни антисептик мақсадда қимиз тайёрла-

надиган саба, саночларни ошлаш ва бошқа ҳолларда ишлатилган. Жанубий Қирғизистонда ўша мақсадда анор шарбати ҳам кенг қўлланилган. **Қон олиш, зулук қўйиш, томир ушлаш** каби усуллардан кўплаб фойдаланилган. Албатта, дуо ўқиш орқали ҳам касалликдан фориғ бўлишган, “жиншайтон”ларни қувадиган бахшилар ҳам мавжуд эди. Уларнинг тадбиркорлари кўп йиллик тажрибаларига таяниб, қайси ҳатти-ҳаракати қандай пайтда беморга таъсир этишини билиб олиб, ўша усулларини болаларига ўргатишган.

Қирғизлар масофани эн, суям, қарич, қадам, саржин, чақирим ва бошқа ўлчов бирликлари билан аниқлашган. Ер ўлчови қўшни қардош халқларникига ўхшаш (теша, таноб ва бошқалар) бўлган. Оғирлик ўлчови қайси моддани тортишга қараб белгиланган. Йўғон, майда, суюқ ва қаттиқ жисмларни ўлчаш тизимидан фойдаланилган.

**Диний эътиқодлар.** XVII — XIX асрларда қирғизларнинг асосий дини **ислом** бўлган. Ҳатто Шарқий Туркистонда қирғизларнинг айрим гуруҳларига таяниб, ўзаро кураш олиб борган “Ишқийя” ва “Исҳоқийя” суфийлик оқимлари мавжудлигини биласизлар. Олим В. В. Радлов ҳам қирғизларни мусулмон ҳисоблаб, ўйротларга қарши озодлик курашини “қофирларга қарши муқаддас кураш” сифатида баҳолагани маълум. Бу қирғиз дostonларида, айниқса, “Манас” дostonида ёритилган. Қалмоқ Алмамбетнинг Манас билан дўстлашишининг асосий шартларидан бири Алмамбетнинг будпарастликдан бош тортиб, ислом динига кириши экан-



лиги қирғизларнинг мафкуравий йўналиши худди ўша дин билан боғлиқ эканлигидан далолат беради. Жунғориядаги қалмоқ-қирғиз номли гуруҳнинг дини **ламавий** (будпарастлик оқими) бўлган.

Тангритоғдаги қирғизлар **исломгача бўлган диний эътиқод сарқитларини** ҳам сақлаб қолишган. Бу сарқитлар уларнинг мусулмончилигига зиён етказмаган ҳолда умумлаштирилган. Масалан, мусулмонлар худоси Оллоҳ таолонинг синоними сифатида исломгача бўлган даврдаги туркий халқлар “Тангри” сўзини ишлатишган. “Тангри ёрлақасин, Тангри қўлласин” деган олқиш, қасам, қарғиш сўзлари Қорахонийлар давридан бери исломий йўлда фойдаланилган.

Қирғиз афсоналари (ривоятлари) да Тангри-бир вақтнинг ўзида оламнинг яратувчиси ва осмоннинг худоси бўлган. Бундан ташқари, Ер ва Сувга сиғинишган (ўрта асрлардаги “Ер-сув” билан таққосланг). Она ер тўғрисидаги тушунчадан бошқа оналар, болачақаларни муҳофаза этган Умай Онага эътиқод қилишган. Болаларни эмлаганда “менинг қўлим эмас, Умай Онанинг қўли эмлаябди” деб эътиқод қилган эмчилар тўғрисида хитойлик олим **Макелек Омурбой** ёзади.

Қирғизлар ҳар бир юрт, кечув ва ҳатто жониворларнинг ҳам “эгаси” бўлади, деб ишонишган. Қатор қирғиз қабилаларининг буғу, бўри, илвирс ва бошқа ҳайвонлар билан боғлиқ тотеми (ҳайвон ёки ўсимлик турлари билан қон-қариндошлигига ишониш) бўлган. Йилкининг эгаси-**Қамбар ота**, туяники — **Ўйсул ота**, қўйники-**Чўлпон ота**, молники — **Занги ота** ва ҳоказо деб ҳисоблашган.

Умумий мусулмон ривоятлари ҳам қирғизлар эътиқодида мавжуд бўлган. Улар орасида сув тошқини, булоқ Хизр бува, зилзила ва бошқа табиат ҳодисалари тўғрисидаги ривоятлар бўлган.

Энасой Қирғиз хоқонлиги давридагидек ўтга сиғиниш тушунчалари сақланиб қолган. Арчани куйдириб тутатиш, олис ҳарбий сафар ёки саёҳатдан қайтган кишининг бошидан ўтнинг чўғини уч марта айлантириш ва бошқа ирим-сиримлар мусулмон йўл-йўриқлари билан аралаш ҳолда сақланиб қолган.

“Нариги дунё” тўғрисида (эсхатологик) тушунча, қиёматнинг қилқўприги, жон, арвоҳ, ғойиб бўлиш (ҳеч кимга кўринмас дунёга ўлмас-ўчмас бўлиб ўтиш) каби тушунчалар ҳам исломнинг бошқа динлар билан умумий эътиқодлари қатори ривоятларда тилдан-тилга ўтиб келябди.

Қирғиз халқининг диний ва этнографик-маданий билимлари инсониятнинг авлод-аждоғлари, хусусан, туркий ва бошқа халқларнинг ўрни, қирғизларнинг ва улар билан аралашиб кетган турли қабилаларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги билимлар мажмуаси-шажара (арабча “шажара” — “дарахт” маъносини англатади)ни алоҳида тилга олсак арзийди. Шажаранинг асосий вариантлари инсониятни яралишини Одам Ато ва Момо Ҳавога олиб бориб такайди. Мусулмон генеалогик аънаси қонунлаштирган шажаранинг энг чўққисидаги Одам Ато ва Момо Ҳавонинг авлодлари-турли пайғамбарлар у ёки бу халқнинг бобомолари бўлган, деб сифатланади. Нуҳ пайғамбарнинг уч авлоди-Хам,



*Белдамчи*

Сам, Ёфас. Уларнинг кенжаси Ёфас-туркларнинг бобоси. Турк Отанинг авлодларидан бири Қирғиз бўлиб, шажарачилар Қирғиздан турли қабилаларнинг бутокларини ажратишган. **“Етти отасини билиш-фарз”** деган тушунча шажарачиларнинг маҳаллий мактабларини мустаҳкамлашга замин яратган. Қирғиз шажараси ўрта асрлардаёқ ҳар хил ёзма манбаларда акс эттирилган.

**Халқ ўйинлари** миллий спорт ва жамоат ўйин-томошаларининг ёш хусусиятларига мос равишда руҳий ва жисмоний тарбиясини амалга оширишдан иборатдир.

Иродали, кучли, эпчил ва чидамли бўлиш талаб этиладиган катор **спорт ўйинлари** йигитларни ҳарбий ватанпарварлик ва жанговарликка тайёрлаш-

да муҳим омил бўлиб ҳисобланган. Улар орасида **яккама-якка найза сайиш, кураш, оғирлик**(мол, тош) **кўтариб куч синашмоқ, кўк бўри (улоқ) тортиш** каби ўйинлар бўлган. Айрим мусобақалар куч синашганларнинг ўлими билан ҳам фожиали якунланган.

Махмуд Қошғарий XI асрда тангритоғликларнинг арғумоқ отга бўлган ишқибозлигини “Куш-қанотин, Эр-хотин” (“Куш-қаноти билан, эр-хотини билан”) деган мақол билан ифодалайди. “Эр қанотланди” иборасини “Эр киши арғумоққа миниб учди” деб араб ўқувчиси тушунган. Худди шундай тушунчалар чавандозликни ривожлантирган янги даврдаги қирғизлар томонидан ҳам мустаҳкамланган. “От-инсоннинг қаноти” деган қирғиз хикматли сўзи ҳам бор. От спорти учқур отларда турли масофага чопиш (оломон пойга ва бошқа)да, йўрға солиш, от ўйнатиш, ағдариш, улоқ тортиш каби ўйинларда ишқибозлар эҳтиросини оширган. Белек Солтоноев XVII — XIX асрларда машҳур ботирларнинг эл оғзига тушган арғумоқ отларининг Шарп Қула (Эр Эшимники), Кўк Чўлоқ (Шапакники), Кер Қулун (Атакеники), Оқ қизил (Тўрўкелдиники), Сур Айғир (Балбойники) ва бошқа гиппонимлари (йилки исмлари)ни санаб, буғу қабиласидан чиққан Найман, Жонибек деган синчилар (отлар бўйича билимдонлар) учқур отларни 18 турга бўлганини ёзади.

**Ўрда ўйини** эса эркакларнинг гуруҳ-гуруҳга бўлиниб, биринчидан, мантиқий фикрлаш, иккинчидан, эпчиллик ва маҳоратни талаб қиладиган ўйини бўлган. Ўйланишни талаб

қилган мантикий ўйинларга дўйбу (шашка), чатираш (шатранж, яъни шахмат), тўғуз қўрғул кабилар киради.

Ёшларнинг ўйин — томошалари қўз бойламоқ, рўмол ташламоқ, қиз қувмоқ ва бошқалардан иборат бўлса, ўспиринлар эса тўптош, эшак минди, той чопиш, бекинмачоқ ва бошқа ўйинларни меъёрига етказиб ўйнашарди. Ислоом, рўза оёи билан боғлиқ рамазон айтиш, уйланиш тўйларида йигит-қизларнинг ёр-ёр айтиши кенг ёйилган.

**Моддий маданият.** Қирғиз халқининг маиший ҳаёти унинг моддий маданияти хусусиятларини аниқлаган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар ўтроқлашган ҳудудларда яшаган қирғиз қабилаларидан бироз фарқли моддий маданиятга эга бўлган эди.

Масалан, Қўқон, Ўш каби шаҳарларда истиқомат қилган қирғизлар баланд кўрғонли уйларда яшашган. Кўчманчи қирғиз овулларидаги асосий турар жой эса бўз уй ҳисобланган. Керага, уқлари, туйнуги кўчиришга қулай бўз уй ағдариб қўйилган синнига ўхшаш бўлиб, шамол, ёгин-сочин, қорга чидаш берадиган турар жой ҳисобланган. Кигиз, чийдан тайёрланган бўз уйнинг жихозлари чеварларнинг безаклари билан ҳар бир турар жойнинг чиройини очиб турган.

**Меъморчилик** иншоотларига Қўқон хонлиги даврида ва унғача қурилган истехкомлар (Сўфиқўрғон, Даровутқўрғон, Бишкек, Тўқмоқ, Барскон, Қўнғирўлонг, Чўлоққўрғон ва бошқа истехком ва кўрғонлар), ўтроқлашган жойлардаги мадрасалар ва масжидлар (Сидикбой масжиди, Ўшдаги Рабод Абдуллахон масжиди) ҳамда бошқа иморатлар қирган.



*Қумушдан ясалган эгар. XIX аср*

Йирик зодагонларнинг мақбаралари ҳам маҳаллий меъморчилик анъаналарининг намуналари ҳисобланган. Тарихчи А. Н. Бернштам Марказий Тангритоғдаги мақбараларни қурган усталар унинг гумбазини кўтариш да бўз уй намунасидан фойдаланганликларини таъкидлайди. Асаф ибн Бурхия (Ўш шаҳри), Тойлоқ ботир (Оқдала), Нўғой (Иссикқўл), Қирқ чўрў (Кўч-қор) гумбазлари ва Чотқол, Сафед Булон ҳамда бошқа ҳудудлардаги мақбаралар бу фикрни тасдиқлайди.

**Амалий-санъати** орқали қирғизлар бир вақтнинг ўзида маиший ҳаётга зарур буюмларни ясаш ва уларга нафис безаклар ишлаш билан шуғулланишган.

Чевар хотин-қизлар ширдоқ (палос), гилам, тўқиб, кигиз босиб, турли кийим-кечаклар, ёпқич тикишса, усталар соҳасига қараб (темирчи, дурадгор, заргар, курувчи, кайишчи ва бошқалар) ихтисослашган ҳолда меҳнат қилишган.

Умуман, XVII — XIX асрлар ўрталарида қирғиз халқининг Шарқий Туркистон, Олатоғ, Помир ва бошқа ерларда яшаган гуруҳларининг мада-



*Идиш солинадиган қопчалар тури:*

*а) нақшли қопча*

нияти азалдан давом этиб келаётган соф миллий анъаналарига тарихий қўшнилариинг таъсирини ўзида мужассам этиши билан ажралиб турган.



*б) кашта тикилган қопча*

Ўз навбатида қирғизлар ҳам ўзларига қўшни халқларга этник-маданий таъсирини ўтказиб турган.

?

### *Савол ва топшириқлар:*

1. Халқ таълими, амалий билимлар нима?
2. Фалақийёт билимлари тўғрисида ва юлдузларнинг номлари ҳақида нималарни айта оласиз?
3. Ўзингиз туғилган йилни мучал йилига қараб топинг.
4. 12 йил ва 12 ой номларини ёддан айтинг.
5. Жуғрофия, иқлимшунослик, тиббиёт бўйича қирғиз халқи қандай билимларга эга бўлган?
6. Диний эътиқоднинг Қирғизистондаги хусусиятлари нимада?
7. Халқ ўйинлари неча хил бўлади?
8. Қирғизларнинг моддий маданияти қандай қисмлардан иборат бўлган?

## У Б О Б. ҚИРҒИЗИСТОН — РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ МУСТАМЛАКАСИ

### 14-§. Шимоллий қирғиз қабилаларининг Россияга бўйсундирилиши

Шимоллий Қирғизистоннинг Россия таркибига киритилишининг тарихий шароитлари. Ўрта Осиёдаги инглиз-рус рақобати. XIX асрнинг 50 — 60-йилларида шимолдаги қирғиз қабилалари Россия империясининг таркибига киритилди. Улар орасида биринчи бўлиб буғу қабиласи кирган (1855).

XIX асрнинг биринчи ярмида шимолдаги қирғиз қабилаларининг йириги ҳисобланган буғу қабиласи Россия империясининг ҳарбий Сибирдаги маъмурлари билан элчилик алоқаларини амалга ошириб турган. Россиялик савдогарлар қирғиз юртида бемалол савдо-сотик ишларини олиб бориб, у ер орқали беҳавотир Шарқий Туркистонга қатнаб туришган эди. Уларнинг хавфсизлигини таъминлашни иссиққўллик қирғизлар ўз зиммаларига олган эдилар. Ўша вақтдаги мураккаб тарихий вазият, қўшни қабилалар билан бўлаётган низоларнинг кучайиши, айрим буғу манапларининг Ормонхонга бўйсунгандан кўра бошқа давлатга малай бўлишга тайёр такаббуруна ҳатти-ҳаракатлари. Қўқон хонлиги ва қозоқ султонларининг тайзиқлари ҳамда Хитой Бўғдихонининг маккорликлари буғуларни Россия давлатига ҳимоя излаб мурожаат этишга мажбур қилгани аниқ. Қардош қозоқ халқининг макон қурган юртлари бўлган Қапал ва Или худудларининг

рус аскарлари томонидан эгалланиши ва Верний (Алмати) каби шаҳар, истеҳком-қалъаларнинг барпо этилиши, улардаги подшо қўшинларининг йилдан-йилга кўпайиши ҳам шимоллик қирғизларнинг бир қисмининг Россия билан яқинлашувига туртки берди. Қозоғистон орқали Ўрта Осиёни тобе қилиб олишга интилган Россия империясининг яхши қуролланган қўшинлари бу вақтда Қирғизистоннинг ёнгинасида, иссиққўллик қирғизларнинг остонасида қиличини яланғочлаб бостириб киришга шай турган эди. Иссиққўлга келган татар савдогарлари эса ўз манфаатлари йўлида подшо ҳукуматининг топшириғи бўйича олдиндан тайёргарлик кўрган ҳолда қирғиз овуллари айланиб бий, манаплар билан яхши муносабат ўрнатганлар, сўнгра уларни ўзларига оғдириб, Россияга қўшилишга очик-ойдин даъват этишган. Ҳарбий Сибирдаги рус маъмурлари билан бир неча бор хат орқали ёзишмалардан кейин буғу қабиласи 1855 йили Россиянинг тасарруфига ўтди. Бу нарса буғу қабиласининг катта манапи Боромбойнинг элчиси Қачибек Шерали ўғлининг расмий равишда қасамёд қилиши орқали амалга оширилди. Бироқ амалда буғулар устидан Россия давлатининг мустамлакаси 60-йиллар бошларигача тўлик ўрнатилмаган эди. Қирғизистоннинг



*Қирғизларнинг кўчиши. В.В. Верецагин чизган расм. 1870-й*

Россия таркибига қўшиб олиниши, рус капитализмининг ички худудларда илдизи чуқурлашуви, чет давлатлар томон кенг кулоч ёйиб ривожланиши ва подшоликнинг XIX аср учинчи чорагидаги мустамлакачилик сиёсати билан бевосита боғлиқдир. Чунки гуркираб ўсиб, ривожланиб бораётган рус капитализмига харидоргир бозорлар, хом ашёси мўл, табиати бой худудлар зарур эди. Мана шундай худудлар марказий губерниялардан минглаб рус дехконларини кўчириб келиб ўтроқлаштиришда керак бўларди. Бу маҳаллий аҳолининг ер-сувини абадий эгаллаб олиб, ўзларини бутунлай бўйсундиришнинг энг ишончли ва қулай усули эди.

Қирғизистонни, умуман, бутунлай Ўрта Осиёни бўйсундириб олиш подшоликни маҳаллий халққа турли солиқлар солиш орқали янги даромадлар, ҳисобсиз кўп бойликка етак-

ларди. Янги энчи, мулкларга ва мартаба, мансабларга эришишни кўзлаган рус дворянлари, амалпараст жаноб ва маъмурлар Ўрта Осиёни Россиянинг тасарруфига тезроқ киритишга ошиқардилар.

Россия давлатининг Ўрта Осиёга қўз олайтириб интилиши XIX асрнинг ўрталарида, айниқса, кучайди. Бунга қатор ички ва ташқи шароитлар сабаб бўлди. Дастлаб Россия давлати Ўрта Осиё билан савдо, иқтисодий ва сиёсий алоқаларни тартибга солишни кучайтиришга интилган. Масалан, XIX асрнинг 20-йиллар ўрталарида Россиядан Ўрта Осиёга товар жўнатиш асрнинг бошидагига нисбатан 1 миллион сўмдан 4 миллион сўмга, Ўрта Осиёдан Россияга буюмлар, хом ашё олиб келиш 2 миллион сўмдан 6 миллион сўмга ўсган. 1840 — 1850 йилларда эса 10 йил мобайнида Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо-сотиғи 40 фоизга кўпайди.

Айниқса, газлама тўқишга ихтисослаштирилган енгил саноат корхоналари пахта толасига муҳтож эди. Шу боисдан Ўрта Осиёдан Россияга тола ташиб кетиш йилдан-йилга ортган. Бунга АҚШдаги 1861—1865 йилларда бўлиб ўтган фуқаролар уруши ҳам туртки берди. Илгари Европа мамлакатларига кўплаб момик етказиб берувчи АҚШ уруш туфайли маҳсулот жўнатишда муаммоларга дуч келди. Агар 1861 йили Осиёдаги кўшни давлатлардан Россия 152 минг пуд тола сотиб олган бўлса, 1864 йили 704 минг пудга етказиб харид қилган. Шу вақтнинг ўзида Ўрта Осиё Тола-си момикнинг нархи юқорилаб кетган эди. Масалан, Нижний Новгород ярмаркасида унинг баҳоси 4 сўмдан 23 сўмгача кўтарилган. Пахта нархининг бундай кескин ўсиши ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келади. Демак, газлама тўқувчи корхоналарни хом ашё билан таъминлаш учун Ўрта Осиёни тезроқ бўйсундириш кечиктирилмас вазифалардан бири бўлиб қолган эди.

Энди Қирғизистоннинг ўзини оладиган бўлсак, Россияни, айниқса, мол чорвачилиги қизиқтирган. Россия тоғли ҳудуд аҳолисида 4 хил мол ва чорвачилик маҳсулотлари: жун, тери, ёғ, қимматбаҳо мўйналар сотиб олиб турса, Қирғизистон Россия саноат корхоналарида тайёрланган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, газламалар харид қилиб оладиган жуда фойдали бозор сифатида хизмат ўтар эди.

XIX асрнинг иккинчи чорагида Россия Қашқар ва хулжа ҳудуди билан аввалгига нисбатан барқарор савдо алоқалари ўрната бошлади. Рус сав-

догарлари Шарқий Туркистон билан бевосита алоқа боғлаш, савдо-сотик ишларини ўз қўлларига олиш ва ўрта осиелик савдогарларнинг воситачилигидан воз кечишга ҳаракат қилишган. Шимолий Қирғизистонни бўйсундириб олиш эса бунга қулай шароит яратар эди. Чунки Чуй, Иссиққўл, Тангритоғ орқали Россия, Ўрта Осиёдан Қашқар, Гулжа томонларга ўта қулай ва қисқа карвон йўли орқали ўта оларди.

**Ўрта Осиёдаги инглиз-рус рақобати.** Подшоликнинг Ўрта Осиё, хусусан, Қирғизистонни эгаллаб олиш учун ҳаракатининг тезлашишига Англия билан Россиянинг ўртасидаги Шарқдаги рақобат ҳам туртки бўлди. Англия XVIII асрнинг иккинчи ярмидаёқ Ҳиндистондан Европалик рақобатчиларини суриб чиқариб, бу мамлакатнинг катта қисмини эгаллаш, у ёқдаги майда давлатлар орасида мустаҳкам ўрин олишга муваффақ бўлган эди. Кейинчароқ у Ҳиндистондаги ўз мулкларини муҳофаза қилишни баҳона қилиб, кўшни Афғонистон, Эрон, Шарқий Туркистон, Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларига қўз олайтира бошлади. Бу мамлакатлар Британия империясининг шарқдаги жиддий рақобатчиси, қудратли Россия империяси билан курашда унга таянч бўлар эди.

20-йиллардан бошлаб Ост-Индия компаниясининг савдогар ва сайёҳ киёфасидаги айғоқчилари дастлаб яширин, сўнг очиқ-ойдин Ўрта Осиё хонликларига кириб кела бошлайди. Кўп ўтмай Англия Ҳиндистонга кўшни жойлашган мамлакатларни босиб олишга киришади. Масалан, 1838—1839 йилларда Англия Афғонистонга ҳужум қилади.

Чор Россияси Англияни доғда қолдириб, Ўрта Осиёни эртароқ ўзига тобе қилиш мақсадида уруш ҳаракатларини кучайтиради. Қирғизистоннинг Россия таркибига киритилиши подшоликнинг Қозоғистон ва Ўрта Осиё хонликларидаги мустамлака экспансияси-турли усуллар ёрдамида ҳукмронликни кенгайтириш билан илдиздош, ажралмас боғланишда бўлган ва бу ўлкаларда Россия ҳукмронлигининг ўрнатилишида, мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнаган.

**Буғу-сарибағиш низосининг авж олиши.** 1854 йил кузида димоғи чоғ Ормонхон рус ҳокимиятига яқинлашиб, ўзи билан рақобатлашган Боромбойнинг юртини ишғол этиб, ўзини жазолаш учун кўшин тўплаб янги ҳужум бошлайди. Бу урушда кўплаган йигитларнинг умри хазон бўлиб, аёллар тул, болалар етим қолди. Оксуяк зодагонларнинг бемаъни тортишувлари натижасида бегуноҳ аҳоли қирилиб, беҳад азоб чекди. Бу галги низога хоннинг саркардаси Алибекнинг хондан аразлаб, Боромбойнинг овулига кўчиб ўтиши ва бир-бирининг молини ўғирлаши баҳона бўлган эди.

1000 туя, 40 учқур от, 3000 йилқи, 9 гўзал қиз бош бўлган 40 каниз ва 60 аёл ва бошқа нарсаларни юборишни

талаб қилишади. Агар буғулар бунга рози бўлишмаса, Иссиқкўлни 3 бор қирғин-барот қилишга хоннинг қариндош-уруғи аҳд қиладилар. Кўп ўтмай буғуларнинг донишманд ва манаплари хун тўлашдан бош тортишгач, Ормоннинг сержаҳл, қайсар ўғли Умотали Боромбойнинг овулига ҳужум қилади. Иссиқкўлнинг шимоли-шарқий томонида бўлиб ўтган бу қаттиқ олишувда буғулар мағлубиятга учраб, Қаркира билан Текесга ва Хитой чегарасигача қочишади. Ўшанда Боромбой рус маъмурларидан Иссиқкўлга аскар юбориш ва кўл водийсида истехком қуриб, урушларга барҳам бериш ҳамда буғуларни қирғиндан қутқариб қолишни илтимос қилган. Рус маъмурлари Боромбойнинг илтимосига биноан 1855 йил кузи (9-сентябрь)да Иссиқкўлга казак кўшинини юборган. 1859 йил сарибағишларнинг юртига яқин ҳудудда Қастек истехкоми қурилиб, бу ерни рус аскарлари назорат қила бошлагач, сарибағиш манаплари буғуларга қарши ҳужум уюштиришни тўхтатишади.

*1863 йилдан бошлаб эса Иссиқкўлда мунтазам рус аскарлари жойлашган.*



### *Савол ва топшириқлар:*

1. Буғу қабиласи нима учун Россия билан алоқа қилишга интилган?
2. Буғуларнинг ҳарбий Сибирдаги рус ҳокимияти билан элчилик алоқалари ҳақида нималарни айта оласиз?
3. Буғу қабиласи Россия ҳокимиятига қандай бўйсунган?
4. Буғу-сарибағиш жанжали қандай оғир талофатлар билан яқунланган? Кўлга рус аскарлари қачон кела бошлаган?



## Ҳужжатли материал

**Буғу қабиласининг оқсоқоли, катта манап Боромбой Бекмурод ўғлининг ҳарбий Сибирь генерал-губернаторига ёзган хати:**

“Кўп йиллардан бери бизнинг худудда савдо қилиб юрган татарлар тархон Файзулла Нўғоев билан қозонлик Муҳаммадғалим Тагиров ўзининг яхши хулқи ва мақтовга сазовор феъл-атвори билан юртимиз оқсоқолларига ёкиб қолишди. Шу вақтнинг ўзида қабиламизнинг қирғизлари билан бошқа қабилалар қирғизлари ўзаро низолашиб, бири-бирига жабр-зулм ва натижада ундан аҳолининг тинчи бузилабди. Шу боисдан аталган татарлар бизни Россиядан паноҳ излаш, бутун русларнинг улуғ мартабали хукмдори-оқ подшонинг

фуқаролигига ўтиш ҳамда подшонинг паноҳида тинч ва хотиржам ҳаёт кечиришимизга обдон ишонтирдилар.

Шу сабабли улуғ мартабали подшонинг нурли сиймосини кўриб, унга бизнинг самимий тилакларимиз, ишончимиз, садоқатимиз ва эҳтиёжларимизни билдириш учун подшонинг оқ саройига боришга бизнинг хурмат-обрўли бийларимиз орасидан икки ёки уч кишига рухсат беришингизни илтимос қиламиз. Ушбу илтимосимизни етказиш ва жавоб олиш учун икки кишини, бир татарни ҳамда бизнинг қабиладан бир қирғизни юбордик, шу боисдан сизлардан мадад билан ижобий жавоб кутамиз...”

### 15-§. Чуй ва Талас водийларидаги қирғиз уруғларининг Россия империяси тасарруфида қолиши

**Еттисувни тўла бўйсундириш учун Россия ҳаракатининг кучайиши.** XIX асрнинг 30-йилларига келиб Россия ҳокимияти Еттисувгача бўлган кенг худуддаги қозоқлар маконларига ёйилган эди. 1831 йили ҳарбий Сибирдаги рус аскарлари Семейдан чиқиб, кўп ўтмай Аяғуз ўзанига етиб келишади ва “Аяғуз буйруғи” деб аталган истехкомни куришади. Янги ташкил этилган Аяғуз ташқи округига қараган Катта жуз қозоқларининг бир қисмини ҳокимлик бошқаруви худди ўша истехкомда амалга оширилар эди. Аяғуз ташқи округи Омск вилояти тасарруфида эди. Бу округ Россиянинг Еттисув томон Сибирь кенгликлари бўйлаб силжишида воситачилик вазифасини бажарди. Шу вақтнинг ўзида рус аскарлари Орен-

бург томондан Сирдарё бўйлаб қозоқ худудлари билан Қўқон мулкларини қисиб кела бошлади. Шундай қилиб подшо аскарлари Ўрта Осиё билан Катта жуз қозоқларига икки қанотдан Сибирь йўналиши бўйича, ҳарбий Сибирдан ва Сирдарё йўналиши бўйича эса Оренбург тарафдан хужумга ўтди. 1853 йили рус кўшинлари Сирдарё бўйидаги Окмачит кўрғонигача етиб келиб, уни босиб олди. Ҳарбий Сибирь кўшини эса Еттисувнинг анча ерини қўлга киритиб, 1847 йили Қўпал дарёси соҳилида Қўпал истехкомини курди. 1854 йили Или худудида, Катта жуз юртининг марказида Верний (Алмати) истехкоми барпо этилади. Бу Еттисувда Россия хукмронлигининг бошланиши эди. Натижада яхши курулланган, пухта тайёр-



*XIX аср охири — XX аср бошидаги  
еттисувлик қирғиз қизлари*

ланган подшо қўшини Чуй ва Исиккўл худудларидаги қирғизлар истикомат қилаётган жойларгача етиб келиб, янги ерларни бўйсундириш тўғрисида янги буйруқларни кутиб турарди.

Ўша вақтда шимолдаги қирғиз қабилалари мураккаб тақдирга рўбарў келиб, оғир сиёсий вазиятни бошдан кечирарди. Қабилалараро низолар авж олиб, қирғизларни чор тарафдан ёв қуршаб, танг аҳволга солган эди.

Ўзаро низолардан ниҳоятда чарчаган қирғиз халқи биргаликда бош кўтариб, кизил туғли, мустақиллиги мустақкам давлат туза олмади. Кўкон хонлигига қарши тинимсиз олиб борилган курашларда, Цинь-Манчжур босқинчиларига қарши ҳаракатларда қирғизлар анча талафотларга учради. Айниқса, буғулар билан сарибағишлар низоси, бир-бирининг мол-мулкани

талашлар, ўғирлаш ва бошқа воқеа-ҳодисалар қирғизларни азобга солиб, хўжалигини хона-вайрон қилди. Золимлиги ва зўравонлиги Кўкон хонидан қолишмайдиган Хитой Бўғдихони ҳам Қирғизистонга хавф туғдириб чегарага яқин жойлашган айрим қирғизларга тазийқ ўтказиб турган. Шунингдек, қардош козоқ халқини тобе қилган Россия империясининг амалпараст маъмурлари ва сон-саноксиз қўшинлари қирғиз юртининг бўсағасигача кириб келган эди. Бунинг устига подшо ҳукуматининг махфий топшириқларини бажариш асл мақсади бўлган татар савдогарлари ва рус маъмурлари қирғиз қабилалари ва тадбиркор инсонларининг ўрталарига фитна уруғини сепишдан ҳам қайтишмаган.

Кеккайган кекса маъмурлар келиб ҳокимиятни қўлга олиши, буйруққа бўйсунмаганларнинг бошлаб таъзирини бериши, барча зўравонликларга тайёр оқ подшо ясовуллари-қонхўр казаклар ва бебош деҳқонлар қора қуюндек қоплаб, Чуй ва Исиккўл атрофидаги водий ва яйловларни тортиб олиши ҳамда турли-туман солиқлар ундиришини қирғизлар ҳали хаёлига ҳам келтирмаган эдилар.

Бироқ шимолдаги қирғиз қабилаларининг ҳаммаси ҳам Россия билан муносабат ўрнатишга жазм қилмади. Қирғизларнинг анча қисми оқ подшога бўйсунушдан бош тортгани, ҳатто қуролли қаршилик кўрсатгани ҳам маълум. Буғулардан Муротали, Балбой ботир, Тилекмат, Чўнг Қарач, сарибағишлардан Умотаали, Торогелди ботир, Чарғин, саёклардан Ўсмон, солтолардан Жанғарач, Маймил ва бошқалар бош бўлган қирғиз овуллари бир неча йил рус ҳокимиятига итоат қилмади.

**50-йилларнинг охири 60-йилларнинг бошларида подшоҳ аскарларининг юришлари. Г. А. Колпаковский. Чуй ва Талас водийларидаги қирғиз қабилаларининг Россия давлати таркибига киритилиши.** Жонтойхон, Бойтик, Чуй худудидаги қирғиз қабилаларини Россия империясининг таркибига киритиш 60-йиллар бошида рус кўшинларининг Чуй водийсидаги кўконликлар истехкомларини эгаллаши билан бирга амалга оширилди.

XIX асрнинг 50-йиллари охирларида подшо саройида Сибирь ва Сирдарё худудларини кўшиб олиш ва Ўрта Осиёни забт этишни кўзлаб силжиш масаласи кўпроқ кўтариладиган бўлди. Шу босидан подшо ҳукумати 60-йилларда бу масалани бутунлай ҳал қилишга кескин киришди.

1859 йил ёзида капитан М. И. Венюковнинг кичик кўшини Или томонидаги қозок ва қирғизлар яшайдиган жойларга келиб, келажакда Шимолий Қирғизистондаги кўконликларнинг қалъа-кўрғонларига ҳужум қилганда таянч бўладиган Қастек истехкомини куради. Ўшанда Тўқмоқ билан Бишкек истехкомларидаги кўконлик сарбозлар рус аскарларига тўсқинлик қила олмадилар. Венюковнинг кўшини ҳужумни тўсиқларсиз муваффақиятли олиб боргандан сўнг, кўконликларни Чуйдан суриб чиқариш унчалик кўп куч талаб қилмаслигига рус маъмурларининг кўзи етиб, ишончи ортди.

Ўша 1859 йилнинг апрель — май ойларидаёқ Голубев бош бўлган рус кўшини Иссыккўл атрофидаги қирғиз овулларини кезиб, буғулар орасида Россиянинг таъсирини янада мустаҳкамлади. Аммо Кўкон хонлиги Иссыккўлда қайта ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, бутунлай Шимолий Қирғиз-

истонни ўз таъсир доирасида ушлаб туриш учун ҳаракат қилиб, чуйлик қирғизларни қардош қозокларга, сарибағишларни эса буғуларга қарши ғижғижлашни давом эттираверди. Ҳатто Кўкон хони Иссыккўл соҳилига янги кўрғон қуриш ва буғулардан солиқ ундиришни ният қилган эди. Масалан, 1859 йили низоларнинг бирида сарибағишларнинг обрўли манапи Торогелди ботир буғулар қўлига асир тушиб қолганда, уни буғулар сарибағишларнинг дўк-пўписаларига қарамасдан, тутқунликдан бўшатмай туради. Буғулар Россия Олатоғ округининг бошлиғидан ёрдам оламиз, деб ўйлашган эди. Кўп ўтмай сарибағишлар Торогелди ботирни асирликдан қутқариш учун ҳужумга тайёргарлик кўра бошлашади. Ана шундай оғир вазиятда Бишкек беги буғулардан зақот тўлашни талаб қилиб, агар бош тортсангиз 500 йигит юбориб солиқни куч билан оламиз, деб кўрқитади. Ўша кезде буғулар катта манапларининг ораси бузилиб, икки гуруҳга бўлиниб қолган эди. Ички низолар, айниқса, Боронбой вафотидан кейин (1858 йил) кучайган.

Буғуларнинг янги катта манапини сайлашда рус ҳокимиятига бўйсунишни хоҳламаган манаплар Муротаалини, русларга тобе бўлган гуруҳ эса Қачибек ва Боронбой ўғли Ўмурзоқни қўллаб чиққан.

Аҳволнинг жиддийлашишидан хавфсизираган ҳарбий Сибирь-генерал-губернатори Г. Х. Гасфорд Олатоғ округининг бошлиғи Перемишльскийга янги катта манап сайловини ўтказишга аралашини таклиф қилади. У буғуларнинг овулига келиб, Ўмурзоққа катта манап лавозимини бериб қайтади. Бир йил ўтиб-ўтмай бу лавозимга рус маъмурларига меҳнати билан яхши танилган Қачибек

тайнланади. У ва унинг атрофидагилар Олатоғ округи бошлиғидан қўшни кабилалар хужумларидан ва қўқонликлар тазийкидан муҳофазаланиш учун гоҳ-гоҳ ёрдам сўраб турди. Айрим қирғиз феодалларининг бундай илтимосларидан рус хукмдорлари Чуй водийсига, Тўқмоқ ва Бишкек истехкомларига хужум қилишда баҳона сифатида фойдаланди.

Қирғизистон шимолига хужум уюштиришга раҳбарлик қилиш учун Г. Х. Гасфорд ихтиёрига пойтахтдан бош штаб полковниги Циммерман жўнатилган.

1860 йил 5-февралда Олатоғ округининг бошлиғи полковник *Г. А. Колпаковский* Вернийдан Иссиқкўлга юзбоши Жеребятрев бошлиқ казак қўшинини юборади. Улар кетидан Венюковнинг қўшини Верний-Қастек йўналиши бўйича, ундан кейин Совуқтапа ҳудуди ва Кичик Кемин, Кўкмўйнок, Тўруайғир довонлари орқали Балиқчига келар эди.


16-февралда Жеребятрев қўшини Иссиқкўлнинг шарқ тарафига етиб келиб, Туп дарёси бўйидаги буғуларнинг юртида ўрнашади. Қўшиннинг асосий вазифаси Иссиқкўл пасттекислигида Россия хукмронлигини бутунлай мустаҳкамлаш эди. Шунингдек, рус аскарлари қўқонликлар таъсирини бартараф этиб, сарибағишларнинг манап, бий ва тadbиркор инсонларини оқ подшо ҳукми остига киритиш эди.

Хурмат-обрўли манапларга ҳады қилиш учун рус маъмурлари кўплаб пул ва қимматбаҳо совғалар келтиришади. Россияга нисбатан душманлик муносабатида бўлган “зарали” манапларни асирга олиб, қўл-оёғини боғлаб олиб кетиш тўғрисида Венюковга олдиндан кўрсатма берилган эди. Ҳатто Сибирь корпусининг қўмондони, агарда Муро-

таали билан Чўнг Қарачнинг гуруҳидаги манаплар рус аскарларига қаршилик қилса, уларни бошқаларга сабоқ бўлиши учун қириб ташлашни Колпаковскийдан қаттиқ талаб қилган.

Май ойида Г. А. Колпаковский ўзи Қўқон лашкарларига қарши кескин уруш ҳаракатлари олиб бориш учун рус аскарларини бошлаб Иссиқкўлга келади. Рус қўшинларининг қўшимча қисмларини кўриб ваҳимага тушган қўқонликлар Жууку дараси орқали тунда Қуртқа томон чекинадилар. Ўшанда яхши қуролланган рус қўшинининг йўлини тўсишга журъат қила олмаслигини фаҳмлаган буғуларнинг манаплари полковник Г. А. Колпаковскийга келиб, оқ подшонинг ҳокимиятига бўйсунинини яна бир марта маълум қилишга мажбур бўлишади. Уларнинг орасида бунгача Россия империясини тан олмай келган манаплар Муротаали, Тилекмат ва Чўнг Қарач ҳам бор эдилар. Г.А. Колпаковский уларга бундан сўнг оқ подшони ҳақорат қилиб, қасамга хиёнат қилсангиз, ҳеч кимга шафқат бўлмайди, соткинлар сифатида овулингиз таланиб, бошингиздан жудо бўласиз, деб қаттиқ огоҳлантиради. Россияга хайрихоҳ ва унга вафодорлик билан хизмат қилган манапларга у ҳарбий Сибирь генерал-губернаторининг номидан совға ва мукофотлар ҳады қилади. Шундай қилиб, 60-йиллар бошида буғуларнинг барча уруғлари устидан Россия империясининг хукмронлиги тўлиқ ўрнатилди.

Май ойи (20 май) да Кичик Кеминдан чиқиб, Кокмойнок, Торуайғир довонлари орқали Иссиқкўлнинг ғарбий сохилларигача етиб келган рус қўшини сарибағиш манаплари Торогелди, Умотали, Адил, Ажи, Қалигулларнинг изига тушади. Адил, Ажи ва Қалигул хукмдорлик қилган сарибағиш уруғлари



Қирғизистон Рус империясининг мустанлакаси. 1900-й



*Сари ўзан Чуйдаги киргиз айили  
В. В. Верещагин чизган расм (XIX а.)*

у вақтда Иссыкқўлнинг кунгай томонида ўтроқлашган эдилар. Улардан Субан ўғли Адил ботир Жонбулоқда маккор душман қўлига тушгач, қолганлар кўнгилсиз воқеани сезиб Тангри тоғнинг ичкарасига ва Сусамир ҳамда Талас томонларга овуллари кўчириб кетишга улгуришди. Кўчқор водийсида низолардан четда тинч яшаётган айрим сарибағиш уруғлари мавжуд бўлиб, уларга манап Рискулбек бошчилик қиларди.

**Рус аскарларининг Чуй водийсига дастлабки юриши.** Мазкур муваффақиятли хужумлардан кейин Қўқон хонлигининг аҳволи заифлигини сезган рус мустамлакачилари тез орада Чуй худудига юриш қилиб, қўқонликларнинг истехкомларига хужум қилиш режасини тузди. 1860 йил июнда Циммерман Или худудидаги рус қўшинларига қўмондон этиб тайинланади. Шу вақтнинг ўзида Қўқон хони ҳам оқ подшонинг қўшини билан жанг қилиш тараддудида Чуйга сарбозларини юборади. Июль ойи ичи қўқонликлар Чуй водийсида 5 мингга яқин сарбоз тўплаган эди. Қўқон қўшини Қастек истехкомига тўсатдан хужум қилиб, тормор қилиши керак эди.

1860 йил 1 июлда Бишкек беги (Отабек додхоҳ) Қастек истехкомига қўшин тортади. Июль ойида қўқонлик сарбозлар Қастек истехкомига қайта-қайта хужум уюштириб қамал қилди. Бироқ улар сон жиҳатидан устунлик қилсаларда, истехкомни эгаллай олишмайди. Чунки полковник Циммерманнинг қўшимча ҳарбий қисми ўз вақтида ёрдамга етиб келиб, мусулмон аскарларига қаршилик кўрсатишга улгуради. Ўша вақтда Тошкент беги Рустамбек ҳам Бишкекка 3 минг сипоҳи билан ёрдамга келган эди.

Бишкекда тўпланган хон аскарлари билан чуйлик қирғиз манаплари тўплаган қўшин ҳамнафас бўлди. Дастлаб Солто манаплари Бойтик Қанай ўғли, Жанғарачнинг укаси Султонбой, Абайдиллабий ва сарибағиш манапи Жонтой ўз эл-юртини россиялик янги босқинчилардан мудофа қилишни афзал кўришди. Шу боисдан улар йигитлари билан рус аскарлари турган Қастек истехкомини қамал қилишда иштирок этишди. Қастек истехкомини ишғол этиб, рус аскарларини истехкомдан олис суриб чиқариш режаси амалга ошмагач, Қўқон хони келажакдан умидини уза олмай душман йўлини тўсиш учун Авлиёотага 5 минг аскар юборади. Бу қўшин хон буйруғига биноан Авлиёота орқали Бишкекка бориб, Или худудидаги рус аскарларига хужум қилиши керак эди. Чуйдаги қўқонликлар қўшинларига қўмондонлик қилиш Қаноатшоҳ зиммасига юкланади.

Қўқон хонини доғда колдириб, Чуй водийсини эртароқ эгаллаш учун Или худудидаги подшо аскарлари Циммерман қўмондонлигида 23 августда Вернийдан Тўқмоқ томон юриш қилиб, икки кундан сўнг Қорақўнғиз дарёсига етиб келишади (Тўқмоқнинг ши-

молий тарафида, Чуй дарёсининг ўнг соҳилида, ҳозирги Масанчин овули ўрнида).

**Тўқмоқ, Бишкек қалъаларининг эгалланиши.** 26 августда Циммерман қўшини Чуй дарёсини кечиб ўтиб, унинг ўнг соҳилидаги Тўқмоқ истехкомини босиб олади. Руслар замбарак ва милтиқлардан бир соатча ўққа тутгач, 100 нафарча сарбоздан иборат қалъа ҳимоячилари чекинишга мажбур бўлади. 28 августда истехком тўла ишғол этилгач, Циммерманга казак қўшини билан Колпаковский келиб қўшилди. Эртаси улар Бишкек томон йўлга тушишади ва 31 августда бу истехкомни ҳам қўлга киритишади. Ўша куни эрта тонгдан бошлаб қош қорайгунча руслар замбараклардан тўхтовсиз ўқ узиб, истехкомнинг анча қисмини вайрон

қилишди. Оқибатда Отабек додхоҳ ва Алишер додхоҳ бошчилик қилган 627 сарбоз ноиложликдан рус маъмурларидан омонлик тилайдилар.

Қастекни қамал қилгач, Чуй худудидаги қўқонликлар истехкомларини босиб олиш учун рус аскарлари олиб борган жанглар пайтида Чуй водийсидаги қирғизлар икки ўртада беҳуда қирғинга учрашдан хавфсираб икки ёвнинг чангалидан халос бўлиш мақсадида, тоғ ораларидаги даралар ва жилғалар ичига қўчиб кетишади. Эл-юрт учун ҳар икки ёвнинг бир-биридан фарқи йўқ эди. Қолаверса, қирғизларнинг кўпчилиги ҳеч нарсадан хабари йўқ, Сусамирда яйловда юрган эди. Қўқонликлардан жуда кўп жабр-зулм кўриб безиган маҳаллий аҳоли қийин дамларда уларга ёрдам бермади. Аммо оқ подшо ҳокимияти



*Рус аскарларининг Ўрта Осиёга юриши XIX асрнинг 60-йиллари*



*Шабдон Жонтой ўгли (1838 — 1912)*

ўрнатилса, улар қандай янги азобукубатларга дучор бўлишини ҳатто тасавур ҳам қилиб кўрмаганлар. Шундай бўлса-да, Жанғарач, Бойтиқ ва бошқа кўплаб катта манаплар даралардаги қулай ерларда мудофаани эгаллаб, душманга зарба бериш ва эл-юртни ҳимоя қилишга тайёр туришди.

**Узунёғоч жанги.** Алимбек додхоҳ. **Жонтой. Шабдон ботир.** Бишкек истехкоми ишғол қилингандан кейин кўп ўтмай, сентябрнинг ўрталарида рус аскарлари Вернийга қайтиб кетади. Ушанда Қўқон хони Чуйга Қаноатшоҳ бошчилигидаги 10 — 15 мингча аскарни шошилич равишда юбориб, вайрон бўлган қалъа-қўрғонларни қайта курдиради ва 1861 йили ҳукмронлигини вақтинча тиклайди. **Қаноатшоҳ** билан бирга келган олайлик тадбиркор инсон Андижон вилоятининг беги **Алимбек додхоҳ** йирик кўшинга қўмондонлик қилган эди.

20 октябрда Узунёғоч бекати жойлашган ҳудудда икки ёв қайта юзма-юз келгач, асосий жанг Қорақастек воҳасидаги дарада бўлади. Даствлаб Алимбек додхоҳнинг найза ва қиличдан бошқа куроли йўқ қирғиз ҳамда қозоқлардан таркиб топган кўшини (4 минг отлик йигит) Узунёғоч истехкомига ҳужум қилиб, замбараклар ўкига дош бера олмай ортга чекинади. Эртаси Узунёғочга кўплаб аскарлар билан етиб келган Колпаковский Қаноатшоҳнинг сарбозлари ва Алимбек додхоҳнинг йигитларини замбараклардан ўққа тутиб, натижада водийдан суриб чиқарди. Замбараклар зарбасидан қўқонликларнинг кўпи қирилди. Бироқ Г. А. Колпаковский Қўқон кўшинини бутунлай тор-мор қила олмади. Қаноатшоҳ Қорақастекдан чекингач, рус аскарлари душман ортидан таъкиб этмай ортга қайтди. Шундай бўлса ҳам Узунёғочдаги воқеалар Россия империясининг Шимолий Қирғизистондаги кейинги муваффақиятларига пухта замин яратди. Айтмоқчи, бу жанг пайтида **Жонтой ўгли Шабдон ботир** қўқонликлар томонида қирғиз йигитларига бош бўлиб, Россияга қарши жанг қилган. Шабдон бунгача, Қаноатшоҳ даствлаб Чуйга келиб, Бишкек билан Тўқмоқда хон ҳокимиятини қайта ўрнатган кезде у билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлган эди. Қаноатшоҳнинг маслаҳатига биноан Маллахон Шабдонни Қўқонга, ўрдасига чақиртириб, олтин суви юритилган қилич, милтиқ ва ипак чопон инъом қилади. Узунёғочдаги жангдан сўнг Шабдон Қаноатшоҳ билан бирга Тошкентга кетиб, у ёқда икки йил юради. У Худоёрхон тарафида тахт учун бўлган курашларда қатнашиб, Туркистон шахрининг беги лавозимига эришган.

Узунёғоч жангидан сўнг кўп ўтмай, 1862 йили сарибағишлар тинай



уруғининг катта манапи **Жонтой** Вернийга келиб, Чуй водийсининг шарқидаги кеминлик қирғизлар Россия империясининг тасарруфига ўтишини маълум қилади. Бунга ўша даврдаги тарихий вазият, тинайларнинг темир (черикчи) ва болот (эсонгул) уруғлари билан ички низоси сабаб бўлади. Жонтой ва унинг Бишкекка дам олишга келган ўғли Шабдон Раҳматуллонинг одамларига ушланиб, зўрға қутилгач, Россия ҳокимиятига хизмат қилишади. Чуй водийсининг Россия таркибига киритишда оқ подшога сидқидилдан қилган хизматлари учун катта манап **Жонтой Қорабек** ўғлига 1867 йили «полковник» унвони берилган. Бир вақтлар у Кенесари билан бўлган жангда фаол қатнашганлиги ва Россия маъмурларига кўрсатган кўмаги учун олтин медальга сазовор бўлган. Бунинг устига бежиз у хон деб аталмаса керак. Зеро, Урмонхон вафотидан сўнг Жонтой сарибағиш манаплари орасида энг нуфузли ва хурмат-обрўлисига айланган.

**Бойтик ботирнинг кўзғолони.** 1862 йилнинг ёзида Бишкекдан бошлаб Таласгача Чуй водийси этакларини камраб олган солто қабиласининг катта манаплари сардори, машхур **Бойтик ботир** кўқонлик ҳоким Раҳматуллага қарши кураш бошлайди. Раҳматулла 1861 йили Чуй водийсининг беклигига тайинланиб, унинг даврида қирғизлардан кўплаб солиқ ундирилиб турди, кўқонликларнинг зўравонлиги ўта кучайди. Бишкек истехкомида гаровга ушлаб турилган **Бойтикнинг** ўғлини масхаралаш кўқонлик бекни ҳийла-найранг билан қўлга тушириб, жазолаш учун **Бойтик** уни тўйга таклиф қилади. Раҳматулла тўйга 60 сарбози билан келиб, Оқчийдаги **Бойтикнинг** овулига атайлаб тикилган оқ уйга ки-



*Бойтик ботир*

ради. Тўй қизиган маҳалда **Бойтикнинг** йигитлари Раҳматулла ва унинг сарбозларига ҳужум қилиб, қуршовдан эшлаб қутилиб чикқан бекнинг ортидан Кўқум манап қувиб етиб, найза билан уни оддан йикитиб ўлдиради.

Кўқонлик бек ва унинг сарбозларини бартараф этиб, дастлабки ғалабадан рухланган қирғизлар бир неча кун Бишкек истехкомини қамал қилиб туради. Аммо кўрғонга яшириниб олиб, қаттиқ қаршилиқ кўрсатган кўқонликларга қараганда қурол - яроғи ёмон ҳамда тарқок жанг қилган бир ховуч қирғиз қўшини қалъани эгаллай олмас эди. Шу боисдан **Бойтик ботир** укаси Сотилғанни Г. А. Колпаковский хузурига аскар ва замбаракдан ёрдам беришини сўраб Вернийга жўнатган.

**Рус аскарларининг Чуй водийсига янги ҳужуми.** Рус маъмурлари аввалданок Шимолий Қирғизистонни Россия таркибига бутунлай киритишга

интилиб, Чуй водийсига янгидан хужум қилишга тайёр турган. Бойтиқнинг элчи-чопари Вернийга келиши билан Г. А. Колпаковский ҳарбий Сибирнинг янги генерал-губернатори (1861 йилдан бошлаб) Дюгамелга хабар бериб, Бишкекни ишғол этиш юзасидан ундан кўрсатма олади.

1862 йил 3-октябрда подшо аскарлари Г. А. Колпаковскийнинг қўмондонлигида Вернийдан Чуй сари йўл олди. Ўн кун йўл юриб, 13-октябрда Бишкек истехкомига етиб келган рус қўшинларига Бойтиқ ботир йигитлари билан қўшилади. Раҳматулланинг ўрнига Тўракул ботир бошчилик қилган кўқонлик сарбозлар қаттиқ қаршилик кўрсатиб, қалъани қамал қилиш бир неча кунга чўзилди. Ниҳоят, рус қўшинларини замбараклардан ўт очиб қилган хужумига дош бера олмаган кўқонлик сарбозлар ноиложликдан таслим бўлди. 24-августда истехком Г.А.Колпаковскийнинг қўлига ўтиб, икки кундан кейин уни қирғин қилди.

Чуй худудидаги йирик Бишкек истехкомини ишғол этиш натижасида Қирғизистон ва Ўрта Осиёнинг ичкари-сига рус аскарларининг дадил силжиши, Россия империяси ҳукмронлигининг ўрнатилиши учун янги имкониятлар ва қулай вазият юзага келди. Энди Чуй водийсининг этагида кўқонликларнинг бош таянч нуктаси сифатида русларни Ўрта Осиё марказига элтувчи йўлга ғов бўладиган Авлиёота истехкомида қолган эди. Аммо бу истехком ҳам қудратли Россия империясининг беҳад милтиқ ва замбараклар билан яхши қуролланган аскарларининг хужумларига узоқ вақт дош бера олмас эди.

Бишкек истехкомини вайрон қилгандан сўнг қиш яқинлаб

қолганлиги туфайли Г. А. Колпаковский 2-ноябрда Вернийга вақтинчалик қайтиб кетади.

Ўша вақтда *Жанғарач*, *Маймил ва Тинаали* манаплар ҳукмдорлик қилган солто қабиласининг бир бўлаги рус ҳокимиятига бўйсунитиш ҳамда Россия тасарруфига ўтишни хохламай, Таласнинг юқори қисмига кўчиб кетади.

Жанғарач ҳатто рус аскарларига қаршилик кўрсатиш мақсадида бир неча минг йигитдан иборат катта кўшин тўплайди.

Жанғарачнинг режасини барбод этиш учун рус ҳукумати Бойтиқ билан Жонтойнинг маслаҳатига биноан, 1863 йили Тўқмоққа аскар старшинаси Бутаковнинг казаклар қўшининг Кемпини ишғол этиш баҳонаси билан жўнатган. Бутаков солтолорнинг нуфузли манаплари Бойтиқ, Қўрчу, Макеш, Шайдилла, Жанғарачнинг яқин қариндоши Ўзбек Бўшқўй ўғлини, сарибағишлардан Менда билан Мирзаалини Тўқмоққа таклиф этади. Номлари тилга олинган манапларнинг барчасини Бутаков казак қўшини ҳамроҳлигида Вернийга хайдатиб бориб, бир неча кун гаров сифатида ушлаб турган.

1864 йил баҳорида солтолорнинг катта манапи Жанғарач вафот этгач, унинг ўғиллари ва Кўкум манап рус маъмурлари билан алоқа ўрната бошлайди. Маймил манапнинг гуруҳи эса рус ҳокимиятига қаршилик кўрсатишда давом этади. Айрим маълумотларга қараганда, у кўп ўтмай подшо аскарларининг қўлига тушиб, рус давлатининг ашаддий душмани сифатида ўлим жазоси (отув)га ҳукм этилган. Шунинг учун Чуй водийсининг Россия томонидан зўравонлик билан босиб олинганлигидан далолат беради.

**Таласлик киргизларнинг буйсундирилиши.** 1865 йили Таласга кочган киргизларнинг тадбиркор инсонлари йўқ қилингандан сўнг, чуйлик ва таласлик киргизларни шу жумладан, саруу билан қушчу қабилаларини Россия тасарруфига қўшиб олиш жараёни асосан ниҳоясига етади. Номи тилга олинган худудларни буйсундиришни подшо аскарлари Қўқон хонлигининг қалъа-қўрғонларини босиб олиш билан бирга амалга оширди.

Аҳволнинг оғирлиги, ёвнинг усунликлари ва у билан курашишга курби етмаслигини олдиндан

пайқаган айрим киргиз манап ва бойлари оқибатда оқ подшога буйсундиришди. Аммо буғуларнинг манаплари каби улар Россия фуқаролигига ўтиш учун расмий равишда қасамёд қилишади. Бунгача Улуғ жуз қозоқларини тўлиқ буйсундириб, Шимолий Қирғизистоннинг шаркидаги Исиккўл ва Кеминда аллақачон ўз таъсирини мустаҳкамлашга муваффақ бўлган подшолик уларнинг қасамёдига унчалик муҳтож эмас эди. 1864 йили Чотқол, Сусамир ва Кетмонтепа Россия таркибига киритилди.



### Савол ва топшириқлар:

1. Россиянинг Етгисувни бутунлай истило қилиш учун ҳаракатларини кучайиши тўғрисида нималарни биласиз?
2. 50-йиллар охири 60-йиллар бошларида рус аскарларининг юришлари тўғрисида айтиб бering.
3. Рус аскарларининг Чуй водийсига дастлабки юриши қандай бошланди?
4. Тўқмоқ, Бишкек истеҳкомларини рус аскарлари қачон ва қандай қилиб эгаллашган?
5. Узунёғоч жангида киргизлар қандай ҳаракат қилганлар?
6. Бойтиқ ботир тўғрисида айтиб бering.
7. Қиргизлар рус аскарларига қандай муомала қилишган? Талас қиргизларини рус аскарлари қачон буйсундирган?

## 16-§. Марказий Тангри тоғ қиргизларининг буйсундирилиши

**Марказий Тангри тоғ қиргизларининг буйсундирилиши.** Ўрта Осиёни бутунлай Россия таркибига киритишга интилган рус маъмурлари қиргиз халқининг ажойиб, гўзал юртининг бир гўшаси, бевосита Хитой билан чегарадош бўлган Тангри тоғ худудига ҳам кўз олайтириб, уни буйсундиришга қатта аҳамият берган.

1863 йил май — июнь ойларида подполковник Лерхенин қўмондонлиги остидаги қўшин (2 рота, 1 замбаракчилар взводи, 1 казак юзлиги) Бишкекдан Авлиёотагача Чуй водийсининг ғарбий томонида жангга ҳозирлик ишларини кўради. Худди ўша йили Марказий Тангри тоғқа яна ҳарбий куч юборилиб, “Қашқар отряди” деб аталган

бу кўшинга бош штабнинг капитани Проценко кўмондонлик қилади.

Тангритоғ худудидаги Кўчқор, Жумғол, Норин, Отбоши, Оқдала, Тўғизтўра водийларида ва Қашқар томонларда сарибағиш, саёк, черик, мўғуллар, чўнгбағиш, буғу, тинимсаид ва бошқа қабилалар яшардилар. Сўнгкўл, Солтонсари, Қоракужур, Қорасоз, Кенгсоз, Оқсой ва Арпа водийлари чорвачиликка қулай ҳамда яхши яйловларга сероб жойлар эди. Уларнинг айримларини бир вақтлар Кўкон хони бўйсундириб, солиқ ундириб турган бўлса, баъзи бирлари (черик, чўнгбағишлар) Қашқардаги цинь-манчжур ҳокимиятининг таъсири остида бўлган. Аммо Марказий Тангритоғда кўконликлар барқарор ҳокимият ўрната олмаганлар. Кўкон хонлиги вақти-вақти билан кўплаб аскар юбориб, ўзининг муваққат ҳукмронлигини ўрната олган ҳолос.

Қирғизлар кўконлик маъмурларга бўйсунмай тинимсиз озодлик учун курашгани маълум. Айниқса, 30 — 40-йиллари уларнинг мустақиллик учун кураши кучайиб, Кўкон ҳукмронлигига путур етган эди. Амалда қирғизлар ўз ҳолича яшаб, 40-йиллар бошларида мустақил хонлик тузишга ҳаракат қилишган.

Марказий Тангритоғда Россия таъсирини ўрнатиш Шарқий Туркистон, айниқса, Қашқар билан бевосита савдо алоқаларини ривожлантириш учун ҳам жуда муҳим эди. Бунгача рус савдогарлари Қашқар билан савдо-сотикни кўпинча Кўкон хонлиги орқали ва Верний томондан Гулжа орқали амалга оширганлар.

Шимолий Қирғизистон орқали тўғри алоқа ўрнатиш йўли анчагина қисқартириб, ниҳоятда фойдали бўларди. Бу йўл Исиккўлнинг ғарбий томони, Кўчқор, Норин, Отбоши ва Оқсой орқали ўтиб, Исиккўлнинг шарқий томонидаги йўлга қараганда қулай, доvon-беллари унча мураккаб ва машаққатли эмас эди. Қашқарга ўтадиган бу йўлни ўзлаштириб, карвонлар хавфсизлигини таъминлаш учун аталган худудларни эгаллаш зарур эди.

**Рус кўшинининг Марказий Тангритоққа юриши.** 1863 йил 3-майда Проценко бошчилигидаги “Қашқар отряди” Кастекдан чикиб Бўўмдараси, Ўрта тўқай ва Қизарт бели орқали Жумғол водийсигача етиб келади. Дастлаб Кўчқор билан Жумғолда яшаган сарибағиш ва саёк қабилалари рус кўшинларини ҳам, кўконликларни ҳам кўллаб-куватламайди. Ўша вақтда Жумғолдаги кўрғонда қурол-яроғи ўта қолоқ, атиги 50 нафарга ҳам етмаган кўконлик сарбозлар турарди. Улар ёвга қаршилик кўрсатишга юраги дов бермай кўрғонни ташлаб қочади, уни рус аскарлари эгаллаб, вайрон қилади. Кейин Проценконинг кўшини Сўнг-кўл яйлови орқали Тангритоғдаги кўконликларнинг бош таянчи бўлган Куртқа истехкоми томон сафарга чиқади.

Кўплаб аскар жамланган мустаҳкам қальаси бўлса ҳам кўконлик маъмурлар Оқдалада рус кўшинининг йўлини тўсишга журъат қила олмади. Эгаси аллақачон чекиниб, хувиллаб қолган бу истехкомни Проценко май ойининг охирларида ҳеч қандай қаршиликсиз босиб олди.

**Иккичатдаги пистирма. Умўтаали. Осмон додхох.** Курткада бир неча кун туриб, узоқ сафардан чарчаб толиққан жангчилар дам олиб бўлишгач, капитан Проценко вазиятни ва теварак - атрофни яхшилаб ўрганиш учун кўшиннинг ярмини эргаштириб, дарё бўйлаб Нориннинг юқори қисмига йўл олади. Кўшинининг қолган қисми Куртка кўрғонида қолган эди. Ўшанда Умўтаали Ормон ўғли бош бўлган сарибағиш ва саёқ манаплари рус аскарларига хужум қилиб, ўз юридан нарига суриб чиқариш мақсадида 19-июнда **Иккичат** (Куртка ўзани ўтадиган жой)да подпоручик Зубаревнинг кўшинига хужум қилади. 40 аскардан иборат бу кўшин июннинг бошларида Нориндан Баликчига озиқ-овқат ва ўқ-дорига бориб, қайтиб келаётган эди. Қирғизлар рус аскарларини ҳеч қаяққа силжитмай икки кун Иккичатда камал қилиб турди. 21 июндагина Нориннинг юқори қисмида Проценконинг казак кўшини ёрдамга келиб, заифлаша бошлаган рус аскарларини қуршовдан, қирғиндан қутқариб қолишга улгуради. Бунгача 2 — 3 минг йигитдан иборат Умўтаалининг кўшини Норин дарёсидаги кўприкни бузиб ташлаган эди. Иккичатдаги қирғизларнинг 18-марта хужуми натижасида Зубарев ва 7 аскар ярадор бўлиб, уларнинг иккитаси вафот этган.

Қирғизлар билан Оқдала худудидаги тўқнашув рус кўшинларининг Марказий Тангритоғда янада илгари силжишини қийинлаштирди. Кўп ўтмай Хитой чегарасида вазиятнинг мураккаблиги туфайли Колпаковскийнинг буйруғига биноан “қашқар кўшини” Кеген кўшини билан бирлашиш учун

оркага қайтади. Шундай бўлса да, бу кўшин ўзига юкланган вазифаларининг бир қисмини ҳал этишга ва айрим қирғиз қабилаларини Россия тасарруфига ўтказишга муваффақ бўлди. Жумғол, Куртка ва Тоғизтўра истехкомлари вайрон қилинди. Қашқар кўшинининг Марказий Тангритоққа хужуми, айниқса черик қабиласининг Россия таркибига киритилишини тезлаштирди. Черик қабиласи у вақтда Норин дарёсидан жанубда Койко-Турфон тоғигача ва Қоқшол дарёсининг соҳилларида, Отбоши, Арпа ҳамда Оқсой водийларидан Қашқаргача кўчиб юрган. Кўқон хонлигидан ташқари чериклардан цинь-манчжур маъмурлари, кейин Қашқар ҳукмдори Ёкуббек солиқ тўлаш ва бўйсунитиш талаб қилиб турган. Ана шундай оғир вазиятда кўшниларининг тайзиқидан қутулишни истаган черикларнинг айрим манапларига гўёки оқ подшонинг ҳокимияти енгил ва Россия тасарруфига кириш кулайроқдек туюлган эди.

1863 йил баҳорида черик қабиласининг катта манапи **Турдумамбет Тоймат ўғли ва Турдуке Турдумамбет ўғли** бош бўлган бийлар 6 мингча оила номидан Олатоғ округининг бошлиғи Колпаковскийга махсус хат юбориб, унда оқ подшодан ўз паноҳига олишни илтимос қилганликлари баён этилган эди. Ҳарбий Сибирь генерал-губернатори Дюгамелнинг ҳарбий вазир ва давлат вице-канцлерига юборган таклифи бўйича император кўп ўтмай розилигини билдирган.

1863 йил кузида Омскка келган черикларнинг элчилари (4 киши) 13-октябрда оқ подшо ҳокимиятига бўй-

суниши тўғрисида черик қабиласи номидан қасамёд қилишади. Бироқ 1868 йили Норин истехкоми қурилгунгача рус ҳокимияти чериклар устидан ўз ҳукмронлигини амалда тўлиқ ўрната олмаган. Норин истехкоми барпо қилган вақтда эса черикларнинг кўпчилиги Олатоғ округига бўйсуниб, қолгани Ёқуббекнинг қарамоғида бўлди. Кейин унинг давлати Шарқий Туркистонда тугатилгач, улар Хитой императорининг тасарруфига ўтади.

**Марказий Тангриотоғнинг Россияга бутунлай бўйсундирилишининг тугалланиши.** 1864—1865 йилларда Нориннинг юқори томонларида яшаган буғу-тинимсаид қабиласи ҳамда саёқ қабиласининг Қўчқор, Жумғол ва Кетмонтепада яшаган уруғларининг анчаси Россия таркибига киритилди. Умўтаали бошлиқ сарибағишлар билан Осмон додхоҳ бошқарган тўғизтўраллик ва оқдалалик саёқлар (чўрўлар) рус ҳокимиятига бўйсунмай, қаршилиқ кўрсатишда давом этаверди. 1865 йили Россия қарамоғига Оқдаладан Жумғолга кўчиб келган сарибағишларнинг бўруқчу уруғи (1000 оила)ўтади. Уларнинг бошида манаплардан Шамен, Қудунг, Бойтели ва Жаманоклар турган.

1867 йил эзида Норинга полковник Полторацкийнинг яхши қуролланган қўшини бостириб келганда Қорақужурдан бошлаб Оксой, Чотирқўлгача кенг ҳудуд (500 чақирим масофа)ни эгаллайди, натижада 5—6 минг оиланинг ҳукмдори Умўтаали бўйсунушга мажбур бўлади. Осмон Тойлок ўғли эса қурашда мағлубиятга учрагач, Шарқий Туркистонга бош олиб қочишга мажбур бўлди.

У вақтда Қашқар, Ёркент, Хўтан ҳудудларида Ёқуббек давлат тузиб, ҳукмдорлик қилган (1867—1877). У Осмонни қўллаб-қувватлаб, у билан яқин алоқада бўлган. Осмон Ёқуббек вафот этгач, Тангриотоққа қайтиб келади. Чунки Ёқуббекнинг ўғиллари ўртасида тахт учун қурашдан давлат кучсизлашиб қолганда хитойлик аскарлар Қашқарни босиб олишади (1877 йил, декабрь). Марказий Тангриотоғ Россия таркибига зўравонлик билан киритилгач Олатоғ округининг бошлиғи Умўтаалидан Иккичатдаги жангда ўлган икки ва ярадор бўлган етти аскар учун хун тўлашни даъво қилди. Рус мустамлакачи маъмурининг талаби бўйича ҳар бир ўлган аскар учун 75 йилки, ярадор бўлган зобитга 100 йилки, 5 аскарнинг ҳар бирига 25 тадан йилки тўланиши керак. (Нақ пулга айлан тирганда 7500 сўм, бир йилки 20 сўмдан баҳоланган).

1868 йил кузида 60 ёшли Умўтаали белгиланган хуннинг ярмини нақд пул билан, қолганини эса йилки ҳисобида тўлаб қутулади. У рус ҳукумати томонидан юрт бошқарувидан четлаштирилиб, 1879 йил, яъни вафотигача тинч ва осойишта яшади.

*Шундай қилиб, Умўтаалининг 1867 йилда тобе этилиши билан Марказий Тангриотоғнинг бўйсундирилиши яқунланиб, бутун Шимолий Қирғизистон Россия таркибига киритилди.* 1868 йили Норин ва Қорақўлда рус истехкомлари бунёд этилиб, уларда доимий аскар қўшинлари турадиган бўлди. Аскарлар қирғизлар юртида Россия империясининг таянчи сифатида унинг ҳукмронлигини ва янгидан ўз

тасарруфига киритилган худуддаги чегаралар хавфсизлиги таъминланди ва муҳофаза қилинди. Энди Қирғизистон жанубини Россияга бўйсундириш учун кенг йўл очилиб, рус мустамлакачиларининг имкониятлари анча кенгайди. Шимоллик қирғиз қабилалари бун-

гача кенг худудни бўйсундириб, кўз илғамас улкан давлатга айланган Россия империясининг чангалида қолиб, мустамлакачилик зулмини бошдан кечиршига мажбур бўлди. Бу зулм узок, яъни 1917 йил Февраль ва Октябрь тўнтаришларигача давом этди.

?

### Саволлар ва топшириқлар:

1. Марказий Тангритоғ худудига умумий характеристика тавсифнома беринглар.
2. Рус аскарларининг марказий Тангритоғга юриши тўғрисида айтиб беринг.
3. Черик қабиласи Россия тасарруфига қандай кирди?
4. Марказий Тангритоғни бўйсундириш қачон тугалланди?

### Хужжатли материал

**Харбий Сибирь генерал-губернатори Дюгамелнинг вице-канцлерга ёзган хати (1863 йил 23-апрель)**

“Россия фуқаролигига черик қабиласини қабул қилиш... биз учун ўта фойдали, чунки уларга бизнинг таъсиримизни ёйиш орқали Россия ҳокимиятидаги қирғиз қабиласи буғуларнинг осойишталиги учун ҳам ва Қашқарга ўша қирғизлар (чериклар) яшаган худудларни оралаб ўтадиган савдо йўлларини таъминлаш учун ҳам энг кулай натижаларни кутиш мумкин. Россия фуқаролигига черикларнинг ўтиши бошқа қирғиз қабилаларига ҳам..., айниқса, сарибағишларга намуна бўлиши мумкин, хусусан, унда Россиянинг халқилувчи таъсири Қашқар чегарасигача бўлган қабилаларга бутунлай ёйилиши аниқ. Агар черикларни Россия фуқаролигига қабул қилиш масаласи ижобий ҳал этилса, унда буғулар билан черикларни бошқариш учун кела-

си йили Иссыккўлда истехком куриш керак бўлади”.

**Шабдон Ботир (1839 — 1912)нинг қисқача таржимайи ҳолидан (Н. Аристов ёзган).**

“Пишпекнинг беги Отабек Шабдон билан Бойсаид Тўйчибековни (қозоқлардан) танлаб олиб, уларни вакиллар сифатида Қўқон хонига юборди. Маллахон уларни яхши қабул қилиб, олтин суви юритилган қилич, милтиқ ва ипак чопон билан тақдирлаган. У Шабдонни рус аскарларига қарши жўнатган ўзининг харбий вазири Қаноатшоҳ билан бирга қайта юборган. Узунёғочда бўлган жангда қўқонликлар мағлубиятга учраб, Пишпекка қочган. Пишпекда истехком куриб, Қаноатшоҳ Тошкентга кетади. Шабдонни у ўзи билан бирга олиб кетгач, Бойсаид эса уйда қолади. Шабдон Тошкентда Қаноатшоҳ қўл остида икки йил хизмат қилган. Қўқонликлар билан қипчоқлар Қўқон (хон) тахти-



*Шабданнинг масжиди. Қирғизларнинг 1916 йилдаги кўзғалонни бошлаши ҳақидаги қарор шу ерда қабул қилинган*

га Шоҳмуродхон (Гаримсоқхоннинг ўғли)ни кўтаришган. Хон сайловидан сўнг кўконликлар Худоёр билан Қаноатшоҳни асирга тушириш ва уларни ўлимга маҳкум этиш учун Тошкентга юриш қилишади. Кўконликлар Тошкентни 53 кун камал қилиб туришган ва Тошкентнинг Қорасарой дарвозасигача кириб келишган. Дарвозани кўконликлар бузиб юборишидан хавфсираган Қаноатшоҳ ўз аскарларига ташқаридаги душман устига хужум қилиб, қуршовни ёриб ўтишга буйруқ берган. Тошкентликлардан ҳеч ким биринчи бўлиб ташқарига чиқишга ботина олмайди. Ўшанда Шабдон ўзининг йигити Бойақа билан нарвонда деворга чиқиб, ташқарига сакраб тушади. Тошкентлик аскарлар ўз хонининг қаҳр-газабидан қўрқиб, Шабдон

ортдан эргашишга мажбур бўлишади. Қалъа ташқарисиди қаттиқ жанг бўлиб, ҳар икки томон кўп талафот кўради. Бироқ тошкентликларнинг кўли баланд келиб, кўконликлар қочишга мажбур бўлади. 10 кундан кейин Шилбининг Илэби деган жойида жанг бўлиб, ўшанда Шабдон 500 пиёда аскарга кўмондонлик қилади. Унинг қўшини кўконликларни тартибсизлик билан қочишга мажбур қилган, шундан сўнг душман Кўконга чекинади.

Икки марта жангда кўрсатган мардлиги учун Қаноатшоҳнинг таклифига биноан Шабдонни Худоёрхон Туркистон шахрига бек этиб тайинланди. Бироқ Шабдон Худоёрхоннинг бу илтифотига миннатдорчилик билдириб, рухсат сўраб ўз юртига қайтиб кетган (1862 йил).



17-§. XIX асрнинг 60-йилларидаги жанубий қирғизларнинг  
ижтимоий-сиёсий аҳволи

Қўқон хонлигида сиёсий аҳволнинг кескинлашуви. Алимбек додхоҳ. 50-йиллар охири — 60-йиллар бошларида ўртадаги ички низоларнинг кучайиши натижасида Қўқон хонлигининг сиёсий аҳволи кескинлашиб кетди. Хон саройидаги тахт талашлиқлар, такрор-такрор юз бериб турган кўзғолонлар ва хонларнинг тез-тез алмашиши хонликни заифлаштириб, Ўрта Осиёга икки томонлама (Сирдарё ва Сибирь томондан) кириб келаётган Россия аскарларининг Фарғона водийси ва Жанубий Қирғизистонга қараб силжишини тезлаштирди.

Илгаригидек бу йилларда ҳам хонликнинг сиёсий ҳаётига қирғизлар ва қирғиз ҳукмрон доиралари фаол аралашиб турдилар. Айниқса, Ўш худуди билан Олай водийсида яшаган қирғизлар сиёсий воқеаларга кўпроқ жалб этилиб, айрим кўзғолончи хонзодаларнинг таянчи ва ҳимоячиси бўлишган. Тож-тахтни тортиб олиш мақсади амалга ошмаган хонзодалар, «йиқилган курашга тўймабди», деганларидек, баъзида қирғизларга келиб ёрдам беришларини сўраб бош эгишган. Масалан, 1858 йили Худоёрхоннинг акаси Маллабек ҳокимиятни тортиб олиш учун кўзғолонга тайёргарлик кўра бошлагач, уни қирғиз ва қипчоқ феодаллари қўллаб-қувватламоқчи бўлади. Аммо ўртада кўзғолонга тайёргарлик кўрилайётгани хонга маълум бўлгач, Маллабек Ўшга қочиб келади. Кўп ўтмай исёнчи хонзода Қорасув,

Ўзган ва Гулчага келиб, олайлик қирғизларнинг ҳурмат-обрўли манапи, машхур *Алимбек додхоҳ Асанбий ўғлига* ёрдам сўраб мурожаат қилади. Олайдан Қорасув ҳамда Ўш худудигача кенг майдонда яшаган қирғиз қабилалари учун ҳурматли бўлган Алимбек додхоҳ Маллабекни қўллаб-қувватлайди. Натижада у тез орада хондан норози бўлган қирғиз, қипчоқ ва ўзбеклардан иборат катта қўшин тузишга муваффақ бўлади ва Худоёрхон аскарлари билан бўлган курашда ғалабага эришиб, ҳокимиятни ўз қўлига олади (1858 — 1862). Худоёр бу пайтда Бухорога қочиб қутулади.

*Маллахон* ўзига ёрдам берган қирғиз феодалларидан лавозимунвонлар ва қимматбаҳо совғаларни аямади. Янги хон тахтга чиқиши билан Алимбек додхоҳни Андижон ҳокими, Саидбек додхоҳни Хўжанд ҳокими ва Мулла Қосимни эса Новқўрғонига бек этиб тайинлайди.

**Алимбек додхоҳнинг сиёсий фаоллиги.** Алимбек Мадалихон давридаёқ Қўқон хонлигининг сиёсий ҳаётига барвақт аралашиб, 1831 йилда хон уни олайлик қирғизларга *додхоҳ* этиб тайинлайди. У адигине қабиласининг барги уруғидан чикқан. Қўқонликларнинг зўравонлиги кучайган даврда Алимбек додхоҳ зулмга қарши халқ ҳаракатининг бошида туриб, эл-юрт учун толикмай курашган эди. Бунга 1845 йили Олай ва Ўш худудидаги қирғизларнинг хон ҳокимиятига



*Алимбек додхоҳ (1800 — 1862)*

қарши кураши мисол бўлади. Шаркий Туркистондаги *хўжалар ҳаракатидан* ҳам у четда қолмайди. Масалан, 1847 йили Қашқар худудида цинь-манчжур ҳукмронлигига қарши ҳаракат кучайганда Алимбек додхоҳ ҳукмронлик қилган олайлик қирғизлар унга қатнашиб, шаркий туркистонлик уйғурлар билан қирғизларга ҳамнафас бўлишган.

Алимбек додхоҳ орқали қирғизлар билан алоқани узмай Ормонхон, Жонтой, Жанғарач, Умутаали, Осмон додхоҳ ва бошқа катта манаплар билан алоқа қилишиб турган. Ҳатто у, Қўқон хонининг унга нисбатан муносабати ёмонлашган кезда Оқдала, Норин ва Отбошигача бориб, у ерликларнинг ҳурматли меҳмони сифатида бўлиб қайтган. Унинг Қорасув ва Ўшда турар жойи,

хусусий ери ҳамда дўконлари бор эди. Қўқон хонлигидаги энг йирик мадрасалардан бирини ҳам айнан Алимбек додхоҳ қурдирган. Оқбура дарёсининг бўйида қад ростлаган ўша мадраса бир вақтлар билим ўчоғи, шаҳарнинг фахр-ифтихори бўлган.

Хусусан, Алимбек додхоҳнинг қилган ишлари, ўй - мақсадлари тўғрисида гап кетганда, ҳолисона ёндошиб, унинг салбий хислатларини ҳам ёдга олиш зарур. Унинг ички дунёси, феъл - атвори ўша даврга мос шаклланган сиёсий арбоб бўлган эди. Омади чоғиб турган пайтларда айбдорларни шавқатсизлик билан аёвсиз жазолаб, мураккаб сиёсат юритган. Баъзида ўз манфаати, лавозиму унвонлар учун курашда у ўз яқинларини ҳам аямас эди.

1858-1860 йилларгача Алимбек додхоҳ ҳокимлик лавозимида Андижон вилоятини бошқариб турди. 1860 йили рус аскарлари Бишкек ва Тўқмоқ истеҳкомларини эгаллаб қирғин қилгач, Қўқон хони Чуйга Тошкентнинг бекларбеги Қаноатшоҳнинг кўмондонлигида кўплаб аскар юборади. Ўшанда хоннинг буйруғи бўйича Алимбек додхоҳ ўзи бошқарган Андижон вилоятига қарашли аҳолидан анчагина аскар тўплаб, Марказий Тангритоғ орқали Чуйга, Қаноатшоҳга ёрдамга келади. Сафар чоғида у қирғиз овуллари оралиб қўшин йиғиб, Қуртка билан Кетмонтепада йигитлар сонини 12 мингтага етказган. Чуй водийсидаги қирғиз манаплари уни энг ҳурмат - обрўли саркарда сифатида эхтиром кўрсатишган. Кўп ўт-

май рус аскарлари билан Узунёғоч ва Қастекдаги жанг пайтида Алимбек додхоҳ Қаноатшоҳни хурмат қилмасдан, унинг буйруғига итоат этмай, мустақил ҳаракат қилиб қирғиз қўшинини ўзи бошқарган. Кейин Қаноатшоҳ урдага борганда Алимбекни хонга ёмонлаб, “қилган қилмиши” учун уни оғир жазога тортишни талаб қилади. Бироқ Маллахон Андижон вилоятида, хусусан, Олай водийсида катта обрў-хурматга эга бўлган Алимбек додхоҳни жазолашга ва ҳокимлик лавозимидан маҳрум этишга журъат қила олмайди.

1861 йил февралда хон мамлакат бўйлаб юриб, Андижонга келганда Алимбекнинг душманлари уни хонга яна ёмонлаб, туҳмат қилишади. Шундан сўнг хон чақимчиларнинг гапига ишониб, “итоатсиз” додхоҳни ўлим жазосига тортишга махфий фармон чиқаради. Хон ҳийла-найранг билан тўрға илинтириб, яширинча қатл этиш учун Алимбекни Андижондан Қўқонга – ўрдасига чақиртиради. Ўшанда ўрдадагилардан бир киши муттаҳам хоннинг қора ниятли фармони тўғрисида Алимбек додхоҳни олдиндан хабардор қилиб кўяди. Бу совук хабарни эшитган захоти у Олайга қочиб кетади ва Қўқон хонига қарши кўзғолонга тайёргарлик кўра бошлайди. Тез орада додхоҳ бутун Олай водийси қирғизларининг адигине ва мўнғуш қабилаларини ёппасига хонга қарши ҳаракатга кўтариб чиққан эди. Аммо шошилинч равишда тўпланган, етарли даражада тайёргарликка эга бўлмаган қирғиз қўшини кўп сонли ва яхши

қурулланган хон қўшинининг таъзиясига дош бера олмади. Шу сабабли Алимбек Олайдан Марказий Тангриотқа кўчиб келиб, Нориннинг юқори қисмидаги қирғиз овулларида туриб қолади. Бу ҳудудда яшаган сарибағишларнинг катта манаплари Умўтаали, Ажи ҳамда саёқларнинг катта манапи Ўсмон ва бошқалар додхоҳга мадад беришади. Натижада исёнкор додхоҳни жазолаш мақсадида жўнатилган хон қўшини тоғ орасидаги дарада камал қилиниб, қирғизларнинг қирғинига учрайди.

**Хон ўрдасидаги ички низонинг кучайиши.** 1862 йилнинг бошларида Маллахонга қарши янги исён ташкил қилинади ва унга ўрдадаги хоннинг нуфузли аъёнлари билан бирга Қаноатшоҳ ҳам қатнашди. Қўзғолончилар Маллахонни ўлдириб, тахтга Худоёрни ўтқазини мақсад қилишган. Аммо кўзғолон тайёрланаётганини хон билиб қолади ва унинг ташкилотчиларидан айримларининг бошини танасидан жудо қилдиради.

Ўша йилнинг февраль ойи охирларида хон саройида яна исён кўтарилади ва Маллахон ўлдирилади. Унинг ўрнига укаси, Шералихоннинг набираларидан бири **Шоҳмурод** хон деб эълон қилинади. Бу галги исённи тайёрлашда қирғиз феодаллари Алимбек додхоҳ билан Қидирбек додхоҳ, Марғилон ҳокими қирғиз-кипчоқ Алимкул, Туркистон беги Шодмонхўжа, Худойназар додхоҳ, Хитойбой ва бошқалар ҳал этувчи роль ўйнаганлар. Шу боисдан янги хон Алимбекка вазирлик



*Кўкон хони Худоёр*

лавозимини берган эди. Алимбек додхоҳ ўрда аъёнлари сафидан ўрин олсада, вазирлик лавозимида узок ишламади. Қўзғолондан ярим йил ўтар-ўтмас унинг рақиби, бунгача ракобатлашиб юрган Алимқул ҳокимиятни ўз қўлига олишга интилиб, таниқли саркардалар Алимбек, Қидирбек, Ирискул ва Худойназар додхоҳларни бартараф этишга муваффақ бўлади.

Ўрда зодагонлари ички низолар билан овора бўлиб турган шундай вазиятда, Бухорода юрган Худоёрхонга хайрихоҳ бўлган Тошкент беги Қаноатшоҳнинг таклифига биноан у Тошкентга келади (1862 йил, март). Қаноатшоҳ Қўконга келиб, лашкарбоши лавозимини эгаллаш хусусидаги Шоҳмуроднинг таклифидан воз кечиб, *Қўконнинг ҳақиқий хони Худоёр, деб эълон қилади*. Кўп ўтмай Худоёрхон билан Қаноатшоҳ Бухоро амири Музаффархон ёрдамида Қўконни эгаллаб, шаҳар ёнида бўлган жангда ғалаба қозонади. Шоҳмуродхон эса жангда анча сийраклашиб қолган қирғиз ва қипчоқ

қўшини билан бирга Қирғизистонга чекинишга мажбур бўлади. Аммо қирғизлар билан қипчоқлар қонхўр ва золим Худоёрхонга қарши курашдан бутунлай воз кечмайдилар. Эл – юртнинг золим хонга қарши ҳаракатига энди қирғиз – қипчоқ Алимқул билан Саримсоқбой раҳбарлик қиладилар. 1862 йилнинг ёзида улар Фарғона водийсидаги катта шаҳарлар Андижон, Наманган ва Марғилонни Худоёрхондан тортиб олишади.

1863 йил июлда амир Музаффар Бухорога қайтгандан сўнг, ўз кучи билан ҳокимиятни сақлаб қолиш ва мамлакатни бошқаришга қурби етмаслигини фаҳмлаган Худоёрхон Қўконни ташлаб, амирнинг ордидан эргашади. Бунгача у асосан Бухоро амирининг аскарлари ёрдамигагина таяниб ҳукмронлик қилган эди. Ўша воқеалардан кейин Қўкон хонлигида ҳокимият тўлалигича қирғиз ва қипчоқ ҳукмрон доираларининг қўлига ўтади. 9 июлда улар Маллахоннинг ўғли 12 яшар *Султонсаидни* хон деб эълон қилишади. (1863 — 1865). Кўпни кўрган, ақлли ва серғайрат, мард, мустақкам иродали ва қатъиятли сиёсий арбоб Алимқул ўсмир хоннинг бош маслаҳатчи ёрдамчиси- *оталиқ* лавозимида тайинланади. Энди Қўкон хонлигида ва ўрдада омад асосан қирғиз ҳамда қипчоқ зодагонларининг қўлига ўтиб, ўшалар ҳукмронлик қиладиган бўлди. Хуллас, бир неча йилга чўзилган ички низолар хонликни заифлаштириб юборди ва подшо аскарларининг Қўкон мулклари томон силжиши,

кейинчарок эса аста-секин уни бўйсундириб олишига замин яратди.

**Алимқул оталиқ давлат арбоби. (1829 — 1865).**

Атоқли аскарбоши, Қўқон хонлигидаги йирик давлат арбоби, доно сиёсатчи. *Алимқул оталиқ 1829 йил* туғилган. У Андижоннинг Қўрғонтепа атрофидаги ерлик халқнинг қирғиз-кипчоқ уруғидан чиққан. Отаси Ҳасанбой оқсоқол бий бўлган. Алимқул болалик пайтида Бужум-Баткендаги мусулмон мактабида бошланғич таълим олади. 18 ёшга тўлганда Андижон, Қўқондаги мадрасада ўқийди. Ўз даврида мукаммал билим олиши унинг келажакда машҳур инсон бўлишига сабаб бўлгани шубҳасиз. У поччаси Тоғайқул додхоннинг ёрдами билан аскарлик ишини ҳам ўрганган. Кўп ўтмай кўпчиликнинг назарига тушиб, Қўрғонтепада отасининг ўрнига бий мансабига кўтарилган. Донолиги, халқига ғамхўрлиги учун халқ ичида унинг кадр-қиммати ошади. Унинг овозаси Қўқонгача етиб, 22 ёшида Андижон ҳокими Маллабекнинг ишончли навқари бўлади. Ҳалол хизмати билан бу ерда ҳам ҳурмат топади. Шунинг учун 1858 йили Маллабек бир туғишгани Худодёрхондан тахтни тортиб олганда Қўқонга ўзи билан олиб кетади.

Шундан сўнг Алимқул хон ўрдасидаги бўлаётган ишларда иштирок эта бошлади.

Унинг давлат арбоби сифатидаги ишбилармонлиги 12 яшар хонзода Султон-Саиднинг 1863 йил хон кўтарилгандан сўнг кўрина бошлади. Хон кўтариш маросимида уруғ



*Бухоро амири Музаффар*

оқсуяклари, ўрда кишилари давлат ҳокимиятини тўлиқ Алимқул оталиқнинг ихтиёрига ўтказиб беришга лойиқ кўрганлар. Хон улғайгунча Алимқул оталиқ хазина харажати, суд, аскарлик иши, конун, одатларнинг сақланишини назорат қилиш ва бошқа ўта муҳим ишларга бошчилик қилади. Бу борада махсус шартнома тузилиб, бу шартномага ёш хон, дин пешволари, оқсуяклар муҳр босганлар. Алимқул хонликдаги ҳокимликни тўлиқ ўз кўлига олиб, *амирларнинг амири, аскарбоши* аталган.

Алимқул оталиқ Қўқонда давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга, ўлкадаги тартиб-интизомни, ички бирликни таъминлашга эътибор берди. “Ҳозир ҳар қандай аразлашув, қасдлашувнинг вақти эмас, бир ёқадан бош чиқариб обрў топайлик, бойлик, ҳокимият қўлдан кетадиган нарсадир”, деган насихатни доим такрорлар эди.

У жуда ғайратли, довжорак, бир сўзли инсон эди. Жанг майдонида аскарларга ўрнак бўлиб олдинги саф-

да юрар эди. Ўз вазифасини бажармаган аскарбошиларни, ўз халқини талайдиган кароқчиларни аямас эди. Ундайларни давлат хавфсизлигига хавф солган сотқинлар қатори жазолаган. Масалан, рус аскарига Авлиё отани (Тараз) осонгина ўлдириб юборгани учун Бойзоқ додхоҳ, Зариф понсод, Темир понсод ўлим жазосига тортилган.

Алимкул оталик қўшни ўлкалар билан аҳилликда бўлишга, элчилик алоқаларни ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшган. У Туркия, Россия, Афғонистон, Хитой, Қашқар, Англиянинг Ҳиндистондаги вакилларига элчиларни жўнатиб, тез-тез чет эл элчиларини қабул қилиб турарди. Энг асосийси, Алимкул оталик мустақиллик учун курашга бошлаган. Шундай мақсадни кўзлаган оталик Тошкент остонасидаги подшо аскарлари билан бўлган жангда ҳалок бўлади. Алимқулнинг ўлими, унинг котиби таъкидлаганидек, Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олишини осонлаштирган эди.

**Генерал М. Г. Черняевнинг босқинчилик ҳужумлари.** 60-йиллар ўрталарида рус аскарларининг Ўрта Осиё ичкараси томон жадал силжиши учун зарур шароитлар вужудга келди. Бунгача рус маъмурлари бўлажак ҳужумга анча тайёргарлик қўриб, айғоқчиликни пухта бажариб қўйган эдилар. Фарғона, Тошкент йўналишларидаги қулай ерларни чор айғоқчи қўшинлари барвақт аниқлаб тахт қилишга муваффақ бўлиб, аскарлар фақатгина ҳарбий юришининг бошланишини кутиб тургандилар.

**Ҳужумга тайёргарлик қўриш.** Асл мақсади Ўрта Осиёни батамом бўйсундириб олишдан иборат бўлган чор ҳукумати, 1864 йили Сибирь ва Сирдарё ҳудудларини қўшиб олишни ниҳоясига етказишга астойдил киришади. Бу йўналишда дастлабки қадамлар 1863 йилиёқ ташланиб, Перовск истехкоми томондан Сирдарё ёқалаб жўнаган полковник М. Г. Черняевнинг кичик қўшини Туркистон қалъаси атрофида ва Қоратоғнинг шимолий тарафида айғоқчилик қилади. М. Г. Черняев (1828 — 1898) бунгача Шимолий Кавказдаги урушларда қатнашиб, ўзга юрт, бошқа халқларни бўйсундириш бобида анча тажрибатўплаган эди. Қисқа вақт ичида унинг қўшини Сирдарёнинг юқори қисмига кириб келиб, май-июнь ойларида Сузук билан Чўлоққўрғон истехкомини босиб олади. Ҳужум натижасида икки ҳудудни бирлаштириш ва жанубий шарқда Россия давлатининг сарҳадларини кенгайтириш унчалик муаммолар туғдирмаслиги аниқланди. Шунингдек, рус маъмурлари Сузук ва Чўлоққўрғон орқали Авлиёотага ўтувчи ҳудуд силжиш учун анча қулай эканлигига ишонч ҳосил қилишди. Келажакда ушбу йўналиш бўйлаб юриш қилиш йўл бўйидаги мустаҳкам шаҳарлар Тошкент билан Туркистонни эгалламасданок икки ҳудудни бирлаштиришни ва Россия ҳукмронлигини ўрнатишни осонлаштирар эди.

Сирдарё ҳудудининг ҳокими (бошлиғи) полковник М. Г. Черняев тузган режага мувофиқ 1864 йили ҳарбий Сибирдаги рус ас-

карлари Авлиё-отани эгаллаши ва ўртада Бишкек ёки Чолдеворда Қастек билан алоқа қилиб турувчи истехком куриши керак эди. Худди шундай истехком Авлиёота билан Чўлоққўрғон йўлининг ўртасида курилиши керак эди. Оренбург томондан келадиган рус қўшини эса Сузок, Чўлоққўрғонни батамом эгаллаб, рус ҳокимиятини ўрнатиши ва уларнинг Жулек билан мунтазам алоқасини таъминлаши керак эди.

Икки ҳудудни бирлаштириш ҳаракатини подшо Александр II маъқуллагач, Оренбург ва ҳарбий Сибирдаги рус маъмурларига ҳарбий вазир махсус кўрсатма беради. Унга мувофиқ Дюгамель Вернийга аскар йиғиб, Авлиёотани босиб олишга тайёргарлик кўра бошлайди.

**Хужумнинг бошланиши.** 1864 йилнинг баҳорида Вернийдан юришга чиққан рус қўшинига полковник М. Г. Черняев кўмондон этиб тайинланди. Унга кейин генерал унвони берилиб, Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори (1865 — 1866), Туркистон генерал-губернатори лавозимида ҳукмронлик қилган (1882 — 1884). Ўша вақтлардаёқ Оренбург генерал - губернатори Перовскда Сирдарё худудининг янги ҳокими полковник Веревкиннинг кўмондонлиги остида махсус ҳарбий қўшин ташкил қилинган. У Сузок йўналишида хужумга ўтиши керак эди.

1864 йил 1 майда М. Г. Черняев 2500 аскардан иборат қўшин билан Вернийдан ҳарбий юриш бошлайди ва Узунёғоч орқали 4 майда Қастекка етиб келади. Қўконда бу

вақтда ички сиёсий вазият заифлашиб душманга қарши етарли тайёргарлик кўрилмайди. Дастлаб Черняевнинг йўлини тўсиш учун Авлиёотада атига 1500 сарбоз жамланиб, Меркега соқчилар қўйилади. Аммо сарбозларнинг озлигига қарамай, кўконликлар истехкомлари осонликча, ўз хоҳиши билан рус аскарларига бўйсунуши амри маҳол эди. Чуй худудидаги кўконликларнинг истехкомларини босиб олиш, сарбозларни кириб, бунгача унинг тасарруфидаги эл-юртни бутунлай бўйсундиришни енгиллатиш учун маҳаллий қирғиз манаплари ва козоқ султонларини ўз томонига оғдириб олиш лозим эди. Бундай усулни пухта ўзлаштирган рус маъмури Чуйга келиши билан қирғиз манапларига илиқ сўзлар ёзилган чакириқ-мурожаатлар юборган. Ҳатто айрим манаплар билан учрашиб (Жонтой, Менде, Худоёр), уларга чопон, соат ва шу каби қимматбаҳо совғалар ҳадя қилган. Қирғизларнинг муросасиз, қайсар, кўпол зодагонларини рус маъмурлари очиқ-ойдин кўрқитиб, гаровга олган ва ортидан соядек эргашиб, таъкиб қилган. Чунки ўйлаган мақсадларига эришиш учун барча усулларни қўллаш қулай эканлигини улар яхши билардилар. Азалдан барча босқинчилар зўравонликни турли хийла-найранглар билан омихта қилиб келгани маълум. Қадимги римликларнинг ўртага нифоқ сол-у, бошқар деган нақлига чор Россияси мустамлакачилари оғишмай амал қилишган.

Май ойининг ўрталарида М. Г. Черняев кўконликларнинг со-

биқ Тўқмоқ истехкоми харобалари ёнига Верний билан Авлиёта оралиғида алоқаларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун истехком курдиради.

16 майда М. Г. Черняевнинг қўшини Мерке томон йўлга чиқиб, Бишкек ёнида солто қабиласининг баъзи нуфузли манаплари билан учрашади. Ушанда Бойтик билан Қўрчу қўқонликларга қарши хужумда иштирок этиш учун ўз йигитларини бошлаб русларга қўшилишган. Жанғарач ва Бўшқўй Қанай ўғли бошқарган солто уруғларининг анчаси Черняев қўшини Чуйга келиши арафасида Таласнинг юқори қисмига кўчиб кетган эди.

1864 йил 24-майда рус аскарлари Мерке истехкомини эгаллайди. Кўп ўтмай Черняев қўшини Авлиётага етиб келиб, қалъадаги қўқонлик сарбозларни икки кун қамал қилади ва замбараклар ёрдамида уни босиб олади. Сарбозлар рус аскарларининг хужумига дош бера олмайди. Авлиёта беги Ниёзали 400 сарбозни эргаштириб қалъани ташлаб қочади.

Ўша кезде Сирдарёдан Туркистон истехкоми томон полковник Веревкин қўшини (1600 аскар, 10 замбарак) йўлга тушади. 9-июнда қўшни Туркистонга етиб келиб, уч кун давом этган жангдан сўнг, 13-июнда уни эгаллаб олади.

**Чотқоллик қирғизларнинг бўйсундирилиши.** Авлиёта истехкомини эгаллагач, М. Г. Черняев Чотқол водийсидаги қирғизларни бўйсундириш учун у ёққа подполковник Лерхе бош бўлган қўшинни шошилишч равишда юборади.

Чунки чотқоллик қирғизлар ўша вақтда Авлиётадан русларни суриб чиқаришга интилиб, Қўқондан Тошкентга келаётган Алимкул оталиққа кўшилиб кетса, рус қўшинининг янада олға силжиши анча қийинлашар эди. Лерхе 19-июнда Авлиётадан чиқиб, Қорабура дараси орқали довон ошиб, 24-июнда Чотқол водийсига келади.

Чотқолдаги қўқонликларнинг Чиноз қўрғонидаги оз сонли сарбозлари ва закотчилари рус қўшини яқинлашиб қолганда Чотқол дарёси этагидаги тор дараларга чекинади.

У вақтда Чотқол водийсида саруу, қушчу, бағиш, хитой ва бошқа қирғиз қабилалари яшарди. Чотқоллик манаплар орасида энг хурмат-обрўли ва худуддаги қирғизларнинг нуфузли катта манаси Саримсоқ (бағиш қабиласидан) эди. Бир вақтлар унга Қўқон хони чотқолликларнинг катта манаси сифатида муносабатда бўлган. У рус аскарлари Авлиётани эгаллаганда Алимкул оталиққа йигит йиғиб, қўшин тузиб чотқоллик манапларни унга ёрдам беришга ундаган эди. Саримсоқ бу билангина чекланмасдан, бир ўзи 200 нафарга яқин йигит тўплаб, тоғ орасида Лерхе қўшинига қаттиқ қаршилик кўрсатади. Бироқ кучлар тенг эмас эди. Чор аскарлари қурол-яроғ ва урушга тайёргарлик жиҳатидан кичик худуддаги қирғиз йигитларидан таркиб топган қўшиндан устунлик қилган. Пировардида Саримсоқ бош бўлган чотқоллик қирғизлар чор аскарларига бўйсунишга мажбур бў-



лишади. Ўша йилнинг ёзи — июль ойида Черняев Чимкентга хужум қилиб, ғалабага эриша олмайди.

**Чимкент ва Тошкент жанглари.** Сентябрьнинг боши (1864 йил) да эса М. Г. Черняев Чимкентга икки томондан — Авлиёта ва Туркистондан йирик ҳарбий қисмларни хужумга сафарбар этади. Чимкент ҳокими Мирзааҳмад бош бўлган кўқонлик сарбозлар рус аскарларига аёвсиз қаттиқ қаршилиқ кўрсатади. Жанг уч кунга чўзилиб (19 — 22-сентябрь), ниҳоят у рус кўшинининг ғалабаси билан яқунланди ва шаҳар Черняев қўлига ўтади.

Чимкент рус аскарлари қўлига ўтгач, Кўқон хонлиги сарбозларини Тошкентга тўплай бошлайди. Кўқонликларнинг Тошкентда катта ҳарбий кўшин тўплашига йўл кўймаслик учун М. Г. Черняев 27 сентябрда хужумни давом эттириб, 1 октябрда шаҳар яқинига келади. Рус аскарлари шаҳарга 4 октябргача дамбадам хужум қилиб, камал ҳолатида ушлаб турадилар. Ниҳоят шаҳарни осонликча босиб ололмаслигига кўзи етган М. Г. Черняев Чимкентга қайтиб кетади. Кўп ўтмай Тошкентга аскарлари билан Алимқул келиб, шаҳарни мустаҳкамлашга киришади. Рус маъмурлари келаси йилгача Тошкентга янги хужум қилишга ботина олмайдилар.

1864 йилнинг охирларида чор ҳукумати бўйсундириб олган худудлар (Иссиққўлдан Орол денгизигача)да ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида бу ерларга кўшимча ҳарбий кучларни юбориш ва янги маъмурий бирлик-Туркистон

вилоятини тузиш тўғрисида қарор чиқаради. Подшонинг маъқуллашига биноан ҳарбий вазирликнинг 1865 йил 12-февралдаги буйруғига мувофиқ янги таъсис этилган Туркистон вилоятининг ҳарбий губернаторлигига генерал М. Г. Черняев тайинланади. Вилоятдаги барча ҳокимият-ҳарбий, бошқарув иши ва бошқалар тўлиғи билан унинг қўлида тўпланади. У Оренбург генерал-губернаторига бўйсунган.

1865 йил баҳорида рус аскарлари учун Тошкентни босиб олишга қулай шароит пайдо бўлди. Чунки бу вақтда Бухоро амирлиги билан Кўқон хонлиги ўртасида уруш бошланиб, хон сарбозларининг кўп қисми Хўжандни эгаллаган амир аскарларига қарши жанг қилаётган эди. М.Г.Черняев қулай фурсатни қўлдан бой бермаслик мақсадида, тезда Тошкентга хужум қилади. 29-апрелда унинг кўшинлари шаҳар ёнидаги ўта муҳим ҳисобланган-Ниёзбек қалъасини эгаллайди. Ўша вақтнинг ўзида Тошкентга Кўқондан Алимқул кўмондонлигида кўплаб аскарлар келган эди. Кўқонликлар кўшини билан рус аскарлари ўртасидаги дастлабки йирик жанг 9-майда шаҳар ташқарисида бўлиб ўтди. Бунда қирғиз ва қипчоқ кўшинлари замбарак ва милтиқларнинг ўқлари ёмғирдек ёғишига қарамай, душманга қайта-қайта хужум қилишади. Олишув пайтида *Алимқул саркарда* душман ўқидан ҳалок бўлгандан кейингина улар жанг майдонини ташлаб, шаҳарни қолдириб кетишади. Ўшандан кейин шаҳар аҳолиси

ёрдам сўраб Бухоро амири Музаффарга элчи юборади. Кўп ўтмай Тошкентга амирнинг вакили амир Искандарбек келиб, шаҳар мудофаасига бош-қош бўлади.

14-майда тун ярмидан оққанда чор аскарлари шаҳарга қайта ҳужум қилади. Аёвсиз жанглар шаҳар кўчаларида уч кунга чўзилади.

Кўплаб талафотлар кўриб, жуда кучсизланган шаҳар аҳолиси 17-майда душманга мажбуран таслим бўлади. Тошкентнинг рус аскарлари қўлига ўтиши Қўқон хонлиги учун мисли кўрилмаган оғир талофат эди. Тошкент нафақат Қўқон хонлиги, балки бутун Ўрта Осиёдаги йирик шаҳарлардан бири эди. Бу ерда ўша пайтда 100 мингдан ортиқ аҳоли яшарди. Шаҳар жуда қулай жойда яъни чор аскарлари Қўқон ва Жанубий Қирғизистонга борадиган катта йўлнинг шундок бошида жойлашган. Тошкентни душманга олдириб юбориш, амалда Қўқон хонлигининг мағлубиятига яраша йўқотиш эди. Шундай бўлса-да рус маъмурлари ҳужумларни яна давом эттиришга ва Қўқонни бутунлай бўйсундиришга ботина олмайдилар. Чунки чор аскарларининг ичкарига силжиши Ўрта Осиёдаги бошқа давлатлар – Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан тўқнашувларга олиб келарди. Ҳозирча Россиянинг бунга етарлича тайёргарлиги йўқ эди. Бунинг устига илгаридан рақобатлашиб келаётган инглиз дипломатлари чор ҳукуматининг Ўрта Осиёдаги босқинчилик ҳаракатлари ва Ҳиндистонга нис-

батан ғаразли ўй-мақсадлари хусусида чор атрофга жар солиб шовқин кўтаришган. Мана шундай шароитда чор ҳукумати Қўқон хонлигига қарши уруш ҳаракатларини вақтинча тўхтатиб, бунгача босиб олган ҳудудларда ҳокимиятини мустаҳкамлаш билан чекланди. Тошкентни руслар босиб олгандан сўнг Бухоро амирининг аралашуви билан Қўқонда исён кўтарилиб, Султонсаидхон ўлдирилади ва тахтга Худоёрхон қайта ўтқазилади. Тошкент эгаллангандан кейин икки йил ўтиб-ўтмай, 1867 йилнинг ёзида Туркистон вилояти Туркистон генерал-губернаторлиги бўлиб қайта ташкил қилинади. Дастлаб у Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан иборат бўлади. Тошкент шаҳри эса унинг марказига айланади. Туркистоннинг дастлабки генерал-губернатори лавозимига подшо Александр II генерал-адъютант **К. П. фон Кауфманни** тайинлади. Чор ҳукумати унга кенг ҳуқуқлар берган эди. Генерал-губернатор мустақил равишда Ўрта Осиё хонликлари билан дипломатик музокаралар олиб бориш ва уруш эълон қилиш ёки тинчлик шартномалари тузишга ҳам ҳуқуқли эди.

**Қўқон хонлигининг Россияга вассал тобелиги.** Ҳудудининг анча қисмини рус аскарларига олдириб юбориб душманга қарши курашда оғир талафотларга учраган Қўқон хони кўп ўтмай Россияга бўйсунушга мажбур бўлади. Хонликнинг Россия империясига тобелиги, вассаллик ҳолати **1868 йил 29 январда** Кауф-

ман билан Худоёрхон имзолаган шартномада кайд этилган. Мазкур шартномага мувофиқ Қўқон хони мустақил равишда ташқи сиёсат юритиш ва қўшни мамлакатлар билан алоқа қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади, 1865 йилгача рус аскарлари Қўқон хонлигидан тортиб олган ерларни Россиянинг мулки сифатида тан олади. Бундан ташқари, рус савдогарларига Қўқон хонлигининг барча ҳудудида қўқонлик савдогарлар билан баб-баробар эркин савдо-сотик қилиш ҳуқуқи берилди. Ўз ҳудудининг катта қисмидан айрилган Қўқон хонлиги асосан Фарғона водийси билангина чекланган кичик, тобе, аввалги қудратидан қолган кучсиз бир давлат сифатида вақтинча сақланиб қолади. Энди рус аскарлари хоҳласа Фарғона водийсининг ичкарасига кириб бориб, хонликнинг барча ҳудудини осонгина босиб олиши мумкин эди. Агар подшо қўшинлари бостириб келса Қўқон сарбозлари уларнинг ҳамласига дош беролмасди. Аммо чор ҳукумати ўша пайтдаги халқаро аҳволни ҳисобга олиб, айниқса Англия билан муносабатнинг кескин тус олишидан хавфсираб, Қўқон хонлигини вақтинча сақлаб қолишни афзал кўради. Жуда заифлашган хонликда унинг мустақиллиги сақланиб қолганда ҳам рус маъмурлари бемалол хўжайинлик қилавериши мумкин эди. Қўқонда Россиянинг таъсирини мустаҳкамлаш мақсадида Туркистон генерал-губернатори Худоёрхонга ёрдам бериб туриш фойдали бўлади, деб ҳисоблайди.

Ўзининг беқарор ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун рус подшосига таяниш хонга ҳам фойдали эди. Демак, юқоридаги шартнома ҳар икки томонга тенг қулай иттифоқ-муносабатнинг шаклланишига асос солган. Энди бу аҳдлашув халқ оммасига чексиз азоб-уқубатлар олиб келади, аҳоли гарданига турли солиқ ва бошқа йиғимлар тушиб, аҳволини ундан баттар оғирлаштиради. Россиянинг босқинчилик ҳаракатларига қарши кураш ва ички низолар туфайли бўшаб қолган хазинани хон халқ ҳисобидан тўлдиришни ўйлайди. Солиқ миқдорининг чексиз ўсиши, ҳоким ва беқларнинг зўравонликлари, айниқса, қирғизларнинг Худоёрхонга нисбатан норозилигини кучайтириб, уларни қатъий курашга ундайди.

Қўқон хонлигининг Россияга вассал давлатга айланиши натижасида унинг тасарруфидаги жанублик қирғизлар ҳам оқ подшонинг амрига бўйсунуши керак эди. Вассаллик шартномасини тузишда қирғиз халқининг манфаатлари умуман ҳисобга олинмаган. Улар билан хон, ўрда аъёнлари ва рус маъмурлари маслаҳатлашганлари ҳам йўқ. Қирғизларнинг Россия империясига тобелиги тўғрисида алоҳида шартнома тузилмади. Амалда жанублик қирғизлар бир неча йил рус ҳукмронлигини тан олмай юрдилар. Жанубий Қирғизистонни чор аскарлари кейинчароқ, Қўқон хонлиги тугатилгандан сўнг (1876 йил) кўп куч сарфлаб зўрға бўйсундириб олади.

## Савол ва топшириқлар:

1. XIX аср 60-йилларида Қўқон хонлигининг сиёсий аҳволи қандай эди?
2. Алимбек додхоҳ ва Алимқул оталиқ тўғрисида нималарни биласиз?
3. Генерал Черняевнинг босқинчилик ҳаракатлари ва унинг мақсадлари ҳақида айтиб бера оласизми?
4. Қўқон хонлиги қай ҳолатда Россиянинг вассал давлатига айланди?
5. Жанублик қирғизлар ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди?

## Ҳужжатли материаллар

**Россия ташқи ишлар вазирининг 1865 йил февралда Оренбург генерал-губернаторига юборган кўрсатма хатидан парча:**

“...Имкон қадар хонликнинг ички ишларига аралашидан сақланиш (узокроқ бўлиш) керак... Куролли тўқнашувга, шу каби тўқнашув билан сарҳадларимиз ва савдо манфаатларимизни бузилишини (зиён етказишни) олдини олиш туғилган тақдирдагина йўл қўйса бўлади... Бу шаҳар (Тошкент) агар Қўқон ва Бухорога юриш қилиш зарур бўлса, қулай курол сифатида хизмат қилади ва шу билан бирга биз учун у Қўқон билан Бухоронинг тўсатдан қилинадиган ҳужумларига қарши химоя бўла олади.

... Иссиққўлдан ғарбдаги тоғли ўлка тўғрисида айтсак, унда у ёқда бизнинг мустахкам ҳудудни тузиш фақатгина стратегик тушунча (мақсад)га бўйсунини лозим, лекин ташқи ишлар вазирлиги у томондаги кўчманчи, рус фуқаролигига номигагина (ярим-ёрти) ўтган (номинал) ёввойи қирғизларга буни билдириб қўйиш керак, деб ҳисоблайди: бизнинг ёрдамимиз ва куролли мудофаамиз ҳудудимизда яшаганларгагина кўрсатилади, уларга рус фуқароларининг барча ҳуқуқлари берилади ва уларга ҳамма вазифалари юкланади; ўша қирғизлар ичидан кимки бизнинг фуқаролар тинчлигини бузса қўшинларимиз томонидан қувғин қилиниб, жазоланиши керак”.

## VI Б О Б. ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ЦИНЬ ИМПЕРИЯСИГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ

18-§. Ганьсу, Шэньси, Синьцзян ҳудудларидаги дунганлар кўзғолони.  
Ёқуббек ва унинг “Етти шаҳар” давлати

Шарқий Туркистон халқи аҳволининг оғирлашуви. XIX асрнинг ўрталарида Цинь империясининг шимоли-ғарбидаги Ганьсу, Шэньси ва Синьцзян ҳудудларининг аҳолиси-дунган уйғур ва бошқаларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашиб кетади. Айниқса, ернинг етишмаслиги йилдан-йилга уларнинг турмуш шароитини оғир аҳволга солади. Деҳқончиликка қулай яхши ерларни кўпинча Цинь маъмурлари тортиб оладилар. Ҳайдов майдонларининг катта қисми маҳаллий феодаллар, хокимбеклар, савдогарлар билан судхўрлар қўлида эди. Меҳнаткаш халқ улардан оғир шартлар асосида ижарага кичик ер улушини олишга мажбур бўлган. Қурғоқчилик ва табиий офатлар камбағалларни тез-тез очарчилик ва қирғинга гирифтор қиларди. Халқ оммасининг аҳволини Цинь ҳокимиятининг миллатчилик (шовинистик), халқларни бир-бирига қарши қўювчи ва бўлиб ташлаб бошқариш кайфиятидаги миллий сиёсати ҳамда майда халқларни йўқ қилиш ҳаракати янада оғирлаштиради. Солиқлар тури ва ҳажми ўсиб, зулмининг янги усуллари тобора кўпаяверди. Бунга очкўз Цинь зодагонларининг золимлиги қўшимча бўлиб, халқ ғазабини қайнатади. Натижада 60-йиллар бо-

шида Хитойнинг шимоли-ғарбий ҳудудларида яшаган халқлар Цинь ҳукмронлигига қарши умумхалқ ҳаракатига қўшиладилар.

**Ғалаённинг бошланиши.** Бу ҳаракат 1862 йили бошланиб, деярли 15 йилга чўзилди. Курашга дунганлар оммавий тарзда қатнашиб, айниқса фаоллик кўрсатганларидан, уни тарихчилар *дунганлар ғалаёни* деб ҳам аташади. Орадан кўп ўтмай ғалаён энг катта ҳудудни қамраб олади. Шэньси ва Ганьсу ўлкалари ҳамда Синьцзянга қарашли Жунғория ва Шарқий Туркистон ҳудудлари халқ ҳаракатининг марказларига айланади. Ғалаёнга дунганлар каби Гулжа (Или), Қашқар ҳудудларида яшайдиган уйғурлар ҳам фаол қатнашдилар. Или диёрида уйғурларга қўшни қозоқлар ёрдамлашган. Қашқар тарафдаги ҳаракатга эса қирғизлар ҳам жалб этилган.

Англия ва Франция каби Европадаги қудратли мамлакатлар билан бўлган урушда ҳамда тайпинлар кўзғолони даврида заифлашиб қолган Цинь-маньчжур ҳукумати узоқ вақт ғалаённи бостира олмай овора бўлади.

**Қўзғолоннинг кучайиши.** Ғалаён қизиган кезде, 1864 йили Гулжа (Илининг юқори қисми) ҳудудида мустақил икки хонлик ташкил этилади. Уларнинг бири-Дунган хон-

лиги Урумчи худудида, иккинчиси **Таранчилар (уйгурлар) хонлиги** Или чекка ўлкасида ташкил қилинади. Бундан бироз аввал, 1863 йили Қашқар худудида ғалаён бошланиб, унга Оксув, Қашқар, Ёркент ва Хўтан шаҳарларининг аҳолиси қўшилади. Халқ ҳаракатининг ўз вақтида кенг қулоч ёйишида Кучар шаҳрининг аҳолиси ҳам муҳим роль ўйнаган эди. Кучардаги ғалаён 1864 йилнинг ёзида бошланиб, унинг ташаббускорлари-дунганларнинг кичик қўшини бошлиқлари Машурохун, Малун ва бошқалар шаҳар аҳолисини Цинь маъмурларига қарши курашга чорлайдилар. Уларнинг қўшинига кўп ўтмай Алиёрбек бош бўлган ушурлар гуруҳи қўшилган. Шаҳардаги оз сонли хитой аскарлари кўзғолончиларнинг ҳужумига туриш беролмайди. Шаҳарда ҳокимият Цинь маъмурларидан тортиб олинган, ғалаён раҳбарлари машҳур “октоғлик” хўжаларнинг авлоди Рашидиддинга хонлик ҳокимиятини таклиф қилишиб, унинг розилигини олишади. **Рашидиддин Хонхўжа** хон деб эълон қилиниб, ҳокимиятни қўлга олади ва Қашқар, Ёркент ҳамда Хўтанга ҳужум бошлайди. Ўшанда сўфийлик жамоалари-“октоғлик” хўжалар билан “қоратоғлик” хўжалар ўртасида ички жанжал ва низолар қайта жонланади. Ўзаро ғалва-жанжаллар уларни хитойлик маъмурларига қарши озодлик курашидан анча чалғитди. Мана шундай қийин вазиятда Хонхўжа хитойликларнинг бу томонга келаётган кўплаб аскарларига қаршилик кўрсата олмаслигига кўзи етиб, Ўрта Осиё хонликлари билан алоқа боғлашга ҳаракат қилган.

Ўша вақтда Қашқардаги ҳурмат – обрўли кишиларнинг бири қирғиз **Содиқбек** бўлган. Унинг қирғиз йигитларидан тузилган катта қўшини бор эди. Бироқ унинг йигитлари қурол-яроғ ва сон жиҳатидан катта устунликка эга бўлган хитой қўшинининг ҳужумига дош бера олмас эди. Шу боисдан у Қўконнинг ҳақиқий хўжайини Алимқул оталиққа ёрдам сўраб мурожаат қилади. Содиқбек машҳур Жаҳонгирхўжанинг ўғли Бузрукни тезроқ Қашқарга кўзғолонга юборишни илтимос қилган.

1865 йили Бузрукхўжа Оқмачит қалъасининг собик беги **Ёқуббек** (1820 — 1877) бош бўлган 50 йигит ҳамроҳлигида Қашқарга келади. Бузрук Қашқарга келиши билан Содиқбек унга ҳокимиятни ўтказиб беради. Унинг яқин маслаҳатчиси сифатида ўрдадаги муҳим мавқеларнинг бирини эгаллайди. Бироқ кўп ўтмай ўрдада Содиқбек билан Ёқуббек ўртасида рақобат кучаяди. Фақат иккаласидан бирининг ўлимигина бу рақобатни тўхтата олиши мумкин эди. Мансабпараст Ёқуббек дастлаб рақобат бошлангандаёқ Бузрукни Содиқбекка қарши ғиж-ғижлаб, улар ўртасига адоват солади. Натижада Содиқбек хоннинг қаҳру-ғазабидан саройни тарк этади. Ҳийла-найранг билан Содиқбекни ўрдадан суриб чиқарган Ёқуббек бош саркардаликка тайинланади.

**“Етти шаҳар” давлатининг ташкил этилиши.** 1865 — 1867 йилларда Ёқуббек Шаркий Туркистондаги йирик шаҳарларлар Қашқар, Ёркент, Янги Ҳисор, Хўтан ва бошқа жойларда Хитой маъмурларининг ҳокимиятини кулатиб, ўзи билан

ракобатлашган Хонхўжа бош бўлган хўжалар устидан ғалаба қозониб, ҳокимиятни тўлиқ ўз қўлига олади. *У барпо қилган феодал давлат тарихда “Етти шаҳар” давлати деган ном билан машҳур бўлган.* Уни Ёқуббек ёки Бахт давлат мамлакатини деб ҳам аташади. Чунки у Бузрукхонни Маккага ҳаж сафарига юбориб, хонлик тахтини тортиб олгач, ўзини Бахт-давлат (бахт, давлати бошида, ҳокимияти кўлида, деган маънода) деб эълон қилган.

**Қирғизларнинг кўзғолонга қатнашиши.** Қашқар атрофидаги худудларда ва уларга қўшни Марказий Тангритоғда яшаган қирғизлар Шарқий Туркистон халқларининг Цинь империясига қарши озодлик ҳаракатида фаоллик билан қатнашдилар. Ёқуббек ҳам уларни ўз тарафига тортишга ҳаракат қилиб, Россияга қўшилишни хоҳламай, чор аскарларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатган қирғиз манаплари (Умўтаали, Ўсмон)ни қўллаб қувватлаган. Бахт давлат отлиқлар қўшинининг кўпчилик қисми” қирғизлардан иборат бўлиши бежиз бўлмаса керак. Шунингдек, қирғиз йигитлари ўрда шаҳрида ҳарбий хизмат ўташар ва чопарлик вазифасини бажарар эдилар. Хон уларни ҳар доим ўзига яқин тутишга ҳаракат қиларди. Чегара худудидаги айрим қирғиз қабилалари Ёқуббекнинг ҳокимиятини тан олиб, унга солиқ тўлар эдилар. Ҳатто унинг ҳокимиятини мустаҳкамлашда ҳам қирғизлар анчагина хизмат кўрсатган.

Ёқуббек Марказий Тангритоғни ўз худудига қўшиб олишга ҳаракат қилган. Агар унинг шу мақсади амалга ошса, давлати анча кенгайиб, куч – қудрати ортар, қишлоқлар, шаҳарларда деҳқончилик, ҳунар-

мандчилик ва савдогарлик қилиб тирикчилик ўтказайётган аҳолини қирғизлар гўшт, сут, ёғ, жун, тери ва бошқа озиқ -овқатлар билан таъминлар эди. Ёқуббекнинг қирғизларга қилган муомаласи эса бу ҳудудни ўз мулки деб ҳисоблаган рус маъмурларига ёқмайди. Шу боисдан Олатоғ округининг бошлиғи тангритоғлик қирғизларга нисбатан Бахт давлатининг ҳаракатларидан хавфсираб кўз қулоқ бўлиб турган ҳамда уларнинг иттифоқига путур етказиш йўлини излаган. Чор ҳукумати Ёқуббекнинг давлатини атайлаб тан олмади. Аммо рус ҳукумати Шарқий Туркистоннинг янги ҳукмдори билан алоқа ўрнатиш, савдо ва элчилик музокаралари олиб боришдан бош тортмайди.

**1868 йили Ёқуббекнинг давлатини Буюк Британия (Англия) мустақил давлат сифатида тан олиб, икки мамлакат ўртасида элчилик алоқалари ўрнатилди.** Натижада Бахт давлат инглизлардан янги қурол-яроғ (10 минг милтиқ, бир неча батарея замбарак) олиш имкониятига эга бўлади. *Кўп ўтмай Ёқуббекнинг давлатини Туркия ҳам тан олди.* Туркия султони Ёқуббекка амир унвонини берган. Англиянинг элчиси Дуглас Форсейт Ёқуббекнинг илтимосига биноан Петербургга келиб, чор ҳукуматининг вакиллари билан бетараф мамлакат сифатида Қашқарнинг мустақиллигини тан олиш тўғрисида музокаралар олиб боради. **1872 йил 6-майда** Оқсой водийсидаги Чотиркўл ёнида Ёқуббек Туркистон генерал-губернатори Кауфман юборган рус элчилари билан учрашиб, *икки давлат ўртасидаги шартномани имзолайдилар.*

Шартномага мувофиқ рус савдогарларининг Қашқарда савдо-сотик

килиши, унинг ҳудуди орқали бошқа давлатларга ўтиш ҳуқуқи кенгайтирилган. Рус элчилари билан бирга Ёқуббек ўз элчиларини Россияга жўнатади. Аммо икки давлат ўртасидаги бундай муносабат узокқа чўзилмади. Рус аскарлари Хивани босиб олгач, Ёқуббек Россиядан узоклашиб, алоқасини узади ҳамда чегарадош ерларни рус маъмурларидан тортиб олиш пайига тушади. Ушанда азалдан қирғизларнинг юрти ҳисобланган Отбоши водийси кўп баҳслашувларга сабаб бўлган эди.

70-йилларда Туркистон генерал-губернатори рус-қашқар чегарасини аниқлаш ва Отбошида Россия ҳукмронлигини бутунлай ўрнатиш мақсадида бу ерда кўп миқдорда аскар тўплайди. 1876 йил май ойида Қашқарга капитан А. Н. Куропаткин (бўлажак Туркистон генерал-губернатори, Россия ҳарбий вазири) махсус топшириқ билан келиб, Россия учун фойдали шартнома тузган. Янги аҳдлашувга биноан чегара масаласида Россия империяси ғалабага эришади.

Ўша вақтда хитойлик аскарлар қашқар-жунғор уруши натижасида

пайдо бўлган қулай вазиятдан фойдаланиб, Жунғорияда цинь-маньчжур ҳукмронлигини қайтадан тиклайди. 1877 йил июнда Ёқуббек оламдан ўтгач, унинг ўғиллари ўртасида бошланган тахт учун кураш давлатнинг парчаланишини тезлаштиради. 1877 йил декабрда хитой босқинчилари қайта Қашқарни эгаллаб, ўз ҳокимиятини ўрнатади.

*Ёқуббекнинг кичик феодал давлати оз вақт, атиги ўн йилча яшагани билан Шарқий Туркистон халқлари тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу давлат цинь ҳукмронлигига қарши маҳаллий аҳолининг озодлик ҳаракати натижасида пайдо бўлган ва унинг бундан кейинги равнақига туртки берган. Ушбу йилларда Синьцзянда цинь-маньчжурларнинг ҳокимияти вақтинча тугатилди, босқинчилар маҳаллий халқнинг озодлик учун оммавий курашига дуч келиб, кўп талафотларга гирифторм бўлди. Ҳарбий кучлар жиҳатидан устунлиги ва Қашқардаги ички низоларгина Цинь маъмурларини ғалаба қозонишига олиб келди.*

?

### Савол ва топшириқлар:

1. Шарқий Туркистондаги қўзғолонга нималар сабаб бўлган?
2. Қўзғолон қандай бошланди ва у қайси ҳудудларни камраб олади?
3. Қўзғолон даврида қайси хонлиқлар ташкил этилди?
4. Содикбек тўғрисида нималарни биласиз?
5. “Етти шаҳар” давлати қандай тарихий вазиятда шаклланган?
6. Қўзғолонда қирғизларнинг иштирок этиши тўғрисида нималарни айтиб бера оласиз?



## 19-§. Дунган, қалмоқ ва уйғур халқларининг Еттисувга кўчиши. Бий Янху

**Сарт - қалмоқларнинг Иссиқкўлга кўчиши.** Деярли 15 йилга чўзилган умумхалқ ҳаракати мағлубиятга учради. Озодликка интилиб қон тўккан халқ, хитойлик аскарларнинг аёвсиз жазолашларидан қочиб, қирғиз ҳамда козоқлар орасидан паноҳ излашга мажбур бўлди. Дастанлаб кўчиб қочганлар сарт-қалмоқлар эди. Улар 1866 йили Еттисувга кўчиб келишади ва 1869 йили ялиниб-ёлвориб Россия фуқаролигига қабул қилинадилар. Уларнинг уруғи *зорган* деб аталарди. Олти сумун (овул)дан иборат қочоқлардан дастанлаб икки бўлис: Иссиқкўлда-Текес водийсининг юқори қисмида (1317 оила) ва Верний уездида (732 оила) ташкил этилади.

Кейинчароқ, 1882 йили Юқори Или худуди (1871 йили Россия эгаллаб олган) Хитойга қайтарилганда ҳалиги қалмоқларнинг кўпчилиги (5 овул) Хитойга тегишли бўлиб қолиб, олтинчи овул эса (240 оила) ўз хоҳиши билан Россия тасарруфида қолиши хусусида қарор чиқаришади. Уларни умуман *қорақалмоқлар* деб аташар, ўзаро эса *ўлатлармиз* дейишар эди. Наслан сарт-қалмоқлар мўғулларнинг ғарбий қаноти ўйротлар, хусусан, қорақалмоқлар ёки ўлатлар авлодига киради.

1882 йили Хитой билан Россия ўртасидаги янги чегара Қопқоқ орқали (Текес водийсида) белгилангач, сарт-қалмоқлар собиқ юртида икки йил қишлашиб, 1884 йилдагина Иссиқкўл худудига кўчиб келишади. Орадан

кўп утмай Қорақўл, Ирдик ўзанлари оралиғидаги Борибош, Челпак, Тошқия худудлари уларнинг абадий масканига айланиб, аста-секинлик билан бу атрофдаги қирғизларга кўшни сарт - қалмоқларнинг Борибош ва Челпак қишлоқлари пайдо бўлади.

Қочоқлар дастанлаб келишганда, иссиқкўллик қирғизлар уларга такаб-бурлик ва гинахонлик қилишмади, аксинча холдан тойган халққа мадад бўлишди ва ёрдам кўрсатишди. Нажижада оч-яланғоч бир ховучгина эл тез орада кўпайиб, 1913 йилга келиб 240 оиладан 366 оила (2262 киши)га, 1916 йилда эса 483 оила (2, 9 минг киши)га етган.

**Дунганларнинг янги юртга кўчиши.** Дунган халқи Хитойдан Еттисувга 1877 — 1884 йилларда *икки босқичда* кўчиб келади. *Биринчи босқич* (1877 йил)да дунганларнинг бу томонга кўчиб келишининг асосий сабаби юқорида қайд этилган кўзғолоннинг мағлубияти туфайли юз берган. Уларнинг Россияга нисбатан фуқаролик ҳолати 1881 йили рус-хитой шартномасига мувофиқ мустаҳкамланган эди. Бу битимнинг шартларига биноан дунганлар ва уйғурларга ўз юртлари - Синьцзянда қолиш ёки Россия худудига кўчиб кетиш эркинлиги берилган. Албатта, бу аввалданок бошланган мустақил кўчишни қонунлаштиришгина эди.

Дастанлабки босқичда дунганлар Россия-Хитой чегарасини уч гуруҳга тўпланиб, уч йўналишда бузиб ўтишади. Бахтга қарши 1877 йили киш



одатдагидан ташқари, ниҳоят совук келади ва қор қалин тушиб, довол ҳамда белларни кўчки босиб қолди. Шунга қарамасдан қочоқлар мусиҳадек жонларини сақлаб қолиш мақсадида тақдирига тан бериб, таваккал қилишади.

Ганьсулик дунганларнинг *Да-Си - Фу* бошчилик қилган минг кишидан ортиқ илк гуруҳи Турфондан жўнаб 1877 йил октябрь охирлариноябрь бошларида Бедел доволни ошиб ўтади ва Қоракўлга етиб келади (1166 киши). Қирғизлар қочоқлардан ёрдамларини аямади, озиқ-овқат ҳамда уй- жойдан кўмаклашдилар. Кейинги йили баҳорда келгиндиларга Қоракўлнинг ёнидаги Ирдик деган жойдан ер ажратиб берилди.

Хитой аскарларидан қувғинга учраган дунганларнинг яна бир гуруҳига *Ма-Да-Жэнь* бошчилик қилган. Синьцзянлик ва ганьсулик дунганлардан иборат бу гуруҳ (2 мингча киши) Оқсувдан чиқиб, Моралбоши, Эргаштом доволни орқали Жанубий Қирғизистонга бошпана излаб келади. Ўшанда оч-яланғоч бечораларга қирғизлар озиқ -овқат маҳсулотлари ва от-уловдан ёрдам беришган. Ҳатто, Ўшдан 600 тача от ва туя тўпланиб транспорт воситаси сифатида уларга юборилган.

Шэньсилик дунганларнинг *Биянху* (Бий Янху) бош бўлган гуруҳининг сафари ҳам муваффақиятли бўлмади. Қаҳратон қиш чилласида Торугарт, Тошровот, Қизилбел каби баланд доволардан ошиб, қийинчиликларга дош беролмай ўлганлардан қолган дунган қочоқларининг бу гуруҳи 1877 йил декабрнинг бошларида Норинга келади. Бу ерда бироз дам олиб қад

ростлаб олгач, яна йўлга чиққан 3314 дунган декабрнинг охирларида зўрға Тўкмोकка етиб келган. Йўл бўйида жойлашган қирғиз овуллари аҳолиси йўловчиларга мол, ғалла ва бўз уйлар билан кўмаклашади. Шунингдек, Бий Янхунинг илтимосига биноан йўлдаги қирғиз овулларида қолган бетоб, ёрдамга муҳтож қочоқлар учун Тўкмокдан ун ортилган аравалар жўнатилган.

Дунганларнинг Еттисувга кўчишидаги *иккинчи босқич* рус ҳукуматининг Или ҳудудини Цинь ҳокимиятига қайтариб бериши билан боғлиқдир. Или ҳудудини рус аскарлари 1871 йили эгаллаб олган эди. 1881 йили Петербургда Россия билан Хитой ўртасида Или ҳудудини қайтариб бериш тўғрисида шартнома тузилгач, дунган ҳамда ушурларга Хитой фуқаролигида қолиш ёки русларга қарашли Еттисув вилоятига кўчиб кетиш ҳуқуқи берилган. Ўшанда дунганларнинг янги гуруҳлари ва уйғурларнинг анча қисми Еттисувга кўча бошлайди. 1884 йил охирларида бу томонга Илидан 1147 дунган оиласи ёки 4682 киши кўчиб келди. Еттисувда жами 10 мингдан ортиқ дунган, 45 мингча уйғур бошпана топган.

Уйғурлар асосан Верний (Алмати) ва Ёркент (Панфилов) уездларига, дунганлар эса Бишкек ҳамда Исиккўл уездларига жойлашдилар. Жанубий Қирғизистонга келган дунган ҳамда уйғурлар эса дастлаб Ўшга яқин ер (Қорасув тумани)да ўтроклашиб қолдилар.

**Келгиндиларнинг ўрнаштирилиши ва маъмурий жойланиши.** Дунган, уйғурлар Еттисувга кўчиб келган вақтда бу ҳудудда подшолик

ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлган эди. Подшоликнинг Туркистондаги мустамлака сиёсати ер-сув масаласида ҳам яққол сезилади. Яхши ерларнинг ҳаммасини келгинди рус деҳқонлари казакларга тақсимлаб, подшо маъмурлари қирғиз, козоқларни тоғу тошлар ва чўлу биёбонларга суриб чикараётган эди.

Кейинга зарурат учун заҳирага ушлаб турган ерлардан мустамлакачилар дунганларга вақтинча бўлиб бера бошлайдилар.

Бий Янхунинг гуруҳи Тўқмоқдан 8 км нарида, Чуй дарёсининг ўнг соҳилидаги Қорақўнғиз ҳудудида жойлашиб, абадий яшаб қолади. 1878 йилнинг охирларида Қорақўнғиз (ҳозирги Масанчин) да ўтроқлашган дунганларнинг барчаси уй-жой қуриб олишга улгуради. Уларга 10306 таноб ер берилган. Азалдан деҳқон бўлган дунганлар баҳор келиши билан ер ҳайдаб буғдой, жўхори каби ғалла экинлари, калампир, сабзи, саримсоқ ва бошқа сабзавотлар экишади. Кейинчароқ сувга яқин ерларга шоли ҳам эка бошлашади.

Соқулуққа келган деҳқонларга эса 2064 таноб ер тақсимланган. Бироқ бу ер сувга ташналигидан, уларга буғдой экиш учун қулай, Соқулуқ дарёсидан сув ичадиган қирғизларнинг ерларидан берилади. 1883 йили Соқулуқда 333 оила ўзлари қурган уйларда яшай бошлаган. Шундай қилиб, илгари бўш ётган ерда Александровка деб аталган қишлоқ пайдо бўлади. Қирғизлар бу қишлоқни Соқулуқ, дунганлар Суху-

лу деб номлашди. Дунганларнинг айрим кичик гуруҳлари шаҳарларда қолиб, шаҳар четларида мустақил слободкалар қуришган. Масалан, Бишкекда дунган слободкаси 1882 йили пайдо бўлган. Дастлаб ташкил этилганда бу ерда 150 оила яшарди. Бундай слободка Тўқмоқда ҳам кад ростлаган.

Аста-секинлик билан пароканда халқ йиғилди, рўзғори бутланди ҳамда янги туғилган авлодлар ҳисобига кўпайди. 1897 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш пайтида вилоятда яшаган уйғурлар 56 мингга етиб, дунганлар сони эса 14 мингдан ошгани маълум бўлади (45 минг уйғур, 10 минг дунган кўчиб келган эди).

Келгиндилар Еттисувга кўчиб келгандан сўнг улар ўтроқлашган ҳудудларда Маринск (Ирдик), Қорақўнғиз (кейинчароқ Николаевск деб аталган), Александровка (Соқулуқ), Ёркент (Ёркент уезди, Қозоғистонда), Ялпоктепа (Авлиёта – Тароздан 5-6 км масофада) бўлислари ташкил этилади.

Қишлоқларда ҳокимият бутунлай бўлислар (волостр бошқарувчилари), қозилар ва оқсоқоллар қўлида эди. Улар овуллардан махсус юборилган сайловчилар йиғинида уч йиллик муддатга сайланишар эди.

Аста-секин бўлислар, оқсоқоллар ҳокимияти кучайиб, солиқлар кўпайди. Бунга подшоликнинг Туркистондаги мустамлака сиёсати қўшимча бўлиб, келгиндиларнинг турмушига салбий таъсир этмай қўймади.

<sup>1</sup> Теше – русларнинг ер майдони бирлиги, ўлчами – десятинага боғлиқ ўлчам. 1 десятина – теше 1,09 гектарга тенг.

<sup>2</sup> Слободка – шаҳарга яқин жойлашган ёки шаҳар четига жойлашган қишлоқ.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Шарқий Туркистон халқларининг қўзғолониға нима сабаб бўлган?
2. Ёқуббек ва унинг давлати тўғрисида нималарни биласиз?
3. Дунганлар қўзғолони қаерда ва қачон бўлган?
4. Сарт-қалмоқларнинг Еттисувға қўчиши тўғрисида нималар ёдингизда қолди?
5. Дунганлар билан уйғурларнинг кўчиб келиши хусусида нималарни айтиб бера оласиз?
6. Қирғизистонға кўчиб келган халқлар қайси худудларда ўтроклашган?



*Қирғиз жангчилари*

## VII БОБ. ЖАНУБИЙ ҚИРҒИЗИСТОННИНГ РОССИЯ ТАРКИБИГА КИРИТИЛИШИ

20-§. Қўқон қўзғолони (1873 — 1876)

**Қўзғолон сабаблари.** XIX аср 60-йиллар охири 70-йиллар бошларида хонликдаги барча халқлар, хусусан, жанубий қирғизларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашиб кетади. Қўқон хонлигининг Россия вассалига айланиши бунга сабаб бўлади. Россия давлати билан курашган даврдаги мағлубиятлар, кўп минглаб аҳолиси ҳамда Тошкент, Чимкент ва Хўжанд каби бой шаҳарлари мавжуд катта ҳудуддан айрилиш хонликни жуда заифлаштириб, хазинасини бўшатган ва бошқа кўплаб сарф-харажатларга дучор қилган эди.

Тошбағир, қонхўр хон ҳамда унинг аъёнлари сарф-харажатларни халқ ҳисобига тўлдиришга интилиб, солиқлар сони ва миқдорини кўпайтирадilar.

*Турли жабр-зулмлар туфайли қирғизлар аҳволининг анча оғирлашиши, золим хон ҳокимиятига қарши озодлик ҳаракати ундаган.*

Қўқон хонлигига қараган бошқа ҳудудлардагидек Жанубий Қирғизистонда ҳам қонунсизлик, зўравонлик ва зулм ҳукм суриб, халқ норозилигини кучайтиради. Хоннинг қонхўр ҳоким ҳамда бекалари бегуноҳ аҳолининг қонини тўкиб, қириб ташлашдан ҳам қайтмаган. Қўқонлик сарбозлар қирғиз овуллари талон-тарож қилиб, қаршилик кўрсатган қирғизларни ўлдириб юбораверар эдилар. Ҳатто ёш қирғиз қизларини тортиб олиб, ўсмирларини эса қул қилиб сотиб юборар эдилар.

Қўқон хонлиги, айниқса, Худоёрхон замонида олиқ-солиқнинг сони кўпайиб, миқдори ўсади. Золимлиги ҳамда очкўзлиги билан халққа маълум ва машҳур бўлган Худоёрхон, салтанатининг охирги йилларида хазинасини бойликка тўлдиришга интилиб, солиқнинг кўплаб турларини ўйлаб топади. Масалан, 70-йиллар бошида Қўқон хонлигига тобе халқлар солиқнинг 20дан ортиқ турини тўлаб турган. Бу вақтда хонликда чорва солиғи, савдо-сотик солиғи, деҳқончилик, боғбонлик, кўмир, қамиш ҳамда ҳашак солиқлари мавжуд эди. Ҳатто тутантирик учун ҳар хил дарахтларнинг томирлари, мол тезагини тўплаганлик учун ҳам солиқ тўланар эди. Шуниси ажабланарлики, Худоёрхон ҳатто вафот этган киши мулкининг қирқдан бир бўлагини солиқ сифатида тўлаш одатини жорий қилган. Қиз куёвга чиқса ёки йигит уйланса солиқ тўлашга мажбур бўлган (10 танга, 2 сўм). Қирғизлар учун айниқса чорва закотини жуда оғирлаштириб, у аввалгисидан уч-тўрт ҳисса кўп ундирила бошланади. XIX асрнинг 30-йилларида 100 қўйдан бир қўй закотга тўланса, 50-йилларда 40 қўйга бир қўй, 70-йилларда эса 25 қўйга бир қўй чорва солиғи солинган. Булардан ташқари, ҳар бир оиладан учтадан қўй ва биттадан от ҳарбий солиқ сифатида тўпланган. Ҳарбий солиқ одатда уруш-даврида йиғилиши керак эди, бироқ

хон солиқчилари уни тинчлик пайтида ҳам тўплайверишар эди. Халқдан тўпланган ортиқча солиқ ҳисобига ҳоким, беклар ва солиқчилар (закотчилар) осонликча бойликка эга бўлар, уларнинг нафси борган сари ҳакалак отар эди. Айниқса, Худоёрхоннинг ўзи ҳаддан зиёд бойиб, унинг бойлиги 7 миллион сўмга (олтин ҳисобида) етган. Худоёрхон бешафқат ва қонхўр хон бўлган. Кейинги беш йил ичидаёқ (1866 — 1871) унинг буйруғига биноан 3000 кишининг ўлимга маҳкум этилгани бунга далилдир.

Қирғизлар учун хон қўшини сафида хизмат қилиш ҳам қийин иш, ҳам оғир синов бўлган эди. Чунки ҳарбий хизматнинг махсус белгиланган муддати ва чегараси бўлмаган. Жангчилар хизмат ўташга керакли от-улов, курол-яроғ ва бошқа нарсаларни ўзлари тайёрлашар эдилар. Тинчлик даврида жанублик қирғизлар хонга хизмат ўташ учун 500 отлиқ аскар жўнаиб туришарди. Уруш даврида эса хон қирғизлардан хоҳлаганча аскар олишга ҳаракат қиларди.

Ўзбек камбағал-бечоралари каби қирғиз камбағал-бечоралари давлат яъни хон фойдасига бепул ишлаб беришар эди: ариқ қазишар ва тозалашар, йўллар, кўприклар ва қалъалар қуришар ҳамда таъмирлашар эди. Уларнинг меҳнат шароитлари мураккаб, инсон чидай олмайдиган, турли юқумли касалликларга тез-тез чалиниб туришган.

Фарғона водийсидаги қирғизларга мансуб деҳқончилик учун қулай ерлардан қирғизларни суриб чиқариш уларнинг ҳаётига салбий таъсир этмай қўймади. Бундай хиёнаткорлик, қирғиз деҳқонларининг ерларини тортиб олиш Худоёрхон даврида, айниқса, кучайди.

Қўқон хони аксариат ҳолларда қирғизларнинг урф-одати ва расму-суми билан ҳисоблашмай шариятга таянган ҳолда хоҳлаганини қиларди.

*Жанубий қирғизлар яшаш шароитларининг тобора оғирлашуви, хон зулмининг кундан-кунга кучайиши, ҳоким ва бекларнинг жабр-ситамлари Фарғона, Олай ҳамда Андижон ҳудудларининг катта қисмини қамраб олиш хон ҳокимиятига қарши янги кўзғолоннинг бошланишига замин яратди.*

**Кўзғолоннинг бошланиши ва бориши (биринчи босқич, 1873 — 1874 й).** Тарихда Қўқон кўзғолони деб аталган жанубий қирғизларнинг энг йирик озодлик ҳаракати кенг ҳудудни қамраб олиб, унга 100 мингдан ортиқ киши қатнашди. 1873 йили бошланиб, 1876 йилгача чўзилган бу кўзғолонни тарихчи олимлар **икки босқичга бўлишади ва антифеодал, халқ озодлик ҳаракати сифатида баҳолашади.** Кўзғолоннинг **биринчи босқичида (1873 — 1874)** халқ оммаси бевосита Қўқон хонлигига қарши курашган. **Иккинчи босқичда эса (1875 — 1876)** иккала душманга қарши курашишга, яъни Қўқон кўшинидан ташқари подшо аскарлари билан ҳам олишишга тўғри келади. Чунки кўзғолонга чиққан халқнинг кескин зарбаларидан заифлашган Қўқон хонига кўп ўтмай чор ҳукумати ёрдам бера бошлайди. Қўқон хонлиги ўша вақтда чор Россиясининг вассали, унга ярим тобе давлат эди. Шу боисдан рус водийси меҳнаткаш халқ оммасидан кўра ёлғиз хон манфаатини аъло кўрган.

*Кўзғолоннинг дастлабки белгилари 70 - йиллар бошидаёқ пайқала бошлаган. Масалан, 1871 йил эрта баҳорда Сўх ҳудудида яшаётган қирғизлар ора-*

сида хон ҳокимиятига қарши ғалаёнлар бошланади. Ғалаёнга аста-секин бутун олайлик қирғизлар қатнашади. Кўп ўтмай бу тарафга Қўқон хони бош қўмондон **Ноиб Отабек** бошлик 2 минг сарбоз юбориб, ғалаёнларни куч билан аранг бостиради. Қўзғолон кўтарган халққа ибрат тариқасида қўрсатиш учун сарбозлар қўлга туширган 12 кишини хон Қўқонда ўлим жазосига ҳукм этади. *Аммо хоннинг бундай шавқатсиз ҳаракати қирғизларнинг норозилигини янада кучайтириб, уларни нафратлантириб, озодлик учун ҳал қилувчи куришга ундади.*

Олайлик қирғизларнинг ғалаёнлари Жанубий Қирғизистондаги умумхалқ қўзғолонининг дастлабки шарпасигина эди. Халқ озодлик ҳаракатининг қудратли тўлқини 1873 йилнинг баҳор-ёз ойларида бошланиб, тез орада кенг ҳудудга кулоч ёзади. **Қўзғолонга хон солиқларни кескин қўпайтириб юбориши баҳона бўлади.** 1873 йил баҳорида Худоёрхон Қўқоннинг жануби-шарқий тарафидаги қирғиз овулларида солиқчиларини юбориб, аввалгидан уч ҳисса кўп солиқ тўлашларини талаб қилади. Бунгача ҳар бир оилага биттадан қўй солиқ солинса, энди очкўз хон учтадан қўй талаб қилмоқда эди. Қирғизлар бундай хон солиғини тўлашдан бош тортиб, солиқ тўплагани келган маъмурларни калтаклашиб, улар йиғишга улгурган мол-мулкни тортиб олишади ва ҳатто айримларини ўлдириб қўйишади. Бу воқеа ҳақида хабар етиши билан Қўқон хонининг ғзаби қайнаб, аёвсиз жазолаш учун сипоҳлар қўшинини юборади. Ўша вақтда қўзғолонга олайлик қирғизлар ёппасига чиқа бошлаган эди. Кўп ўтмай қўзғолончиларга қипчоқлар ҳам қўшилишган. Бироқ сипоҳлар би-

лан бўлган жангда ёмон қуролланган қирғиз ва қипчоқлар мағлубиятга учрайди ва 20 минг қирғиз ҳамда 10 минг қипчоқ оилалари тоғ томонга чекинади. Дастлабки жангда мағлубиятга учрасада, золим хон ҳокимиятига қарши кўтарилган халқ курашни батамом тўхтатмайди. Қирғизлар билан қипчоқлар янги жангларга қатъият билан тайёрлана бошлашди. Тобора янги ҳудудларга ёйилиб бораётган халқ ҳаракатидан хавфсираган Худоёрхон қирғизларни ҳийла-найранг билан тинчлантиришни кўзлаб, тоғ орасидаги қирғиз овулларида **Абдураҳмон офтобачини** юборади. У бундан биров аввалроқ исломнинг муқаддас шаҳри Маккага бориб хожи бўлиб қайтган эди. Қирғиз ва қипчоқлар орасида унинг обрўси баланд эди. Абдураҳмон офтобачи қирғиз билан қипчоқларни курашни вақтинча тўхтатишга қўндиради. Унинг маслаҳатига биноан қирғиз ва қипчоқларнинг обрўли оқсоқолларидан иборат 40 киши хон ўрдасига музокаралар олиб бориш ҳамда халқнинг талаб-истакларини айтиш учун элчилар сифатида юборилади. Абдураҳмон офтобачи уларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига кафил бўлади. У Худоёрхонга элчилар айтган арзодларини тинглаб, юртига эсон-омон қайтариш ва қўзғолонга чиққан қирғиз ҳамда қипчоқларни тинч йўл билан муроसाга келтиришни таклиф қилади. Аммо қонхўр хон оқсоқоллар таклифларини ҳам рад этиб, номардларча элчиларнинг бошини олишни буюради. Хоннинг бу ҳатти-ҳаракати, шавқатсизлик билан қилган ваҳший жинояти оддий халқ ғзабини қайнатиб, унга нисбатан баттар нафратини оширади.

**Халқ ҳаракатининг кучайиши. Ўша фожеали воқеадан кейин**



**киргизлар Кўкон хонлигига қарши очиқдан очиқ кескин курашга отланадилар.** Икки тараф ўртасидаги қонли жанг 1873 йилнинг июль ойида бошланган. Кўзғолончилар Ўзган ва хоннинг махфий хазинаси жойлашган тоғ орасидаги Сўх қалъасини эгалладилар. Қирғиз ва кипчоқ қўшинлари хоннинг укаси Марғилон беги Муродбекнинг қўшинини тор-мор қилиб, Кўкон томон ҳужум қилишади. Оз фурсат ичида Ўзган, Ўш, Учкўрғон, Сузоқ ва Булоқбоши каби шаҳар, қалъа ҳамда қишлоқлар кўзғолончилар қўлига ўтади. Ўша ғалабаларга эришилган чоғда хоннинг 3 минг (айрим маълумотлар бўйича 5 минг) сарбози кўзғолончиларга қўшилиб кетади. Бундан ташқари, 300 аскар асирга тушади. Кўконда қолишдан хавфсираган Худоёрхон Марғилонга қочади ҳамда Абдурахмон офтобачи кўмондонлик қилган катта қўшинни кўзғолонни бостириш учун юборади. Бироқ, ҳар икки тарафдан тенг кўп талафотлар билан кечган бир неча жанглардан сўнг, Тўрақўрғонга яқин ердаги ҳал қилувчи олишувда офтобачининг қўшини оғир мағлубиятга учрайди. У тумтарақай қочган озгина аскар билан Кўконга чекинади.

Кўзғолон тобора янги ҳудудларга кулоч ёйиб, унга қирғиз ва кипчоқлардан ташқари ўзбеклар ҳам қатнаша бошлайди. 1873 йил куз ойларида жанубий қирғизларнинг деярли барчаси кўзғолонга чиқади. *Кўзғолон ниҳоятда кучайган кезде унга Жанубий Қирғизистонда яшаган 42 уруғ (132500 қирғиз оиласи) қатнашади. Бу ҳақиқий халқ озодлик ҳаракати эди. Унинг борishi жараёнида халқ ичидан таниқли йўлбошчилар чиқди. Улардан бири Мамир Мерган ўгли Андижон*



*Кўконлик сийёсий арбоблар:  
Абдурахмон офтобачи билан Иса*

қирғизлари ҳаракатига бошчилик қилади. Чотқоллик қирғизлар бошида эса *Момин Шомурзоқ ўгли* турган. Кўзғолоннинг яна бир йўлбошчиси *Пўлатхон (Мулла Исҳоқ)* бўлган.

**Мамир Мерган ўгли раҳбарлиги остидаги Андижон қирғизларининг исёни.** *Мамир Мерган ўгли* Андижонда туғилган экан. У 1873 йил баҳор-ёз ойларида Андижон қирғизларининг ғалаёнига раҳбарлик қила бошлайди. Кўзғолон кўтарган кушчу, мундуз, бағиш, басиз, қорабағиш уруғлари уни ўзларига йўлбошчи қилиб олишади. У дастлаб Хонобод шаҳрига ҳужум қилиб, уни қўлга киритади. Аммо, Кўкондан қўшимча ҳарбий куч келиб, ҳал қилувчи жангда мағлубиятга учраб 300 тача йигитидан ажралиб қолади. Ўшанда қўлга тушган қирғизларни кўконликлар ваҳшийларча жазолашган. Аҳолини қўрқитиш учун ҳар бир қишлоққа 5—7 асирни олиб келиб, козиққа ўтказиб, қийнаб ўлдиришган.

Сарбозлар аёлларни ҳам, болаларни ҳам аяб ўтиришмаган. Ҳатто ҳомиладор аёлларнинг қорнини ёриб, беғуноҳ гўдакларни чавақлаб ташлашдан ҳам қайтишмаган. Бу мағлубиятдан заифлашган қирғизларнинг бир қисми — 1700 оила Еттисув вилоятига қарашли ҳудудга, тоғ ичкарасига кўча бошлайдилар. Уларга кўқонлик зодагонлар вакил юбориб, ортга қайтишга насихат қилишади. Шундай қилиб, қочокларнинг анчагинаси ўз овулларига қайтиб келади.

1873 йил август ойининг ўрталарида Ўзган ҳудудида кўқонликлар қирғизларга тўсатдан ҳужум қилади. Бу гал қирғизлардан 40 киши ўлиб, 60 киши асирга тушади. Бирок, Кўқон хони қирғизларни бағамом тинчлантира олмайди. Кўзғолончиларнинг бир қисми кўзга яқин Тўғизтўрага, Мамир Мерган бошчилигидаги кичик гуруҳ эса Қорағулжага вақтинча кўчиб кетади. Келаси йили эрта баҳорда Мамир Мерган хон ҳокимиятига қарши қайта кураш бошлайди. У тез орада Ўзган ва Бозорқўрғонни эгаллаб, Андижонга ҳужум уюштиради. Бир вақтлар у Қашқар ҳудудидаги қирғизларни ҳам кўзғолонга жалб этиш ҳамда уларга таянишга ҳаракат қилгани маълум. Кўп ўтмай Кўқон хони Мамир Мерганнинг кўзғолонини бостириш учун яхши курулланган 2000 сарбоз жўнатади. **Аҳмадбек Ботирбоши** қўмондонлигидаги Кўқон қўшини қирғизларни Бозорқўрғондан суриб чиқарди. Бир гуруҳи асирга тушиб, мол-мулки ўлжа қилинган қирғизларнинг анчаси қайта Тўқмоқ уездидаги Қопқа дарасига кўчиб кетишга мажбур бўлишади. Кўзғолон даврида рус

ҳокимияти ҳар доим чор Россиясининг вассали бўлган Кўқон хонини кўллаб - қувватлаб туради. Чор амалдорлари қирғизларнинг ҳаракатини бостиришда хонга очикдан-очик ёрдам кўрсатишади. Масалан, 1874 йил 15 июнда Нориндаги рус ҳарбий ҳокими юборган қўшин Маъмур Мерган ўғлини ушлаб келиб, Тўқмоқ уездининг бошлиқлари кўлига топширади. Кейинчароқ Туркистон генерал-губернаторининг буйруғига биноан халқ қахрамони давлат учун хавфли душман сифатида Лепсинский станциясига сургунга ҳайдалади. Рус маъмурлари ундан жуда хавфсираб, қаттиқ назоратга оладилар.

**Пўлатхон. Момин Шомурзоқ ўғли бошчилигидаги кўзғолон.** 1873 йил ёзида Кўқон хонлигига қарши курашга кўтарилган қутлуғсаид, найман қабилаларига **Мулла Исҳоқ Ҳасан ўғли** (1844 — 1876) йўлбошчилик қилди. У ўзини Олимхоннинг набираси **Пўлатхон** деб атайти. Унинг отаси ичкилик қабиласининг бўстон уруғидан бўлган Ҳасан деган киши эди. Ҳасан бир вақтлар Марғилондаги “Оқ мадраса”да мударрислик қилган. Исҳоқ отасининг йўлидан бориб, дастлаб бошланғич диний мактабда, кейин Кўқон ва Марғилон мадрасаларида ўқиган билимдон киши бўлган. Бир неча йил Ўхна қишлоғида, бўстон уруғи орасида яшганлигидан у хон ҳокимиятининг азобларини тортган қирғиз қариндошларининг ўй-мақсад ва орзуларини яхши биларди. Шунингдек, у хон ўрдасидаги аянчли воқеалар ҳамда хонликдаги сиёсий аҳволдан етарли хабардор эди. Чунки у Андижон ва Тошкент шаҳарларида ҳам яшаган эди. Шунчалар бой ҳаётий тажрига эга у кўзғолон бошланганда

Исҳоқнинг озодликка интилган халқ йулбошчиси бўлиб қолишининг асосий сабабчиси бўлса ажаб эмас. Бундан ташқари, уни Чотқолга яқин орадаги Олабуқа, Нанай, Кўкжар, Мамай ва Сафед Булон қишлоқларининг оксоқоллари Пўлатхон сифатида қабул қилишган. Шундан сўнг кўзғолончилар Пўлатхон бошчилигида Наманган сари йўл оладилар. Сафед Булон ва Олабуқа ўртасида исёнчилар хон юборган жазоловчи қўшинга ҳужум қилиб, уни катта талафотга учратадилар. Кўкумбой ва Юмалокшайх қишлоқларининг аҳолиси ҳам Пўлатхон тарафига ўтади. Худоёрхон Наманган, Тўрақўрғон ва Янгиқўрғон шаҳарларидан янги куч йиғиб, Пўлатхонга қарши жангга юборади. Хон аскарлари сон ва қурол-яроғ жиҳатидан кўзғолончилардан анча устунлик қиларди. Аёвсиз жанг Қўқон лашкари фойдасига ҳал бўлгач, Пўлатхон Чотқол томон кетишга мажбур бўлади. Ўшандан кўп ўтмай лайлаклик кирғизлар кўзғолон кўтаришади. Кўзғолон бошланиши биланоқ Қўқондан келган қўшинни тор-мор қилган кирғизларни жазолаш мақсадида хон Лайлакка Абдурахмон офтобачи бош бўлган 1000 аскарни шошилиш тарзда юборади. У дастлаб маккорлик билан халқни алдаб тарқатиб юбориб, кейин 400 кишини қўлга тушириб Қўқонга ҳайдаб келади. Хон уларни ўлим жазосига маҳкум этади.

**Чотқолдаги кўзғолон.** Июлнинг охирида Чотқол кирғизлари зolim хонга қарши ҳал қилувчи курашга отланадилар. 10 мингча киши қатнашган бу ҳаракатга *Мўмин Шомурзоқ ўғли* билан Пўлатхон раҳбарлик қилишган.



*Пўлатхон*

Кўзғолончилар Чотқолдан Олабуқа худуди орқали Косон шаҳри томон жўнаб, йўлда Чортоқ ва Янгиқўрғон қалъаларини эгаллашади. Косон ҳокими Тўрақўрғонга қочиб кетгач, шаҳар аҳолиси кирғизларга қўшилади.

Кундан-кунга кучайиб бораётган халқ ҳаракати хоннинг шаштини қайтаради. Сабри тугаб, иложсиз қолган Худоёрхон аскарларининг деярли барчаси (7 минг сипоҳ, 1000 сарбоз)ни кўзғолонни бостиришга юборади. Ёмон қуролланган, пухта ташкил қилинмаган ва етарли тайёргарлик кўрмаган оддий халқ хоннинг мунтазам аскарлари билан бўлган жангдамағлубиятга учрайди. Тўрақўрғон ёнида бўлган жангда Мусулмонқул ўлади. Пўлатхон эса Қўқоннинг шимолий-ғарбий томонига тоғлар оралаб қочиб қутулади. Мўмин Шомурзоқ ўғли бўлса Чотқолга қайтади.

Ўша воқеалар вақтида Туркистон генерал губернатори очикдан-очик Қўқон хонини қўллаб-қувватлади. Унинг буйруғига мувофиқ Авлиёота уездининг ҳокими маҳаллий бир неча бўлисни Мўмин Шомурзоқни топиб тутиб келиш учун Чотқолга юборди. Улар ортидан Чотқолга казаклар қўшини келади ва халқ йўлбошчиси ушланиб, 1874 йил 24 августда Авлиёота турмасига қамалади. Аммо кўзғолончи қирғизлар хон аскарларига қарши курашни тўхтатишмайди. Масалан, Абдурахмон офтобачи қўмондонлик қилган қўқонлик аскарлар билан қирғизлар ўртасидаги кейинги жанг сентябрда Наманганнинг шимолидаги Қизилтўғай деган ерида бўлади. Бу жанг кўзғолончиларнинг тўлиқ мағлубияти билан тугаган. Орадан кўп ўтмай Қўқон хонлиги Чотқол ҳудудидаги халқ ҳаракатини куч ишлатиб бостиришга муваффақ бўлади. Шундай қилиб, 1874 йил ноябрь ойининг ўрталарида Қўқон хонлигига қарши қирғизлар халқ озодлик курашининг **биринчи босқичи** якунланади. Кўзғолонни бостиришда хоннинг жазоловчи аскарлари ваҳшийликнинг намуналарини кўрсатиб, ҳеч ким, ҳатто болалар, аёллар, чол-кампирлар-

ни ҳам аяб ўтиришмайди. Кўплаган овуллар ва кишлоқларни талаб, уларга ўт қўйиб, юзлаб одамларни дорга осишади. Қирғиз овуллари қирғин қилиб, кўзғолончиларни аёвсиз жазолашда кўрсатган хизматлари ҳамда қонхўр хонга бўлган садоқати учун Абдурахмон офтобачига *парвоначи унвони* берилади.

*Худоёрхоннинг зулмига қарши қирғизларнинг кўзғолони куч билан бостирилишига қарамасдан, Қўқон хонлигини анча заифлаштиради.* Халқ ҳаракати бутунлай тўхтаб қолмади. Қишнинг келиши, довларга қалин қор тушиб йўлларнинг ёпилиши, ўзаро қатновнинг қийинлашуви қирғизларни вақтинча тинчланишга мажбур қилади. Улар келажакда бўладиган кўплаган жангларга тайёргарлик кўраверишди.

*Кўзғолоннинг боришида рус маъмурлари, рус подшоси хонга ён босиб, ёрдам кўрсатиши, унинг манфаатларини ҳимоя қилишига қирғизлар бутунлай ишонч ҳосил қилишди. Шу боисдан улар бундан кейин рус подшосига, чор ҳукуматининг душманлик ҳаракатларига ҳам қарши курашмоққа аҳд қилишди.*

### Савол ва топшириқлар:

1. Қўқон кўзғолонига нималар сабаб бўлган?
2. Кўзғолон қандай ва қаерда бошланган?
3. Кўзғолон қай тарзда кучайган?
4. Кўзғолон боришининг босқичларга бўлиниши ҳақида айтиб беринг.
5. Андижон қирғизларининг кўзғолони тўғрисида нималарни биласиз? Мамир Мерган ўғли ким бўлган?
6. Чотқолдаги кўзғолонни қисқача таърифлаб беринг.
7. Пўлатхон ва Мўмин Шомурзоқ ўғли тўғрисида айтиб беринг.

**Халқ ҳаракатининг янги тўлкини.** Қўзғолоннинг иккинчи босқичи 1875 йил июль ойининг ўрталарида Ўзган шаҳри атрофидаги қирғизларнинг янги ҳаракати билан бошланади. Худоёрхоннинг золимлиги, халққа нисбатан зулм ва зўравонликнинг кучайиши қўзғолоннинг янгида авж олишига сабаб бўлади. Очкўз хон эски одати бўйича солиқнинг янги турларини ўйлаб топиб уни ортиғи билан ундиришда давом этаверган. Айниқса, қирғизларнинг аҳволи оғир бўлган эди. 1874 йил кузида, қирғизларга қўзғолон кўтаргани учун жарима сифатида қўшимча солиқ солинган. Илгаридан тўлаб келган закотдан ташқари қирғизларга ҳарбий хизмат ўташ учун қурол-яроғ билан таъминланган йигитлардан иборат катта қўшин юбориш мажбурияти юкланди. Хоннинг бундай зулми халқ норозилигини кучайтириб, қайта кураш бошлашига туртки берди. Қирғизлар билан қипчоқлар фаол қатнашган бу умумхалқ қўзғолонига **Пўлатхон** бошчилик қилди. Ҳаракатга ўзбеклар ҳам қатнашган.

**Лайлаклик қирғизларнинг ҳаракати.** 1875 йил бошида **Пўлатхон** Чотқолдан хонликнинг жануби-ғарбий томонидаги **Лайлак** ҳудудига келиб, маҳаллий қирғизлардан қўшин тўплай бошлайди. Бу вақтда лайлаклик қирғизлар орасида хон ҳокимиятига қарши янги ғалаёнлар бошланган эди. Аммо, қирғиз ва ўзбек меҳнаткашларининг хон зулмига қарши кескин кураши июль ойига тўғри келади. Ўша вақтда қўзғолон Ўш ва Ўзган шаҳарларигача кенг ҳудудга қулоч ёйиб, ҳақиқий умумхалқ ҳаракатига айлана-

ди. Унда халқнинг турли қатламлари: дехқонлар билан чорвадорлар, савдогарлар билан хунармандлар, феодаллар билан диндорлар иштирок этган.

Қўзғолонни тез орада бостириш учун, Худоёрхон Абдурахмон офтобачи ва бошқа саркардалар бошчилик қилган 4 минг аскар юборади. Аммо, хон аскарлари июлнинг ўрталарида Учқўрғон қишлоғига келгач, қўзғолончилар томонига ўтиб кетади. Улар ортидан Худоёрхонга унинг ёлғиз ўғли, Андижон вилоятининг беги Насриддин хоинлик қилиб, 5 минг аскари билан қўзғолончиларга қўшилади. Кўп ўтмай қўзғолончилар томонига хоннинг укаси, Марғилон беги Султон Муродбек ҳам ўтиб кетади. Шунинг таъкидлаш керакки, улар ҳар бирининг яширин мақсадлари, хонга нисбатан ўзаро гина-қудратлари бор эди. Энг асосийси уларнинг ҳаммаси озодлик учун курашга чиққан халққа таяниб, ҳокимиятга эришиш ҳамда хон тахтини эгаллашга интилиб, ўз манфаатини ўйлашган. Вақтинча қўзғолончиларга қўшилгани билан хонзодалар ва хоннинг саркардалари халқнинг орзу-тилаklarини рўёбга чиқармоқчи эмасдилар.

Ўзбек, қирғиз ва қипчоқлардан ташкил топган қўқонликлар қўшинининг кўпчилик қисми қўзғолончиларга қўшилиб кетиши қўзғолонни янада кучайишига шароит яратади. Натижада қисқа вақт ичида қўзғолончилар Ўш, Наманган, Андижон, Асака ва Марғилон шаҳарларини эгаллаб, ўрда шаҳри Қўқонга яқинлашиб келишади.

**Насриддинхоннинг ҳокимияти.** Қўзғолонни тўхтата олмаслигига кўзи етган Худоёрхон 20-июлда Турки-

стон генерал-губернатори Кауфманга киши юбориб, Қўқонга тезроқ рус аскарларини юборишларини илтимос қилади. Аммо, хон ёрдам келишини кутмасданок, 22 июлда Қўқондан чиқиб кетаётган рус элчилари билан бирга аскарлар ҳамроҳлигида Хўжанддаги рус маъмурлари хузурига шошади. Орадан кўп ўтмай кўзғолончилар Қўқонни эгаллаб, анъана бўйича шахзода Насриддинбекни хон деб эълон қилишади. Пўлатхонни эса Абдурахмон офтобачи бош бўлган феодал зодагонлари Маҳрам қалъасига қамаб қўйишган. Кейинчароқ у қамокдан қочиб чиқиб, Чотқолга кетади.

Насриддин Қўқонда хон қилиб қўтарилгандан кейин Абдурахмон офтобачи билан бирга кўзғолонда иштирок этган халққа таяниб, хонликнинг тўла мустақиллиги ва собиқ чегарасини қайта тиклаш учун, чор Россиясига қарши кураша бошлайди. Аммо, Насриддинхон ва унинг аъёнларининг бундай ҳаракатлари муваффақиятсиз яқунланди. Чунки чор аскарлари қурол-яроғи, сони ва тайёргарлиги жиҳатидан анча устунлик қилган ҳамда уларни кўплаб жангларда тобланган тажрибали саркардалар бошқарган. Шу боисдан Кауфман бошқарган рус аскарлари Маҳрам қалъаси ёнида хон қўшинига зарба бериб, 29 августда Қўқонни эгаллайдилар. Сентябрь ойида чор аскарлари жангсиз Марғилонни эгаллайди. Полковник М. Д. Скобелев бошқарган қўшин Абдурахмон офтобачининг қўшини ортидан эргашиб қувиб бориб, Мингтепада бўлган жангда ғалабага эришади. Сўнг Скобелев Ўш шаҳрига кириб боради. 22 сентябрда тузилган янги битим бўйича Қўқон хонлиги Россияга аввалгидан ҳам кўпроқ тобе бўлиб қолди. Битим шартларига мувофиқ Қўқон хон-

лиги катта микдорда, 1876 йилдан бошлаб йилига 500 минг сўм товон тўлайдиган, Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Қўқон хонлигининг мулклари Россия қарамоғига ўтадиган бўлди. Янгидан Россия тасарруфига ўтган Наманган худудининг ҳокимлигига кейинчароқ полковник Скобелев тайинланади. 28 банддан иборат мазкур шартнома чор Россияси томонидан тузилган талончилик мазмунидаги битим эди. У қирғиз, кипчоқ, ўзбек ва бошқа халқлар устидан зулмни кучайтириб, улар аҳволини багтар оғирлаштиради. Натижада рус маъмурлари билан муносабат ўрната бошлаган Насриддинхоннинг эл-юрт ичида обрўси тушиб, ундан норози бўлган халқ қайта кўзғолон кўтаради.

**Пўлатхоннинг хон қилиб қўтарилиши. Хон ҳокимияти ва унинг хомийси бўлган рус ҳокимиятига қарши халқ ҳаракатига яна Пўлатхон бош бўлди.** Насриддинхоннинг хонлик ҳокимиятини тан олишдан бош тортган қирғиз ва кипчоқ зодагонлари Андижон яқинидаги Бўтақора қишлоғида тўпланиб, Пўлатхонни қадимий анъаналарга мувофиқ оқ кигизга ўтқазиб хон қилиб кўтаришади. Ўшанда Туркистон генерал-губернатори Кауфман хонлик халқига махсус чакириқ билан мурожаат этиб, Пўлатхонни ушлаб бериш ҳамда Насриддинхонга бўйсуниб қўмак кўрсатишни талаб қилади. Ўша вақтнинг ўзида Кауфман кўзғолонни тезроқ бостириш учун Андижонга генерал-майор Троицкийнинг йирик ҳарбий қисмини жўнатади. Рус аскарларига қарши курашиш мақсадида Андижонга йиғилган 70 мингга яқин ўзбек, қирғиз ва кипчоқлар душманга қаттиқ қаршилиқ кўрсатиб, беаёв жанг қилган. Аммо, тайёргарлиги заиф, қурол-яроғи қоқоқ ҳамда яхши

уюшмаган кўзғолончилар пировардида мағлубиятга учраб, Андижон шаҳри душман қўлига ўтади.

Аммо, халқ ҳаракати хонликнинг бошқа ҳудудларида давом этаверди. Айниқса, Асака кишлоғи жойлашган ҳудуд кўзғолоннинг марказига айланиб, бу ерга ҳар тарафдан халқ оқиб кела бошлади. Асакада вақтинча яшаб турган Пўлатхон қисқа фурсат ичида 12 минг отлик аскар тўплайди. Уларнинг асосий қисмини қирғизлар ташкил этган. Кўп ўтмай Пўлатхоннинг қўшини Файзобод ёнида Насриддинбек жўнатган Султон Муродбекнинг аскарларини тор-мор қилади. Андижон яқинидаги жангда у рус аскарларига зарба беради. 9 октябрда Пўлатхон раҳбарлигидаги кўзғолончилар хон аскарлари билан охириги марта жанг қилиб, ғалабага эришдилар ва бир неча кундан кейин Қўқонни эгаллайдилар. Насриддинхон эса рус маъмурлари паноҳида, Хўжандга кочиб кетади. Ўрда шаҳри ва унинг атрофидаги кишлоқлар аҳолисининг хонга қарши ғалаёнлари ҳам ғалаба оларининг тезлашига хизмат қилади.

**Кўзғолоннинг бостирилиши. Қўқон хонлигининг тугатилиши.** Кундан-кунга кучайиб бораётган умумхалқ ҳаракати чор амалдорларини хавфсираптиб, шаштини пасайтиради. Шу боисдан Туркистон ҳудудидаги рус маъмурлари, кўзғолонни батамом бостириш мақсадида, шошинч чоралар кўра бошлашди. Масалан, Туркистон генерал-губернатори чор ҳукуматиغا Қўқон хонлигини тугатиш, хонлик ҳудудини Россияга тўла бўйсундириш ҳамда рус ҳокимиятига қаршилик кўрсатган ҳудудларга йирик ҳарбий қисмлар киритишни таклиф қилади. Чор ҳукумати бу таклифни қўллаб-қувватлаб, тез орада кўзғолонни бостириш ва хонликни



*Генерал К. П. Кауфман*

Россия таркибига киритиш тўғрисида Туркистон ҳокими К. П. Фон Кауфманга кўрсатма берган. Шу мақсадда Кауфман Иккисув оралиғига генерал М. Д. Скобелев кўмондонлиги остида яхши қуролланган чор аскарларининг юришини ташкил қилади. Уларга Норин ва Қорадарё оралиғидаги ҳудудда қирғиз ва кипчоқларни талон-тарож қилиш ҳамда аёвсиз жазолаш вазифаси юкланган. Зеро, шу ҳудуднинг аҳолиси халқ ҳаракатиға фаол қатнашиб, кези келганда Қўқон хони ва рус ҳокимиятиға қаттиқ қаршилик кўрсатган. Юриш 1875 йил 25-декабрда бошланиб, келаси йилнинг январь ойи охириларигача чўзилади. Унга 3 мингга яқин аскар қатнашган. Шу ҳужум даврида Скобелев қўшини Иккисув оралиғидаги қирғиз ва кипчоқларнинг кишлоқлари – Сармоқ, Пойтуғ, Хўжаобод, Окмозор, Лугумбек, Қораянтоқ, Хайробод, Кафанқишлоқ, Ёлғизбоғ ва бошқа кишлоқларни талон-тарож қилиб, уларга ўт кўйиб юборади. *Рус аскарлари билан маҳаллий аҳоли ўртасида аёвсиз жанг Андижон яқинида бўлиб ўтади.* Бу жанг ҳам чор аскарларининг ғалабаси билан якунланиб, 1876

йил 9 январда Андижон шаҳри иккинчи марта рус ҳукуматиға бўйсундирилади. Тарихий маълумотларға қараганда, Андижонни ҳимоя қилиш учун бўлган жангда 1000дан зиёд киши ҳалок бўлган. Шу воқеалардан сўнг Абдурахмон офтобачи бош бўлган айрим аслзода зодагонлар курашни тўхтатиб, рус подшосига тобе бўлишади. Пўлатхон эса ўжарлик қилиб курашни давом эттираверди.

1876 йил 28-январда чор аскарлари Пўлатхоннинг сўнги таянчи бўлган Учқўрғон истехкомиға тўсатдан ҳужум қилиб, уни истехкомдан суриб чиқаради. Кўп ўтмай кўзғолоннинг йўлбошчиси Исфара дарасида хоинлик туфайли қўлга туширилиб, 19 февралда Андижондаги рус маъмурлариға топширилади. Ҳарбий суд қарорига биноан, уни 1 мартда Марғилонда дорға осиб ўлдиришган. Пўлатхонни дорға осишда майдонға одам сиғмай кетганлигидан атрофни аскарлар қуршаб, аҳолини тўсиб туришган.

*Шундай қилиб, ҳаракат пировардида мағлубият билан тугади. Чунки у асосан тарқоқ ҳолда олиб борилиб, олдиндан яхшилаб режаслаштирилмаган эди. Кўзғолонға умумий раҳбарлик йўқ эди. Ҳар бир гуруҳға алоҳида раҳбарлик қилиниб, улар кўп ҳолларда ўзаро келишмасдан, тарқоқ ва тартибсиз равишда ҳаракатланишган. Оддий халқнинг,*

ҳатто уларнинг йўлбошчиларининг ҳам махсус ҳарбий тайёргарлиги йўқ эди. Кўзғолончиларнинг қурол-яроғи ҳам ёмон, бунинг устиға етарли бўлмаган. Кўзғолоннинг мағлубиятиға айрим феодаал зодагонларининг ички низолари ҳамда хоинлиги ҳам сабаб бўлган.

*Кўзғолон мағлубият билан якунланишида унинг тарихий аҳамияти катта. Қўқон кўзғолони XIX асрдаги қирғизлар озодлик ҳаракатининг энг йириги, қудратлиси ҳамда юксалиши эди. Кўзғолон даврида қирғизлар анча тобланиб, озодлик учун кураш тажрибасини бойитишди. Айнан ўша умумхалқ кураши Қўқон хонлигини жуда заифлаштириб, унинг кейинги тақдирини белгилаб берди.*

Кўзғолон бостирилгач, Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ҳудудида, 1876 йил 19-февралдаги рус подшосининг фармониға мувофиқ, Фарғона вилояти ташкил этилади. Жанубий Қирғизистонни ҳам қамраб олган янги вилоят 1867 йили ташкил қилинган Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган. Янги вилоят ҳарбий губернатори лавозимиға Фарғона ҳудудини Россияға бўйсундиришда анча хизмат кўрсатган генерал - майор М. Д. Скобелев тайинланган.

?

### Савол ва топшириқлар

1. Халқ ҳаракатининг иккинчи босқичида нималар характерли ва у қайси ҳудудларни қамраб олган?
2. Насриддинбек қандай тарихий вазиятда ҳокимиятға келган?
3. Пўлатхоннинг хонқилиб кўтарилиши тўғрисида айтиб беринг.
4. Кўзғолон қандай якунланди?
5. Қўқон хонлиги нима учун парчаланиб кетди?
6. Кўзғолон нима учун мағлубиятға учради ва унинг тарихий аҳамияти нимада?



## 22-§. Жанубий Қирғизистон бўйсундирилишининг тўла тугалланиши

Олайлик қирғизларнинг Россияга бўйсундирилишининг бошланиши. Қурвонжон додхоҳ. Қўкон хонлиги тугатилган вақтда Жанубий Қирғизистоннинг тоғли худудлари, Олай ва бошқа айрим водийлар ҳали рус давлатига тобе эмас эди. Олайда қирғизларнинг мўнғуш, адигине, ичкилик қабилалари яшар эди. Уларнинг умумий сони 15 — 17 минг оила ёки 75 минг кишига яқин эди. Олайлик қирғизлар бунгача Қўкон хонини унча менсимай, хон ҳокимиятига номигагина бўйсуниб келганлар.

Қўкон хонлиги Россияга бутунлай бўйсундирилгандан кейин олайлик қирғизлар рус ҳокимиятига тобе бўлишни истамай, мустақиллигини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади. Шу боисдан улар Олайга хужум қилишган чор аскарларига кескин қаршилиқ кўрсатишди. Бу вақтда Олай водийсида *таниқли Алимбек додхоҳнинг бева-си Қурвонжон додхоҳ* (1811 — 1907) ҳукмдорлик қилган. Алимбек додхоҳ эса 1862 йили Қўконда хон ўрдасидаги навбатдаги сарой фитнаси пайтида халок бўлганлиги сизларга маълум. Бир гал (1863 йил) Худоёрхонга ёрдам бериш учун Ўшгача келган Бухоро амири Саид Музаффар Қурвонжоннинг ақл-заковати ва тадбиркорлигидан мамнун бўлиб, унга додхоҳ унвонини берган эди. Қурвонжон додхоҳ 1811 йили мўнғуш уруғидан чиққан Маматбой деган ўртаҳол кишининг оиласида туғилган. Уни 1829 йили, 18 ёшлигида турмушга чиқаришади. Қурвонжонни куёви (Кул Садиёр ўғли)дан кўнгли совиб, тўйдан сўнг 3 йил ўтгач ажра-

шади ва 1832 йили Олай ҳокими Алимбек додхоҳга куёвга чиқади. Шундан сўнг Қурвонжон ҳар доим Алимбек додхоҳнинг вафотигача унинг энг яқин маслаҳатчиси ҳамда вафодор рафикаси бўлиб қолган.

Бир вақтлар Қурвонжоннинг ақли теранлиги ва зийраклиги туфайли Алимбек додхоҳ бир неча марта қўконлик хонини маъмурлар томонидан унга қарши уюштирилган фитналардан қутулиб кетиб, ажалдан омон қолган. Кейинчароқ, Худоёрхон иккинчи марта ҳокимият тепасига келганда, Қурвонжон Қўконга-ўрдага боради. Ўшанда хон уни яхшилаб қутиб олиб, Олайдаги ҳокимиятини ва додхоҳ унвонини тасдиқлайди. Унинг ўғли Абдуллабек эса Ўшнинг ҳокими қилиб тайинланган. Бухоро амири билан Қўкон хони каби Қашқарнинг хони Ёқуббек ҳам Қурвонжонга ҳурмат бажо келтириб, ҳар йили кўплаб совға — саломлар билан элчиларини юбориб турган.

Қурвонжон додхоҳни ўз халқи ҳам муносиб кадрлайди, халқ орасида унинг ҳурмат-обрўси жуда баланд эди. У ҳар доим адолат, ҳақиқат учун курашган ва халқнинг осойишталиги ҳамда иттифоқи учун жонини ҳам аямай хизмат қилган. *Қурвонжон додхоҳ донишманд ва ўтқир сиёсатчи, қўшни давлатлар билан муносабатларни тўғри йўлга сола оладиган, элчиликнинг сирларини яхши ўзлаш-тирган доно йўлбошчи бўлган.*

Мустақиллик учун кураш. Абдуллабек, Умарбек. Қўкон хонлиги



*Курвонжон додхоҳ (1811 — 1907)*

Россияга бўйсундирилгач, олайлик қирғизларнинг чор аскарларига қарши мустақиллик учун курашига додхоҳ ойимнинг Абдуллабек ва Умарбек исми фарзандлари бошчилик қилдилар.

Дастлаб олайлик ва гулчалик қирғизлар, рус мустамлакачиларидан олис бўлиш мақсадида, тоғларга кўчиб кетишади. Ўз эл-юрти билан бирга Курвонжон додхоҳ ҳам Қашқарга чегарадош Кўксув водийсига кўчади. Аммо, янги юртга кўникмай, улар Олайга қайтишга мажбур бўлишади. Чунки қашқарлик маъмурлар додхоҳ ойим ва унга эргашиб келган ватандошларининг беҳад мол-мулкига тажовуз этиб, талон-тарож қила бошлайдилар.

Туркистондаги рус маъмурлари олайлик қирғизларга очикдан-очик тайзик кўрсатиб, тез орада тобе бўлишни талаб қилишган. Уларнинг бундай зўравонлиги қирғизларнинг баттар ғазабини қайнатади ҳамда чет эллик босқинчиларга қарши кескин кураш-

га чорлайди. Масалан, 1876 йил март ойида Туркистон генерал-губернатори Олайга янги ҳудудларни бўйсундириш ва халқ ҳаракатларини аёвсиз бостириш бўйича бой тажрибага эга генерал-майор М. Д. Скобелевни юбориб, қирғизлардан уч кунлик мухлатда бўйсунуш ва ҳар бир оила солиқ тўлай бошлашини талаб қилади. Агар қирғизлар бу талабларга кўнмаса, уларни куч ишлатиб мажбурлаш тўғрисида М. Д. Скобелевга кўрсатма берилган эди. Хуллас, қирғизлар ўз хоҳиши билан русларга итоат қилмайди. Эл-юрт муқаддас ерларини чор аскарларидан жонини тикиб бўлса-да муҳофаза қилишни афзал кўради.

Генерал М. Д. Скобелев кўмондон-лигидаги чор аскарлари 21-мартда Ўшга келади. Кўп ўтмай улар билан олайлик қирғизлар ўртасида беаёв жанглар бошланади. 24-апрелда М.Д.Скобелев 390 аскари билан Гулчадан чикиб, Абдуллабек бошчилик қилган қирғизларнинг қароргоҳи бўлган Жангириқ дараси, Терак довони томон йўлга тушади. Жангириқ дарасининг юқори қисмида Абдуллабекнинг кўшини пистирмада турган эди. Бу ерда томонлар ўртасидаги жанг 3 соатча давом этди. Олишувда иштирок этган 1500 қирғиз йигитларидан 150 тачаси ҳалок бўлади. Эртаси М.Д.Скобелев кўп куч сарфлаб ва хийла-найранг ишлатиб, айланма йўл орқали тўсатдан хужумга ўтиб муваффақият қозонади ҳамда қирғизларни Сўфикўрғонгача суриб ташлайди. Жангдан сўнг М. Д. Скобелев Гулчага қайтади. Абдуллабек эса қолган йигитлари билан Қизилорт довони томонга чекиниб, сўнг Помир тоғларига ўтиб кетади.

**Подшо аскарларининг Олайга юриши** Олайлик кирғизларни Россияга бутунлай бўйсундириш учун Туркистон генерал-губернатори К.П. Фон Кауфман июль ойининг ўрталарида олис яйловлардаги кирғизларнинг қароргоҳларига “Олай” ҳарбий юришини ташкил қилади. Бу юришни бир вақтнинг ўзида жазоловчи ва илмий-текшириш йўналишидаги тадбир сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Юришга М. Д. Скобелев бошчилик қилган. Юриш бошланган (15-июль)да чор аскарлари Олайга уч томонлама-Ўш, Учкўрғон ва Гулчадан йўлга чиқишган. Ўша вақтда Абдуллабекнинг 2 минг кишилик қўшини Ўшдан 40 чақирим наридаги Шоти худудида пистирма қўйиб, чор аскарларини Олайга ўтказмасликка ҳаракат қилган.

Кундан-кунга кирғизларнинг ҳаракати кучайиб бораётганлигини сезган М. Д. Скобелев тинчлик музокараларини олиб бориш орқали йўлга солиш мақсадида *Шабдон Жонтой ўглини* Абдуллабек ҳузурига юборади. Аммо, элчининг гапига у кўнмайди. Ўшанда халқ қахрамонининг қўшинини бутунлай тор-мор қилиш учун полковник Витгенштейннинг қисмлари янги хужумга отланади. 29-июлда улар Қизиларт доvonига етиб келиб, Абдуллабек қўшинига хужум қилиб, уни чекинишга мажбур этади. 31-июлда олайлик кирғизларнинг бир неча бийи М.Д.Скобелевга бўйсунушга мажбур бўлади. Ўжарлик қилиб қаршилик кўрсатганлиги учун жазо тарикасида у олайлик кирғизларга 1,5 ҳисса кўп солиқ солиб, йўл қурилишида ишлашга сафарбар этади.

Витгенштейн қўшини август ойининг бошларида Абдуллабек ордидан изма-из кувиб Помирга кириб боради ва Қоракўлдан қайтади. 28-августда “Олай” юришига қатнашган чор аскарлари Қорақозик доvonи орқали Қўқонга қайтади. 8 сентябрда Сўхга яқин тоғдаги Айланма деган жойда Витгенштейн қўшини билан Абдуллабек йигитлари сўнгги марта жанг қилиб, қурол-яроғи ҳамда тайёргарлиги бўйича анча устунлик қилган ёвдан мағлубиятга учрайди. Рус аскарларининг “Олай” сафарида Шабдон Жонтой ўгли 30 дан ортик йигити билан қатнашиб, Олай кирғизларини Россияга бўйсундиришда рус маъмурларига кўмаклашди. У Абдуллабекни асирга тушириш учун бир неча марта ҳаракат қилади. Аммо, чор аскарлари каби у ҳам Абдуллабекни қўлга тушира олмайди. У укалари Мамитбек, Асанбек ва бошқа ёр-биродарлари билан Қоракўлдан Чўнгсув дарасига ўтиб, кейин Туоқсув дараси орқали Қашқар, Шуғнон тарафларга, сўнг Афғонистонга ўтиб изини яширишга мажбур бўлган. Ўша йилиёқ у Маккага ҳаж сафарида жўнаб, йўлда вафот этади. Унинг жасадини кейин Гулчага олиб келиб кўмишган.

Халқ орасида нуфузи баланд, тегран ақлли Қурвонжон додхоҳни жалб этиб, кирғизларни тинчлантириш учун М. Д. Скобелев янги ташкил этилган Ўш уездининг ҳокими П. П. Ионовга додхоҳ ойим билан музокаралар олиб боришнн буюрган. П. П. Ионов додхоҳ ойимни қариндоши Исмадёрбийнинг овулидан топиб, М. Д. Скобелев ҳузурига юборади. Рус маъмури билан учрашиб, юзма-юз бўлишига додхоҳ



*Подшоҳ аскарлари Олай водийсида XIX аср, 70 йиллар*

ойимнинг ўғли Қамчибек, набираси Мирзафаёз ва бошқа яқинлари биргаликда борадилар. Қурвонжоннинг кўнглини олиш, унинг элини қўлга олиш билан баробар эканлигига кўзи етган Фарғонанинг маккор харбий губернатори додхоҳ ойимни илиқ қабул қилиб, хурмат бажо келтиради. М. Д. Скобелев шарқ урф-одатларини хурмат қилган ҳолда Қурвонжон додхоҳга шахсан олтин идиш ҳады қилиб, устига кимхоб чопон ёпади ва уни *Олай маликаси* деб эълон қилади. Шу билан бирга у додхоҳ маликадан қирғизларни рус ҳукуматига бўйсунтиришга даъват этишини илтимос қилиб, агар ўғиллари курашни тўхтаиб Олайга қайтишса, “гуноҳ”ларини афв этишга ваъда берган. Қурвонжон додхоҳ бу таклифга ноилоҳ рози бўлган. Чунки кўп марта олиб борилган тенгсиз жангларда анча талофот

қўриб кучсизлашиб қолган эл-юрт тобора янги қўшинлар билан тўлдирилиб бораётган чор аскарларининг сиқувларига дош бера олмас эди.

Шундай қилиб, кўплаб қурбонлар эвазига ниҳоят олайлик қирғизлар ҳам рус мустамлакачиларига бўйсунтиришга мажбур бўлдилар. 17380 оила мавжуд бўлган Олай, Гулча ҳудудида Кичик Олай, Гулча ва бошқа бўлислар ташкил этилиб, уларни Қурвонжон додхоҳнинг Маҳмудбек, Асанбек, Ботирбек деган ўғиллари бошқариб турдилар. Додхоҳнинг, шунингдек, Қорабек, Қамчибек исмли доворак ўғиллари, Арслонбек, Мирзафаёз ва бошқа ўткир ҳамда ўктам набиралари ҳам бўлган. Улар кейинчароқ ҳам, айниқса, 90-йилларда рус ҳокимиятига қаттиқ қаршилик кўрсатиб туришган.

**Жанубий Қирғизистоннинг Россияга бўйсундирилишининг яқун-**



*XX аср ўртасида Финляндиялик давлат арбоби К. Маннергейм Қурманжон додхоҳ хузурида (1906 йил)*

лари. Олайни босиб олиш билан Қирғизистонни Россияга бўйсундириш жараёни ниҳоясига етади. 1876 йили Фарғона вилоятига қарашли Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган, Ўш, Исфара ва Чуст уездлари ташкил этилади. Жанублик қирғизларнинг кўпчилиги тобе бўлган Ўш уездида Гулча, Кичик Олай, Оқбура, Новқат, Ўзган бўлислари тузилган.

*Энди қирғиз халқи Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ҳукмронлигидан қутулгани билан янги босқинчиларнинг чанғалида қолиб, қирғиз ери Россия империясининг мустамлакасига айланди.*

Россия таркибига киритилгач, қирғизлар Еттисув, Сирдарё, Фарғона вилоятларига бўлинган ҳудудий-маъмурий бирликлар тасарруфида бўлди. Бу ҳолат қирғизларнинг ўзаро алоқаларини қийинлаштириб, бирдам-

лигининг мустаҳкамланиши, миллий онгининг шаклланишига халал берди. Туркистонда, хусусан Қирғизистонда ҳам ҳокимият тўлиғи билан мустамлакачилар кўлида эди. *Чор Россиясининг Қирғизистонни бўйсундиришидаги мақсадининг босқинчилик моҳияти айниқса, унинг мустамлакачилар манфаати йўлидаги ер сиёсатида ёрқин намоён бўлди.*

Қирғизистонда Россия империяси ҳукмронлигининг ўрнатилиши билан боғлиқ кўплаб салбий ва айрим ижобий жиҳатларни ҳам таъкидлаш керак. Қирғизларнинг Россияга бўйсундирилиши натижасида, кўчманчиларнинг ижтимоий-хўжалик ҳаётида бирмунча ўзгаришлар бўлди, ички низоларнинг сусайиши, ишлаб чиқарувчи кучларининг тезроқ ривожланиши учун қулай шароитлар яратилди. Кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликларда

дехкончилик ва ўтроклашиш жараёни кучайди. Хунармандчилик, ўзга халқлар билан савдо-сотик қилиш авж олди. Шунингдек, халқ орасида ижтимоий табақаланиш чуқурлашиб борди. Манап ва бойлар аста-секин чор амалдорлари билан алоқа боғлаб, баъзилари мустамлакачи ҳокимиятни қуйи поғонасининг майда амалдорларига айландилар. Ялпи меҳнаткаш оммасининг ҳаёти эса йилдан-йилга оғирлашиб, чор Россиясининг мустамлака сиёсатига норозилик тобора кучаяверди.

**Қурвонжон додхоҳ-Олай маликаси.** Олай водийси Россияга бўйсундирилгандан кейин ҳам Қурвонжон додхоҳ то вафот этгунга қадар ўз халқини бошқариб туради. Рус маъмурлари уни Олай маликаси, қирғизларнинг машхур арбоби ҳамда оқида раҳнамози сифатида ҳурмат қилганлар. Айниқса, у билан Ўшнинг дастлабки уезд бошлиғи П. П. Ионов ўртасидаги самимий муносабат диққатга сазовордир. 1892 йили 81 ёшли Олай маликаси Гулчага 80 чақирим масофадан йўрға от миниб келиб, генерал-губернатор барон Вереvский билан учрашиб, суҳбатлашган. Додхоҳ маликанинг донолиги, мустаҳкам иродаси ва сабр-тоқатига тан берган генерал унга таъзим бажо келтириб, анъанага кўра елкасига кимхоб чопон ёпган эди. Қурвонжон додхоҳ ҳам миллий урф-одатлар бўйича Вереvский жанобларига зотдор от ҳадя қилади. 1898 йили додхоҳ Фарғона вилоятининг рус маъмурлари билан учрашиб суҳбатлашган. Рус маъмурлари

хар доим унинг ёқимли нутқи, ўткир зеҳни, теран ақли, туғма элчилик истеододига тан беришар эди. Ёши 90 га бориб кексайган чоғида ҳам кўзларидан нур кетмай, қорачадан келган ёқимли чехрасидан меҳр ёғилар эди. Доғ-ҳасратга ўзини олдирмаган, қийинчиликлар олдида рухан тушмаган, иродаси пўлатдек мустаҳкам аёл эди. Масалан, у 1895 йили ўғли Қамчибекни Ўшда дорга ошишаётганда ўғлига рухан мададкор бўлиб, ота-боболар анъаналарига содиқ қолиб, ор-номусини топтамай, ўлимга мардона боқишга даъват қилади. Сўнгги бор фарзанди билан видолашиб, унинг доғида ёниб ортага қайтади. 1901 йил 13 декабрда Россия императори додхоҳ маликанинг хизматларини инобатга олиб, унга гавҳар безакли тилла соат ҳадя этиш тўғрисида фармон эълон қилади.

*1907 йил 1 февралда Ўшдан 12 чақирим наридаги Модди қишлоғида Қурвонжон додхоҳ 97 ёшида вафот этади. Олай маликасини сўнгги сафарга кузатиш маросимига чор тарафдан кўплаб одамлар келиб, жасади Ўшдаги "Сармозор" қабристонига дафн этилади. Ўшандан бери анча йиллар ўтсада, Қурвонжон додхоҳнинг ёрқин хотираси, унинг тўғрисидаги ривоят ва афсоналар авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда. Халқ ташвиши билан яшаган доно йўлбошчи, додхоҳ онахонни халқ ҳеч қачон унутмайди.*

## Савол ва топшириқлар:

1. Олайлик кирғизларнинг чор аскарлари боскинчилик ҳаракатларига қарши қурашени ҳикоя қилиб беринг.
2. Қурвонжон додхоҳга тааллуқли хусусиятлар ҳақида нималарни биласиз?
3. М. Д. Скобелев қўмондонлиги остидаги рус қўшинларининг “Олай юриши” нима учун ташкил қилинган?
4. Рус маъмурлари Қурвонжон додхоҳни нима учун “Олай маликаси” деб атаб, унга хурмат билан ўзгача муомала қилишган?
5. Жанубий Қирғизистоннинг Россияга бўйсундирилишининг якунлари тўғрисида айтиб беринг.



*Қурвонжон додхоҳ 96 ешдаги вақтида*

## Ҳужжатли материал

**Пўлатхон (Мулла Исҳоқ)нинг таржимаи ҳолидан:**

...Мулла Исҳоқ тахминан 1844 йили Ўхна қишлоғида туғилган, кирғизларнинг бўстон уруғидан. Унинг диний мактабгача болалик чоғи ўша қишлоқда ўтган. У Қўқондаги Тунқатор мадрасасида, кейинчароқ эса Марғилондаги Оқмадрасада ўқиган. Бу ерда унинг отаси Ҳасан мударрис эди.

Табиатан шўҳ ва ўйинқароқ Исҳоқ мадрасадаги қаттиқ интизомга бўйсунгиси келмайди. Отасининг қаршилигига қарамасдан, у ўқишни ташлаб кетади ва 1867 йили Сўх қишлоғига яқин ерда яшаб қолади. У ерда 2 йил тургач, ҳамқишлоқлари билан муросаси келишмай, туғилган қишлоғи Ўхнага қайтади. Саводхон бўлганлигидан у Ўхнадаги масжид имомининг ўрнини эгаллайди.

Кўп ўтмай Мулла Исҳоқ Андижон шаҳрига кўчиб келиб, масжидларнинг бирига имомлик хизматига ўрнашади ва шу билан бирга тамаки сотиб Тошкентга қатнай бошлайди. Бу ерда Мулла Исҳоқ курама уруғидан чикқан Абдумўмин оталиқ билан танишади. У бир вақтлар Алимқулнинг навқари бўлиб, кўп воқеаларни бошдан кечирган эди... Ундан Қўқонга қарши кураш тарихидан, қирғизларнинг кўплаб мардликларидан хабардор бўладн. Абдумўминнинг Мусулмонкул, Алимкул (Алимкул оталиқ) тўғрисида, хонликни титратган ва тахтга ўзлари хоҳлаган хонни ўтказган қирғизлар билан қипчоқларнинг қўзғолонлари хусусидаги ҳикоялари ёш Мулла Исҳоққа тинчлик бермай кучли таъсир этиб, уни мардликларга ундаган.

1872 йили қўқонлик қирғизлардан Шер додхоқ бошчилигидаги вакиллар Самарқанд шаҳрига келиб, бу ердаги мадрасаларнинг бирида яшаётган минг сулоласининг авлоди, Алимхоннинг набираси, хонзода Пўлатбекка йўлиқиб, махфий музокаралар олиб боради. Вакиллар Пўлатбекка улар билан бирга Наманган вилоятига бориш ва у ерда уни хон деб эълон қилишларини таклиф этишади, қирғизларнинг қутлуғсаид, найман қабилалари уни тўлиқ қўллаб-қувватлашларига кафил бўлишларини билдиришган. Аммо, Пўлатбек хонлик тахтидан воз кечади...

Алимхоннинг фожеали ўлимидан сўнг Қўқон тахтини унинг укаси Умархон эгаллаб, Алимхоннинг 3 ўғли: Шоҳруҳбек, Иброҳимбек ва Муродбекларни ўрдадан четлаштиради. Шоҳруҳбек хавfli ракиб сифатида ўл-

дирилади. Алимхоннинг қолган икки ўғли-Иброҳимбек билан Муродбек тоғаси, Қоратепшнинг хукмдори Абдулазизнинг хузурига қочиб кутулади. Умархон ўлгандан кейин оға-инилар Бухоро амири хузурига нажот излаб боришади...

1843 йили Иброҳимбек бухороликларнинг мададига таяниб, Шералихонга қарши тахт талашиб кураш бошлайди.

...Аммо у қўқонлик аскарлардан мағлубиятга учраб, қўлга тушади. Шералихоннинг буйруғига биноан Иброҳимбек Қўқон яқинида ўлдирилади.

Иброҳимбекнинг хотини Абдулазизхоннинг кизи эди. У ўлганда ундан 12 яшар Шоҳойим деган кизи ва бир яшар Пўлатбек исмли ўғли қолган. Иброҳимбекнинг беваси болалари билан Самарқандга кўчиб келиб, кизи Шоҳойимни Хўжа Аҳрорга куёвга беради. Онаси вафот этгач, Пўлатбек Хўжа Аҳрорнинг қўлида қолади.

Самарқандга Пўлатбек хузурига борган вакиллар Тошкентда тўхтаб, Абдумўминнинг уйида бўлишади ва унга ўзларининг амалга ошмаган Самарқанд сафари тўғрисида сўзлаб беришади. Уларнинг гапини Абдумўминникида юрган қирғиз Мулла Исҳоқ Ҳасан ўғли эшитади. Мулла Исҳоқ вакиллар билан яқинлашиб ва Абдумўминнинг ёрдамига таяниб, минг сулоласининг гапга қўнмаган хонзода авлодининг ўрнига ўз номзодини таклиф қилади. У Пўлатхоннинг исмини қабул қилишга бутунлай рози эканлигини билдиради. Бу қирғиз вакиллари учун қутилмаган таклиф эди, чунки уларни юборган йўлбошчилар ва халқ ҳақиқий Пўлатбекнинг ўзини танимас эдилар.



## VIII БОБ. ҚИРҒИЗИСТОН XIX АСРНИНГ ОХИРГИ ЧОРАГИ — XX АСР БОШИДА

### 23-§. Подшо Россиясининг маъмурий, аграр ва солиқ сиёсати

**Худудий-маъмурий чегаралаш**  
**вл мустамлакачилик ҳокимияти.**  
Қирғизистон тўла Россияга бўйсундирилгандан кейин қирғизлар бир неча худудий-маъмурий бирликлар: Етти-сув, Сирдарё, Фарғона вилоятларининг тасарруфида бўлди. Чор ҳукумати бу томонлар (Ўрта Осиё)да худудий чегаралашни 60-йиллардаёқ амалга ошира бошлайди. Масалан, 1865 йил февралда Россия ҳарбий вазирининг буйруғи бўйича шимоли-ғарбда Орол денгизидан жануби-шарқда Исиккўлгача катта худудни камраган *Туркистон вилояти* тузилади. Вилоят Оренбург генерал-губернаторлиги тасарруфида эди. Бунгача Россия таркибига киритилган қирғиз қабилалари ҳарбий Сибирь генерал губернаторлигига қарашли Семипалатинск вилоятининг Олатоғ округи тасарруфида эди. Туркистон вилояти дастлаб ташкил этилганда унга Исиккўл, Чуй, Кемин, Талас, Кетмонтепа водийлари, кейинчарок Марказий Тангритоғ кирган. Туркистон вилоятининг дастлабки ҳарбий губернаторлигига генерал М. Г. Черняев тайинланиб, унинг зиммасига ҳарбий ва фуқаро бошқаруви ҳокимияти топширилган. 1867 йили вилоят Туркистон генерал-губернаторлигига айлан-тирилади ва унинг худудида Сирдарё (маркази Тошкент) ва Еттисув (маркази Верний-Алмати) вилоятлари тузи-

лади. Вилоятлар уездларга бўлинган. Сирдарё вилояти Авлиёота, Хўжанд, Жиззах, Тошкент, Чимкент, Туркистон, Казали, Перов уездларидан иборат эди. Еттисув вилоятига Исиккўл (кейин Пржевальск), Верний, Тўқмоқ (кейин Пишпек), Копал, Сергиопол (кейин Лепси) уездлари кирган. 1893 йили вилоятда янги Ёркент уезди тузилади. Ўз вақтида уездлар бўлисларга, улар эса овул-қишлоқларга бўлинган.

Ўтган мавзулардан маълумки, 1876 йили собиқ Қўқон хонлигининг худудида Туркистон генерал губернаторлигига қарашли *Фарғона вилояти* тузилган эди. Унга Андижон, Исфара, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш, Чуст уездлари кирган. 1886 йилдан бошлаб “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом” кучга киради. Энди Туркистон генерал-губернаторлиги Туркистон ўлкаси деб аталиб, унинг тасарруфига Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари кирган. Еттисув вилояти эса 1882 йили Дашт (Степной) генерал-губернаторлигига қўшилган. 1899 йилдан у қайта Туркистон ўлкасига берилади.

Худудий-маъмурий чегаралаш натижасида қирғизлар ҳамда қирғизларнинг ватани Тўқмоқ, Исиккўл, Авлиёота, Ўш, Андижон, Наманган, Марғилон (Скобелев), Қўқон, Хўжанд каби турли уездлар қарамоғида

қолиб, майда бўлақларга бўлиниб кетади. Россиялик маъмурлар Туркистон ҳудудини маъмурий чегаралаш вақтида маҳаллий халқларнинг туб манфаатлари, иқтисодий, этник ва маданий хусусиятларини умуман ҳисобга олишмаган. Натижада қирғиз халқи парчаланиб, турли вилоятлар аҳолиси билан аралашиб кетган. Бундай нохуш аҳвол маҳаллий халқларнинг ўзаро алоқаларини мураккаблаштириб, бирликнинг мустақамланиши, миллий онг, ва орзу умидларини ривожланишига тўскинлик қилган. Россиянинг бошқа мустамлака ҳудудларидагидек Туркистонда, хусусан Қирғизистонда ҳам ҳокимият тўлиғи билан мустабидлар қўлида эди. Масалан, генерал-губернатор Туркистон ўлкасининг ҳокими сифатида, ҳарбий губернатор эса вилоятлар ҳамда уездларда ўзлари хоҳлагандек ҳукмронлик қилишган. Уларнинг зolimлигига ҳеч қандай чекланишлар қўйилмаган, йилдан - йилга ҳуқуқлари кенгайиб, ҳокимияти кучаяверган.

**Маҳаллий бошқарув.** Бўлислар 1000 — 2000 хонадондан, овул-овулар 100 — 200 оиладан иборат бўлган. Уларни *элликбошилар*, 3 йиллик муддатга сайланган *бўлислар* бошлиқлари билан старшина бошқарарди. Сайловлар якунларини вилоят ҳарбий губернатори билан уезд бошлиқлари чиқариб, бўлис бошлиқлари ва старшиналарни тасдиқлашган. Кейинчалик ҳарбий губернатор хоҳласа сайлов ўтказмасданоқ бўлис бошлиғи ва старшиналарни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган. Улар чор амалдорларининг буйруқларини сўзсиз бажаришга мажбур эдилар. Бўлислар бошлиқлари аҳолининг умумий аҳолини назорат

қилиб, солиқларнинг ўз вақтида тўп-ланиши ва бошқа ишларнинг бажарилишига масъул бўлишган. Старшиналар бўлис бошлиқларга итоат этиб, уларнинг кўрсатмаларини бажаришган. Ўтроклашган аҳолини *қишлоқ оқсоқоллари* бошқаришган. Маҳаллий ҳокимият вакиллари сафига улардан ташқари *бийлар* ва *қозилар* кирган. Улар уезд ва ҳарбий судлари кўради-ган жиноий ишлардан ташқари бўлган даъво ҳамда жанжалларни ҳам муҳокама этиб, қарор чиқаришган. Бийлар кўчманчи халқ орасидаги аноанага таяниб, суд ишини олиб борган ва гуноҳкорнинг зиммасига жарима юклаган. Қозилар ўтроклашган аҳоли орасида шариатга мувофиқ қарор чиқаришган.

*Умуман олганда ҳудуддаги ҳокимият ҳарбий-мустамлака тарзида шаклланган эди. Чунки уездлар, вилоятлар ва ўлкада ҳокимият тўлалигича россиялик ҳарбийлар қўлида тўпланганди. Бўлислар бошлиқлари билан старшиналар эса мустамлака бошқаруви аппаратининг энг қуйи погонаси амалдорлари эди, холос.*

**Чор ҳукуматининг мустамлакачилик ер сиёсати.** Подшоликнинг Қирғизистонни бўйсундириб олишдаги мақсадининг босқинчилик мазмуни айниқса унинг мустамлакачилик ер сиёсатидан аниқ-равшан намоён бўлди. 1867 ва 1891 йилларда қабул қилинган “Низомлар”га мувофиқ кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган аҳоли хўжалик юритган ерининг ҳаммаси давлат мулки деб эълон қилинди. Яйловда мол-боққани ва ерга экин эккани учун уларнинг ҳақиқий эгаси бўлган қирғизлар давлатга *ер ҳақи* сифатида солиқ тўлашлари керак

бўлган. Қирғизлар яшаган ерлар яйловлар билан қишловларга бўлинган. Яйловлар билан қишловлардаги ерлардан жамоатчилик асосида фойдаланиш тартиби қонунлаштирилган. Ердан фойдаланишнинг бундай усули айниқса чорва моллари кўп бўлган йирик феодаллар учун жуда қулай бўлган.

1886 ва 1891 йиллардаги “Низомлар”га мувофиқ қишловлар, ғалла ва бошқа ҳайдов ерларини бўлислар билан овуллар ҳамда айрим хўжаликлар ўртасида тақсимлаш ҳукуқи бўлиш бошлиқлари ва овуллардан сайланган вакилларнинг махсус гуруҳи (йиғин)га берилган. Албатта, вакиллар йиғини кўпинча феодал зодагонларининг манфаатини ҳимоя қилганлиги боис, ер билан боғлиқ муаммолар манап ва бойларнинг фойдасига ҳал бўларди. Бунинг устига қишловлар, ҳайдов ерлари хусусий хўжаликлар ўртасида мол сонига қараб бўлинарди.

Жанубий Қирғизистонда аҳолиси ўтроқлашган жойларда дастлабки йиллари хусусий ер эгаллиги-*мулк* ҳам да масжид ва мадрасаларга тааллуқли ер эгаллиги-*вақф* сакланиб қолган эди. Кейинчароқ подшолик уларни тутатган.

**Рус-украин дехқонларининг кўчиб келиши.** Мустамлакачилик ҳокимияти марказий губерниялардан аста-секин Қирғизистонга ёпирилиб келган рус, украин дехқонларига сувга сероб водийлар ҳамда текисликлардаги унумдор ерларни қирғизлардан тортиб олиб бера бошлайди. Келгиндиларга ер тақсимлашда чор амалдорлари маҳаллий аҳолининг манфаатларини сира эътиборга олишмаган. 1868 — 1883 йилларда Еттисув вилоятида

ташқил этилган 36 рус-украин (2500 хонадон) қишлоқларининг аксарияти Чуй ва Иссиқкўл атрофида жойлашган. Ўз хукмронлигини абадий ўрнатишни кўзлаган подшолик худудга тез орада келишди, рус дехқонларини кўпроқ жойлаштириш ва сермахсул, барқарор хўжаликларнинг шаклланишига шароит яратиш мақсадида кўплаб миқдорда *ер улушларини* бера бошлаган. Масалан, ҳар бир дехқонга 30 десятина (1 десятина-0,25 гектар)дан ер бўлиниб, 15 йиллик муддатга солиқнинг барча турларидан озод этилиб, қарзга пул (ссуда) берилган. Чунки мол-мулк-ли, ўзига тўқ, хўжалиги яхши йўлга қўйилган қулоқлар чор ҳукуматининг бу ўлкадаги ишончли ижтимоий таянчи бўлар эди. Кейнчароқ келгиндилар сони кўпайиб кетганлигидан ер етишмай, улуш миқдорини камайтиришга тўғри келади (17, 10 таноб). Бироқ мустамлакачилик ҳокимиятининг асосий таянчи бўлган казаклар ерларнинг миқдори ўзгартилмади.

Дехқончилик қилишга қулай суғориладиган ерлар етишмаслигидан ва маҳаллий аҳоли норозилигининг кучайишидан хавфсираган чор ҳукумати 1896 — 1905 йилларда рус дехқонларининг Туркистонга кўчиб келишини тақиқлади. Шунга қарамасдан XX аср бошида марказий губерниялардан дехқонларнинг тартибсиз равишда келиши янада кучаяди. Улар кўпроқ Еттисувга ёпирилиб кела бошлашган. 1902 йилнинг ўзида бу вилоятга 2700 оила келган эди. Шу жумладан, 1200 хонадон Пишпек уездида қолади.

Биринчи рус инқилоби бошланганда, чор ҳукумати рус дехқонларнинг Туркистонга кўчиб келишларига қайта



*Келгинди рус деҳқонлари йўлда. XIX асрнинг 70-йиллари*

рухсат беради. Бу йўналишда иш олиб бориш учун Еттисув ва Сирдарё келгиндилар туманлари тузилади. 1906 йилга келиб Еттисувда 40 минг, Сирдарё вилоятнда 27 минг, Фарғонада эса 4 минг келгинди истиқомат қилган. Қирғизларнинг ерларини тортиб олиш, айниқса Столипин аграр ислоҳоти даврида кучаяди. Еттисув вилоятида биргина 1907 йили 289 минг таноб ер келгиндиларга тақсимланган. 1914 йилга нисбатан вилоят маҳаллий аҳолиси 4 млн. танобдан ортиқ еридан маҳрум бўлади. Фарғона вилоятида эса 762 минг таноб ерни қирғизлардан тортиб олиш белгиланган.

Подшоликнинг очикдан-очик мустамлакачилик сиёсати натижасида маҳаллий халқ еридан ажралиб қашшоқлашди. Экин экиб, деҳқончилик қилишга қулай ерларидан ажралган камбағаллар ўта оғир шартлар билан рус-украин қулоқлари, казак, манап ва бойлардан ижарага ер олишга мажбур бўлишган. Маҳаллий

халқнинг яхши ерларини оммавий тарзда тортиб олиш ҳамда келгиндиларга тақсимлаб бериш аграр муносабатларни ниҳоятда кескинлаштириб, чор ҳукуматининг сиёсатига норозиликни кучайтирди.

**Солиқлар.** Қирғизистон Россияга бўйсундирилгач, қирғизлар ҳукуматга солиқнинг ҳар хил турларини тулай бошлаганлар. Рус ҳукумати қирғизларга дастлаб Қўқон хонлиги давридагига ўхшаш солиқларни солиб, кейинчароқ солиқлар қонун-қоидаларини маҳаллий шароитларга мослаштирган. Кўчман чорвачилик билан рўзгор тебратган аҳоли асосан оила бошига солиқ тўлаган. Ҳар бир хонадон дастлаб (60 — 70-йилларда) 2 сўм 75 тийиндан солиқ тўлаган. 1882 йилдан бошлаб эса, солиқ миқдори 4 сўмга етган эди. Турли солиқлар миқдори йилдан-йилга кўпаяверган. Биринчи жаҳон уруши даврида оилага солинадиган солиқлар ҳамда натурал тўловларнинг ялпи ҳажми 15 сўмгача ўсган.

Ўтроқлашган халқ эса солиқнинг

икки турини тўларди. Экин майдонларидан 1886 йилгача *хирож* солиғи олинди, мева, полиз ва сабзавот етиштириладиган ерларга *таноб солиғи* солинган. Хирож ҳосилнинг 10 фоизига тенг бўлиб, махсулот билан тўланган. Таноб солиғи нақд пул ҳисобида олинган. 1886 йили солиқлар тартибига ўзгартишлар киритилган. Энди солиқ экин экилган майдонгагина солинмасдан, умуман ҳайдовга яроқли ернинг ҳаммасига солинадиган бўлди. Янги қоида бўйича ердан фойдаланганлик ёки фойдаланмаганлик эътиборга олинмайди. Натижада давлат фойдасига даромад анча ўсди. Масалан, Фарғона вилоятидангина олинувчи солиқнинг ҳажми ўрта ҳисобда йилига 500 минг сўмга кўпайган. Солиқнинг юқоридагидек асосий турларидан ташқари маҳаллий халқ рус ҳукуматининг талабига биноан турли оғир ишларни ҳам бажарарди. Йўл ва кўприкларни таъмирлаш, ариқларни тозалаш, ҳарбий қисмни ўт-улов ҳамда ўтин-сув билан таъминлаш ва бошқа ишларни бажариш-

га мажбур эдилар. Овул ҳамда бўлис ҳокимияти вакилларига сарфланувчи харажатлар ҳам аҳоли ҳисобидан йиғиларди. Бўлис бошлиқлари ҳамда старшиналар сайлови, чор амалдорларини меҳмон қилиш, уларга совғасаломлар бериш билан боғлиқ харажатларнинг ҳаммасини ҳам халқнинг ўзи кўтарган. Катта ош тортиш, тўйлар ўтказиш, жарима, хун тўлаш учун қариндош-уруғ орасида тўпланадиган ёрдам, кўшимча, юртчилик, иттифоқ, сўйиш харажати ва бошқалар ҳам солиқнинг ўзига хос турига ўхшаб кетар эди.

*Подшо ҳукуматининг солиқ сиёсати халқнинг турмушини оғирлаштириб, қашшоқлашувини янада кучайтирди. Меҳнаткаш халқ тобора авж олган турли солиқларни тулай олмай қарзга ботган эди. Бундай оғир аҳвол уларда мустамлакачилик ҳокимиятига нисбатан норозилик тугдирди. У айниқса Андижон қўзғолони даврида яққол кўринди.*

?

### Савол ва топшириқлар:

1. Россияга бўйсундирилгандан сўнг Қирғизистон қайси маъмурий-сиёсий бирликларга бўлинган.
2. Мустамлакачилик ҳокимияти қирғизларни қандай бошқарган ?
3. Подшо ҳукуматининг мустамлакачилик ер сиёсатига характеристика беринг.
4. Подшо ҳукумати қирғизлардан солиқнинг қандай турларини ундирган?
5. Рус украин деҳқонлари Қирғизистонга нима учун кўчиб келганлар?
6. Уларга қандай ер улушлари бўлиб берилган?

## 24-§. Қирғизистоннинг Россияга қаратилгандан кейинги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти

**Хўжаликнинг ривожланиши. Кишлоқ хўжалиги. Чорвачиликнинг ривожланиши.** Қирғизистон Россия таркибига киритилгандан кейин ҳам чорвачилик қирғизлар хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб қолаверди. Мол гўшти ва сутидан турли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашар, териси, жуни ва туянинг тивитидан кийим - кечак, бўз уй ҳамда рўзғор буюмлари ясашар, от, хўкиз, туядан улов сифатида фойдаланишар эди.

Эрта баҳорда мол-қўйлар кир - адирларда, ёзда эса ўт-сувга сероб яйловларда, куз ва қишда эса ем-хашакка бой қишлоқларда боқиларди. Бирок, чорвачилик *экстенсив равишда* ривожланган. Чунки ншлаб чиқарувчи кучлар бевартиб ривожланиб, меҳнат қуроли қолоқ ҳамда ўта содда эди. Шу боисдан кўчманчи халқ қишга етарли тайёргарлик кўра олмас ва зарур миқдорда ем-хашак захира қила олмас эди. Моллар йил бўйи яйловда боқилиб, ҳатто қишда ҳам қор устида ўтлайверган. Қор қалин ёғиб, киш узоққа чўзилган йиллари очарчилик бўлиб, молларнинг кўпчилиги қирилиб кетарди. Шунга қарамадан халқнинг ақсарияти ҳали деҳқончиликка унча аҳамият бермай, чорвачилик билан шуғулланаверган. Масалан, Пишпек уездида маҳаллий аҳолининг 84, 89 фоизи, Қоракўл уездида 80,7 фоизи кўчманчи чорвачилик билан банд бўлган. Қирғизистоннинг жанубида эса бу кўрсаткич бироз пастроқ бўлган. Масалан, Ўш ва Қўқон уездларида қирғизларнинг 65 фоизини асосий касби *кўчманчи ва ярим кўчманчи*, чорвачилик бўлган.

Қирғизлар асосан қўй-эчки, йилқи, мол, қўтос ва туя боқиларди. Неча минглаб моли бор катта бойлар аҳоли ўртасида *минг йилқили, минг қўйли бой* деб аталиб, донг чиқаришган. Бирок, ундай катта бойлар саноклигина эди. Улар аҳолининг тахминан 5 — 10 фоизини ташкил қиларди, холос.

**Деҳқончилик, ўтроқлашиш. Қирғиз қишлоқлари.** XIX асрнинг иккинчи ярмида бу томонларга ёпирилиб қўчиб келган рус, украин, уйғур, дунган ва бошқа халқларнинг таъсири остида *қирғизларнинг хўжалик турмушида айрим ўзгаришлар сезила бошланди*. Турли тилларда сўзлашувчи, ҳар хил динга эътиқод қилувчи халқларнинг қўшни бўлиб яшаши уларнинг ўзаро муносабати учун қулай шароит яратиб, хоҳ чорвачилик, хоҳ маиший ҳаёт, хоҳ маданият соҳасида бўлмасин бир-бирига ижобий таъсир кўрсатди. Деҳқонлар мол-қўй боқишни, чорвадорлар эса деҳқончилик сир-асрорларини ўрганди. Азалдан ернинг киндигини узиб меҳнат қилган дунганлар, улардан қолишмайдиган меҳнатсевар рус-украин деҳқонлари дарё ўзанлари бўйлаб кўриқ очишди, ғалла, полиз ва сабзавот экинлари экиб, ернинг кўркига кўрк қўшишди. Бир вақтлар Чуй худудида узумзорларнинг кенгайишида ўзбек ҳамда дунганлардан ташқари молдованлар ҳам катта ҳисса қўшганлар. Биргина мисол, Бессарабиядан қўчиб келган молдованлар Пишпек уездида 620 таноб ерга фақат узум ўтқазишган.

Ўтроқлашган халқлар таъсири остида қирғизлар, хусусан, камбағаллар деҳқончиликка кўпроқ жалб этила бош-

лайди. Дехқончилик билан кун кечир-ишга бел боғлаган қирғизлар буғдой, арпа, сули, тарик ва бошқа ғалла экинлари ўстиришарди. Шунингдек, жанубда пахта, шоли, картошка, қовун, тарвуз, маккажўхори, тамаки ва бошқа шу каби экинларни етиштиришни ўзлаштира бошлагани маълум. Аста-секин қирғизлар азалдан фойдаланиб келган меҳнат курулларидан ташқари янги ва сермахсул қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари: чолғи, ўроқ, темир сўкалар, борона, мола ва бошқаларни кўллай бошлашган. Бироқ, уларнинг кўпчилиги дехқончиликнинг мураккаб сирларини тўла ўзлаштириб улгурмаган ҳамда қулай меҳнат курулларидан етарлича сотиб олишолмаган эди. Шу боисдан меҳнат унумдорлиги ўта паст бўлиб, кам ҳосил олинар эди.

Ўша даврнинг ўзида қирғизларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши кучаяди. Бу, айниқса, Қирғизистоннинг жанубида тезроқ кўзга ташланади. Масалан, Октябрь инқлоби арафасида Фарғона вилоятида қирғизларнинг 60 фоизга яқини тўлик ёки ярим-ёрти ўтроқлашишга улгуради. Вилоятда асосан 500 га яқин қирғизлар яшаган қишлоқлар бор эди.

Қирғиз қишлоқлари Қирғизистон шимолида жанубдагига нисбатан кейинчароқ шаклланиб, XX аср бошида улар сони 70 дан ошмаган. Қирғизистонда қирғиз ҳамда ўзбек қишлоқларидан ташқари ўша вақтда 100 дан ортиқ рус ва украин, 5 немис, 3 дунган қишлоғи мавжуд эди.

Жанубдаги йирик қишлоқлар сафига Аччи, Мангий (Аравон яқинида), Октерак (Каравон худудида), Жаманқия (Бозоркўрғонда), Қашқатерак (Ўзганда), Қорабулоқ (Боткенда) ва бошқалар кирган. Уларнинг ҳар бирида 500 дан ортиқ аҳоли яшаган. Боткен, Бўс-

тон, Қорабағиш, Тўлайкан каби катта қишлоқларда 1000 — 2000 дан аҳоли истиқомат қилган.

Йирик қишлоқларда тегирмонлар, мой жувозлар қурилиб, мусулмон болалар учун мактаблар очилган.

Шимолий Қирғизистонда барпо этилган қишлоқларнинг йириклари Қораарча, Жайилган, Учкўрғон (Таласда), Чалақозок, Тоштепа (Чуйда), Темир, Чўнгўрикли, Тепке, Дархон (Иссиқкўлда) ва бошқалар эди. Уларда 100 — 200 дан аҳоли яшаган. *Бироқ бир қанча қирғиз қишлоқлари барпо этилгани билан маҳаллий аҳолининг аксарият қисми ҳали кўчманчи ва ярим кўчманчилик тарзида ҳаёт кечирар эди.*

**Саноат. Хунармандчилик.** XIX аср охири–XX аср бошида Қирғизистонда саноатнинг ривожланиши бўйича айрим силжишлар юз берди. Олатоғ худудида тоғ-қон қазииш ишлари тезлаштирилди, қишлоқ хўжалик хом ашёсини ишлатувчи кичик корхоналар пайдо бўлди. *Аммо, қирғизларнинг иқтисодий ҳаётида патриархал - феодал муносабатлар ҳукмронлик қилган, ўша шароитларда саноат кўнгилдагидек ривожланмаган.* Саноатнинг ривожланиши жуда секинлик билан тараққий қилган ҳамда унинг оддий тармоқлари кенг ёйилиб асосан хунармандчилик ишлаб чиқариш даражасида қолаверган. Бу томонларда саноатнинг ривожланишига чор ҳукуматининг иқтисодий сиёсати ҳам салбий таъсир кўрсатган. Ҳукумат Қирғизистондан рус саноатини хом ашё билан узлуксиз таъминлайдиган мустамлака сифатидагина фойдаланишни кўзлаган.

*Қирғизларнинг хунармандчилигини одатда икки турга: хотин-қизлар хунармандчилиги ва эркакларнинг уста, заргарлигига бўлиш мумкин.*

Чаккон қўлли, чевар хотин-қизлар бўз уй, оқ ўтов кўтаришда унинг ички, ташқи безакларини маромига етказиб ясашарди. Мохир қўлли чеварлар яратган чиройли наматлар, ола кигизлар, ажойиб нақшлар акс эттирилган чийлар, ёпқичлар, сочиклар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари кўрган кўзни қувонтиради. Улар оқ қалпоқ, кўрпа, сувсар телпак, бархат ва кимхоб тўнлар, камзул, чакмон, кўйлак, шим ва бошқа бежирим кийим-кечаклар тикишар ва тўкишар эди. Жанубда чеварлар қирғизларга хос нафислик билан ажралиб турган гиламлар тўкишарди.

Усталар эса кўпинча кундалик турмушда ишлатиладиган рўзғор буюмларини ясашарди. Дурадгорлар бўз уйга зарур жиҳозлар, бешиклар, эгарлар, идиш-оёқлар ясашса, заргарлар сирға, узук ва билагузук каби турли такинчоқлар, камарлар, от жабдуғларини олтин, кумуш ҳамда жездан нақшлар ишлаб безар эдилар. Темирчилар қурол-яроқ, кўчманчилар турмушига зарур турли жиҳозлар, оддий қишлоқ хўжалик асбоб ускуналарини ясашган.

Қирғиз хунармандлари ясаган буюмлар асосан яқиндаги овуллар аҳолиси талабини кондиришга ишлатилган, озроқ қисмигина олис овул, қишлоқ ҳамда бозорларга сотувга чиқарилган.

Рус-украин қишлоқларида ҳамда шаҳарларда ўша даврда **кичик корхоналар** пайдо бўла бошлаган эди. Масалан, 80-йилларда Пишпекда чарм ошловчи дастлабки кичик завод қурилади. Ўш шаҳри эса хунармандчиликнинг йирик марказига айланган. XX аср бошларида шаҳарда 8 мингдан ортиқ хунарманд бўлган. 1885 йили Пишпек уездида 5 тери заводи ишлаб турган. Уларнинг учтаси қирғиз савдогар-

лари (Мамашев, Бикеев, Ўзбеков)га тааллуқли бўлган. Баъзи бир қирғиз бой-манаплари ўсимлик мойи ишлаб чиқарадиган заводларга ҳам эгалик қилишган. Ўш уездида бундай ишхоналар сони XIX аср охирида 200 дан ортиқ эди.

**60 — 90-йилларда** *Қирғизистонда тоғ-кон саноати шакллана бошлайди.* Уларнинг энг дастлабкиси Сулукта худудидаги *Кўкканасой* конида 1868 йили кўмир қазила бошланган. Қирғизистон тоғ конларида қазиларини ташкил этишни қўлга олишга рус буржуаси каби чет эллик тадбиркорлар ҳам ҳаракат қилишган. 80-йилларда рус тадбиркорлари Тошкўмир ва Мойлисой конларидан кўмир ҳамда нефть қазиларини қўлга олишган эди.

**1898 йилдан бошлаб Қизилқия** кўмир конида кўмир қазила бошланади. Кўмир, нефть конлари бошқа худудларда ҳам очилиб, уларни ишлатиш учун чет эллик тадбиркорлар турли ҳиссадорлик жамиятлари, шерикдошликлар тузишган (Антверпен, Лондон). Номлари аталган конлар Қирғизистон тоғ-кон саноатининг пешқадамлари бўлиб, унинг раванқ топишига катта ҳисса қўшган. Шунга қарамадан саноат ишлаб чиқариши нотекис ривожланиб, паст даражада қолаверган.

Янги шаклланган саноат корхоналар, устахоналарда шаҳар ва қишлоқ камбағаллари ҳамда қашшоқлашган хунармандлардан иборат ёлланма ишчилар меҳнат қилишган. Уларнинг меҳнат шароитлари ўта оғир, маошлари жуда оз эди. Бу, албатта, ишчиларнинг норозиликни туғдирган.

**Шаҳарлар ва савдо-сотик.** XIX асрнинг иккинчи ярмида қирғизлар юртида қатор *шаҳар типидagi йирик қишлоқлар* пайдо бўлади. Бундай қишлоқлар аста-



секин худуддаги *савдо хунармандчилик марказларига* айланган.

Янги шаҳарлар, аҳолиси савдогарлик билан шуғулланган кишлоклар (рус-украин, дунган, ўзбек ва бошқалар яшаган дахалар) кўпинча кўқонликларнинг собиқ истехкомлари харобаларига яқин ерларда қурилган. **Тўқмоқ, Пишпек, Қорақўл** худди ўшандай шаҳарлардандир. Дастлаб улар харбий-маъмурий ва чегара тугуни сифатида қад ростлаб, кейинчароқ ҳақиқий шаҳарларга айланган. Асримиз бошларида **Пижпек, Ўш, Қорақўл** каби уезд шаҳарлари Россиядан, Ўрта Осиёнинг турли томонларидан деҳқонлар ва савдогар-гадбиркорларнинг кўчиб келиши натижасида маҳаллий савдо ва янги шаклланаётган саноат марказларига айланди. Ўлканинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида уларнинг роли тобора ўсиб бораверди. Жанубда Ўзган ва **Жалолобод** шаҳарларининг бозорлари гавжум, аҳолиси зич бўлиб, Ўш каби шаҳарлар қаторига кирган. Аммо, шаҳарлар аҳолиси Қирғизистон жами аҳолисининг 7,4 фоизинигина ташкил этган (1897 йил). Шаҳар аҳолисининг салмоқли қисми хунармандлар, майда савдогарлар, турли хизматчилар ва ёлланиб ишлаган камбағаллардан иборат эди. Чуй худудидаги энг йирик шаҳар ҳисобланган Пишпекда XIX аср охирида 6615 киши яшаган. Шаҳарда кўп миллатли аҳоли: рус, украин, ўзбек, дунган, татар, қозоқлар ёнма-ён яшаганлар. Дунганлар шаҳар аҳолисининг деярли ярмини ташкил қилиб, алоҳида дахаларда турардилар. Шаҳарда кишлоқ хўжалик хом ашёснни ишлатадиган бир неча кичик қорхона бор эди (пиво пиширувчи, чарм тайёрловчи, тери ошловчи ва бошқалар). 1913 йили Пишпекда 500 га яқин савдо тугун (дўкон)лари ишлаб

турган. Шаҳар Еттисув билан харбий, Шарқий Туркистонни боғлайдиган савдо йўлининг бўйида жойлашиб, ғалла, чорвачилик маҳсулотларини сотиш, иқтисодий муносабатларнинг кучайишида муҳим роль ўйнаган. Бу худуддаги йирик савдо марказларидан бири Тўқмоқ кишлоғи бўлган. У аҳоли зич яшайдиган водийда, Верний, Пишпек, Қорақўл шаҳарларини Фарғона, Сирдарё вилоятлари билан боғлайдиган савдо йўлининг бўйида жойлашган. Бу ерда одатда майда савдогарчилик, хунармандчилик билан шуғулланган рус, ўзбек, уйғур, дунган, татар, қирғизлар яшардилар. 1905 йили Тўқмоқда истиқомат қилган аҳоли сони 10 мингдан ортган ва 400 — 500 тача дўконлар бўлган. Бозорга қунига 5 минг атрофида харидор келиб кетар, йилига тахминан 2,5 миллион сўм атрофида мол сотиларди. Тўқмоқда тери ошловчи ва мой ишлаб чиқарувчи заводлар ҳамда тегирмонлар бўлган.

Жанубдаги йирик шаҳар ҳисобланган Ўшда эса 1914 йили 46 минг киши яшаган. Шаҳарда 800 дан ортиқ дўкон тинимсиз савдо-сотик қилган. Ўш шаҳри Еттисув, Фарғона вилоятларининг Ўрта Осиёнинг шаҳарлари ва шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини юртишда муҳим аҳамият касб этган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қирғизистоннинг Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон билан савдо алоқалари янада мустаҳкамланади. Бунга Ўрта Осиёнинг Россия таркибига киритилиши туртки берди. Чунки ўлка тўла рус саноати учун хом ашё етказувчи манба ва саноат молларини сотувчи бозорга айланган эди.

Нақд пул билан солиқ тўлаш ва саноат, хунармандчилик буюмларини харид қилиб олиш учун қирғизлар қўлида

мавжуд молининг, олган ҳосили ва бошқа нарсасининг бир қисмини сотишга мажбур бўлган. *Ўз навбатида бу нарса натурал хўжаликнинг парчаланиши ва туб аҳолининг товар - пул муносабатларига жалб этилишига шароит яратади.*

Кундалик эҳтиёжга зарур пахтадан тўкилган газламалар, чарм ва темирдан ясалган буюмларни савдогарлар Қирғизистонга Россия, Ўзбекистон улқасининг бошқа ўлкаларидан олиб келишарди. Россияга эса Жанубий Қирғизистондан пахта, ипак, қуритилган мева, жун ва тери жўнатиладди. Шимолий Қирғизистондан савдогарлар асосан мол, тери, жун, ғалла ва бошқа маҳсулотлар сотиб олишган. Қирғизлар маълум миқдорда хунармандчилик буюмлари: кигиз, наMAT, қоп, арқон, ғилам, бўз уй жиҳозлари, ёғочдан ишланган эгар, идишлар ва бошқа нарсаларни сотишар эди. Кўшни ўзбек, тожик, уйғур ва дунган савдогарларидан қирғизлар пахта, ипак газламалари, кийим-кечак, этик - маҳси, меҳнат қуроллари, мева-сабзавот, рус-украинлардан эса кетмон, курак, чалғи, ўроқ ва бошқа нарсаларни харид қилиб олишарди. *Савдо-сотиқда аксарият ҳолларда мол, ёввойи ҳайвонлар терилари ва чорвачилик маҳсулотлари пул ўрнида қўлланилар эди.*

Савдо-сотиқнинг, ички хўжалик алоқаларининг ривожланишида бозорлар билан ярмаркаларнинг ҳам аҳамияти катта бўлган. Ярмаркалар **Отбошида** (1883 йилдан), **Қарқирада** (1893 йилдан), **Қорақўлда** (1898 йилдан), **Пишпекда** (1905 йилдан) вақти вақти билан ташкил қилинар эди. Бироқ умуман олганда ҳудудлар ўртасида барқарор савдо, узлуксиз иқтисодий алоқалар ҳали шаклланмаган эди.

Қирғизларнинг кўпчилик қисми товар – пул муносабатларига фаол аралаша олмагандилар.

**Ижтимоий муносабатлар.** XIX асрнинг иккинчи ярмидаги қирғиз халқини асосан *икки ижтимоий қатлам (гурух)га* бўлиш мумкин. Уларнинг бири *феодаллар*-бой, манаплар, иккинчиси эса *қора фуқаро*-меҳнаткаш омма эди. Феодалларнинг оксуяк зодагонлари-манаплар ўзларининг моддий ва сиёсий аҳволи бўйича феодал иерархиясининг энг юқори поғонасида туришган. Қирғизистон Россиянинг таркибига киритилгунга қадар манап номи ҳамда ҳокимияти отадан болага мерос қоларди. Ота-бобоси олий насабли йирик манаплар одатда *занжирли манап* дейиларди. Манаплар ўзларини оксуяқлардан ҳисоблашиб, оддий фуқароларга нисбатан такаббуруна муносабатда бўлишган.

Қирғизистонда Россия ҳукмронлиги ўрнатилгач, манапларнинг ҳаётида айрим ўзгаришлар бўлди. Мустамлакачилик маъмурияти ҳудудни бошқаришда ишончли ижтимоий таянчга эга бўлиш мақсадида манапларни ўзига жалб этган. Улар бўлис бошлиқлари, старшина ва бий лавозимларига эга бўлишди. Намунали хизмат қилган катта манапларга чор ҳукумати турли мукофотлар ҳамда ҳарбий унвонлар бериб турган.

Қирғиз феодалларининг асосий қатламларидан бири бойлар эди. Уларнинг унвонлари, меросга қолувчи шон-шухрати бўлмаган. Ҳокимиятдан, турли лавозимлардан кўп ҳолларда четда қолардилар. Аммо, бойлар кўплаб чорва молига эгалик қилишар, амалда яйловларнинг аксарият қисми ўшалар қўлида эди.

Бу вақтда *бийларнинг* ҳуқуқи, ижтимоий аҳволи ҳам ўзгарди. Илгари



*XX аср бошидаги қирғиз халқининг атоқли инсонлар гуруҳи. Иккинчи қаторда чап томондан биринчи Чоко ботир. Ўртада Шабдан ботир. Унинг ўнг томонида Найзабек (ўртада ундан кейин «Алаш» партиясининг ташкилотчиларидан бири). Шабдан ботирнинг чап томонида Махсумхўжа, Биричи қаторда чап томондан иккинчи Дур Учунчи қаторда чап томондан биринчи Мамбетали*

бий лавозими меросга қолса, энди у сайлов йўли билан бериладиган бўлди. Жанубий Қирғизистонда аҳолиси ўтроқлашган ҳудудларда бийлар ўрнига қозилар сайланарди. Бий ва қози лавозимларига асосан манаплар ҳамда бойлар сайланган. Бийлар ва қозилар маҳаллий аҳоли ўртасида суд раиси вазифасини бажариб, турли жинсий ишлар, даъво-жанжалларни муҳокама қилар ва *одатга* (бийлар) ҳамда шариатга (қозилар) таяниб қарор чиқарарди.

*XIX аср охирида товар-пул муносабатларининг ривожланиши, натурал хўжаликнинг бузила бошлаши натижасида қирғиз манап, бойлари орасида тери ошловчи, мой ишлаб чиқарувчи ва шу каби кичик заводларнинг эгалари шаклланади. Аммо, бундай тадбиркорлар сони жуда оз эди. Қирғиз бойлари савдогарчилик, чайқовчилик, судхўрлик ҳамда даллоллик қилишга кўпроқ ўта бош-*

*лайди. Масалан, ака-ука Ўзбек ва Ашир Бошқоевлар минглаб бош мол, айниқса, йилқи боқиб савдогарлик қилишган.*

Оддий меҳнаткаш халқнинг асосий қисмини қора фуқаро ташкил этган. Уларнинг кундалик турмушига керакли бир неча бош кўй-эчкиси, бир-икки бош моли ва оти бўларди. Кўпчилик ҳолларда улар бой-манапларнинг мол-кўйларини боқиб кун кечиришарди.

Қамбағаллар *жақир* (қашшоқ)лар, жалчи (ёлланадиган қишлоқ ишчиси)лар, *малай* (хизматкор)лар, *жатақ* (ёзда бой қариндошларидан ерни ишлов бериш учун олган дехқон)лар, *чоракорлар*, *мардикорлар* каби турли қатламларга бўлинган. Ўтроқлашган аҳоли яшаган, дехқончилиги ривожланган ҳудудларда ери оз ёки ери ҳамда от-улови йўқ дехқонлар *чоракорлик* қилишган. Улар бойлардан ер, уруғ, хўкиз, от ва қишлоқ хўжалик асбоб-

уқуналарини олишарди. Уларнинг ҳақи эвазига кузда ҳосилнинг кўпроқ қисмини хўжайинга беришга мажбур эди. Мардикорлар қишлоқ хўжалик ишлари қизиган пайтда вақтинча ёлланиб ишлашган. Уларнинг меҳнат ҳақи пул билан тўланган. Мардикорларни янги шакллана бошлаган қишлоқ пролетариатининг бир тури сифатида ҳисоблаш мумкин. Ўзининг ишчи кучини сотиб кун кечирганлар сони аста-секин кўпаяверди. Камбағалларнинг анча қисми рус кулоқлари, казаклар, ўзбек бойларига ёлланиб ишлашган. Арзимаган маош

учун баъзи бирлари кичик саноат корхоналари ҳамда кўмир конларида меҳнат қилишга мажбур бўлишган. Масалан, 1907 йили Қизилқиядаги кўмир конида меҳнат қилган 209 шахтёрнинг 107 таси қирғизлар эди. Уларнинг аҳволи ўта оғир бўлган.

Меҳнаткаш халқнинг аҳволини чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати, турли солиқлар, феодал зодагонларининг аҳолидан тўпловчи йиғимлари баттар қийинлаштирди. Албатта, бу халқ орасида мустамлакачилик ҳокимиятига қарши норозиликни кучайтирди.

?

### Савол ва топшириқлар:

1. XIX аср охирида қирғизлар хўжалигида қандай ўзгаришлар юз берган?
2. Қирғиз қишлоқларига тавсиф беринг.
3. Саноатнинг ривожланишига нималар туртки берган?
4. Хунармандчиликнинг қайси турлари ривожланган?
5. Шаҳарларга ҳамда савдо-сотиқнинг ўсишига тавсиф беринг.
6. Қирғизлар қандай ижтимоий қатламлардан иборат бўлган?

## 25-§. Андижон қўзғолони

**Қўзғолоннинг сабаби ва характери.** XIX аср охиридаги Ўрта Осиё халқларининг миллий-озодлик курашининг йириги Андижон қўзғолони бўлиб ҳисобланади. Қирғиз, ўзбек, тожиклар биргаликда қатнашган бу қўзғолонга чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати, миллий зулмнинг кучайиши, мустабид маъмуриятнинг зўравонлиги, ижтимоий тенгсизликнинг авж олиши сабаб бўлган. Қўзғолонга аҳолининг турли қатламлари ҳамда мусулмон руҳонийларининг

вакиллари қатнашган. Қўзғолонга Марғилон уездидаги Мингтепа қишлоғидан бўлган **Муҳаммадали Собир ўғли Дукчи (йикчи) эшон (1856—1898)** йўлбошчилик қилиб, ташаббусни ўз қўлига олган. Диний мазмундаги шиор, чақириқлар, халқ ҳаракатига дин вакиллари-нинг қатнашиши фақат Андижон қўзғолонигагина хос эмас. Бундай кўриниш бошқа халқлар озодлик кураши тарихидан ҳам маълум. Шу боис бу қўзғолонни ижтимоий тараққиётга



*Андижон кўзғолонининг бошлиқлари*

зид ҳаракат сифатида баҳолашга ҳеч асос йўқ. Энг муҳими кўзғолон иштирокчиларининг туб манфаатлари, асл мақсадлари мос келиб, кўзғолон бошланишига туртки берган. *Мана шу нуқтаи назардан Андижон кўзғолони хусусияти жиҳатидан халқ миллий-озодлик ҳаракати бўлиб ҳисобланади.*

**Кўзғолоннинг бошланиши.** Фарғона водийсида қўшни бўлиб яшаган қирғиз, ўзбек, қипчоқ, тожикларни ўз бағрига олган халқ ҳаракатининг янги тўлқини бўлган Андижон кўзғолони **1898 йил май ойида** бошланди. Ғалаён бошланиши арафасида овул-кишлоқларда турли миш-мишлар тарқалиб, халқ кўзғолиб қолади. Аллақандай мудҳиш бир воқеанинг шарпаси сезила бошлаган эди. Шундай вазиятда **1898 йил 17 май** кунини кечки пайт **Тожик (Мингтепа)** кишлоққа чор аτροφдан ўзбек, қирғиз ва қипчоқлар тўпланиб, мустабид ҳукуматга қарши курашга бел боғлашади. Ўшанда **Муҳаммадали эшон** ташаббусни қўлга олиб, тўпланган фуқароларга раҳбарлик қилади. Кишлоқда ўша

кунини 200 дан ортиқ киши йиғилиб, шу тарафда жойлашган чор аскарларига тез орада зарба бермоқчи бўлишади. 18 майга ўтар кечаси кўзғолончилар Андижондаги ҳарбий қисмга хужум қилишади. Кўзғолончилар шаҳарни бошқа худудлар билан боғловчи телеграф симларини қирқиб ташлаган эди. Йўлда уларга **Кутчи, Қорақўрғон, Кўл** ва бошқа кишлоқлар аҳолиси ҳам қўшилади. Қисқа вақт ичида исёнчилар сони 2000 кишига етади. Аммо, кучлар тенг эмас эди. Чор аскарлари жангга тайёргарлиги, тажрибаси, қурол-яроғи жиҳатидан анча устунлик қилган. Кўзғолончилар олдиндан кўзғолонга яхши тайёргарлик кўришмаган, қурол-яроғи ҳам заиф эди. Улар атига айри, чалғи, найза, қилич, сўйил ва бир неча милтиқ билангина қуролланган эди. Шу боисдан яхши қуролланган аскарлар, кўп ўтмай кўзғолончилар хужумини қайтариб, ғалабага эришадилар. Аёвсиз жангга 20 дан ортиқ чор аскарлари ва зобитлари ҳалок бўлади. Кўзғолончилар ҳам оғир талафотга учраб, кўплари ҳалок бўлади ва яраланади.

Аскарларнинг ёмғирдек ёгилиб турган ўқларидан кўзғолончилар сафлари сийраклашиб, оқибатда чекинишга мажбур бўладилар. Ўша мудҳиш воқеадан кўп ўтмай (20 майда) жазоловчи аскарлар Андижондан 90 чақирим наридаги Чорбоғ кишлоғида кўзғолончилар йўлбошчиси Муҳаммадали эшонни асирга олишади. Кейинчарок, 12 июнда мустабид ҳукумат жаллодлари уни дорга осиб ўлдиради. Кўзғолон катта ҳудуд Фарғона водийсини қамраб олган эди. Халқ ҳаракатиға **Андижон, Марғилон, Наманган** ва **Ўш** уездларининг аҳолиси фаол қатнашди. Бу кўзғолон кўплаб миллат вакиллари иштирок этганлиги билан ҳам ажралиб туради. Мустамақачилик зулми азобларини биргаликда тортган маҳаллий халқлар озодлик учун курашда ҳам бирга бўлишди. Ўзбеклар каби қирғизлар ҳам ажал ўтини сочган, беҳисоб қуролға эға бўлган, бағри тош чор аскарларига қарши курашдилар. Кўзғолонға новқатлик ва сусамирлик қирғизлар ҳам қатнашишға ҳаракат қилишгани маълум.


**Новқатлик қирғизларнинг ҳаракати.** Мингтепаликлар ҳаракатға кела бошлаган куни Новқат ҳудудидаги Октерак деган ерда Ўш уездига қарашли Қора-кўлсой, Томчибулок, Жапалоқ овулларида тахминан 300 киши йиғилади. Улар сўйил, таёк, пичоқ билан қуролланишган, милтиқлари йўқ эди. Тўпланган қирғизлар Ўшдаги ҳарбий гарнизон ва рус маъриға ҳужум қилишға тайёрланишган. Новқат ҳудудидаги кўзғолонға **Умарбек Олим ўғли** бошчилик қилмоқчи бўлган. Аммо бу ҳақида мустабид ҳукумат вакилиға хоинлар аввалдан хабар етказишға улгурган эди. Ўша заҳоти Ўш уездининг бошиғи подполковник Зайцев кўзғолоннинг олдини олиб, уни вақтида

бостиришға шошилиш чоралар кўради. Натижада аскарлар ҳамроҳлигидаги рус маъмурлари новқатлик қирғизлар йўлбошчиси Умарбек ва унинг яқин сафдош дўсти Сатибой бош булган 20 кишини тўсатдан келиб қўлга туширадилар. Кўп ўтмай чор амалдорлари халқ ҳаракатининг кўплаб иштирокчиларини қамоққа олади. Масалан, Новқат томонларда 50 дан ортиқ киши қамалган.

**Кетмонтепадаги ғалаёнлар.** Сусамир бўлисидаги Кетмонтепада эға кўзғолон бошлаш учун тўпланган халойиқ бошида **Шодибек Шерғози ўғли** турди. Улар Андижон томонда бошланган кўзғолонға қўшилишға ҳаракат кўришган. Аммо, Андижонда исёнчилар чор аскарларидан оғир мағлубиятға учрағач, кескин кураш бошлашға ботина олишмади. Кетмонтепалик қирғизларнинг ҳаракатини бостириш учун бир неча юз аскар, қазаклардан тузилган қўшин шошилиш равишда жўнатилган. Қўшин Шодибек Шерғози ўғли ва 50 дан ортиқ кишини қўлга тушириб, Наманганға ҳайдаб келади. Шодибекни дастлаб рус маъмурлари ўлим жазосига тортмоқчи бўлади. Кейин бу ҳукм умрбод сургунға алмаштирилади. Шунингдек, унинг ёрдамчилари Умотали Бағишбек ўғли ва Толобой Бешкамбир ўғли йиғирма йиллик муддатға сургунға ҳайдалади. Дастлабки суд ҳукми бўйича улар ҳам ўлимға маҳкум этилган эдилар. Улардан ташқари яна 54 киши ўлим жазоси ўрниға етти йилға сургунға ҳайдалган. Улар орасида қасдлашган душманлари томонидан ёлғон тухмат билан сургун қилинган атоқли **Токтогул оқин** ҳам бор эди.

Ўша даврда Андижон уездидаги қирғизлар яшаган тоғли ҳудудда 1000 дан ортиқ киши қатнашган

**XIX аср охири – XX аср бошида Қирғизистонни  
ва қўшни хўдудларни маъмурий бўлиниши**



Қирғизларнинг XIX асрдаги миллий-озодлик ҳаракати

кудратли тўлкинлар бошланади. Бирок, ҳаракатнинг нуфузли умумий раҳбари бўлмаганлигидан кўзғолончилар майда гуруҳларга бўлиниб кетади. Улар найза, сўйил ва бир неча милтиқ ҳамда тўппонча билан қуролланишган эди, холос. Атрофдаги овул-қишлоқлар аҳолиси уларни озиқ-овқат билан таъминлаб турган. Оқибатда бу тарқоқ ҳаракат ҳам кенг қулоч ёза олмай, тезда бостирилади.

**Кўзғолоннинг мағлубияти ва аҳамияти.** Мустабид ҳукумат кўзғолончиларни қаттиқ таъқиб қилиб, аёвсиз жазолади. Исённи бостириш учун Фарғона, Сирдарё, Еттисув вилоятлари ва Тошкент шаҳридан қўплаб жазоловчи ҳарбий қисмлар жўнатилган. Ҳаммаси бўлиб 777 киши қамоққа олиниб уларнинг 415 нафари жиноий жавобгарликка тортилган. Суд ҳукмига мувофиқ 18 киши дорга осилиб, 362 кўзғолончи ўлим жазоси ўрнига узоқ муддатли сургунга ҳайдалади. Улар орасида Кетмонтепадан 36 киши тухмат билан қамоққа олиниб, Сибирга сургун қилинган.

Халқ ҳаракатидан хавфсизраган мустамлакачи ҳокимият Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида фавқулодда ҳолат жорий этиб, рус қишлоқлари аҳолисини шошилиш суръатда милтиқ билан қуроллантиришга қиришган.

*Шундай қилиб, олдиндан пухта режасизлиги билан, тарқоқ, заиф қуролланган халқ ҳаракати мағлубият билан якунланди.* Кўзғолон Ўрта Осиёда Россия мустамлакаси тўла ўрнатилгандан кейинги маҳаллий аҳолининг *дастлабки йирик миллий-озодлик ҳаракати* эди. У йилдан-йилга кучайиб бораётган мустамлакачилик зулми ва чор амалдорларининг зўравонлигига қарши йўналтирилган. Кўзғолонга чиққан халқ мустақилликка ва озодликка интилган. Ҳақиқий халқ ҳаракати гарчи мағлубиятга учрасада, мазлумлар қалбида исён алангаси ҳали сўнмаган, аксинча озодлик сари интилиши тобора кучайиб, келажакка умид билан боқар эди. Кўзғолон пайтида Ўрта Осиёдаги мустабид ҳокимиятга жиддий зарба берилди. Исёнчилар билан Еттисув ва Сирдарё вилоятларининг маҳаллий аҳолиси ҳам маслақдош бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаганлар. Кўзғолон миллий онгнинг ўсишига, мустабид ҳокимиятга нисбатан норозиликнинг янада кучайиши ва қайта янги қудратли озодлик курашининг пишиб етилишига туртки берди. Ўша кунлардаги машъум воқеалар халқ хотирасида абадий сақланиб, ҳал қилувчи курашларга чорлаб турди.

Кейинги халқ ҳаракатининг қудратли тўлкини 1916 йилга тўғри келди.

?

### Савол ва топшириқлар:

1. Кўзғолоннинг сабаби ва хусусияти тўғрисида айтиб беринг.
2. Кўзғолон қаерда ва қандай бошланган?
3. Кўзғолонга ким раҳбарлик қилган?
4. Новқатлик ва кетмонтепалик қирғизларнинг ғалаёнлари тўғрисида айтиб беринг.
5. Кўзғолон қандай бостирилди?
6. Кўзғолоннинг аҳамияти ва характери ҳақида нималар дея оласиз?



# IX БОБ. ҚИРҒИЗИСТОН ХАЛҚИНИНГ XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШИДАГИ МАДАНИЯТИ

## 26-§. Мустамлака (колония) давридаги қирғиз халқининг меросий маданияти

Қирғизистоннинг этник таркиби унинг Россияга бўйсундирилишидан сўнг фавқуллода ўзгарган. Энди ўлкада қирғизлар ва Қўқон хонлиги давридаги тарихий қўшнилари бўлган айрим ўзбек, тожиклардан ташқари Европадан рус, украин, немис, татар, бошқирлар вакиллари, Шарқий Туркистон ва Хитойнинг Ганьсу, Шэньси вилоятларидан уйғур, дунган ва сарт-қалмоқ халқлари вакиллари кўчиб келиб ўрнашиб қолишган. *Бу янги этник вазият қирғиз халқининг XIX аср охири-XX аср бошидаги маданиятининг фавқуллода ўзгаришларга учрашига шароит яратган жиҳатлардан бўлди. Қирғиз маданияти худди ўша даврда Европа (Россия) маданияти билан яқин алоқада бўлиб, янада ривожланишига имкон топди. Албатта, меросий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам сақланиб қолди.*

*Манасчилик санъати* янги истеъдодли дostonчилар томонидан давом эттирилган. Улар орасида *Ақилбек, Чўнғбош (Нармонтой), Назар ирчи, Тинибек Жапий ўғли* (1846 — 1902), *Келдибек Барибўз ўғли, Балиқ (Бекмурод) Кумар ўғли* (1793 — 1873), *Чўюке Ўмур ўғли* (1863 — 1925), *Чўма Асрон ўғли* (1879 — 1924) каби буюк инсонлар бор эди. “Манас” айтиш Иссиқкўл - Норин “мактаби”нинг вакиллари-дан таълим олган *Сағимбой Ўрозбоқ ўғли* (1867 — 1930) саёқ қабиласининг мўйноқ уруғидан чиққан. Отаси

Ўрозбоқ Окжўл ўғли машхур Ормонхоннинг карнайчиси бўлган. Сағимбой 3 — 4 йил бир ўзбек муллада ўқиб, савдини чиқаргач, ўн олти ёшидан “Манас” айта бошлаган. Унинг варианты мумтоз намуна сифатида қирғиз халқ, оғзаки ижодининг олтин фондига кирди. Хусусан, 1922 — 1926 йиллардагина К. Мифтаков, И. Абдурахмонов томонидан Сағимбой ижросида “Манас” бўлимигина қоғозга туширилиб, унинг “Семетей”, “Сейтек”лари ёзилмаган. Сағимбойдан кейинги истеъдодли манасчи *Саёқбой Қорала ўғли* (1894 — 1971) совет даврида дostonнинг 500 минг сатрдан ортиқ йирик ҳажмли вариантини ёздириб, *XX асрнинг Гомери* номини олган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида “Манас” дostonининг айрим бўлимлари европалик олимлар диққатини ўзига жалб этади. Қозоқ мутафаккири ва маърифатчиси *Чўқон Валиханов* (1835 — 1865) Иссиқкўл худудидаги қирғизлар орасида “Кўкатоининг оши”ни ёзиб (1856 йил), “Манас” дostonини қирғиз халқининг энциклопедияси, “дала Илим-адаси” деб юқори баҳолаган. Унинг дўсти, татар олими *Ҳусайн Фоишхонов* (1828 — 1866) ҳам “Манас” дostonига тан берган. *Василий Васильевич Радлов* (Фридрих Вильгельм Радлофф; 1837 — 1918) бўлса 1862 ва 1869 йилларда қирғиз яйловларини кезиб, 1885 йили Лейпцигда қирғиз ва немис тилларида “Манас”дан парча эълон қилган.



*Тинибек Жапий ўгли (1846 — 1902)*

1911 йили мажор шарқшуноси *Д. Алмаши* ҳам ўша тилларда Будапештда “Манас”дан бир парча нашр этган.

1898 йили Қозон шаҳрида *Тинибек Жапий ўглининг* “Семетей”идан кичик парча араб алифбосида босилган. “Манас” достони Россия мустамлакаси даврида ёзма шаклида ҳам халқ орасида кенг тарқалган. Масалан, шу кунларгача етиб келган “*Қиссаи Семетей бу турур*” номли қирғиз тилида араб алифбосида ёзилган асар ХХ асрга тааллуқлидир. Уни *Балиқ ирчи* варианты асосида *Тўқтағози Жусупбек ўгли* (1864 — 1933) ёзиб олган, деб тахмин қилинади.

Сталин катағони йилларида ўт қўйиб юборилган қўлёмалар ичида кўплаб дoston намуналари ҳам бўлганлиги маълумдир.

Тўкма оқинларнинг янги тўлқини мустамлакачилик даврида ҳам ўз ижоди билан кўзга ташланган. Улар ораси-

да *Женгижоқнинг* (Ота Коко ўғли); 1859 — 1918) тарбиявий аҳамияти катта. Тенгсиз оқин, айтишув бўйича бетакрор устоз, нафақат хат-саводли, зиёли инсон, балки қирғиз дostonларини куну тун айта оладиган эртақчи сифатида ҳам машҳур бўлган.

“Ер юзига ёйилиб,  
Тўлиб оққан оқар сув.  
Етти қават ер остин,  
Ёриб чиққан оқар сув.  
Ер, оламнинг барчасин,  
Боқиб чиққан оқар сув.  
Осмонни булут қоплаб,  
Ёгин олган оқар сув.  
Умр ўтин чакнагиб,  
Ёқиб чиққан оқар сув”,

— деган башоратли сатрлари орқали у табиатнинг буюк неъматини сифатида оқар сувни шарафлайди, шеърларида фалсафий юксак маънодаги ўй-фикрларни ифодалашга эришади.

“Ортидан ёв қувгандек,  
Кўчганин кўр - чи дунёнинг.  
Зилол сувдек шарқираб  
Оққанин кўр-чи дунёнинг”,

— деган Женгижоқ ҳаётининг шиддатли ўзгаришларига тан беради.

Женгижоқнинг эркин фикрлаш саъй-ҳаракатлари унинг ёш замондоши *Токтогул Сотилган ўгли* (1864 — 1933) томонидан ривожлантирилади. Оқин, кўмузчи, бетакрор куйлар яратган истеъдодли санъаткор ва мутафаккир Токтогул ижтимоий мазмундаги (бойманаплар зулми, уларнинг хушомадгўйлари, халқни алдаб кун кўраётган эшон-халифаларга қарши) лирик шеърлар ҳамда айрим дostonларни яратган. 1898 йилги Андижон кўзғолони мағлубиятга



*Токтогул Сотилган ўгли (1864 — 1933)*

учрагач, кетмонтепалик манаплар унга туҳмат тошларини ёғдириб, Сибирга сургун қилдириб юборишган. Токтогул ўз даврининг кўплаган оқинларига асарлари билан ҳамда маслаҳату-насихатлари билан ҳам йўл кўрсатиб берган.

Қирғизларнинг дидактик ва фалсафий оқинларидан бири **Барпи Алиқул ўгли (Барпи ҳофиз; 1884 — 1949)** қолдирган бой адабий мерос ҳам диққатга сазовордир. У ҳозирги Сузоқ туманидаги Аччи қишлоғида туғилган. Саккиз ёшидан бойларга ёлланиб ишлаган. Ўн олти ёшида халққа оқин бўлиб танилган. Токтогул каби у ҳам ўткир ижтимоий мазмундаги шеърлардан ташқари, олам, замон, жамият тўғрисида чуқур фикр юритувчи асарларини ҳам қолдирган.

“Айт, айт деса оламдан сўзла,  
Олам эса олдинни кўзлар.  
Турли-туман хунар ўйлаган  
Оламдаги одамдан сўзла.

Бири кулса, мингги бўзлаган  
Диёнатсиз замондан сўзла”,

— деб, Барпи замонга, жамиятдаги адолатсизликка муносабатини биргина шу шеърини сатрларида баён этган. Женгижок ирчи унга: “Оқинлик анъананг асосида одим ташлайсан, Барпи ирчи”, деб баҳо берса, Токтогул ирчи унга жавобан: “Ҳикматга бой термаларинг билан сен менга қанот бўлдинг”, — деб мамнун бўлган.

Женгижок ва Токтогулнинг шогирдларидан бири **Эшмамбет Бойсаид ўгли (1867 — 1926)** ҳам “Она Ер” номли фалсафий ғояларга йўғрилган шеърлари ва дostonлари билан маълум ва машҳур бўлган.

Мустамлакачилик даврида қирғиз **ёзма оқинлари** Молда Ниёзнинг анъаналарини янада давом эттиришган. Улардан бири **Бойимбет Абдурахмон ўгли (Тоголок Молдо; 1860 — 1942)** Нориндаги Қуртқа деган жойда туғилган. Муллада ўқиб савод чиқаргач, 14 ёшида ўзи шеърлар ёза бошлаган. 18 ёшида Тинибек билан учрашиб, “Манас” дostonини ўрганган. Унинг шеърлари, масаллари, шажаравий афсоналари совет давригачаёқ кенг ёйилган эди. У ёзиб қолдирган асарларнинг асл нусха-



*Молдо Қилич Шамихон ўгли*

лари сақланиб, ўрганилмоқда. Таниқли қирғиз ёзма оқини *Молда Қилич Шамихон ўғли (Шамирхон ўғли; 1868 — 1917)* машҳур Торагелди манапнинг набираси бўлган. У Баён Молда, Мамбетаали Молда, Оқ Молда каби устозларидан таълим олган.

“Молда Қилич менинг отим,  
Мўлжали йўқдир санъатим,  
Чала чиққан аввал бошдан  
Чоркитобдан хат-саводим.  
Юриб-юриб талайгина  
Ғазал ёзган қоғозим.  
Халойикқа ошкор бўлиб  
Хатга тушган овозим”,

— деб ўзи таъкидлаганидек, кейин мустақил равишда ўз билимини оширган. Жадидлар билан алоқа боғлаб, Исмоил Гаспиралининг “Тержумон”, Қозон татарларининг “Юлдуз” газеталари, Навоий, Сўфи Оллоёр, Хўжа Ҳофиз, Бедил, Рабғузий, Хўжа Аҳмад Яссавий ва бошқа шоирлар асарлари, козоқ ёзма оқинларининг ижоди билан яқиндан танишади. 1910 йилдан бошлаб у ўзи ҳам муаллимлик қилади. 1910 йилда Қозонда унинг машҳур “*Зилзила*” номли ғазаллар тўплами нашр қилинади. Бу тошбосмада босилган дастлабки қирғиз поэтик асари ҳисобланади.

Мўлда Қилич “замонавий” оқинлардан бири сифатида ҳисобланиб, 1948 — 1989 йилларда унинг ижодини ўрганиш жамоатчилиги учун тақиқланган эди. Унинг “Чуй баёни”, “Бургутнинг тўйи”, “Зор замон”, “Бугдойик” ва бошқа асарлари қирғиз бадий сўз санъатини кўл ёзма адабиёт даражасига кўтарган бебеҳо мерос бў-



*Эшенаали Арабой ўғли*

либ ҳисобланади. XX аср бошида ўз асарларини дафтар усулида ёзиб, кенг жамоатчиликка тарқатган ёзма оқинлар ичида Мўлда Қилич адабий мероси фалсафийлиги ҳамда янги услубларни жорий қилганлиги билан ҳам ажралиб туради.

**Маърифатчи олимлар.** Қирғизистоннинг Россияга бўйсундирилиши натижасида Итил (Волга) ва Уралдаги муслмон турк маданиятининг маркази билан Олатоғ халқининг муносабатлари мисли кўрилмагандек кучайди. Татар ва бошқирд маърифатчилари “янги усул” билан қирғизларнинг саводини чиқаришга муносиб ҳисса қўшганлар. Қирғизлар орасида ҳам маорифатчилик ҳаракати жонланган.

Худди ўша оқимнинг ёрқин намоёндаларидан бири *Эшенаали Арабой ўғли (1882 — 1938)* Кўчкор худудидаги Кунботиш овулида туғилган. У бошланғич таълимни ўз юртида олган, 1900 — 1910 йилларда ўқитувчилик қилган. 1910 — 1913 йилларда Уфа шаҳридаги ҳалийя мадрасасида ўқиб билим олган. 1911 йилда К. Сарсекеев билан ҳамкорликда козоқ ва қирғиз болалари учун (“*Алифбе ёки тўғри ўқиш*”) деган қўлланма яратади. Бу китоб уни

<sup>1</sup> Усулу жадид — ўқитишнинг янги усули, XX а. бошида. Асосчилари Исмайыл Гаспыралы ва бошқа татар маърифатчилари бўлган.

ўқиган талай қирғиз ва козоқ ёшлари учун араб алифбосини ўзлаштиришни осонлаштирган. Э. Арабой ўғлининг бошқа йигирмага яқин асарлари ичида 1924 йили Тошкент шаҳрида босилган “Қирғиз алифбеси” ҳам тўнғич қирғиз алифбеси сифатида алоҳида тилга олишга арзийди.

Э.Арабой ўғли маърифатчилик билангина чекланмасдан, сиёсий ҳаётга ҳам фаол қатнашган. 1917 йил 8—13 декабрда Оренбург шаҳрида бўлиб ўтган “Алаш” партиясининг III қурултойига делегат бўлиб борганда, Кўкон мухториятининг янги тузилган Хукумати раиси козоқ Муҳаммаджон Тинишбов ва Кўкон мухториятининг ташки ишлар вазири Мустафо Чоқаев билан учрашган. Қурултойда Алихон Бўкайхон ўғли раҳбарлигидаги Алаш Ўрда мухтор ҳукуматини тузиш тўғрисидаги қарорни у ҳам ёқлайди. Эшенаали Арабой ўғлининг мухторият мақоми орқали қирғиз давлатчилигини қайта шакллантириш ғояси кейинчароқ *Абдукарим Сидик ўғли* ва *Жусун Абдураҳмон ўғли* томонидан амалга оширилган.

*Осмонаали Сидик ўғли (Қидиқ ўғли; 1875—1940)* эса қирғизча тарих аса-



*Осмонаали Сидик ўғли*

ри тошбосмада китоб бўлиб босилиб чиққан дастлабки тарихчи ҳисобланади. Унинг отаси Қидиқ Қўчқордаги катта манап Абайилданинг тўқоли -иккинчи хотинидан туғилиб, онаси бошқа бўлса-да машхур Торагелди манапнинг ота томонидан укаси эди. Осмонаалининг катта акаси Жарқинбой ҳам мулла бўлган. Кейинчароқ Осмонаали Учтурфон, Бухоро, Уфадаги илм марказлари (мадрасалар)да таълим олган. 1913 йили Уфа шаҳрида ўзининг “*Мухтассар тарихи қирғизий*” (“*Қисқача қирғиз тарихи*”) асарини “Каримов, Хусайнов ва К” жамияти томонидан чоп эттиради. Кейин, 1914 йили эса у ўша шаҳарда аввалги китобини кўшимча маълумот ва шеърлар билан тўлдириб, “*Тарихи қирғиз шодмоний*” (“*Шабдонга бағишланган қирғиз тарихи*”) деган ном билан нашр эттирган.

“Юрагида ўти бор йигитлар тарихни билишлари керак ва (у)-кўп эътибор қилинувчи бир илм”, — деб тарихга астойдил муомала қилишга даъват этган. Осмонаали Сидик ўғли ўз юртига фақатгина шажара ва тарихдан билганлари асосида ёндошибгина қолмай, балки юртдошларини илм-фан ва санъатни эгаллашга ҳам чорлаган:

“Илм билан пайдо бўлган нарсаларни, Ёзайин баён қилиб, тингласангиз. Бир кунда етказар ойлик манзилга, Денгиз усти, темир йўл, оташ арава. Эшитамиз хабарни бир чеккадан, Электр, телефон, тилгиром билан. Сувда қайик юргизди кема билан, Илм билан, ҳар турли хунар билан...”

<sup>1</sup> Мақам — статус



*Тарихчи Белек Сўлтонкелди ўгли  
Солтоноев (1878 — 1938)*

Осмонаали Сидик ўгли замондошлари Шабдон Жонтой ўгли ва Дур Сооронбой ўглини Кемин ва Тўқмоқ худудида мадраса қурдириб, халқни саводхон қилгани учун алоҳида мактайди. Ўзи ҳам муаллимлик қилиб юриб, 30-йиллар бошида большевистик таъқибдан қўриқиб, Хитойга қочиб кетган ва 1940 йилда ўша ерда вафот этган.

Яна бир қирғиз тарихчиси **Белек Сўлтонкелди ўгли Солтоноев (1878 — 1938)** Чўнгкемин водийсида туғилиб ўсган. 7 — 8 ёшида унинг хат-саводи чикқан. Қорақўлда 3 — 4 ой рус мактабида, кейинчароқ Бишкекдаги боғбонлар тайёрловчи қирғиз мактабида ўқиган. 1895 йилдан бошлаб у қирғиз тарихини ёзиш учун маълумот тўплашга киришган. Унинг “*Қирғиз - қозоқ тарихи*” (“*Қизил қирғиз тарихи*”) асари қўлёзма ҳолида сақланиб қолган. Белек Сўлтоноев 1916 йили Атаке бўлиси этиб

сайланган, кўзғолондан сўнг Хитойга қочиб кетиб, 1917 йили қайтиб келган. Маориф, илмий ва бошқа соҳаларда ишлаган. Бегуноҳ қатағон қилиниб, отиб ташланган.

Белек Сўлтоноев ўз тарих китобини мусулмон анъанавий тарихий маълумотлари, қирғиз шажараси, афсоналари, урф-одатларини европалик олимлар (Бичурин, Бартольд, Радлов, Аристов, Григорьев ва бошқалар номларини ўзи санаб ўтади) асарлари билан таққослаб ўрганиш асосида ёзишга ҳаракат қилган. Ўз асарини у бўлажак қирғиз тарих фанига “абдий материал бўлар” деган умидда ёзганлиги ва бу асари энг қадимги (“қирғизларнинг тарихга кирганидан”) замонлардан 1917 йилгача бўлган даврни камраб олишини эслатиб ўтади.

Қирғизистондаги таниқли олимлардан яна бири **Мирза Фозилбек Қосимбеков (1863 — 1919)** бўлган. Унинг отаси Қосимбек Бадахшондаги Шугнон худудининг беги эди. Отаси ўлгач, Фозилбек Фарғона вилоятига кўчиб келиб, ниҳоят XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ўшда яшаб қолади. Ўзининг тожик тилидан бошқа бир неча шарқ тилларида (хусусан қирғизча) ва русча сўзлай олган Фозилбек, 1885 йилдан бошлаб рус сайёҳ-олимлари экспедициясида Тибет, Такламакон чўли, Ҳиндукуш ва Қашқар, кейинчароқ Усмон султонлигида саёҳатда бўлиб қайтган. Фозилбек рус-тузем мактабида ва ўзи Ўшда асос солган “янги усул” мусулмон мактабида дарс берган.

Унинг илмий хиссаси 1808 йилги воқеалар билан тугаган **Мирза Санг Муҳаммад Бадахшийнинг “Тарихи Бадахшон”** (“*Бадахшон тарихи*”) асарини XX аср бошигача бўлган воқеаларни қўшиб давом эттириб ёзи-

шидан иборатдир. Машхур бошқирд шаркшуноси *Аҳмад Заки Валидий Тўгон* (1890 — 1970) ўзининг 1913 йилдаги илмий экспедицияси даврида Ўш шаҳридаги Фозилбек хонадонидан бўлиб, “*Тарихи Шоҳруҳи*” ва бошқа нодир шарқ кўлёмаларининг унда сақланаётганини кўрган. Фозилбек фукаролар уруши пайтида босмачилик ҳаракати вакиллари томонидан ўлдирилган. Мирза Фозилбекнинг мероси қирғиз халқининг маданий хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Европалик олим-сайёҳлар билан баракали ишлаб кейинчароқ ҳам илмий соҳага ўз ҳиссасини қўшган қирғиз сайёҳи ва табиатшуноси — *Садирбек Абдибек ўғли* (1871 — 1950) Исик кўлнинг Торуайғир бўлисидан чиккан. Мажор Дьердь Алмаши (1900), Г. Мерцбахер, Д. Принц, С. И. Абрамов, В. Н. Шнитников ва бошқалар раҳбарлик қилган табиатшунослик экспедицияларига таржимон, йўлбошловчи ҳамда эксперт сифатида қатнашган. Москва, Петербург, Дрезден, Гамбург, Лондон шаҳарларидаги музейларга унинг ҳайвонот бўйича коллекциялари юборилган.

Қирғиз *муסיқа* санъатини мустамлакачилик даврида ривожлантиришда устозлардан *Куронкой Белек ўғли* (1826 — 1907), *Ниёзали Борош ўғли* (1856 — 1944), *Муротаали Куронкой ўғли* (1860 — 1949), *Қорамолда Ўроз ўғли* (1883 — 1960), *Бурулча Осмонбек қизи* (1863 — 1916), *Тойхожа Бучук ўғли* (1840 — 1912), оқин ва муסיқачи *Боогачи Жақипбек ўғли* (1866 — 1935), *Ибрай Туман ўғли* (1885 — 1967) каби турли муסיкий жанрлар бўйича санъат усталарининг хизматлари катта бўлган. Уларнинг мероси ҳозирги қирғиз санъати учун қадимги анъаналарни сақлаган кўприк вазифасини ўтади.

Умуман, қирғиз халқининг меросий маданияти мустамлакачилик даврида жамиятнинг ижтимоий иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришларига мувофиқ, янги белгиларни ўзида мужассамлаштириш билан бирга, асрлар оша шаклланган миллий хусусиятини сақлаган ҳамда бойитган.



### Савол ва топшириқлар:

1. Манасчилик санъатини кимлар давом эттирган?
2. “Манас” достони европалик илм аҳлига кимлар томонидан маълум этилган?
3. Қайси тўкма оқинларни биласиз?
4. Ёзма оқинларнинг мероси қайси инсонлар билан боғлиқ?
5. Маърифатчи олимлар кимлар?
6. Қирғиз муסיқа санъатининг мустамлакачилик давридаги усталарини биласизми?

Россиянинг мустамлакаси остида қолган Қирғизистон халқи XIX аср охири-XX аср бошида маданиятда туб бурилишни бошдан кечирди. Марказий Осиё ва Шарқий Европа цивилизациялари Олатоғ худудида бир-бирига тарихий кўшни бўлиб қолдилар.

*Таълим соҳасида* йирик силжишлар ўқув юрғларининг сифат, тармоқ ва сон жиҳатидан ўсиши билан боғлиқ бўлди. Қирғизлар ва бошқа мусулмон халқлари фарзандларини асосан диний мактаблар ва мадрасаларга ўқишга беришган. 1883 йили Ўш уезида 391 ўқувчиси мавжуд 41 мактаб фаолият кўрсатган бўлса, 1914 йили 3170 ўқувчини камраб олган 229 мактаб (шу жумладан, 33 қизлар мактаби) бор эди. 1913 йил маълумотларида Пишпек уездининг 21 бўлисида 1182 ўғил бола ва 131 қиз бола ўқиган 59 мактаб ишлагани қайд этилган. Қорақўл уезида 2276 ўғил бола ва 42 қиз бола ўқиган 128 мактаб фаолият кўрсатган. Мактабдаги ўқувчилар сони ҳар хил эди. Масалан, Тўкмоқдаги “Иқбол” мактабида 1908 йили 200 қирғиз, 36 татар, 30 ўзбек, 9 дунган, 5 уйғур бола ўқиган. Мактабларда нафақат диний, балки дунёвий фанлар-ҳисоб, жуғрофия, тарих, табиатшунослик ҳам ўқитилган. XX аср бошидан “янги усул” (жадидчилик) мактаблари кўпайиб, ўқувчиларнинг хат-саводи тезроқ чиқа бошлади.

Мусулмон олий ўқув юрти-*мадрасалар* кескин суръатда кўпайган. 1892 йили Жанубий Қирғизистонда 7 мадраса бўлса, 1914 йилда эса Ўш уездининг ўзида 88 мадраса бўлган. Уларда му-

сулмон ҳуқуқшунослиги (фикх), ҳисоб, араб тилининг грамматикаси (наҳву сарф) ва бошқа сабоқлар ўқитилган. Мадраса битирувчилари *муфтий, қози, ўқитувчи (мударрис) ва мактаб муаллими* каби лавозимларга тайинланиши мумкин бўлган.

XX аср бошидаги мактабда тарбия кўрганлар орасида ёзма оқинлар *Исоқ Шайбеков, Абдуҳолиқ Чорабоев, Абулқосим Жутақеев, Қозибек Мамбетимин ўғли, Шамей Тоқтабоев* ва бошқалар бор эди.

Рус ҳукмдорлари бошқа миллатлар учун 1886 йилдан **рус-тузем мактаблари** ташкил эта бошладилар. Уларда исломий фанлардан ташқари рус тили ҳам ўргатилган. Чор ҳукумати ағдарилиши арафасида Олатоғ диёрида 16 рус-тузем мактаблари ишлаб турган. Биринчидан, буруслаштириш сиёсатини кўзлаб ташланган қадам бўлса, иккинчидан, рус адабиёти ва маданиятини ўргатиб, мустамлакачилар илғор рус маънавий кадриятларини маҳаллий халқ онгига сингдириб, пировардида саводхон бўлишга имконият яралган.

Тармоқ (касб-хунар) мактабининг илк қалдирғочи сифатида Пишпек ва Қорқўлда **қишлоқ хўжалик мактаблари** очилган. Уларда қирғиз болалари чорвачиликнинг янги турлари билан бирга рус тили, ҳисоб, тарих, физика, ботаника, зоология фанлари асосларини ўрганишган.

Россиялик келгиндилар учун 1870 йилдан секуляр ва черков **бошланғич ўқув юрғлари** очила бошлаган. 1897



йили Бишкекда дастлабки прогимназия, 1910 йили эса ўғил болалар учун гимназия очилган (1911 йили бу гимназияни *Қожомурат Сарикўлоқ ўғли* кумуш медалга битирган, умуман, рус мактабларида қирғиз болалари оз ўқишган). 1911 йили Қоракўлда ҳам қизлар учун прогимназия очилган. Бишкекдаги қизлар хусусий ўқув юрти 1916 йилда қизлар прогимназиясига айлантирилди, унда ўқиган 190 ўқувчининг 11 нафари қирғиз қизлари эди.

Мустамлакачилик даврида *маданий-маърифий* муассасалар (кутубхона, китоб — рўзнома ўқиш хоналари) ташкил этила бошланди. Қоракўлда 1908 йили очилган мусулмон кироатхонасида татарча ва русча журналлар тўпланган. Тўқмоқда 1912 йили ташкил этилган кутубхонанинг дастлабки китобхоналари орасида 30 га яқин қирғизлар ҳам бўлган. XX аср бошида Бишкекда “Эдисон” номли ягона кинотеатр бор эди.

1870 йилдан Тошкентда чиқа бошлаган “Туркестанские ведомости” (“Туркистон хабарномалари”) номли расмий рўзнома Қирғизистонда ҳам тарқатилган. Қирғизлар татарча, ўзбекча, қозокча рўзнома-журналлар олиб туришган, шарқ мусулмон адабиётларининг орасидан қўлёзма ва 1911 йилдан тошбосмада босилган қирғизча китоблар (Молда Қилич, Э. Арабой ўғли, Осмонали Сидиқ ўғли ва бошқалар ёзган) айниқса севиб мутоалаа қилинган.

**Соғлиқни сақлаш** соҳасида ҳам Европа анъаналари жонланган. XIX асрнинг 70-йилларидан дастлабки тиббий муассасалар (дастлаб-мустамлакачиларнинг ҳарбий лазаретлари, кейинчароқ-оддий фуқаролар учун

фельдшерлик уйлари) очила бошланган. 1900 йилда Ўшда шаҳар касалхонаси очилган. 1913 йили Қирғизистонда 4 шаҳар ҳамда 2 қишлоқ шифохонаси ишлаган. Махсус дорихоналар ҳам очилган.

Қирғиз халқининг саломатлиги масаласи иккинчи даражадаги иш бўлишига қарамай, В. М. Фрунзе ва Ф. В. Поярков каби илғор фикрловчи шифокорлар, қирғизларни чечак ва ич терлама касалликларига қарши эмлагина қолмай, уларнинг Тоғалоқ Молда, Молдағози Берикбой ўғли каби вакилларига ҳам эмлаш усулларини ўргатишган.

**Чорвачиликда** ҳам келгинди халқлар анчагина ижобий янгиликларни жорий қилишди. Агар ич қирғизлар илгаридан ўтроқ ҳолда ҳаёт кечирсалар, ярим кўчманчи шимолий қирғизистонлик қабилалар вакиллари **ўтроқлашуви** мустамлакачилик даврида тезлашган. Ўтроқлашган қирғизлар дехқончиликнинг янги усулларини, боғдорчилик ҳамда асаларичилиқни ўрганиб, европаликларнинг хунармандчилик, турли ишхоналар очиш, тегирмон, йирик кўприклар, арава йўллари қуриш усулларини ўзлаштиришган. Келгиндилар эса қирғиз халқидан Олатоғ табиатини ўзлаштирган тажрибасини ҳамда йилнинг турли фаслларида хўжалик юритиш усулларини ўрганишган. Шарқ (уйғур, дунган)дан ва ғарб (рус, немис, Итил-Урал мусулмонлари)дан келган келгиндилар билан маҳаллий қирғизларнинг хўжалик, савдо ва маънавий алоқалари, уларнинг кийим-кечаги, озиқ-овқати, расм-русумлари ва бошқа жиҳатларига икки томонлама таъсир этган.

Масалан, **кийим-кечакдаги** ўзгаришлар Россиянинг ичкарасидан кўп-лаб келтирила бошлаган ҳар хил газламалар билан ҳам боғлиқдир. Қирғиз зодагонлари анъанавий кийимларини (бош кийимидан этигигача) европача кийим намуналари билан алмаштира бошлаган.

**Озиқ-овқат** бўйича ўтроклашган ва деҳқончилик ҳамда боғдорчилик билан шуғулланган қирғиз гуруҳларидан фаркли ўлароқ, кўчманчи қирғизлар ўз овқатланиш меъёрини йилнинг турли фаслларидаги чорвачилик маҳсулотларига мос равишда ўзгартиб туришган. Этнограф С. М. Абрамзоннинг маълумотига кўра, мустамлакачилик даврида сут ва гўшт аста-секин иккинчи даражага тушиб, ғалла ўсимликларининг озиқ-овқат маҳсулотларидаги ҳажми ортган. Албатта, нуфузли, бой-бадавлат хонадонларнинг таомлари турли-туманлиги билан ажралиб турган, уларнинг дастурхонларини Қашқар, Андижон ва Россиядан келтирилган майиз, қуритилган ўрик, хурмо, рус чакмоқ қанди ва бошқа мева-чевалар тўлдириб турарди. Камбағаллар дастурхони эса бунинг бутунлай акси бўлиб, шу сабабли очарчилик пайтида уларнинг кўпчилиги кирилиб кетган.

Халқ афсоналарининг бирида атоқли *Жонтой Қорабек ўғли* (1794—1868) хотинликка Сонгқўлдаги кўчманчи қирғизлар ичидан *Одил қизи Оқмоор* сулуви олиб келганда, йигити Болотни кўмсаган Оқмоор ҳеч нарса емай-ичмай, никоҳга рози бўлмаётганлиги айтилади. Бўғилиб ўлайин, деб белига қайишни маҳкам боғлаб олган Оқмоор Омбу (Омск) дан келтирилган оқ қандни

мулла чойга солса, унинг эриётганини кўриб лол қолади. “Чанқадим”, — деб у айтганда, мулла унга чой узатади. Оқин *Абдурашул Тўқтамушев* “Оқмоор” достонида:

“Ўлтирганда Моорхон муздак чой ичиб,

Мулла кулди ич-ичидан суюниб ...

Бу нимаси, ширин экан, муллака?

Жавоб берди, караб туриб юзига.

— Ичиб кўйдинг, хонга никоҳ буюрди!

... Бир чакмоқ қанд етди Моорнинг тубига”,

— деб ёзганидек, илгари қандни кўрмаган содда қиз ҳақиқатан никоҳ суви шундай ширин бўлар экан, деб тушуниб, манапнинг ўша кунги дастурхонига алданиб қолган.

**Транспорт** соҳасида ҳам мустамлакачилик даврида йирик ўзгаришлар бўлган. Жанублик қирғизлар азалдан икки ғилдиракли Фарғона (Кўкон) араларидан фойдаланишган. Шимоллик ва помирлик қирғизлар эса от, туя, хўкиз ва қўтосга юк ортиб кўчиб юришган. Ўриб қуритилган пичанни *чанага* юклаб от билан тортишган. XIX аср охири — XX аср бошида тўрт ғилдиракли ўрисаравалар қўлланила бошлаган. Олис манзилларга шу арваларнинг боришини таъминлаш мақсадида тош йўллар қурилиб, жойларга махсус кўприклар солинган. Шимолий Қирғизистоннинг Норин каби водийларида рус маъмурлари томонидан ҳарбий мақсадларда мустаҳкам кўприклар қурилган. Кўприги йўқ ўзанларда махсус табиий ёйиқ ерлар кечув сифатида фойдаланилган.

**Савдони ташкил этиш** бўйича ҳам қатор янгиликлар жорий этилган. Илгари бошқа юртлар қарвонлари овулма-овул айланиб юрса ёки Андижон, Қашқаргача мол ҳайдаб кетса, мустабидлар замонида эса ўтроқлашган келгинди халқлар яшаган қишлоқларда бозорлар очилиб, улар ўзига хос савдо марказларига айланган. Масалан, Чолдевор, Қораболта, Бишкек, Александровка, Тўқмоқ, Қорақўл, Норин каби йирик қишлоқ ва шаҳарларда бозорлар ва дўконлар, ҳатто айрим шаҳарларда ярмаркалар ҳам очилган. XX аср бошида пул қарз бериш муассасалари, банк, шерикчилик савдосига асос солинган. Буларнинг ҳаммаси қирғиз халқининг моддий маданиятининг ривожланишига келгиндилар билан этник-маданий ва хўжалик алоқаларининг янги босқичга кўтарилишига таъсир кўрсатган.

Қирғизистон **жамияти, табиати, кон бойликларини ҳар томонлама ўрганиш** иши ҳам XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошида янги босқичга кўтарилган. Бу йиллар ҳақиқатан ҳам илмий кашфиётлар даври бўлди. Қирғизистонни ўз сиёсий доирасига тортишга интилган Россия билан Буюк Британиянинг рақобати ҳам, бу ҳудудни ўрганишга рус ҳукумати томонидан молиялаштиришни кучайтириш учун асос яратган.

Кўплаб Россия илмий муассасалари (Фанлар академияси, дорилфунунлар, император жуғрофия жамияти кабилар) вакиллари — этнограф ва тарихчилар, жуғрофлар ва тоғ муҳандислари, ботаниклар ва зоологлар, тиббиёт ходимлари ва ветеринарлар ҳамда шу каби мутахассислар Россия ҳарбий маҳкамаларининг молиялаштириши

ҳисобига илмий сафарларни амалга оширишга ҳаракат қилишган. Улар тўплаган коллекция ва маълумотлар ҳарбий-қидирув манфаатларигагина эмас, балки энциклопедик йирик натижалар берганлиги билан ҳам ажралиб турган.

Ҳарбий кўшинларга хизматга кириб, ҳам таржимонлик, ҳам айғоқчилик қилиб, ҳам фанга муносиб ҳисса қўша олган Марказий Осиёни ўрганувчи **Чўқон Чингиз ўгли Валихонов** бўлган. Унинг маълумотлари Қирғизистоннинг жуғрофияси, табиатшунослиги, этнографияси, халқ оғзаки ижоди, қирғиз халқи тарихи, дostonчилиги ҳамда тилини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Рус қўшини таркибида топограф, картограф ва бошқа мутахассислар ҳам илмий изланишлар олиб боришган. Улар орасида топограф Анемподист Артемьевич Варакин (1820 — 1878) ҳам бўлиб, у 1855 — 1860 йиллари Марказий Тангритоғни ўрганиб, харитасини чизган.

**Пётр Петрович Семёнов-Тяньшанский** (1827 — 1914) Тангритоғ, хусусан, Иссыкқўл водийсига илмий сафар уюштириб, у ерларнинг орфографик схемасини тузган (1856 — 1857). У Риттер, Гумбольдт каби олимларнинг Иссыкқўлдан дарё оқиб чиқади, деган хато фикрини тўғрилаб, аниқ маълумотлар берган. Дастлаб Сарижаз, сўнг Хон-Тангри чўққисини забт этган (қирғизлар бу чўққини “Хонтоғ” деб аташган). Унинг илмий хулосалари Тангритоғ тизимини ўрганишдаги энг йирик кашфиётлардан бўлган. У “Тангритоғ вулқонлардан яралган” деган Гумбольдтнинг тахминини инкор қилган. Кейинчарок ҳам у бир неча бор

Россия жугрофий жамият номидан илмий экспедициялар уюштириш ташаббускори бўлган. 1982 йили Балиқчи шаҳри ёнида бу илғор олимга ҳайкал ўрнатилган.

Марказий Осиёни 1870 — 1885 йиллари тўрт марта кезиб чиққан географ **Николай Михайлович Пржевальский** (1839 — 1888) бешинчи марта саёҳатга отланаётганда ич терлама кассалигидан вафот этган ва Қорақўл шаҳри ёнида дафн этилган. Ижтимоий-сиёсий дунёкараши бўйича мустамлакачи бўлиб, генерал-майор унвони (1886)га эришган бу сайёҳ-олим бошқа худудларни комплекс ўрганишга ҳам катта ҳисса қўшган. Қорақул шаҳри 1889—1920, 1939 — 1991 йилларда Пржевальск номи билан аталган. Мушкетов, А. М. Фетисов, Ф. В. Поляков ва бошқалар, келиб чиқиши чех, ўзи британиялик Ф. Столичка, немислар М. Фридрихсен, Г. Мерцбахер, мажорлар Д. Алмаши, К. Уйфальви, Д. Принц, австриялик В. Махачек, француз Г. Капю, америкалик В. М. Девис, Э. Хантштон ва бошқа сайёҳлар Қирғизистонни илмий жиҳатдан ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Мустамлакачилик даврида **киргиз тарихини ўрганишда** Николай Александрович Аристов (1847 йили туғилган, вафот этган йили номаълум), Николай Иванович Гродеков (1843 — 1910), Николай Михайлович Ядринцев (1842 — 1894), Дмитрий Александрович Клеменц (1848 — 1914), **Василий Владимирович Бартольд** (1869 — 1930), Сергей Ефимович Малов (1880 — 1937), козоқлар Ч. Валихонов,

Шокарим Худойберди ўғли (1858 — 1931), бошқирлар Аҳмад Зоки Валидий Тўғон ва Абубакир Диваев (1856 — 1933), татар Ҳоди Атласий (1876 — 1938), немислар Вильгельм Шотт (1802 — 1880), Фридрих Вильгельм Радлофф (В. В. Радлов; 1842—1927), мажор Арминий Вамбери (1832 — 1913) ва бошқалар олиб борган изланишларнинг самараси бекиёс бўлган.

**Ижтимоий-сиёсий фикр.** Мустамлакачилик даврида Россия ва европалик мутафаккирларнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий ғоялари қирғизистонликлар орасида ҳам кенг ёйила бошлаган. Ижтимоий табақаланишнинг янги босқичида келгиндилар орасида социал-демократик ҳамда либерал-демократик йўналишларидаги сиёсий тушунчалар қулоч ёйган. Уларга конституцион монархия тузумини ёқловчилар қарши турган. Турли сиёсий партиялар вакиллари, айниқса, XX аср бошида Қирғизистоннинг турли худудларида ижтимоий фикрни ўзига қаратишга ҳаракат қилишган.

Маҳаллий қирғиз халқи ва бошқа мусулмонлар, биринчидан, консерватив ислом доирасининг, иккинчидан, Европа маданияти таъсиридаги ислохотчиларнинг “*жадидчилик*” (“янгилиниш”) ҳаракати вакиллари-нинг таъсири остида бўлишган. Жадидчилар орасидан кейинчароқ демократик ва либерал кайфиятдаги сиёсий ташкилотларнинг асосчилари етишиб чиққан. Масалан, 1917 йил баҳор-ёзида “Алаш” партиясининг Бишкек бўлими ва “Буқара” (“Фуқаро”) иттифоқини

<sup>1</sup> Орография — тоғларни, ер устки қисмининг раскини гизиш.

ташкилотчилари қирғиз ва бошқа му- сулмон халқларининг демократик кай- фиятдаги зиёлилари вакилларида иборат бўлган. Илғор қирғиз зиёлилари ва мутафаккирлари XX аср бошидан 1917 йил охиригача бўлган даврда марксист-большевистик мафкурага нисбатан либерал-демократик партиялар мафку- расини, кўп партияли тизимни ёқлаб, аҳолини илм-фанни ривожлантиришга, цивилизациядан ортда қолмасликка, ижтимоий адолат учун ташаббускор бўлишга даъват этган. Улар орасида мафкуравий ажралиш, айниқса, би- ринчи жаҳон уруши даврида кучайган. Аҳоли ўртасида демократик кайфият- даги қирғиз оқинларининг обрў-эъти- бори юқори бўлган.

**Хулоса.** Қирғизистоннинг Россия таркибига кирган даври қирғиз мил- лати ва умуман Қирғизистоннинг кўп миллатли аҳолисини ташкил этган бошқа халқлар вакиллари маданияти- нинг янада ривожланиши палласи бўл- ди. Қирғизистонда европача усулдаги

шаҳар маданиятининг илк пойдевори қад ростлади. Чорвачиликни экстенсив усулдан интенсив йўлга ўтказиш учун дастлабки лойиҳалар амалга оширил- ди. Мустамлакачилик ҳокимиятининг қатор шовинистик ҳамда реакцион сиё- сий дунёқарашларини ҳаспўшлашига қарамасдан, Қирғизистон халқларининг маданий ва маънавий яқинлашуви ку- чайган. Европа маданиятининг илғор ютуқлари билан яқиндан таниш бўл- ган итил-ураллик (татар, бошқирд) му- сулмонларнинг ислоҳотчи вакиллари ҳеч қандай сиёсий чегараларсиз Ўрта Осиёга келиб, қирғиз маданиятининг янгилашиши, миллий ёзувининг янги босқичга кўтарилиши, демократик ғояларнинг мусулмонлар орасида кенг ёйилишида катта таъсир кўрсатган.

*Мустамлакачилик давридаги Қир- гизистон маданияти XX асрда қирғиз халқи маданий ривожланишининг қатор янги йўналишларини аниқлаб берган.*

?

### Савол ва топшириқлар:

1. Таълим соҳасида қандай янгиликлар рўй берган? Мактабларнинг қандай турлари бўлган?
2. Кутубхоначилик, матбуот, ноширлик соҳасида қандай ўзгаришлар бўлган?
3. Қандай янги тиббий муассасалар пайдо бўлди? Қўқон хонлиги даврида маҳсус касалхоналар бўлганми?
4. Хўжалик тармоқларидаги янги хусусиятларни санаб беринг.
5. Оқмоор дастлаб қанди қачон истеъмол қилганлиги тўғрисида ривоятга ўхшаш бошқа қандай афсоналар биласиз?
6. Қирғизларнинг транспорти, йўллари, савдо - сотиғи қандай ўзгаришларга дуч келди?
7. Қирғизистонни ўрганган олимлар кимлар эди?
8. Халқнинг ижтимоий - сиёсий фикри қандай мафкуравий йўналишларга бўлинган?

Хурматли ўқувчилар! Ҳозир Она Ватанимиз мисли кўрилмаган янгиланиш даврини бошдан кечирябди. Бу даврни қиёсий маънода “**постсовет ренессанси**” “**уйғониш**” даври сифатида ҳам баҳолашмоқда. Хусусан, бу жиддий баҳони амалга ошириб, рўёбга чиқарадиган авлод ҳам айнан сизлардирсиз. Шу боисдан замон талабига ҳозир жавоб бўлиб, ҳар томонлама баркамол инсон сифатида мақсад сари интилишингиз керак. Сизларнинг маънавий дунёингиз қанчалар бой бўлса, шунчалар ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўта оласизлар.

Она Ватан ўтмишини дунё тарихи билан боғлаб ўрганиш орқали худди ўша маънавий хазинангиз бойишига шак-шубҳа қолмайди, зеро дунё цивилизациясининг ҳозирги даражага эришишида жаҳондаги барча халқлар, хусусан қирғизистонликлар ҳам муносиб хиссасини қўшганлар.

Муаллиф домларингиз тайёрлаган мазкур уч китоб энг қадимги даврдан XX аср бошигача Қирғизистон ва қирғиз халқининг тарихи (қўлингиздаги учинчи, XIX аср — XX аср боши)ни ўрганишга мўлжалланган. 6—8-синф ўқувчилари учун Она Ватан тарихи сабоқларининг асосий мақсадлари-энг қадимги даврдаги инсоннинг ижтимоий ривожланиш босқичларини Марказий Осиё, хусусан, Қирғизистондаги ўзига хосликлари ва умумийликларини ўрганиш, дастлабки кўчманчи ва ўтроқлашган цивилизацияларнинг Марказий Осиёдаги ўчоқлари ҳамда уларни яратган тарихий қўшни халқларни тадқиқ этишга ёрдамлашишдир. Шунингдек, ушбу дарсликлар қирғиз халқи этник тарихи асосий босқичларини таҳлил этиш, қирғизлар билан қўшилишган ёки тарихий - маданий алоқалари орқали улар билан ўзаро таъсирдош бўлган халқларни аниқлаш, қирғизлар ва Қирғизистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги ривожланиш тарихини қать-

иятли, хронологик тартибда ёритиш, тарихий жараёнга турли инсонларнинг қўшган хиссаларини баҳолашга ўргатиш ва бошқа масалаларни ўз ичига олади.

Умидвормизки, қўлингиздаги бу дарслик сизларнинг Она Ватан тарихига қизиқшингизни ортириб, билимингизни мустақил чуқурлаштиришга туртки беради. Тарих бир кунда яралмаганидек, уни ўрганиш ҳам узоқ муддатли тиришқоқлик билан тадқиқ этишни талаб қилади.

*XX аср боши Қирғизистоннинг кўп миллатли аҳолиси-Қирғизистон халқи тақдиридаги энг йирик бурилишларнинг илгор даври бўлди. Бундай чуқур ўзгаришлар бошқа давлатларда яшаётган қирғиз гуруҳларига ва умуман ҳозирги даврда бутун инсониятга тааллуқли бўлса-да, Қирғизистон учун XX аср ижтимоий ривожланишда катта сакраш даври бўлди, десак янглишмаймиз.*

1991 йили 31-августда Қирғизистон давлатининг мустақил давлат деб эълон қилиниши, ўша йилнинг охирида СССР каби йирик давлатнинг тинч йўл билан бутунлай парчаланиши, ундан кейинги демократик қайфиятдаги ислохотлар бежиз пайдо бўлгани йўқ, албатта. Совет даврида бу ўзгаришлар учун пойдевор қурилганлиги эндиликда ошқор бўлмоқда. Совет даврининг ўзини, собиқ тарихий жараёнлар ролини ҳаспўшлашга қанчалар ҳаракатлар қилинмасин, барибир буларнинг ҳаммаси XX аср бошидаги цивилизациянинг маҳсулидир.

Демак, бугунги вазиятимизни англаб-тушунишимиз учун азалий тарихимизни салмоқлаб ўрганишимиз зарур-Дунё тарихи, хусусан, халқимиз, ўлкамиз ва қардошларимиз тарихини астойдил, кунт билан ўрганишингизни истар эдик. Ўшандагина сизларнинг авлодингиз ота-боболаримиз аъёнларини муносиб давом эттира оладилар.

## ХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ

**1762 — 1821 йиллар** — Жанубий Қирғизистоннинг Қўқон хонлиги томонидан бўйсундирилиши.

**1762 йил** — Ўш ва Ўзган шаҳарларига Эрдонабийнинг ҳужуми.

**1764 йил** — Қўқон хонлигига Ажибий йўлбошчилик қилган қирғизларнинг ҳужуми.

**1814, 1824 йиллар** — Исиккўллик қирғизларнинг Россияга элчилик ташрифи юзасидан Семейга келиши.

**1814 — 1816 йиллар** — Шаркий Туркистондаги Зиёиддин бошчилигидаги кўзғолонга қирғизларнинг қатнашиши.

**1820 йил** — Суранчи бурут (қирғиз)нинг кўзғолони.

**1820 — 1828 йиллар** — Шаркий Туркистондаги Жаҳонгирхўжа ҳаракатига қирғизларнинг қатнашиши.

**1821 йил** — Қўқонлик аскарларнинг Кетмонтепага ҳужуми.

**1825 йил** — Чуй водийсига кўқонликларнинг дастлабки ҳужуми. Бишкек қалъасининг бунёд этилиши.

**1831 йил** — Исиккўл, Марказий Тангритоғ (Норин)га кўқонликларнинг юриши.

**1832 йил** — Куртқа, Қорақўл ва бошқа қалъаларга асос солиниши.

**XIX аср 30-йиллари** — Атантай, Тойлоқ ботирнинг Қўқон ҳокимиятига қарши кураши.

**1842 йил** — Шералихоннинг хон қилиб кўтарилиши.

**1842 — 1843 йиллар** — Исиккўллик қирғизларнинг Қўқон ҳокимиятига қарши кўзғолони.

**1843 йил (1830/31)** — Ормоннинг хон қилиб кўтарилиши.

**1845 йил** — Олай ва Ўш худудидаги қирғизларнинг Қўқон ҳокимиятига қарши кўзғолони.

**1845 йил** — Худоёрнинг хон қилиб кўтарилиши.

**1845 — 1847 йиллар** — Кенехон (Кенесари Қосимов) ҳужуми.

**1847 йил баҳори** — Мойтепа-Текелик сенгири ва Миқондаги жанглар.

**1848 йил** — Чуй водийсига Қўқон хони аскарларининг янги юриши.

**1855 йил** — Буғу қабиласининг Россия тасарруфига ўтиши.

**1857 йил** — Қозоқ ва қирғизларнинг Қўқон хонлигига қарши биргаликдаги ҳаракати.

**1858 — 1862 йиллар** — Маллахоннинг ҳукмронлик қилиши. Алимбек додхоннинг вазирлиги.

**1859 — 1860 йиллар** — Чуй, Кемин ва Иссиқкўлга рус аскарларининг юришлари.

**1860 йил** — Тўқмоқ ва Бишкек қалъаларининг рус аскарлари томонидан эгалланиши.

**1862 йил** — Бойтиқ ботирнинг қўқонликларга қарши кураши.

**1862 — 1877 йиллар** — Цинь маъмурларига қарши Шаркий Туркистон халқларининг озодлик ҳаракати.

**1863 йил** — Қурвонжонга додхон унвонининг берилиши.

**1863 йил** — Марказий Тангритоққа рус аскарларининг юриши.

**1864 йил**, — Баҳори-Генерал М. Г. Черняев ҳужумларининг бошланиши.

**1865 йил** — Туркистон вилоятининг ташкил этилиши бошлаб. Туркистон генерал-губернаторлигига айланган.

**1866 йил** — Сарт-қалмоқларнинг Еттисувга кўчиб келиши.

**1867 — 1868 йиллар** — Шимоллий Қирғизистоннинг Россияга тўла бўйсундирилишининг якунланиши.

**XIX аср 60-йиллари** — Рус ва украин деҳқонларининг Қирғизистонга кўчиб кела бошлаши.

**1868 йил, январь** — Қўқон хонлигини Россияга вассал тобелиги тўғрисида шартнома.

**1873 — 1876 йиллар** — Қўқон кўзғолони.

**1876 йил, 19-февраль** — Қўқон хонлигининг тугатилиши, Фарғона вилоятининг ташкил этилиши.

**1876 йил баҳори** — Жанғириқ сайхонлигида олайлик Абдуллабек кўшини билан М. Д. Скобелев аскарларининг жанги.

**1876 йил, июль — август** — Чор аскарларининг Олай юриши.

**1877 — 1884 йиллар** — Дунганлар билан уйғурларнинг Еттисув ва Ўш худудига кўчиб келиши.

**1898 йил, май** — Андижон кўзғолони.



## Синфдан ташкари ўқиш учун қўшимча адабиётлар

1. *Айтмамбетов Д.* Культура киргизского народа во второй половине XIX в. – начале XX в. – Ф., 1967.
2. *Анвар Байтур.* Кыргыз тарыхынын лекциялары: 2-китеп. – Б., 1992.
3. *Аттокуров С.* Тайлак баатыр. – Б., 1944.
4. *Аттокуров С.* Кыргыз санжырасы. – Б., 1995.
5. *Аттокуров С.* Кыргыз этнографиясынын тарыхнаамасы. – Б., 1996.
6. *Газиев А.* Курманжан датка – некоронованная царица Алая. – Ф., 1991.
7. *Газиев Аман.* Пулат-хан. Историческая повесть. – Б., 1995.
8. *Галицкий В.Я.* История города Пишпека. 1878-1917. – Б., 1980.
9. *Галицкий В., Плоских В.М.* Старинный Ош. Очерк истории. – Ф., 1987.
10. *Джамгерчинов Б.* Очерк политической истории Киргизии XIX в. (первая половина). – Ф., 1966.
11. *Джамгерчинов Б.* Присоединение Киргизии к России. –М., 1959.
12. *Жусуев С.* Курманжан датка. – Б., 1994.
13. *Закиров С.* Кыргыз санжырасы. – Б., 1996.
14. История Киргизской ССР. Т.1. – Ф., 1984, т.2. – Ф., 1986.
15. *Касымбеков Т.* Сынган кылыч. – Ф., 1973.
16. *Касымбеков Т.* Келкел: Тарыхый роман. – Ф., 1986.
17. Кыргыздар: санжыра, тарых, мурас, салт / Түзүүчү К.Жусупов. 1-2-китептер, -Б., 1991, 3-том, – Б., 1995.
18. Кыргыз ССР тарыхы. Т.1. – Ф., 1973.
19. Кыргызы и Кыргызстан: опыт нового исторического осмысления. – Б., 1994.
20. *Медетбеков Э.* Кызыл жалын. – Ф.,
21. *Молдо Кылыч* (Шамырканов М.) Казалдар /түзүүчү О.Сооронов/. – Ф., 1991.
22. *Молдо Нияз.* Санат дигарастар. – Б., 1993.
23. Мурас: Калыгул, Арстанбек, Молдо Кылыч, Алдаш Молдо, Жеңижок, Токтогул жана башкалар. /Түзгөн: М.К.Абдылдаев/. –Ф., 1990.
24. *Осмоналиев К.* Көчмөндөр кагылышы. – Б., 1993.
25. *Осмоналиев К.* Ыйык жер.
26. *Плоских В.М.* Киргизы и Кокандское ханство. – Ф., 1978.
27. *Сапарбаев К.* Азалуу жылдыздар. /Жаныл Мырза/. Поэма. – Б., 1993.
28. *Солтоноев Б.* Кызыл кыргыз тарыхы: Тарыхый очерктер. 1,2-китептер. – Б., 1993.
29. *Сыдыков О.* Тарих кыргыз Шадмания санжырасы. – Ф., 1990.
30. *Токтогул.* Чыгармаларынын эки томдук жыйнагы. – Ф., 1989.
31. *Токтоналиев Ж.* Хан Ормон. I бөлүк. – Б., 2000.
32. *Токтоналиев Ж.* Хан Ормон. II бөлүк. – Б., 2001.
33. *Усенбаев К.У.* Восстание 1916 г. в Киргизии. – Ф., 1967.
34. *Усенбаев К.У.* Общественно-экономические отношения киргизов / вторая половина XIX – нач. XX вв./ - Ф., 1980.
35. *Усенбаев К.У.* Ормон хан. – Б., 2000.
36. *Урстанбеков Б., Чороев Т.* Кыргыз тарыхы: Кыскача энциклопедиялык сөздүк. Мектеп окуучулары үчүн. – Ф., 1990.
37. *Хасанов А.Х.* Взаимоотношения киргизов с Кокандским ханством и Россией в 50-70-х гг.XIX в. – Ф., 1961.
38. *Хасанов А.Х.* Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. – М., 1977.
39. *Чоробаев А.* Тайлак баатыр. – Ф., 1959.
40. Шабдан Баатыр. – Б., 1992.
41. 1916-жылкы Кыргызстандагы көтөрүлүш. Л.В.Лесная жыйнаган. Документтер жана материалдар. Эскертүүлөр. (Которгон Т.Абдылдабеков, Түз. П.Ш.Казыбаев). – Б., 1996.

Окуу басылмасы

Өмүрбеков Токторбек Наматбекович  
Чоротегин Тынчтыкбек Кадырмамбетович

КЫРГЫЗСТАН ТАРЫХЫ (XIX )  
Орто мектептин 8-классы үчүн окуу китеби

Экинчи басылышы  
Өзбек тилинде

Ўқув наشري  
Омурбеков Токторбек Наматбекович  
Чоротегин Тынчтыкбек Кадырмамбетович

ҚИРҒИЗИСТОН ТАРИХИ  
(XIX аср )  
Ўрта умутаълим мактабининг 8-синфи учун дарслик

Ўзбек тилида

Ўзбек тилига т.ф.н., номзоди Р. Акбаров таржима қилган  
Мухаррирлар: М. Т. Мамасаидов, О. Х. Худайбердиев

Бадий мухаррир: Ю. Ким  
Тех.мухаррир: Ю. Балингер  
Компьютерда терувчи : Е. Лапшин  
Саҳифаловчилар: З. Хашимова, Р. Мукамбетова  
Мусаҳҳихлар: З. Мадрахимова, А. Джураев

Теришга 28.11.09 рухсат берилди  
Босишга 27.12.09 имзо чекилди  
Қоғоз формати 70x90<sup>1/16</sup>. 11,0 Шаргли босма тобоғи  
Буюртма № К 0906022 адади 15000 нусха

Наشريёт уйи «Азур»  
720020 Бишкек ш., Огонбаев кўчаси, 222

«Continent Print» МЧЖ босилди  
720054 Бишкек ш., Интергельпо кўчаси, 1  
тел.: (0312) 65 55 56  
e-mail: postmaster@continent.kg



